

# ШАРҚ ЮЛДУЗИ

Адабиёт журнали

1931 йилдан чиқа бошлаган

## ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Абдулла Орипов – кенгаш раиси

Бобур Алимов

Эркин Воҳидов

Толибжон Мадумаров

Тўра Мирзаев

Ғафуржон Муҳаммедов

Хўжақул Муҳаммадиев

Минҳожиддин Мирзо

Хайриддин Султонов

Шарап Уснатдинов

Ғайрат Шоумаров

Рустам Қосимов

Охунжон Ҳақимов

Хол Муҳаммад Ҳасан

**Бош муҳаррир**

**Бош муҳаррир ўринбосари**

**Наср бўлими мудир**

**Ижрочи директор**

–

–

–

–

***Сирожиддин Саййид***

***Икром Отамурод***

***Асад Дилмурод***

***Бахтиёр Карим***



# МУНДАРИЖА

Миллат ва маънавият Абдуғафур Расулов	Адабиёт — маънавият сарчашмаси.....	3
Наср Муҳаммад Али	Улуғ салтанат Роман.....	10
Шеърят Қамбар Ота	Эзгуликка қўйгин эътиқод Шеърлар.....	86
Йиллар, воқеалар, тақдирлар Одил Ёқубов	Йиллар шуъласи.....	90
Шеърят Муҳаммад Раҳмон	Абадий нидо Драматик достон.....	99
Қутлов Отаули	Ижодий тажриба мактаби.....	122
Нуқтаи назар Шухрат Ризаев	Озод Шарафиддиновнинг бадий-эстетик олами.....	126
Бир дарахт новдалари Александр Файнберг	Юрагимдан бир нидо учди Шеърлар.....	140
Наср Улуғбек Ҳамдам	Яхши одамлар Ҳикоя.....	144
Ёднома Наримон Ҳотамов	Хайрихоҳлик эди борлиғи.....	162
Булок кўз очди Маърифат Темирова	Мен кутган орзулар Шеърлар.....	167
Адабиётшунослик Охунжон Сафаров	«То тонггача сўйласам эртак».....	169
Нўмон Раҳимжонов	Олов билан олов қўшилса.....	177
Дилрабо Қувватова	Достончиликдаги услубий изланишлар.....	183
Санъат Назиржон Назаров	«Муродим шу, эди.....	88
Гулқайчи Муҳаммад Ҳаким	Ҳажвиялар.....	190

# ШАРҚ ЮЛДУЗИ

2009  
4-сон

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

\* Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин.  
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

\* Обунага монъелик кўрсатилса  
Тошкент — 100000,  
Амир Темур тор кўчаси, 2. Республика «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясига мурожаат қилинсин.

Манзилимиз:  
100127, Тошкент шаҳри.  
Ўзбекистон кўчаси, 16-а уй.  
Телефонлар:  
227-08-25, 244-57-65.

Босишга рухсат этилди  
..11.2009 йил.  
Қоғоз бичими 70x108<sup>1/16</sup>.  
Офсет босма усулида тип.  
№ 1-қоғозга босилди.  
Босма тобоғи 12.  
Шартли босма тобоғи 16,8.  
Наشريёт ҳисоб тобоғи 18,4.  
Адалди 1000 нусха.  
Буюртма № 530

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0562—рақам билан рўйхатга олинган.

Ғафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида тайёрланди  
«Yangiyo'l poligraph service» МСНУ босмаҳонасида чоп этилди.

Техник муҳаррир :  
Абдурауф Эшимқулов

Саҳифаловчи:  
Зилола Маннопова

Қорхона манзили:  
Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 44.



Абдуғафур Расулов,  
профессор

## АДАБИЁТ – МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ

Беш қўл баробар бўлмаганидай, ҳар бир одам ҳам ўзига хос “тирик сайёра”. Миллуддан олги асрлар муқалдам қадим Юнонистоннинг Фригия деган жойида Эзон деган зот яшаб ўтган. Ҳақ таоло унинг қалбига бир олам гўзаллик туйғусини, миясига тез, беҳато ишлайдиган ақлни жо этди-ю, сохти-сумбатини беўхшов, толеини нигун қилиб қўя қолди. Гўзал қалб, теран ақл, самовий инъом бирикувидан юксак истеъдод соҳиби пайдо бўлди. Ўша, хуниқкина Эзон – Иадмон бойнинг қули гаройиб топқирликлари, ўлмас масаллари билан “Эзон тили” номли мангу эътироф соҳиби бўлди. Унинг асарлари, топқирликлари асосида ҳақиқатнарастлик ёмбидай ёниб турарди. Чин сўздан ўзгани демаслик – истеъдоднинг ёрлиғи. Истеъдод ҳам шараф, ҳам алам-ситамлар водийсидан ўтиш азоби. Имомиддин Насимий, Бобораҳим Манраб, Фурқат, Чўлпон, Мусо Жалил сингарилар эътиқоду истеъдодлари туфайли азоб-уқубат кўрдилар, ноҳақлик қурбони бўлдилар. Қотил мустабиллар ўғди-кетди, истеъдодлар номи, шарафи асарларида яшаяпти. Донишманд амиру подшоҳлардан Амир Темур, Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Бобур, Умархонлар истеъдодлар қадрига етганлар. Президентимиз Ислом Каримовнинг “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласидаги (Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти. 2009 йил) мана бу фикрлар ниҳоятда қимматли: “Менинг фикримча, ёзувчилик – оддий касб эмас, худо берган истеъдоддир. Бу қисмат, пешонага ёзилган тақдир. Бу касбга ҳеч қаерда ўқитиб, ўргатиб бўлмайди... Истеъдод, истеъдод ва яна бир бор истеъдод соҳибларини топиш, тарбиялаш ва уларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш энг асосий вазифамизга айланиши керак”. Бу гаплар ижтимоий-маънавий, тарбиявий-маърифий мафкурамизнинг инсонпарварлик моҳиятини бус-бутун акс эттиради. Иккинчидан, 73 йил ҳукмронлик қилган Шўро давлати коммунистик мафкура бадийий ижод, истеъдод эгаларини не-не қийноқларга солмади, бадийий адабиёт соҳасини ўйловсизлик билан амалга оширилган тажрибалар синовхонасига айлантормади, дейсиз?! Кўҳна тарих, инсоният хотираси “лаборатория усули”да ёзувчи тайёрлаш тажрибасини эслайдими? Бу ўта бемаъни талбирни амалга оширган адабиётдаги амалдорлар ҳақиқий истеъдодлар бошида ёнғоқ чақа бошладилар. Владимир Маяковский, Александр Фадеев, Константин Федин, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Эдуард Багрицкий, Михаил Пришвин, Ойбек сингари истеъдод эгалари Леопальд Авербах, Юрий Либединский, Михаил Швердин, Владимир Ермилов сингари адабиёт

соҳасининг сиёсатдонлари зулм — сиқувидан юракларини олдириб қўйдилар. Мажбуран ёзувчига “айлантирилганлар” ҳамма ишни “қойилмақом” қилиб уддаладилар. Лекин биронта ҳақиқий бадиий асар ярата олмадилар. Адабий сиёсатдонлар истеъдод соҳиблари қалбига кўрқув, ҳалик, мутелик туйғусини мустаҳкам ўрнатиб кетдилар. Ҳанузгача юракларда макон топган қулик, итоатгўйлик ўзини кўрсатиб-кўрсатиб қўяди. Кўрқув, ҳалик — истеъдод парвозининг қушандаси.

Мустақиллик йилларида истеъдоднинг эмин-эркин униб-ўсиши учун имконият яратилди. Мен ҳозирги ёзувчиларга, айниқса, ёшларга ҳавас билан қарайман: улар Л.Авербах, В.Ермиловлар зулмини, уларнинг миллий адабиётлардаги “дум”лари қилгиликларини билмайдилар. Кексаю ёш ижодкорлар чўчимасдан, ҳар хил ҳавф-хатарларни хаёлларига келтирмасдан ижод қиладилар.

Англашимча, “Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор”да билдирилган мулоҳазалар истеъдодларни улуғлаш, истеъдодларни эъзозлаш ғояси билан йўғрилган. Рисола муаллифининг фикр йўсинида: “Истеъдодларни ҳимоя қиламан, уларнинг таъқиб-таъйиқ қилинишига йўл қўймайман”, деган концепция аниқ кўриниб туради. Ҳозирги адабиётимиз ҳақида мулоҳаза билдираётган сиймо бутун борлиги билан Мустақил Ўзбекистонга фидойи хизмат қилипти. У истеъдод эгаларидан ёниб яшашни, Мустақиллик моҳиятини бадиий талқин этиб беришни сўраяпти. “Ёзувчиликнинг мактаби ҳам, дорилфунуни ҳам битта. У ҳам бўлса, бир умр ҳаётнинг ичида бўлиш, ўз халқи билан ҳамдарду ҳамнафас бўлиб яшаш, ҳақиқат ва адолатга садоқат билан хизмат қилишдир”, деб ёзади рисола муаллифи.

Ёзувчи — халқ фарзанди, жамият аъзоси. У халқдан, ҳақдан яширина олмаганидай, жамиятдан четда туриб, ундан юз ўгириб, асар ярата олмайди. Ҳозир айрим адабиётшунослар адабиётнинг ижтимоий функциясини рўйрост инкор этмоқдалар. Ўшандайларга қарши чиқиб, профессор Н.Раҳимжонов “Умумбаширий қадрият” (“ЎзАС”, 2009, 7 август) мақоласида Роберт Уоррен, Жан Поль Сартр мақолаларини бундай талқин қилади: “... ижтимоий манфаатдорликдан четда турган адабиёт ўз вазифасини бажармайди. Зеро, халқ гами ёзувчининг ҳам лард-ташвишидир. Эл-юрт ўз бошига ёққан қорни кураш билан банд бўлганда, адабиёт ўз ҳолича ҳаваслари оламида куймаланиб юрмайди. Халқнинг бошида балққан офтоб адабиётнинг кўчасига ҳам байрам олиб келади”. Ижтимоий ҳаёт билан боғланмайдиган адабиёт, асар, ёзувчи бўлмайди. Ижтимоийлик, ижод, истеъдод бир-бирини тўлдиради, ўзаро улашиб кетади.

Истеъдод яратганининг суйган бадаларига инъоми. Истеъдодни берган куч уни қайтариб олиши ҳам мумкин. Қанча-қанча истеъдодлар шу бебаҳо бойликларидан айрилиб, руҳий азоб-андуҳда ўтганлари маълум. Истеъдод инсондан ғаройиб хислатларни, улуғворлик, юксакликни талаб қилади. Истеъдодни моддий бойлик, сохта шон-шухрат, шахсий манфаат йўлида сарфлаганлар руҳий жазоланадилар. Таъбир жоиз бўлса, истеъдод соҳиби маънавият, руҳоният булоғи эгаси. Унинг бойлигидан нафақат ҳозирги, балки келажак авлодлар ҳам манфаат кўриши зарур. Истеъдодли зот — сўзи ўлмас, таъсири кучли инсон. Унинг қушандаси ҳаминна топилади. Шўро ҳукумати юзлаб, минглаб ёзувчи, санъаткорларни маҳв этди.

Юртбошимиз ўз мулоҳазаларида шулардан икки нафари, яъни, Абдулла Қодирий, Ойбек номини тилга олади. Комунистик мафкура ҳукмронлиги йилларида истеъдодлар ҳаминша чоғ ёқасида турганларини, қилич дамида юраётганликларини ҳис этадилар. "... комунистик тузум инсоннинг, бинобарин, миллат ва халқнинг эркин ва озод яшашига, миллий тафаккур, диний қадриятларга қарши бўлганини ижод аҳли ҳаммадан кўра чуқурроқ англаган.

Табиийки, тақдир тақозосига кўра, ёзувчилар яшаш учун, ўз истеъдодини рўёбга чиқариш учун комунистик тузум билан мурося қилишга мажбур бўлган. Шу маънода, мустабид тузум даврида виждон азобини ким кўпроқ тортган, деса, мен, доим бу ҳаётнинг маъно-мазмуни, инсоннинг қадр-қиммати, эл-юрт тақдири ҳақида қайғуриб яшайдиган одамлар ва уларнинг олдинги қаторида бўлган ижод аҳли, деб айтган бўлардим", деган фикр қайл этилади рисолада.

Шўро даврида яшаб ўтган ёзувчилар ижодини ҳар томонлама, мукамал ўрганиш, асарнинг сарагини-саракка, пучагини-пучакка ажратиш муҳим вазифа бўлиб турибди. Бу ишда бизга маёқ вазифасини ўтайдиган намуналар борми? Алишер Навоий, Муҳаммадризо Огаҳий, Муқимий, Қодирий, Чўлпон, Фитратларнинг ижоди замон, тарих, халқ синовидан ўтди. Суюкли бандаларига оллоҳнинг инъоми – қобилиятнинг даражаси ҳар хил. Санъаткор иқтидорли, истеъдодли, даҳо бўлиши мумкин. Алишер Навоий – даҳо санъаткор, Навоий ҳақида ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам, ўзимизда ҳам, хорижда ҳам юзлаб талқиқотлар, минглаб бадиий асарлар яратилган. Юртбошимиз Ислом Каримов Навоий даҳосини юксак қадрлаган, унинг асарларини ҳаминша, ҳамма ерда тарғиб – ташвиш қилиб келаётган сиймолардан. Ўзбек санъатининг барча турларида Навоий мавзуси кенг талқин қилинмоқда. Навоий ҳайкаллари Тошкент, Самарқанддагинамас, узоқ Япония, денгиз қирғоғи Бокуда, Москвада савлат тўкиб турибди. Навоийшунослик – ўзбек адабиётшунослигининг ўзак йўналиши ҳисобланади. Лекин Навоий ҳаёти, ижодини ўрганиш, жаҳонга кўз-кўз қилиш кўнгилдагидай эмас. Тўғри, навоийшуносларимиз баракали ижод қилмоқдалар, Республика телевидениесидан "Навоийни ўрганиш" кўрсатуви муқим ўрин эгаллади, радиода Навоий ҳақидаги эшиттиришлар кўп. Лекин олий ўқув юртларининг барча талабалари Навоийни яхши билдилар, дея олмаймиз. "Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор" рисоласида Навоийни ўқин, ўқин, ўзлаштирини масаласига алоҳида тўхталинган. "Айни вақтда, ана шундай замонавий воситалар ёрдамида мумтоз адабиётгимизни, жумладан, Алишер Навоий асарларини халқимизга яқинлаштириш, бу ноёб меросни ҳақиқатдан ҳам маънавиятимизнинг ҳаётбахш манбаига айлантирини барчамиз, аввало, адабиёт аҳлининг вазифаси, десак, хато бўлмайди".

Хуллас, Юртбошимиз истеъдод, истеъдодлар ҳақида, уларни асраб-авайлаш, асарларини вақтида чоғ этиш ҳақида муҳим гапларни айтган. Энди яширишга ҳожат йўқ: етмиш йил мобойнида Ёзувчилар уюшмасига кимлар аъзо бўлмади, ҳатто унга стакчилик қилмади?! Ёзувчилар уюшмасидай муқаддас даргоҳ бедарвоза қолиши мумкинмаслиги аниқ бўлди: "Ёзувчилар уюшмасининг сифат таркибини ҳам кўриб чиқиш зарур, деб ўйлайман. Бу муқаддас даргоҳ не-не

ижодкорларнинг қутлуғ номлари, ижодий мероси билан боғлиқ. Шундай экан, Уюшма ўзининг обрў-эътибори ва юксак мақомига муносиб бўлиши, адабиётни ўз ҳаётининг маъно-мазмуни деб биладиган фидоий инсонларгина бу тапшилотга аъзо бўлиши керак”.

“Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласида китобхонликнинг сусайиб кетганлиги, жаҳон адабиёти билан ҳозирги ўзбек адабиётининг боғлиқликлари, адбиётшунослик ва тапқидчилик муаммоларию уларнинг ечими ҳақида теран фикр билдирилган. Уларнинг барчаси ўзбек тапқидчилиги олдидаги вазифаларига уланиб кетади.

Китобхонликнинг сусайиб бораётганлиги — бор гап. Қайси зиёли, ёзувчи, донишманд билан суҳбатлашманг, ҳаммасининг ҳасратидан чанг чиқади. Мен эллик йиллик фаолиятим давомида не-не ўқиминчи, типини ушатиб китоб ўқийдиган одамларни кўрмадим, ўзга миллатга таалуқли талабалардан қанча-қанчаси “Синчалак”, “Ўткан кунлар”, “Қутлуғ қон”, “Муқаддас”, “Қадрим” асарларидан катта-катта парчаларни ёдаки ўқиганига гувоҳман. Афсуски, бир магистр ўз диссертацияси мавзуси бўлган асарни наридан — бери ўқиб катта иш ёзишга киришганини ҳам кўрдим. Тупна-тузик одамлар такрорланмас умрлари дақиқаларини крассворд ечиш, қўл телефонни “титиш”, олди-қочди “асарлар”ни ўқишга сарфлаётганликларига ачиниб кетаман. Интернет, телевидение, компьютер ёшларнинг доимий ҳамроҳига айланди. “Ота-онаси, ўқитувчилари минг тарғиб-тапшиқ қилмасин, бугунги ёшлар “Ўткан кунлар”, “Уруш ва тинчлик” каби мумтоз романларни ёшасига ўқияпти дея айта олмайиз, - деб ёзди Президентимиз ўз рисоласида. — Модомики, шундай экан, энди одамлар, ёшлар китоб ўқимай қўйди, деб нолиб ўтирмасдан, ана шу таъсирчан замонавий ахборот воситалари орқали адабиётшунослигимизни кенг тарғиб этиш, хусусан, Интернет имкониятларидан фойдаланиб, етук бадиий асарларни ёшларга етказиш устида ҳам жиддий бош қотириш зарур, деб ўйлайман”.

Ўзбек тилидаги Интернет адабиётини шакллантириш, шоир ва ёзувчиларнинг веб- сайтларини яратиш мушкул юмуш. Ундан ҳам мушқули шундаки, Интернет адабиёти, веб-сайтлар тапқидчилигини шакллантириш зарур. Мен ҳозиргача Интернет адабиёти, веб-сайти ҳақидаги жиддий мақолани ўқиганим йўқ.

Ҳозирги ўзбек адабиёти — жаҳон адабиётининг бой, ривожланаётган, бадиийлиги юксак таркибий йўналишларидан бири. Аммо, адабиётимиз жаҳонда лонг таратяпти, дея олмаймиз. Аксарият ёзувчилар асарлари бир неча хорижий тилларга таржима қилинган. Аммо уларни талқин, таҳлил қилиш, тапшиқ-тарғиб этиш наст савияда. Бунинг қандай сабаблари бор? Аввало, ўзимизда ўзбек адабиёти муҳлисларини, машҳур асарлар шайдоларини кўпайтириш лозим. Юртимизда инглиз, олмон, немис, француз, испан, араб, рус, ҳинд, япон, хитой, форс, уйғур тили ва адабиётини ўргатадиган Шарқшунослик Давлат институти, Жаҳон Давлат Тиллар университети, деярли барча университетларнинг хорижий филология факультетлари бор. Америка, Англия, Германия, Франция, Испания, Япония, Ҳиндистон, Эрон сингари мамлакатлар адабиётлари бўйича юксак малакали мутахассис — фан докторлари, фан номзодлари бўйича диссертация тайёрлаган олим ўзбек адабиёти, унинг намояндалари ижодини сувдай билини лозим. Афсуски... Олий Аттестация

Комиссиясининг филология соҳаси бўйича эксперти сифатида ачинарли ҳолларга гувоҳ бўлдим. Ёш, билими етарли, диссертациясини кўнгилдагидай ҳимоя қилган олиму олималар эксперт комиссиясига бот-бот таклиф қилинади. Уларнинг аксарияти ўзбек адабиётини билмайди. “Мақтабда ўқиганмиз, эсдан чиқиб кетган”, деб туравсиринидади. Ваҳоланки, ўз адабиётини билмаган, унинг тараққиёти билан қизиқмаган “олим” алақайси юрт адабиёти бўйича қандай мутахассис бўлади? Қолаверса шу мутахассиснинг илмий ишини узоқ юртдаги олимлар ўқийди, деб ўйлайсизми? Хорижий адабиёт бўйича олим бўлаётган одам, аввало, ўз адабиётини дунёга тарғиб қилиши, ҳеч бўлмаганда, ўша юрт — халқ тилига ўтирилган асарни талқин қилиб, мақола ёзиб бериши керак. Яқинда Англия — Америка адабиёти бўйича таниқли олимнинг диссертацияси бўйича эксперт комиссиясида фикр алмашув бўлди.

— Сиз америкалик ёзувчиларнинг сатирик романлари ҳақида докторлик диссертациясини ҳимоя қилибсиз. Унда Америка болалар романларида сатира мавзусига урғу берибсиз. Айтнинг-чи, машҳур ёзувчимиз Худойберди Тўхтабоевнинг сатирик романларини Америка романларига қиёслаб кўрдингизми? — деб савол бердим.

Диссертанг менга ҳайрон бўлиб қаради. Комиссия аъзоларига кўз югуртирди:

— Сиз номини айтган ёзувчини билмайман. Романлари ҳақида эшитмаганман, — деди ва секингина кўшиб қўйди. — Бундан кейинги фаолиятимда ўзбек адабиёти материалларидан фойдаланишга ҳаракат қиламан...

Ўша олимнинг бир неча шоғирди Ғарб, Америка адабиётидан диссертация ёқлади. Улар ҳам ўзбек адабиёти материалларидан мутлақо фойдаланмаганлар. Бундай диссертацияларни маконда ломакон талқиқотлар дейиш мумкин. Уларнинг Ўзбекистонга, ўзбек адабиётига алоқаси йўқ. Тўғри, соҳаларга кўра шифрлар кўп. Ғарб, Шарқ, Араб мамлакатлари адабиёти учун алоҳида шифр (мутахассислик белгиси) бор. Инш ўша шифрга мос бўлиши мумкин. Лекин одамда фуқаролик масъулияти, ўзи яшаб турган юртга нисбатан ҳурмат туйғуси бўлиши керак-ку?! Мустақил бўлганимизга 18 йил, ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига 20 йил тўлди. Шу муддат давомида ўзбек тилининг иқтисод, савдо-сотиқ, илм-фан йўналишлари шаклланди. Жаҳон адабиёти даражасидаги ўзбек адабиёти асарлари яратилди. Юртимиздаги хорижий тиллар мутахассислари ҳеч бўлмаганда биттадан ўзбек тилидаги бадиий асарни талқин, таҳлил қилиб берса, адабиётимизни жаҳонга чиқишига ҳисса қўшилишган бўларди. Хорижий адабиётлар бўйича диссертация ҳимоя қилувчиларга жаҳон матбуотида ўз адабиёти бўйича камида битта мақола наһр эттиришни зарурий талаб қилиб қўйиш ўринлидир. Иккинчидан, Ўзбекистондаги хорижий филология мутахассислари ўзбек адабиёти намояндаларининг ижодини ҳам ўрганишларини таъкидлаш жоиз. Улуғ Алишер Навоий ижодини мактаб, лицей, институт, университетларнинг барча факультетларида ўрганишни таълим стандартига киритиш лозим. Хорижий филология бакалавр, магистрант, аспирантларига дарслик, ўқув қўлланмалари тайёрлаш зарур.

Ўзбек адабиётини жаҳонда кенг тарғиб қилиш қанчалик муҳим бўлса, жаҳон адабиёти намуналарини асосли ўрганиш ҳам долзарб вазифадир.

“Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласидаги мана бу гаплар ниҳоятда ҳаётий, қимматли: “Назаримда, биз бир вақтлар раҳматли Озод Шарафиддинов бошлаган муҳим бир ишни эътибордан четда қолдиргандекмиз. Яъни, у киши “Жаҳон адабиёти” журнали орқали бошлаб берган дунё адабиётининг энг яхши намуналарини таржима қилиш, чоп этиш, ўрганиш билан боғлиқ тажрибалар, чет эл ёзувчилари билан алоқаларни янада ривожлантириш масаласига бугун етарлича аҳамият бермаяшимиз. Ҳолбуки, биз маънавиятимизни юксалтириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга интилаётган эканмиз, ҳеч қачон ўз қобилигимизга ўралашиб қолмаслигимиз керак.

Қисқача айтганда, бошқа соҳалар қатори адабиёт соҳасида ҳам халқаро алоқаларни кучайтириш зарур”. Ўзбек таржимонлари жаҳон адабиётининг стук намояндаларидан Л.Толстой, Ф.Достоевский, Ф.Нитше, Р.Тагор, М.Пруст, Ж.Жойс, М.Шолохов, А.Твардовский, Р.Ҳамзатов, Г.Маркес, Ч.Айтматов, Ҳ.Мураками сингарилар асарларини ўзбекчага ўтирдилар. Мазкур таржима асарлар, модернизм ҳақидаги тадқиқотлар адабиётшуносларимизни ром этди. модернизм ҳақида кўлаб мақолалар ёзилди. Лекин, очигини айтганда, модернизм, ундаги ўсин-ўзгариш (неосо-, пост-, нео-, ню-)лар ҳақидаги тупунчаларимиз чекланган, саёз экан. И.Ғафуров, Х.Дўстмуҳаммад, Н.Эшонқул, У.Ҳамдам, М.Жўраев мақолаларида модерн адабиёти, унинг моҳияти, йўналишлари ҳақида фикрлар билдирилган. Бизда Ф.Кафка, А.Камю, Ж.П.Сартр, Ж.Жойс ҳақида очерклар ёзилган, тадқиқотлар олиб борилган.

Адабиётшунослик ҳақидаги мулоҳазалар узвий равишда адабий танқид масалаларига уланиб кетади. Ҳозир аксарият зиёлилар ўзбек танқидчилиги ўз мавқеини йўқотганлиги, сусайиб қолганлигини рўйроқ айтмоқдалар. Тўғри, Шўро давридаги танқиднинг танглайи жангарилик руҳи билан кўтарилганди. Шўро, коммунистик руҳдаги танқиднинг йўли шонли эмас, қонлидир. Қатағон, қатлиомлар шароитидаги хунрезликлар пичоғини адабий танқид қайраб берган эди. Валуд Маҳмуд сингари билимли танқидчилар “оқ”ни “қора” демалдилар. Баъзи танқидчилар янглишди, қоқинди, лекин эси борида этагини йиғиб олди. Ўзбек танқидчилигида Ойбек, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, Н.Шукуров, Н.Каримов, Б.Назаров, У.Норматов, И.Ғафуров сингарилар босиб ўтган йўл нурли, рангинлиги билан диққатни жалб этади. Шўро танқидчилиги майдони уриш, йиқитиш, фон қилиш, қасд олиш, ялтоқланиш, гуруҳбозликларга тўла эди. Билимли, маданиятли, тажрибали, одамохун танқидчилар ҳаминша голиб бўладилар. Бир танқидчи бўларди, у кимни танқид қилишни, кимни мақтанни аввалдан режалангириб кўярди. Ўзига ёқмаган ёзувчи зўр асар ёзса ҳам уни танқид қилиб ташларди. Фаолияти давомида канифиёт яратишга яқин келмаган бу танқидчи ҳаммадан канифиёт талаб қиларди. Мана шундай сохта, юзаки танқидчилик “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Қулуг қон”, “Навой”, “Жалолиддин Мангуберди”, “Олтин зангламас”, “Чинор”, “Келинлар кўзғолони”, “Юрак сирлари”, “Юлдузли тунлар”, “Авлюдлар доवони”, “Улуғбек хазинаси” сингари романларга ҳужум уюлтирди. Не-не ёзувчилар, асарлар ноҳақ ҳужумлар қурбонига айланди.



Адабий танқид, табиийки, танқид қилиши, нотўғри йўналишларни, бадиий пачора асарларни фаш этиши шарт. Тинли-тирноқли ҳар жихатдан исботланган мақолалар ҳар бир танқидчи ижодида бўлиши лозим. Лекин сўнги йилларда жўн, саъз “асарлар” болалаб кетди. Танқидчилик истаса ҳам бундай асарларни танқид қилиб улгура олмайди.

Ҳозирги танқидчилик моҳияти адабиётшуносликка яқинлашиб бормоқда, илмий-методик қарашларни асос қилиб олмоқда. Бугунги танқидчиликни структурализм, герменевтика, аксиология, ҳар ҳил ёндашув, талқин йўсинларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Иккинчидан, битта жиддий мақола ёзиш учун танқидчи қанчадан-қанча илмий, бадиий адабиётни ўзлаштириши, ёзган мақоласини ялиниб-ёлвориб нашр эттириши ва ...деярли моддий манфаат кўрмаслиги кундай равшан бўлиб қолди. Наприйётлар, оммавий ахборот воситалари адабий-танқидий мақолаларни буюртма асосида ёздирishi, муаллиф меҳнатини қадрлаши зарур.


Юртбонимизнинг “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласи танқидчиликнинг қамров доираси кенг бўлишини кўрсатади. Шу пайтгача Интернет адабиёти, ёзувчиларнинг веб-сайтидаги асарлар танқидчилиги ҳақида гапирилмаган. Ҳозир таржима адабиётида қизиқарли, ўрганилиши лозим бўладиган ҳолатлар кўзга ташланмоқда. Демак, таржима танқидчилиги шаклланиши, тараққий этиши лозим. Учинчидан, анъанавий танқидчилик модерн асарларни талқин қилиши, илғор назарий қарашларни чуқур ўзлаштириши зарур бўлиб қолди. Ҳаётнинг ўзи янгича фикрлайдиган танқидчи мутахассислар тайёрлаши тақозо этмоқда. Етакчи университетларда танқидчи мутахассислар тайёрлашга жиддий эътибор қаратиш зарур бўлиб қоляпти.

Президентимизнинг фикр-мулоҳазаларида ёш истеъодларни топиш, тарбиялаш масаласига эътибор қаратилган. Ёш ёзувчилар янгича шароитда шаклланмоқдалар. Улар миллий адабиёт билан бир қаторда жаҳон адабиётини ҳам чуқур ўрганмоқлари лозим. Бунга кенг имконият мавжуд.

Ёшларда шижоат, ғайрат кучли. Улар газета-журнал таҳририятларига ладил кириб борадилар. Ҳозирги кунда Ёзувчилар уюшмасидан ёшлар қадами узилмайдиган бўлиб қолди. “...ёш ижодкорларнинг биринчи ижодини давлат ҳисобидан чош эттириш”, “Ёзувчилар уюшмаси қошидаги ёш ижодкорлар билан ишлан кенгани фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш” сингари таклифлар “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласида акс этганки, бундан руҳланган ёшлар янаям жадал интилмоқдалар.

Ушбу рисоладаги таклиф, вазифа, режалар амалга оширила бошланди. Шўро замонида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг бир қанча қурултой (съезд)лари ўтган. Уларда кўтарилган масалалар талбир сифатида қоғозда қолиб кетар, амалиётга кам талбиқ қилинарди.

Фикр юритаётганимиз ҳужжатда ҳаётий, долзарб масалалар ўртага қўйилган. Улар амалга оширилса, шубҳасиз, адабиётимиз ҳар жихатдан бойийди.



Муҳаммад Али

# УЛУҒ САЛТАНАТ

Тетралоги

*Учинчи китоб*

## **МИРОНШОҲ МИРЗО**

Саккизинчи боб

## I

Орадан икки ҳафта ўтиб-ўтмай ҳуמוюн ўрдудан келган чошар, Жаҳоншоҳ ибн Жоку жаноблари бошига тушган мусибатдан қайғуга чўмган Амир соҳибқирон ҳазратларининг дил сўраб юборганини билдириб, таъзия изҳор қилди. Айни пайтда, унинг қўлида қутлуғ фармон бор эди. Соҳибқирони комкор Амир Темур Кўрагоннинг узоқ муддат сафарда эканликлари, шимолий сарҳадлар ишончли-имонли киши қўлига топширилиши лозимлиги ҳамда мамлакат дорилмомонлиги назарда тутилиб, Жаҳоншоҳ ибн Жоку Топкандга ҳоким этиб тайинланди. Уч ҳалқа тасвирланган, “рости-ю русти” сўзлари ўйилган тамға босилган фармонда Жаҳоншоҳ ибн Жокуга шимолий сарҳадлар муҳофазаси топширилиши ёзилганди.

Соғинч бикалар Топкандга кўчдилар. Ҳаммадан ҳам кўра, бу қизга ёқиб тушди. Зубайдабону ўлгур, уч кун аввал отаси Шайх Нуриддиннинг Жаҳоншоҳ ибн Жоку билан қуда бўлиш ҳақида гаплашганларини ва розилик олганларини (балки, бу ёлғондир!), яқин ўртада совчи боришини ҳамманинг ичида мақтангандай шартга айтиб юборди! Ростми, ёлғонми, Соғинч бика у ёғини билмайди. Ҳарқалай, Зубайдабонудан узоқлашгани, Самарқанддан йироқлашгани сабаб, тўй масаласи ҳам унутилгандай ўзини хотиржам сезди.

Аммо айрилиқ ҳасрати, кўнглида пинн урган ўтли муҳаббат, соғинч ҳисси иккиси қўшилиб қизни қаттиқ исканжага олди. Жаҳоншоҳ ибн

---

Давоми. Боши ўтган сонда.

Жоку сўррайибгина қолган қизини чалғисин, шу билан жудолик онларини тезроқ унутсин, деган мақсадда ҳар куни ўзининг севган ҳарбий машқларини такрорлаб туришни тайинлади. У биларди, бу таклиф қизига, албатта, хуш келади.

— Машқларингни тўхтатмагин, қизим! — деди бир куни Соғинч бикага, у ҳечқачон овозини кўтариб гапирмасди. — Бағоят тўғри, ҳар бир ожиза жанг русумини ўрганмаги, қилич тутмакни билмаги керак. Умр ҳам, хоҳ эркақдир, хоҳ аёлдир, кишига бир марта берилмай. Қадрига етмак керак. Жангу жадалларда, худо кўрсатмасин, нималар бошга тушмайди дейсан... Қизболамен, деб қараб ўтириш ярашмас... Тўмарис маликани қара... Ёвни ўлдириб бошини кесиб қон тўла чуқурга ботириб: “Яхшилаб тўйиб ол, эй қонхўр!” — деган экан. Пайғамбаримиз газотга чиққанларида Биби Ойна разияллоху анху ҳамроҳ бўларканлар. Саҳобалар билан бирга дину париат масалалари баҳсида ишгирок этар эканлар. Ғанимларига қарши олиб борилган жангда Биби Ойна онамиз ўзлари саркардалик мақомида эдилар. Улги ол, қизим! Сен шадлод қизимсен...

Қиз отасининг юмшоқ феъллилигини, ҳаминша одамни авайлаб, тушунингга тайёр туришини, айниқса, сабр-тоқатли эканлигини яхши биларди.

— Қуллуқ, отажон... Қуллуқ...

Онасининг мусибатидан анча уриниб кетган Соғинч бика аста-секин ўзига кела бошлади. Уйда ёлғиз эканлигида, ўзини имтиҳондан ўтказди: бағалтоқ<sup>1</sup> устидан чонон кийди, йигитдай бўлди, совутга ўралиб у ёқдан-бу ёққа шаҳлам олим отиб юриб кўрди. Сал оғирликни демаса, бошқа ноқулайликни сезмади. Эртасига дадил салтанат қўшини сафида яқингинада бунёд этилган Шоҳруҳия шаҳри ёнидаги машқларда қатнашди. Синамоққа сочларини яшириб, дубулгани бостириб кийиб, лабининг тенасига хушбичимгина мўйлов ёништириб олди... Совутда уни ҳеч ким танимаганига таажжубланди. Қувониб кетди, айнан шуни истар эди-да, ўзи. Икки йил олдин ясалган совути чонон устидан кийилганда, торлиги билинди. “Янги совут буюртиришим керак!...” хаёлидан кечди қизнинг. Кўнглида шаҳзода тимсоли тобора ярақлаб бораркан, илгари шунчаки ҳавас туюлган нарса, энди ҳақликка даъво қилаётганини сезди. Ошиқ-маъшуклар бир-биридан жисман қанча йироқлансалар, руҳан шунча яқинлашадилар...

Соғинч бика ўзига ўзи деди: “Сен шаҳзолани ўйлаганинг ўйлаган... Уни... севиб қолдингму?” Энди аниқ ишонди: ҳа, у ўз бошига бало орттириб, баланд дорга осилибди - шаҳзода Муҳаммад Султонни севиб қолибди!.. Лекин бу ҳақда раҳматли онасидан бошқа ҳеч кимга ёрилгани йўқ, кимга ҳам ёрила оларди! Шаҳзода Эрон томонларда юрганмишлар, гоҳ Шунгарда, гоҳ Исфаҳонда, кўпроқ Йазлда бўлармишлар. Падари бузруквори Жаҳоншоҳ ибн Жокуга ҳумоюн ўрлудан келган хабарлардан билиб оларди барини. Соҳибқирон гарчи тез қайтамен, деган эсалар-да, отасининг фикрича, ҳали бу сафар хийла чўзилармиш...

Соғинч бика машқларга қаттиқ берилиб кетди. Худди кимгадир ўчакишгандай, жаҳд билан ишга ёнишган қиз кун қандай ўтганини

<sup>1</sup> Бағалтоқ — совут остидан кийиладиган енгил калта камзулча.

билмас, чавандозлик, қиличбозлик, найзабозлик ва бошқа ҳунарларни ўрганиб, қиёмига етказарди. Маншқлар қизгинлигидан шаҳзода ҳақидаги ўйлари ҳам товсилгандай туюларди.

Кеча шонмўйлов лашкарбоши Олтин Ўрда, Мўғулистон ёқлардан душман ҳужум қилиши эҳтимоли борлигини айтиб, маншқлардан кўнгли тўлмаётганини билдирди, сўнг эртага Шохруҳияда Сайхундан сузиб ўтиш маншқлари ўтказилсин, деб буюрди. Тонг отар-отмас, бутун сипоҳлар каланатра бўлишиб соҳил бўйида тўплана бошладилар. Мингбошининг “Сафма-саф!” сўзлари янграши биланоқ, юзбоши ва ўнбошилар у ёқдан-бу ёққа ғизиллаб қолишди.

Баланд бўйли ўнбоши ўз сипоҳларини бир жойга жамлади. Ёш ўсмир аскарлар ичида бошига дубулғани бостириб кийган, ўқ ўтмас совутга чулганган хушбичим сипоҳ қандайдир ажралиб турарди. Битта аскар унинг отини сўрагани, шошилиб нима дейишини билмай, “Арғуншоҳ” деб тилига келган исмни айтиб юборди.

Кўкда қуёш чарақлаб турар, ҳар ёқда шовқин-сурон кучайиб борар, тепадан қараган одам, дарё бўйида худди ўсмир лабидаги мўйлабга ўхшаб, бодраб чиққандай уймалашиб юрган, соҳилни тугган сипоҳийларга кўзи тушарди.

– Дарёга от қўйилсун!! Нариги қирғоққа душман яқинлашмоқда! Ёвни нариги қирғоқда қарши олғаймиз! – ҳайқирди ўнбоши. – Оллоҳу акбар!

– Оллоҳу акбар!!!

– Оллоҳу акбар!!!

Дарёга от солишни ўнбошининг ўзи бошлаб берди. Изма-из Соғинч биканинг оти сакради! Айқириб оқётган сувга парво қилмай, қирғоқ сари интилар экан, Жайхунга от солган Улжой Туркон оқа қизнинг ёдига тушди. Ўшанда Амир Темур завжасига осон бўлмаган экан: шамолдан куч олган оқ ўрқачли тўлқинлар отнинг ўмганига қаттиқ урилар, олға силжишга қўймасди.

Сипоҳлар “Арғуншоҳ”нинг чаққону чапдаст эканлигидан руҳланиб кетдилар. Биринчи сипоҳ Сайхуннинг чақирса овоз стар нариги қирғоғига бир қараб қўйди-да, “Ё Оллоҳ!” дея отига қамчи босди...

Шохруҳиядан қайтгач, пинҳона совутини ечиб, кийимларини алмаштираркан, онаси вафотидан кейин яна ҳам яқин сирдошига айланган гўзал канизак Сарвиноз чидолмай ёрилди:

– Вой, ўлайин-ей! Шунчалар азоб чекиб юриш сизга нега даркор-а, Соғинч? Зилдай сипоҳ кийимини кийиб юрасиз? Мана сувгаям тушиб-сиз, оғир бўб кетгандир. Ҳурилиқо маликалардай юрсангиз ярашади-ку, маликалардай!..

– Менга шуниси ёқади, опажон! Ўзимни кучли сезамен!

– Жонингиз оғримайдирму? Аммо совуту дубулға сизга хўпам ярашибди! Вой, ўлайин-ей, мўйловчангиз ҳам ўзингизники-я! Ё тавба! Ҳай, менга қаранг, қиз бола эканлигингизни билишмаягтими? Ўлсин, бари анқов-да. Шунга ҳайронмен...

– Билишмайди, отам билан лашкарбоши-ю сиздан бошқа ҳеч ким билмайди... Йигитдай юрибмен-ку! Беш ойдан бери биров мени танигани йўқ!

– Вой ўлайин-ей! Йигитимдан ўзим айланайин-а!

Канизак “йигит”ни кучоқлаб олди. Роҳатланиб кулишдилар.

Қиз ичида валиаҳд шаҳзодадан ғойибона ўпкалаб қўяди, чунки кейинги пайтларда, Муҳаммад Султон, ажабо, ўна Оҳанин дарвозаси ёнида кўринганларидан бери, тунига ҳам кирмай қўйди. Эслай деса, Жўйи Зар кўприги бўйидаги учрашув, кўчада Сароймулкхоним олдидаги кутилмаган бир печа лаҳзалик дийдорлашув... тамом, бошқа ҳеч нарса йўқ... Уларнинг ҳар бир сонияси ёдида...

“Шаҳзода ҳам... мени севармикин? — Қаттиқ ўйланиб қолди бир куни Соғинч бика. — Мен-ку, куйиб-ёниб юрибмен, у-чи? Севармикин?.. Ўйлармикин?.. Куйиб-ёнармикин? Бироқ, агар севса, шу пайтгача изламасмиди?.. Шу нарса қалбгипамни тирнайди. Шаҳзода кўнглида ҳам шундай туйғулар жўш урсайди, дастлари узун, эр киши, албатта хабар олардилар... Демак, севмайдилар, ўйламайдилар, Соғинч бика билан ишлари ҳам йўқ...”

Ногаҳон хаёлида ярқ этган фикрдан қизнинг кўзлари чақнаб кетди! Қараса, унинг олдида икки йўл бор экан: биринчиси, тақдирга тан бериб, Зубайдабонунинг акасига узатилиб, парда ортида гўзал келинчақдай сузилиб ўлтириш... Иккинчиси - тезда Самарқандга қайтиш. Яна Самарқандга кўчишар экан, ундан Шаҳрисабзга боришаркан, ҳумоюн ўрдудан шундай хабар олинди. Жаҳонноҳ ибн Жоку Оқсарой қурилиши билан шуғулланишлари лозим эмиш. Камонгаронга бориб янги совуг ясатириш... Кейин, кейин... ҳеч кимга айтмай... Кўлидан келармикин?... У ёғини ўйлашга кўрқар, шундай қила олишига ўзи ҳам ишонар, ҳам ишонмасди. Соғинч бика жуда мушкул вазифани ўз зиммасига олаётир, адо этиш осон эмас... Борди-ю сир очилиб кетса-чи... Аммо ўйлаган йўлидан қайтиши ҳам мумкинмас, йўқ эса, анови шаллангқулоққа узатиб юборишади.

“Йигит бўлиб туғилмаган экансен-да, Соғинч! Энди ўзингни йигитдай тутасен! — деди шу палла ички бир овоз. — Бахтингни ўзинг қидиришинг, ўзинг излаб топишинг керак! Бахт сандиқ ичида, калити осмонда... Онаизоринг, ишқ қанчалар кучли эса, шунчалар ожиз, у ҳимояга муҳтождир, дердилар... Юсуф-Зулайҳо қиссасини эслайсенму?.. Отажонингни ҳажга бораётганларида Ҳиндистонда эшитган бир ривоятларини-чи?.. Жуда машҳур экан. Эсингдаму?.. Панжоблик Засси деган қиз бор экан, қаттиқ ишқ гирдобида қолибди. Севгилисини излаб машаққатлардан ҳайиқмай, азоб-уқубатлардан кўрқмай, йўлга чиққани ҳақида гапириб, уни “Ожиза эмас, асил йигит экан!” дегандилар. Ўшанда қизнинг маҳбубини излаб саҳролардан ёлғиз ўтиб бориши, тоғлар кезиши, дарахтларга чирмашиб чиқини, муҳаббат оловида жизғанақ вужудини қаерга қўйишини билмай, ишқ йўлида ҳалок бўлгани хаёлингни ўғирламаганмиди? Узоқ ойлар хаёл суриб юрмаганмидинг?.. Мен ҳам шундай қила оламанми, деганинг эсингдами? Яна. Сен ҳатто тушингда ҳам “Муҳаммад Султон”, “шаҳзода” деб гапириб юборадиган одат чиқардинг. Зулайҳо ҳам тинимсиз: “Юсуф! Юсуф!” дер экан. Ўқ тегиб яраланибди, оққан қон ерда: “Юсуф, Юсуф” сўзларини пайдо қилган экан!. Агар сенга ҳам ўқ тегса-ю, қон оқса “Муҳаммад! Муҳаммад!” каломлари ёзилиши аниқдур!..”

— Бекачим менга айтиб кетганлар... — деди бир куни Сарвиноз. — Ичингиздагини биламен...

– Нима-нима?.. – кулимсиранга уринди қиз.

Канизак унинг суҳбатлашишга мойил эканлигини сизди.

– Вой, ўлайин-ей... Биламен-да...

– Нимани биласиз?.. – жавдираб боқаркан, соғинч биканинг икки юзидаги кулгичи сезилар-сезилмас ўймоқчалар ҳосил этди.

– Ошпоғ бекачим дунёдан кўз юмаётиб, менга шундай тайинладилар, бекам, – йиғламсираганча сўз бошлади Сарвиноз. – Менинг бор давлатим – Соғинч, дедилар... Унга худо илоҳий бир неъмат берган – бу ишқ неъматиди... У валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султонни қаттиқ севиб қолибди... Ҳаммаси худодан. Уни сenga тошпирамен... Назардан қочирмагин. Водариғо, оталари Шаҳрисабздан қайтмадилар, айтмакчи эрдим ўзим... дийдор энди маҳшарда... дедилар кўзлари мўлгираб.

Қиз билан канизак иккиси ҳам ўзларини тута олмай йиғлаб юбордилар.

– Соғинчга қарагин, унинг ҳолидан ҳамиша хабар олгин, суйганига, илоҳи, етишсун қизим... Худодан тилаганим шу, бирдан-бир ёлғизим, у жуда жасур ва бир сўзли қиз, бахтли, тегли-тахтли бўлишини истаймен, дедилар яна... – Сарвиноз кўз ёшларини артаркан, қизни юпатди: – Маслаҳатчингизмен, бекам... Ёнингиздамен... Ҳа, сизга айтганим йўқ, билдириб қўяй. Маҳди улё Сароймулкхоним ҳам сизни Муҳаммад Султонга лойиқ кўрғонлар, ҳатто: “Шу қизни шаҳзодамга олиб берайми?.. Ошпоғойим шундай барно ва зебо қизи борлигини айтмагон эрдилар...” деганлар. Ўз қулоғим билан эшитганимен Жўйи Зарда...

– Шундоғ деганмулар? А-а?.. Наҳотки!.. Шундоғ деганмулар?.. Демак... демак... шаҳзодам ҳам... йўғ-е... Вой опагоним-ей!

Соғинч бика қувончдан канизакни кучоқлаб олди, Сарвиноз қизнинг ҳаёдан юзлари ловуллаётганини сизди.

Канизак қизни бўлмага бошлаб кирди. Ичкарида кўнгили занжирлари узилиб кетди-ю, ҳур икки мушфиқ дил дунёни айлашиб чиқди. Сирлар бир-бирларига очилдилар.

Зубайдабонунинг гаплари ёлғон эмас экан, эрта-индин кўчамиз деб турганларида, Самарқанддан Шайх Нуриддин баҳодир хонадонидан бир карвонда чиндан ҳам Соғинч бика қўлини сўраб совчилар кириб келишди...

Қиз ўзини йўқотиб қўймади, аксинча, ўчирай деб нуфлаганларида олов бадтар алангалангандек, бу унинг кўнгилида қулф урган ниятини яна ҳам тезроқ амалга оширишга ундади. Икки йўл ўртасида Тўмарису Зулайҳо, Засси ва Улжой Туркон оқалар уни ўраб олиниб: “Бахтингни маҳкам тут! Бор! Бор!” – дейишарди. “Ростдан ҳам, менинг қаерим кам?..” – такрорлади қиз ичида ва ҳар гапидан ҳам ўзини кучли сизди. Шарғта иккинчи қалғис йўлни ташлади, у кўрқмай таваккалчилик қиладиган бир ёнда эди. Бу фаслда кишига икки дунё бир қадамдир. “Соҳибқироннинг қўшинида жангчи аёллар ҳам бор-ку ахир, бу ҳақда отагоним гапириб берганлар.” – деб ўз ҳаракатларини оқлашга уринарди қиз. Аммо бирон фалокат юз бериб побуд бўлиши мумкинлигини асло ўйламасди.

Соғинч бика шундай чора топди: у ожизамас, балки йигит монанд жангларга киради, панжоблик Зассига ўхшаб қиз эмас, Суҳроб билан

жанг қилган ботир қиз Гурдофариддай<sup>1</sup> йигитчасига кийиниб олади! Ожизалигини билдирмайди, қаттиқ сир тугади, ўзини эронлик бир амир авлодиман, деб таништиради... Фақат сабр керак, бардон керак... Фақат узоқлардан ўгринча қараб-қараб олади, асло яқин бормайди, боролмайди ҳам. Мавқеи баланд валиаҳд, жаҳон шаҳзодаси ёнига яқинлашишга оддий сипоҳга йўл бўлсин! Сездирмай боқиб, жамолидан насибадор бўлолса кифоя... Ишқ напғаси ўша ёқда, завқ ўша ёқда, бахт ўша ёқда!..

– Бормангиз!.. – деб юборди ўзи ҳам севиб, бахт топмаган, кўнгли армонларга тўла гўзал Сарвиноз. – Вой ўлайин-ей... Аммо... Аммо... Бахтингиз ўша ёқда!.. Аммо сирингиз очилиб қолмасайди, деб кўрқамен, холос!..

– Оллоҳ буюрса, ўзимни танитмаймен, йигитдай юрамен! Қўлимдан келади! Шаҳзодам жамолига бир тўйиб оламен... Борамеу кўрамен - мени севадирму йўқми, - ўз кўзим билан кўрамен, муҳаббати борлигига ишонсам, бас, опажон! Билдирмай қайтиб келамен... – Соғинч бика сўзлари қатъий эди. . Кейин ўзи ҳам ишона бошлади. – Мана кўрасиз! Қирқ кунга қолмай қайтиб келамен!

– Қирқ кунда қайтиб келасиз!.. – деди канизак, бироқ чиройли кўзларига шубҳалар соя таплаганди. – Оҳ, мен ҳам сиздай шаддод бўлганимдами, бўлганимдами... Қўрқоқ эдим, кўрқоқ... Ҳа, энди бари ўтди, ўтди...

Хаёлида уфқлар балқиб ётган Соғинч бика Сарвинознинг сўзларини эшитмас, кўз олдида Тўмарис момонинг ғанимларга қарши от қўйганлари, малика Улжой Туркон оқанинг жиловни йигитлардай маҳкам тутиб, майдонларда елиб чопганлари, дарёлардан кечиб ўтганлари, Султон Бахт бегимнинг қилич ўйнатиб сурон солганлари жонланарди... Бошқа ёқда Зулайҳо изтироблари, Зассининг роҳатли укубатлари солланиб турарди.

Ниятини... отасига қандай билдиради?.. Билдирмай қандай кетади?.. Йўқ, тезда бориб қайтади... Соғинч биканинг ҳозир, зарур гапини айтишга улгурмай ошиқиб отига қамчи босиб юборган чавандоздай, фурсати йўқ, тушпор эса алақачон елиб борарди...

Сарвиноз йиғлай-йиғлай қола берди.

## II

– Кенқолинг, ас-с-с-ал!..

– Сомбўса! Сомбўса!.. Ёғ ейсиз, ёғ!..

– Ақчангиз ўзингизда!..

– Адашманг! Адашманг! Қўй гўшгидан асил шишкабоб бизда!..

Бамисли дуодай оҳанрабо кучга эга бу сўзлар одамларни ўзига тортади, эл шу томонга қараб оқади. Қоврилиб жизза бўлиб пишаётган зирали гўшт ҳиди эса узоқданоқ димоғларга урилиб ишгаҳаларни баттар қитиқлаб, чорловлар жозибасига жозоба кўшади. Табризда ҳар куни аҳвол шу.

Озарбайжон музофотида жойлашган Табриз рубъи маскунининг сўлим шаҳарларидан бири саналади. Чап ва ўнг томонда савлат тўккан тақир тошли тоғлар текисликдаги шаҳарни худди авайлаб, шамолу бўронлардан, ғанимлар босқинидан сақлаб тургандай туюлади. Ўнг томондаги

<sup>1</sup> Сухроб, Гурдофарид – Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” достони қаҳрамонлари.

чўққиларида қор аримайдиган тоғдан бир дарё пастга оқиб тушар-тушмас, ирмоқларга бўлиниб, шаҳар атрофидаги қишлоқлару боғ-роғларга таралади.

Ҳашаматли бинолар, мадраса-ю масжидлар ва карвонсаройлар ўзларининг маҳобати билан кўнгиллари ҳайратга солади. Бироқ, иморатларнинг энг аълоси, шубҳасиз, нақшин панжаралар билан ўралган, тўрт томонида баланд миноралари осмонга тиралган заррин дарвозали олиймақом саройдир. Миндан ортиқ бўлмалар, рангбаранг кўшқларга бой чаман-боғли бу қасрни қудратли Султон Увайсининг ўзи қурдирган, дейишади. Подшонинг мағриб мамлакатларидан келтирган қуллари бу ерда ўн йилдан ортиқ меҳнат қилишган, ганчкорлик ишларини моҳир юнон усталари дўндиришган экан. “Давлатхона” деб аталган бу кошона жалойирлар салтанатини тан олган Бобил султонининг бир йиллик хирожи эвазига бунёд этилибди. Минораларни тиклаш жуда қийин кечибди. Кунботиш томондаги миноралардан бири энди тикланганда, беш-олти ҳовли устига қулаб тушиб, кўшларнинг ёстигини қуритган экан. Одамлар ҳозир ҳам ўша ердан, янги тикланган минора ёнидан ҳайиқиб ўтишади.

Маҳобатли майдондан турли томонларга равон кўчалар таралган. Турфа дўконлар тонгсаҳардан мўъжаз эшикларини очиб, харидорларни кутади. Майдоннинг жануб томонида ястанган улкан тимга кирсангиз, тирикчилик кўйида ғимирлашиб юрган одамларга кўзингиз тушади, бу ерда ҳар хил газмоллар, кийим-кечаклар, ипаклар, дуру марваридлар, исирға узугу тақинчоқлар, қоқи-ю майизлар, қанду новвот, парварда-ю ланмаклар сотилади. Айниқса, Самарқанд томонлардан келтириладиган сифатли Қатвон туршакларининг қадри жуда баланд.

Майдон эрадир, кечдир, ҳамиша гавжум. Куннинг иссиғида кабобларга қўшилиб ўзлари ҳам куйиб-пишаётган моҳир кабобпазлар, пеннонасини танғиб, ловуллаган тандир ичига кириб чиқишаётган сомсапазлар, баковулу ошпазлар мазали қайлалар ва зираворлар билан тайёрланган гўштли таомлар, кабобу сомсалар сотишади, ҳар бири оғзидан бол томиб, юқоридагидек, қичқириб хўрандаларни ёшларига чорлашади.

Тимнинг охирида атторларнинг турли мамлакатлардан келтирган атир-уша, мушқу анбар дегандек, муаттар нарсалари ва хунбўй малҳаму бўёқлари хотин-қизларнинг жони-дили эди. Бондан-оёқ оққа ўралган, юзларини чиммат билан тўсиб олган, сирлиликка чулганганларидан ажабтовур гўзал туюладиган аёллар дўконга яқинлашиб, нодир бўёқлару атирлардан танлашади ва четга чиқишиб, чиммат ичидаёқ ороланинга киришиб кетинади. Ўзларини у-бу нарса излаётган қилиб кўрсатадиган эркаклар, атторлар билан астойдил савдоланишиб, таланишиб, аслида гўзал аёллар, ҳурилиқо қизлар томониси учунгина ўралашиб юришишади.

Майдон четидаги чинорлардан бирининг тагида кўк рўмолини бошига кажава сифат ўраган бир момо олдига иккита сомса қўйиб еб ўлтирар, дунё билан иши йўқ, чап кўлидаги гулдор тасбиҳни силкитиб, ўзича гоҳ-гоҳда нималарнидир пичирлар, гоҳ эса овозини чиқариб азиз-авлиёларга илтижо этар, ҳар оғзини очганда иягининг икки четидаги узоқдан қараганда холга ўхшаб кетадиган бир чимдим-бир чимдим оқ туклар ҳам баравар чиқиб-тушарди:



– Эй Ҳазрати Момо Ҳаво, эй Ҳазрати Мушкулкушо, эй Биби Хадича-ю Кубаро, эй Биби Фотима, эй Биби Робия, эй Кўҳи Қофи пари сиймо, эй Шалпар момо, Пок момо, Қора момо, Сувчи момо, эй шаҳиди Дашти Карбало, илоҳи, мадад беринг! Ўзинг қўлла, илоҳи, Имом Аъзам, Фавсул Аъзам, Хожа Аҳмад пирларим...

Шу палла кўчада беш отлиқ кўринди. Улар танасидан ҳовур кўтарилиб турган отларини дарахтзор ичига боғладилар. Сўнг худди ўз уйига келган одамлардай ҳеч кимга қарамай бамайлихотир дастурхон ёздилар. Момо кийимларига қараб уларни мусофирлар деб ўйлади.

– Ҳой, бўғирсоқ! Олгитадан сомса ол, кабоб айт! Уқдингма? Олтитадан! Яна буюриб қўй! Тухум баракни опке, қовурдоқдан кейин... Шаробдан бир кўза бўсун, индаллосига... Яна бир нималар олдир! – бақирди тинимсиз елпинаётган миқти, тажанг, биткўз одам, уларнинг ичида каттаси шекилли, паст бўйли юмалоқдан келган семиз йигитга. – Табризда бизни биров танийма, а, гушна? Таниса, бизларни дабдаба билан кутиб олмайми? Ҳулагухон мулкидамиз-ку, етти ёт бегоналармиз. Хо-хо-хо! Соҳибқирони муаззам Чингизхон зурёди улуг Тўхтамишхон элчилари эсак-да, ўзинг учун ўл етимдай ўтирибмиз, ўз ғамимизни ўзимиз еб... Шу яхшима? Бу жойлар яна Олгин Ўрда мулкига айланмоғи керакмасма?..

– Керак, амир Тармочуқ жаноблари, худо хоҳласа!.. Шу қутлуғ ишнинг бошида ўзингиз турибсиз, амирим! Ўзингиз!.. – гапга пишанг берди “гушна” деганлари – нозик қоматли дароз йигит.

– А, Кўка? Сенга маъқулма, Кўка? – сўради бит кўзларини қисиб Тармочуқ, хаёл сурганча бурнининг учидаги қалин тук билан қопланган нўхатдай жигаранг холини силаб ўтирган Кўкамандан.

Кўкамандан Идику манғит хизматидан чиққанидан кейин, уни Тармочуқ ҳар хил ваъдалар билан йўлдан оздирган ва ўзининг сафига кўшиб олганди.

– Салтанатга садоқат бундан ортиқ бўлмас!

Хоразмга ҳам ўзингиз бош кўншлингиз-ку! – деди Кўкаманд.

– А, гушна?.. Сенга-чи?

– Адолатни сўйладингиз, амирим! Бу ерлар ҳам Олгин Ўрда мулкида, асли!

Яқинда Тўхтамишхон ҳимматида амирлик мартабасига кўтарилган, гунгурсдай семириб кетган Тармочуқнинг авжи баланд эди:

– Эҳ, Табриз Сарой-Берканинг иниси даражасига кўтарилиб дунёга донг таратмайми?.. Таратмайми?.. Хоқонимиз чангал солган жойларини ўшириб оладилар! Эти билан чиқади! Улуғ хоқон ярим йилга қомай бу ерларга келадилар... Озарбайжону Гуржистону Табриз бирданига назарга тушиди... Жуда тез фурсатда... Ироқ ҳам... – Амир бирдан салтанат сирларини айтиб юбораётганини сезиб қолди-да, ўзини ўнглашга тиришди: – Ҳи-ҳи-ҳи... Қорин очибди. Чўл олиб Табризга етиб келгунча, нақ ўлай дедик... Қорин очганда кўзингга ҳеч нарса кўринмайди. Қоринда бу... Оч қориндан шунақа гаплар чиқади... Хо-хо-хо! Қани, бўғирсоқ, тез қимилла! Бас, ҳозир яхши тўйиб омасак, бўлама?.. Сал ўтмай қорин тагин очиб қомайми?..

– Очади, Амир Тармочуқ жаноблари! Олдинда хатарларга тўла Карбало дашти турибди! Шомгача узоқ... Йўлга ҳам ғамлаб олиш керак! – жиддий жавоб қилди гушна.

– Гушна, тўғри айтасен! Сенда калла бор! – Тасдиқлади меҳмонлардан учинчиси. – Тўрт ой олдин Карбало дапгидан ўтдим. Вой-баёв! Уч-кети йўқ чўл, мен сенга айтсам... Бизди Қипчоқ дапги уни олдида ип эшолмайди... Ўшанда офтоб ёндирворди, дегин. Қовурворди!... Сув йўқ, бир қулгум сув минг динор, мен сенга айтсам...

– Бу ерларни яхши билмаймен, биринчи келишим... – деб қўйди Кўкаман, биров сўрамаса ҳам.

– Мунча чўзасила!.. Қорин пиез пўсти бўб кетди-ку! – сабри чидамай гапни кесди бошқаси.

– Ўзларингиз биласизлар... – сўз қўшди бепарво яна бири.

– Ёрдам керакма, бўғирсоқ?. – сўради амир. – Ё ўзим борайма?... Зўрларини танлаб бераман-да, ўзим! Танлангани биласанма?

– Бидам, бидам! – бидирлади бўғирсоқ. – Ҳозир ошкелам!... Ҳозир!..

“Бўғирсоқ” чаққон бозорга югурди, у афтидан баковул вазифасини адо этарди.

Шу пайт Тармочуқ саннаб ўтирган момонинг гингшиб: “Темурлангни аспаласопинга юбор!..”, “Аспаласопинга юбор! Юзини тескари қил!..” деяётганини эшитди. “Ёлғиз момонинг болалари, чамаси, Темурланг қўшинлари босқинида ўлиб кетинган шекилли...” – ўйлади амир.

– Темурланг, нима, аршангни хом ўрдики, ёзғирасен, мома?..

Момо сомса ейишдан тўхтаб, Тармочуққа қаради:

– Ў-ў-в, болам-а... Қайсибирини айтайин... Беш йил олдин бизнинг қишлоғимизни таг-томири билан кўчириб Туркистонга жўнатди. Балочуқ қалғаси харобага айланди... Кўп қариндош-уруғларим ё ўлди, ё сарсон-саргардон, билмайман, қаерларда юрибди. Ҳаммасини ўша қилди... Сизлар кимсизлар, болаларим? Тагин Темурлангни одамларимасмисилар?..

Момо тасбиҳни қўйди-да, дастурмолини олиб ёшланган кўзларига тутди.

Амир Тармочуқ Балочуқ деган қалғани эшитмаган эди, (аслида Алочуқ, момо атайлаб чалкаштириб айтганди) сўрашга ийманди. Унинг негадир момога қайишгиси келди. Шу пайт қўйни-қўнжини тўлдириб “Бўғирсоқ” кўринди. Ҳамма дастурхонга танланди. Тармочуқ шерикларидан бирига момога емакдан беришни буюрди. Кейин деди:

– Эсинг жойидама, мома? Дунёдан умилиниг йўқма? Билиб қўй, бизлар Темурлангни одамларимасмиз, бахтинга, ашаддий ганимларимиз... Билиб қўй! Ҳоконимиз Тўхтаминхонни дунёда битта душмани бор, уям Темурланг! Хо-хо-хо!..

– Шунақами?.. Тутинган ўғли деб эшитгандим-ку? Душмани отаси экан-да?.. Худодан кўркмайдами?.. Вой, болаларим-ей! Жудаям шум экансизлар... – таажжублангандай тикилди момо. – Шоҳнинг душмани шоҳ, гадонинг душмани гадо-да, рост...

– Ҳа, душмани – отаси! Хо-хо-хо!.. Худодан ҳам кўркмайди! Шунақа баҳодир Тўхтаминхон!.. Хо-хо-хо!

Суҳбат қизий бошлади. Тезлагина дастурхондаги таомларнинг қути ўчинга турди. Қорин қўйган сопол кўза, машваратда ўлтирган подшодай мутлақ ҳокимликни қўлга олди, майкоса худди чопардай давра айланнида нағмалар кўргиза бошлади. Исиган димоғлар бошларга ҳам ҳарорат улашди. Момо зимдан боқиб, тоҳ-тоҳда Амир Темур ва унинг кирди-корлари ҳақида Тармочуқнинг қулфи-дилини очувчи илмоқли саволлар

ташлаб қўярди. Тиллар ечилиб, орадан сир пардаси кўтарилиб, Амир Тармочуқ мақтанишга тушди. Ҳар косадан сўнг унинг тили ечилгандан ечилиб борарди. Амир Темурга қарши иттифоқ тузилмоқчи экан, бунга Польша мамлакати ҳукмдори Ягайло, Рум қайсари Боязид Йилдирим, Миср султони Барқуқ, Ироқ подшоси Султон Аҳмад жалойир ва Олтин Ўрда хоқони Тўхтамишхоннинг бошлари қовушишлари лозим, кенгашмоқ даркор, Тармочуқларнинг шу ниятда учинчи бор сафарга чиқишлари... Хоқони муаззам Тўхтамишхон барча подшоларга мактублар йўллаганлар...

— Ў-ў-в-в... ўлганакан... Темурлангни Тўхтамишхонни ўзи гум қиб қўяқомайдими?.. Овора бўб юрмай... Ҳамма тинчирди... — жавради момо.

— Қовурдоқни опкемайсанма, бўғирсоқ? Бир имилладинг-е! Тез опке!.. — буюрди Тармочуқ баковулга, кейин момога ўтирилди: — Момам-а, содда момам-а!.. Темурланга бир одам бас келиши қийин-да... Унинг лашкари лашкармас, тўфон!.. Тўфон...

— Тўфон дегин?.. Ҳм-м... Ҳозир қаерга борасизлар? Агар Султон Аҳмад жалойир керак эса...

— Билдик, билдик... Билмай бўлама!.. Бизлар-а! Бизни содда памлама, мома... — Амир Тармочуқ ширакайф эди, унинг сўзлари тобора шувалиб борарди. — Султон Аҳмадни Табризда демоқчисиз... Биламиз... Лекин дуч кемаймиз... Султон Аҳмад билан Бағдолда кўришурмиз... қайтаётиб... Ҳозир Шомга... Шомда бизни Миср султони Барқуқ аёнлари кутиб олади... Базм... зиёфат...

Йигитлар алжираши авж олди. Биров бировга қулоқ солмас, кимдир бошқалар билан иши йўқ, ўзича гингишиб аллақандай кўшиқни хиргойи қиларди. Амир Тармочуқ хуррак отганча пинакка кетди, гушна пайтдан фойдаланиб аста ёнбошлади, “Бўғирсоқ” ҳам вазифасини бажарганидан мамнун, бир озгина чўзилиш истагида эканини яширмас, ўтирган жойида гоҳ тирсагига таянар, гоҳ ўнганарди.

Кун қайтиб қолди.

Кўп ўтмай момо: “Хожа Аҳмад пирим, ўзинг мадад бер!.. Ғавсул Аъзам пирим, ўзинг мадад бер!..” дея яна азиз-авлиёларга илтижо қилганча, жойидан кўзғолди. Эмин-эркин яйраб ўлтиришган Тўхтамишхон элчилари ўзлари билан ўзлари овораликларидан момонинг кетганини ҳам сезишмади..

## Тўққизинчи боб

### 1

Шерозга отланган Турон лашкарининг йўлдан чалғиб, Мозандаронга юришига мусулмончилик қоидаларига путур етганлиги сабаб бўлди. Вилоятнинг маркази Сорида Мозандарон шайхларидан нуфузли Саййид Камолиддин деган одам ҳоким мақомида эди. У ерда, ажабо, суннатга, балки фарзга ҳам амал қилмаслар, саҳарлар азон айтилмас, жума намози масжидда адо этилмас, жамоат йиғилмас... эмиш. Буни эшитган соҳибқироннинг ғазаб томирлари кўзғолди. Уламо аҳли ҳисобланадиган шайхларга нисбатан кескин чоралар кўриш тақдир тақозосига айланди.

— Тавба, ҳазор тавба демак керак. Бундоғ билдъатларни улар қай ердан олмишлар? Уларнинг устодлари кимдур? — сўради Амир Темур пири

муршиддан, қўли беихтиёр иягига чўзилар экан. - Шаккокликнинг ўзи-ку! Мусулмонларга... шу муносибму?

— Эсли-хушли одамларнинг бундоғ тутуми, албатта, ҳайрон қоларликдур, Амир соҳибқирон! — афсусланди Мир Саййид Барака.

Сўзга шайхулислом Хожа Абдулмалик аралашди:

— Шундоғ шаккоклар билан бир заминда яшамоқ гуноҳдур! Яна, тавба деб гапирмак лозим! Аммо ақли қосирим дерки, улар жазога мустаҳиқдурлар!

Соҳибқироннинг қўли иягидан тушмасди.

— Фарзу суннатга риоя қилмаслик ширкка баробардур... — деди пири муршид. У соҳибқирон шундоқ ғазаб отига минган паллаларда, қаҳр алангасига бироз сув сепиш ниятида, одатдагидек, суйган усулини қўлади, — пайғамбар ривоятларидан сўз юритди:

— Муҳаммад алайҳиссаломнинг шарафга чулғонган ҳаётлари, сўз-амаллари, тақрири<sup>1</sup>, ул зотнинг муборак вужудларига оид маълумотлар, ҳилм<sup>2</sup>, сабр, шижоат ва саховатлари каби сифатлар бари суннатдур, умматлари учун бемисл ибрату мактабдур, Амир соҳибқирон... Алҳамду лиллоҳир раббил оламин!

Пири муршид хаёлга ботгандай атай озгина сукут сақлади.

— Чиндан ҳам пайғамбаримизнинг донғи дoston

умри умматлари учун бемисл ибрат мактабидур! Хожаи коинотнинг чеварлигига офарин! — қўллаб-қувватлади шайхулислом Хожа Абдулмалик.

— Аммо, баъд.. — давом этди сўнг пири муршид. — Бир мўъжизага боқсунларким, ҳадис маъноси Оллоҳдан, лафзи расулиллоҳдан бўлгон ваҳийдур. Дину диёнат, шариат аҳкомларида пайғамбаримиз ўз фикрларини айтмайдулар, балки Оллоҳнинг ваҳийсини ўз таърифлари билан тақдим этадулар. Фарз эса бандаи мусулмон бажариши лозим амаллардур. Бир хилларини “фарзи айн” дерлар, барча мусулмонлар учун вожибдур, ҳисоби қирқ атрофида... Ҳалол яшамак, таомни зарур миқдорда емак, анинг қувватини эзгу ишларга сарфламак, таом бергувчи Оллоҳга шукр айламак... Амри маъруф, наҳий мункар, илм олмак ҳам фарзи айнга кирадур...

Амир Темур индамай тингларди.

— Жаноби олийларининг, салтанат ишларида манваратга қўйгон тўққиз улупдан бирини... Мозандарон шайхларига раво кўрсалар адолат қарор тошғой эрди...

— Рост сўйладингиз, пирим. Саййидларни

инсофга чақирмак лозим ва лобиддур, токи муқаррар урушнинг олди олинсун! — Амир Темурнинг хийла ғазабидан тушганлиги сезилди. — Пири муршиднинг ўзлари мазкур шайхлар ҳузурига таъриф буюрсалар, улар қилмишини инсофу адолат тарозисига қўйиб ҳукм этсалар, бандасига ҳам, худога ҳам ёқадурғон қалам бўлурди. Шайхлар нозикмизож эмишлар...

— Бош устига, Амир соҳибқирон!

<sup>1</sup> Тақрир (араб) — иқролик, маъқуллаш.

<sup>2</sup> Ҳилм (араб) — юмшоқ табиатлилик.

Хумоюн ўрдудан билдирилган хоҳиш Мир Саййид Баракага ўринли туюлди. У пешин намозига қолмай, Сори шаҳрига кириб келди. Чорсудаги кичиккина масжидга яқинлашаркан, расулиллоҳнинг: “Кимда-ким Оллоҳ йўлига масжид қурса, гарчи у ўрдак уясидек бўлса ҳам, Оллоҳ унинг учун жаннатда бир уй бино қилади...” деган сўзларини эслади. Бир мулозимини Мозандарон ҳокими Саййид Камолиддинга юборди-да, бошқа одамлари билан намоз ўқишга киришди. Кўп фурсат ўтмай шайхлар ҳам ҳозир бўлдилар ва намозга қўшилдилар. Таранглик бироз бўшашгандай туюлди.

Жўяли насиҳатлар, такаллуфларга ўралган баҳс узоқ чўзилди.

– Боқингиз, Машҳадда Амир соҳибқирон ўзлари сунниймазҳаб эканликларига қарамай, саккизинчи имом Али ибн Мусо ал-Ризо мақбараси зиёратига бордилар... Бу ул зотнинг бағрикенг эканликлари нишонаси эмасму? – деди Мир Саййид Барака Саййид Камолиддинга таънаомиз. – Пайғамбаримиз умматларига ҳаминша кенглик ярашади. Ҳаммамиз мусулмонмиз-ку. Мусулмонлигимизни қилайлик...

– Иншооллоҳ, мусулмонмиз... – розилик билдирди ўзини ўнғайсиз сезган Мозандарон ҳокими. У катта каллали, чўзинчоқ ялпоқ юзли, йирик гавдали одам эди. – Ўзимиздан кўра ҳам мўъминлар умри азиз... Ўғлим сиз бирлан борсун... Тухфа-ю тансуқотлар тайёрлаб қўйдук.

Нуктадон пири муршиднинг мураса-ю мадорага бориб, гаров сифатида Мозандарон ҳокими ўғли Саййид Фиёсиддинни бирга олиб қайтгани қутлуг қалам сифатида баҳоланди. Кўнгилилар таскин топди.

Бироқ уринишлар зое кетганлиги кейин билинди. Пири муршидни кузатганларидан сўнг, Саййид Камолиддин фурсатни ўтказмай, аллақандай шайтон васвасасида Омул шаҳридан шимолда Қулзум<sup>1</sup> денгизи бўйида жойлашган мустаҳкам қалъага чекинишга буюрди. Ҳали манзилига етиб келиб улпурмаган Мир Саййид Барака буни эшитиб хижолат чекди, аммо “Инсоннинг табиатига ана шундай беқарорлик хосдир”, деб ўйлаган соҳибқирон воқеани пирнинг юзига солиб ўлтирмади...

Тўқнашув муқаррар эди.

Мозандарон ўрмонлари чангалзор ва ботқоқ ерлардан иборат эканлигини соҳибқирон яхши биларди. У Муҳаммад Султонга ишониб, шу ишни тонширар экан, кўмакчи қилиб Бижан авлодларидан чиққан, ўзини соҳибқирон хизматида ҳисоблайдиган баҳодир Искандар Шайхийни тайинлади. Аммо Искандар Шайхийнинг кўнгилида нима борлиги ёлғиз худога аён эди холос. Амир Темур ўн йил аввал Ҳиротда маликнинг шафқату шафоат тилаб келган онаси Султон Хотунга шу Искандар Шайхий ҳамроҳ бўлганини эслади. Ўшанда, бу очиқ юзли, паҳлавон келбат баҳодир соҳибқирон назарига тушди.

– Ўрмонларингни ўзинг биласен, баҳодир... – буюрди Амир Темур. – Йўлнинг кенглигига бир ўқ отимча ер қолдир! Ўзинг ғажарчисен<sup>2</sup>, кенгаш бер, чакалакзорларни кесиб, йўл очингизлар!

– Бош устига, соҳибқирон ҳазратлари! Ғажарчи бўламен! – таъзим бажо айлади Искандар Шайхий ва нарида турган душмани, Мозандарон ҳокими ўғли Саййид Фиёсиддинга қаҳр билан қараб қўйди. Бир пайтлар

<sup>1</sup> Қулзум – Каспий денгизи.

<sup>2</sup> Ғажарчи – йўл кўрсатувчи.

Мозандарон шайхлари, хусусан, Саййид Камолиддин унинг отаси билан оғасини ўлдириб, ҳукмдорликни тортиб олганди.

“Яна эгри қиличга суяниш керак...” — деб қўйди ичида Амир Темур...

Улкан қўшин чапгалзорларга тўла ўрмонда ёғочларни кесиб, ботқоқларни қуришти, йўл солиш ишига бало-қазодай ёнишди.

Сурон қўйди...

Ташқи қалъа бой берилиб, мағлубият аниқ бўлиб қолганда гуруҳ-гуруҳ саййидлар ичкаридан бош эгиб чиқа бошладилар. Шоҳчодир олдидаги супада ўлтирган соҳибқирон баридан кўз узмасди. Оқилона маслаҳатларга қулоқ солмаган, ўз бошига бало орттирган ўзбонимча муҳолифатчилар унинг қаҳрини кўзгаб, газабини келтирди. Аммо буни сездирмади, нафратини оёқда туриб гаплашини билан ифода қилди:

— Барчангиз ёмон мазҳаблар йўлини тутубдурсиз! Худонинг бандаларини қаён бошламоқдасиз? Бегуноҳ тўкилган қонлар кимнинг бўйнига тушадир энди?..

— Мен Ҳазрат Али наслидандурмен, соҳибқирон жаноби олийлари... — Саййид Камолиддин бесўнақай гавдасини тик тутишга уринарди. — Унинг ғанимларига дўст бўлмоқ қўлдан келмайдур...

— Ҳазрат Али шери даргоҳ жанобларининг ғанимлари кимлар экан?.. — забтига олди катта-катта кўзлари қисилганча Амир Темур. — Билингизким, Ҳазрат Али ло фатонинг ғанимларига биз ҳам ғанимдурбиз. Сизлар суннатга, фарзга амал қилмайсиз, — печун? Жума намози ўқимайсиз, жамоат йиғилмас, — печун? Мусулмонлар қулоғи саҳарлар азон овозидан бебахра... — печун? Ё, алҳазар!.. Каломуллода айтилгон сўзлар ёдингиздаму? “Агар намозга азон айтгайдурсиз, мушриклар масхара қилгайдурлар, чунким улар Оллоҳга бахшила ибодатга ақли етмайдургон қавмдур”. Ана, сизнинг баҳонингиз! Уқдингизму?.. Каломуллога қулоқ тутмак керак. Саййид — пайғамбар авлодидандурсизлар. Дину иймон айвонининг пуркуч устуллари... Авомунноста сизларда ўзга ибрат топилмадиму? Сизларга муносибму?.. Буни англамак лозим! Шикоятни шукурга айлангирмак фурсати алақачон етмишдур! Солиҳ йўлга қайтингиз! Суннат ва жамоат йўлига кирилингиз!

— Бош устига, подшоий олам! — таъзим айлаган Саййид Камолиддиннинг изо торгани сезилди. У соҳибқироннинг рисолатпаноҳ расулуллоҳ авлодларига ҳаминша шафқат қилишини билар, ичида шундан умидвор эди.

— Айб иш қилиб қўйдик....

— Солиҳ йўлга қайтгаймиз! — қўшилишди бошқа саййидлар ҳам.

Жимлик чўкди. Пири муршид соҳибқироннинг хийла шаштидан тушганини кўриб кўнгли тинчиди.

— Саййидларга омонлик берилсун! Ўз сўзига вафосиз Мозандарон ҳокими Саййид Камолиддин... қаттиқ жазога мустаҳиқ эрса-да, гуноҳидан ўтилсун, хотинлари-ю ўғлон-ушқлари билан Хоразмга жўнатилсун!... Бузғунчи бадмазҳаб сипоҳийлар битта ҳам қўймай қатл этилсун! — буюрди Амир Темур хотиржам.

## II

Мозандарон тасхир этилгандан кейин турли ўлкаларга фатҳномалар юборилди. Соҳибқирон соғинган оқа ва хонимларни, саодатнишон ўғилларини ўз ёнига чорлади. Эрондаги фарзандлару бола-бақраларни

йиғиб олиб келиш Умарнайх Мирзога юклатилди. Самарқандга бораётган чонарга, барча Наврўз байрамидан кеч қолмасунлар, деган фармон берилди. Бу хабардан бағоят қувонганлардан бири, балки биринчиси шаҳзода Муҳаммад Султон бўлди.

Шаҳзода ҳали Мапшаҳда эканлигидаёқ, Соғинч бикадан пинҳона хабар оломоқ учун Самарқандга чонар юбормоқни кўнглига тукканди. Соғинч бикага қисқа муштоқона мактуб битишга ўтирди. Мактубни настаблиқда ёзади, ҳопияларида гулу нақшлардан чаман яратади. Токи суюклиси унинг кўнгли пўртаналарини сезсин...

*“Эй қалби ўтлуғ, манглайи қутлуғ, соҳиру ҳур, тишлари дур қиз! Эй, қадам босган ерларида қирқ кунгача уфур иси анқийдиган қиз! Қочқоқ кийигини излаб юрган бир бечоранинг ушбу мактубдин муроди, муборак сихҳатларини Тангридан тиламаги, кўнглилари осмони беғубор эканлигини билмаги ва бундан ўзининг шикаста кўнгли осмонини қоплаган булутларни қувмакдин иборатдур...”*

Дадил бошлаган шаҳзода шу ерда тўхтаб қолди. Жуда кўп нарсаларни ёзишни ўйлаганди, чиройли сўзлар, назик иборалар қўйилиб, “Мана, мени ёз!”, “Мени ёз!” деб ҳол-жонига қўймаганди. Ёзишга ўтириши билан бари қаттиқ овоздан ҳуркиб қочган қушлардек қаёқларгадир учди-кетди...

Шаҳзода мактуб битиш ниятидан воз кечди. Ўйласа, ҳали у мактуб ёзиш ҳаққи-ҳуқуқига эга эмас экан. Энди чонарга яхшилаб тайинлайди, Муҳаммад Султон юборганлигини ҳеч кимга айтма, дейди, вазиятни билиб кел, деб жўнатади...

Соғинч биканинг онаси қазо қилибди... Чонар Тошкандгача борибди. Аммо Соғинч бикани топиш унга насиб этмабди... Хабарнинг бори шу эди.

Йигит қалбида кўн туғёнлар, ҳаяжонли тўйғулар чаптар урарди. Жўйи Зар кўнригида юз берган ногаҳоний учрашув ҳали ҳануз эсида. Эсида эмас, бутун борлигида, вужудида, юрак-юрагининг тубида... Ўйлайверганидан, Жаҳоншоҳ ибн Жоқунинг ожизаси Соғинч бика, нотаниш қиз, унинг энг қадрли, кўндан таниш, жуда яқин меҳрибону мушфиқ кишиси бўлиб қолди. Ажабо, гарчанд қиз билан бир оғиз ҳам сўзланмаган эса-да, гўё узоқ йиллардан бери танишу кўн бор мириқиб суҳбатлар қургандек сезади ўзини...

Ул санамнинг сиймоси кўз ўнгида шундай муҳрланган: хиёл чўзинчоқ оқ юзлари тип-тиниқ, қошлари қора, қарашларида нозу қаранмаси яширин, — ана шуниси йигитга жуда ёқади, — кулганида бир текис ошпоқ тишлари кўзга ташланади. Ўзига яраниб турадиган қувлиги ҳам бор, жилмайса, икки юзидаги кулгичи ўймоқчалар ҳосил қилади. Шадлод, қўрқмас... Ўзи уғруқ бошида, акалари эса орқалда... Қишлоқда хайру эҳсонлар улашинида ҳам у бош-қош... Бора-бора, қиз йигит хаёлида эртақлардагидек оҳанрабоси кучли, фаройиб офтобжамолга айланди.

Ичи сирга тўлиб кетган шаҳзоданинг кимгадир ёрилгиси, кўнглини бўшатгиси келарди. Онаси Хонзода хоним йироқда... У хонимойим Сароймулкхонимдан эшитган эди, отаси Жаҳонгир Мирзо билан онаси Хонзода хоним ўрталаридаги ғойибона муҳаббатни асраб-авайлаб вояга етказган соҳибқирон эгачиси бонуйи кубро Қутлуғ Туркон оқа бўлган эканлар. Жаҳонгир Мирзо Қутлуғ Туркон оқани она ўрнида кўрарканлар. Жаҳон амирзодаси билан Хоразм маликаси қиссаси, уларнинг тўйлари,

фараҳли айёмлари, қувончу қайғулари ҳақида Муҳаммад Султоннинг тасавури бор. Хонзода хонимни Жаҳонгир Мирзога унашгирганларидан кейин икки йилча вақт Самарқанд билан Хоразм ўртасида борди-келди тортишувларда ўтган экан... У отасига ўхшаб кетмоқда, ажабо, унинг муҳаббати ҳам ғойибона, ярим йилдирки, севганининг дийдоридан бебаҳра...

У сирини Сароймулкхонимга очиши мумкин. Маҳди улёнинг вазиятни тушуна олишларига ишонади. Жўйи Зардаги қишлоқда кутилмаганда кўчада учрашдилар, ҳар икки ёш ҳам ҳаяжонларини яширолмай, бир-бирларига бефарқ эмасликларини билдириб қўйдилар. Ёш кўнгилларнинг бу ҳолатлари нозикфаҳм маҳди улё назаридан қочмади, гумонлари тасдиқлангандай туюлди. Йигитга ҳам шу керак эди, хонимойим шаҳзоданинг Соғинч бикага озгина иши тушиб турганлигини англаб етган эса, кифоя...

Худо хоҳласа, Наврўз байрамида Муҳаммад Султонга катта малика билан ҳам, онаси Хонзода хоним билан ҳам дийдорлашиш насиб этади.

Қишнинг охирлари эканига қарамай, хонимойим Сароймулкхоним ва Туман оқа етакчилигидаги угруқ Журжон вилоятининг Шосмон деган мавзисига қийналмай етиб келди. Султониядан Хонзода хоним, Балхдан Султон Бахт бегимлар аллақачон шу ерда ҳозир у нозир эканлар. Мунис ва мунглиғ аёллар қувончларига чек йўқ эса-да, йиғлаб кўришардилар. Маликалар иморати олий — янги саройга жойлашдилар.

Саройнинг тарих милудий 1392 йилнинг кеч кузида Қулзум денгизига яқин Шосмонда бунёд этилишига маҳди улё сабабчи бўлганди. Амир Темур қаерга қадами тегса, бир из қолдириш одатини тарк этмасди. Ният, асли, Жўйи Зарда туғилди.

— Амир соҳибқирон, — мурожаат қилди ўшанда Сароймулкхоним — Хонзода хоним келинимизни ўйлаймен. Мабодо лозим топсалар, денгиз яқинида хушманзара ўрмонда бир қаср қурдирсалар... Ўзлари шундай жой ҳақида сўйлағондилар. “Келиним ўксик, ёдингизда турсун!” дегандилар. Малика шаънига базму зиёфатни янги саройда ўтқарсам, деган орзуда эрдим...

— Жуда соз, Биби...

Эндигина соғайган Амир Темур кенг шоҳқодирнинг ичида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Чодир эшигидан кунботишда, Жўйи Зардан узоқ-узоқларда чети осмонга уланиб кетганлиги сезилар-сезилмас чўл кўринарди.

— Ҳа, дунёда энг ғаройиб нарса инсон қисмати экан, — деди соҳибқирон қуш учса қаноти куядиган бедаво чўлга тикиларкан. — Пешонага тортилган кичиккина чизиқни ўзгартириш ёки салгина четга суришдан ҳам ожиз экан бандаси... Қаерда юрмайин, хаёлимнинг бир учи Султонияда. Фарзандим, ўғлим ўрнида ўғлим Хонзода хоним тақдирини ўйлаганимда, кўнглим япроқдай титраб туради. Ҳовли-ҳаёти тоғув эрмас... Биламен, биламен... Ҳар доим хабар олингиз, Биби... Мироншоҳ Мирзо сал бетакаллуфроқ ўсди, кибру ҳаволи, зулим ўтказмасин, ундан ҳар нарсани кутиш мумкин... Фарзандингдан қаёққа қочиб қутуласен?.. Эвоҳ!

Маҳди улё Сароймулкхоним худди ана шу Наврўз арафасида қуриб битказилган янги ҳашаматли саройда Хонзода хонимга атаб тўйлар берди.



Хоразм маликасининг олиб келган турфа хил қимматбаҳо пешкашларидан бошқалар ҳайратдан ёқа тутиб қолдилар...

Бир-бирларини соғинишиб қолган сарой маликалари — оқа ва хонимлар мушкулқушод ўтказиб, азиз-авлиёлар қадамжоларини зиёрат этдилар, наврўзга сумалак пиширдилар. Кулзум денгизи бўйидаги кичик ярим оролда ўтган Наврўз айёми жуда ҳам файзли кечди.

Кўклам мўъжизалари ўз кўркини кўз-кўз қилган орол кўмкўк либосга бурканиб улгурганди. Шимол ёқда вужудида баҳорий кўтарилиш авжларидан тўлқинлана бошлаган безовта мовий денгиз уфққа бош қўйиб ястаниб ётарди. Оқ, қизил, сариқ, ҳаворанг ва ҳоказо ранглардаги катта-кичик олачишор чодирлар атрофни тутиб кетди. Ҳумоюн ўрду чорловига кўра, соҳибқироннинг хотин ва жориялари, фарзанд ва набиралари, жиянлари йиғилдилар. Соҳибқироннинг кўнгли таскин топди — ҳамма қариндош-уруғ, набира ва жиянлар тўпланибди. Чодирлардан мамнуну масрур болакайлар қайнаб чиқарди. Хипчинни от қилиб миниб олган болалар дунёни бошга кўтариб шовқин солиб ўйнашар, бошларига толбаргак кийган, йиллар ўтиб оламни куйдирадиган ҳуриликко маликалар бўлиб етишадиган қизалоқлар у ёқдан-бу ёққа чопишар, тўп-тўп очилган лолалардан дасталар теришарди. “Темурийлар!...” — деб ғурурланди соҳибқирон ичила.

У мамнун давраларни оралаб юрар, барчани муборакбод этар, набира-жиянларнинг пешоналаридан ўниб қўярди. Малика-ю жориялар, келинлар тайёрлаган ҳар дастурхондан унга таом тутинганида, атай интаға кўргизиб татиб кўрар: “О!.. О!.. Жуда ширин!”, “Тотли чиқибди!” деб мақтанган толимасди.

Яшил қабо<sup>1</sup> кийиб олган маликалардан бири ёлғиз ўзи ўйнаб, денгизга яқин бориб қолган калтагина сочларига толкучук боғланган қизалоғини йиғлатганча қайтариб келарди.

— Болани йиғлатма! — уқтирди соҳибқирон.

Бирдан чопарнинг баланд овози эшитилди:

— Амир соҳибқирон! Мужда муборак! Йил бошланди! Деҳқон бобо далага омоч олиб чиқди! Бўғирсоқ ёғида ҳўкизларнинг шохини-ю бўйинини мойлаб кўпга кўпдила-а-ар!.. Ерга дон тушди-и-и!.. Энди барака ёғилади-и-и!..

— Ҳўкизларга биринчи марта бўйинтуруқ солиниши-да, ҳой қиз! Шунга мойланади. Иримларимиз шунақа... — деб кўйди Орзумулк оқа дугонаси Сароймулкхонимга. Катта малика жилмайганча бош ирғади. Уларнинг чодирлари ёнма-ён эди.

“Йил бошланди!”, “Кўпга кўшдила-а-р!”, “Ерга дон тушди-и-и!..”, “Барака ёғилади-и-и!..” — дея қичқиришарди бола-бақрадан тортиб катталаргача.

Дастурхонларга хилма-хил таомлар тортилган. Лаганларга терилган етти хил кўк сомса интаҳаларни кўзгар, сумалак, одатдагидек, алоҳида иззат-икромда... Ўйин-кулги авжида... Денгиз томондаги ясама супада кўр тўкишган хушовоз мутрибу хонандалар соҳир куйлар чалишар, Наврўз кўшиқлари тараларди. Жанубдан гала-гала қайтаётган қушлар

<sup>1</sup> Қабо (араб) — узун ва кенг устки кийим.

тенада бир оз тўхташар, кейин, чамаси, сўзу соз сеҳрига маҳлиёликданми, тиниқ осмонни тўлдириб, айлана-айлана, ғужғон ўйнашарди... Дилгортар “Тўрт зарб” таронасига навбат етди. Маншхури замон бастакор Хожа Мароғийнинг бу куйини чалганларида бошқалар тугул, маншпоқларнинг ўзлари ҳам масрурликдан яйраб кетардилар.

Шодиёна авжга чиқиб борарди...

Хонзода хонимнинг қувонган жойи — икки ўғли Муҳаммад Султон билан тўққиз яшар Халил Султонни бир пайтда дийдорларига тўйиш насиб этгани эди. Парвардигорнинг бундай илтифотидан ўзини қайга кўйишни билмаган онаизор юраги увалиб турса ҳам, кўз тегмасин деб кўрққанидан, одамлар олдида уларни суюб эркалашдан ўзини тийди. Ёлғиз қолганларида эса, тили боғланиб ҳеч сўз айта олмади, гоҳ у ўғлига, гоҳ бу ўғлига қараб, меҳр билан:

— Ўғлим... Ўғилжонларим!.. — деёлди холос.

Муҳаммад Султоннинг балоғат ёшига етаётганини ўйлаганида, онанинг кўнгли ҳаприқиб-ҳаприқиб кетарди. Ўзи мард, келишган, заковатли ўғли нафақат китобат санъатида, балки турмушнинг барча жабҳасида ҳам таъби нозик... Уни уйламоқ лозимдур, аммо ҳамма ожиза ҳам ёқавермаслиги аён. Шу сабабдан, тўйга розилик бермай келадур. Бир неча помзодларни рад этавсегандан сўнг, соҳибқирондан кўмагу кенгаш сўрабдилар. Амир Темур: “Валиаҳд шаҳзоданинг хоҳишларига қарамоқ жоиздур... Мен мамлакатларни бирлаштира олурмен, бунга кучим етадур, аммо зўрлик билан икки кўнгилни бир-бирига боғлашдан ожиздурмен...” — деган эмишлар.

Маҳди улё Сароймулкхоним мактубларидан бирида, бошқа амирзодалар қатори Муҳаммад Султонга ажойиб бир келиш топиб қўйганлиги, йигит ҳам, қиз ҳам бир-бирларига жуда муносиб экашликлари, айниқса, уларнинг интилишлари ҳам борлигини ўз кўзи билан кўрганлигини ёзиб юборибдилар. Хонзода хоним худди эрта-индин тўй бошланганидай, бирам шонилдики ўшанда. Ақлли ва гўзал қиз эмиш Соғинч бика, зукко ва оқил Жаҳоншоҳ ибн Жоқунинг ожизаси... Агар ўғли ёнида бўлганида, мактубни олишни биланок, бу ҳақда дарҳол сўз очилиши шубҳасиз эди. Бироқ, ўғли узоқда...

Хонзода хоним яхши билади, замоннинг тақозоси, вазиятлар ҳолати, тақдир ҳукмфармолиги оқибатида маликалар, ўз фарзандлари дийдорларига зор яшайдилар. Бундай таомил фақат Турон салтанатида эмас, балки барча подшоликларда, жумладан, хоразмшоҳларда ҳам ҳукмрон. Бобоси Султон Муҳаммад Ўзбекхон саройида ҳам тартиб шундай экан. Ҳатто баъзан, бир валиаҳддан бошқа барча меросхўр шаҳзодаларни болалигидаёқ ўлдириб юборинарканлар. Ворис шаҳзодалар тақдири жуда қизиқ. Чақалоқ туғилиши билан, уни энагалар олиб эмизишади, катта малика Сароймулкхоним назорат қилади. Вояга етган сари, амирзодалар мадрасада таҳсил оладилар, одоб-ахлоқ, инсофу алолат сабоқларини тинглайдилар, давлатдорлик йўлларини ўрганадилар, отабек жанг майдони сирлари, муомала қоидалари, шикор русумлари билан таништиради... Амирзодаларни асраб-авайлаш салтанат даражасидаги вазифадир, улар тор оила доирасида эмас, балки кенг сарой ҳавосидан нафас олиб вояга етушлар, токи келажакда юрт бошқарини бахти насиб этганда, қийналиб қолмасушлар...

Алқисса. Онаизор — кўпинча у бошқа шаҳарда яшайди — ўзи истаган вақтида житаргўшасини кўра олмайди. Қандайдир қонунга айланган бу одатга ҳеч ким таажжубланмайди, нега шундай, деб сўрамайди ҳам. Онанинг фарзандга муҳаббати, фарзанднинг онага меҳри, садоқат каби ва ҳоказо инсоний туйғулар давлат юки, салтанат аҳлиарига хос расмий мулозамату муомалалар соясида бир четга сурилиб қолади...

Бирдан Хонзода хоним хаёли жонланди: “Шаҳзодаларнинг ота-онасидан йироқда яшагани, ота-она меҳрини туймагани бағритошу бешафқат ўсишларига сабабчи эмасмикин? Қадимда сосоний шаҳзода Шеруя ўз падари бузруквори Қуббодни ўлдирган экан, ўн беш-йигирма йил аввал эса музаффарий шаҳзода Шоҳ Шужоь отасининг кўзини кўр қилиб, зиндонга солибди. Балки, улар ҳам ўз оналари қўлида тарбия топмагандирлар, шундан ота-оналарига меҳрлари йўқдир... Бу гаплар Эронда жуда машҳур эмиш...”

Муҳаммад Султон туғилганда, отаси Жаҳонгир Мирзо оғир бетоб ҳолда ётарди. Бари ҳамон Хонзода хонимнинг кўз олдида турибди - жони узилолмай кутиб ётган эканми, чақалоқни кўрсатганларида, қўлига олай деб талшинди, аммо шу ондаёқ бони шилқ этиб ёстиққа тушди... Қувонганидан тўлиқиб кетгани юрагига оғир ботдими...

Бева маликага ўғилчаси яхши овунчоқ эди-ку, парваришида машаққат чекмасин, дедиларми, негадир чақалоқни маҳди улё назоратида энага Холдона бибига бердилар. Мотамзода келинчак маофага тушиб, бугун шаҳарни кесиб, кун ора Боғи Нақши Жаҳондан Боғи Чинорга бориб келарди. Етти йилги умр икки боғ ўртасида кезин билан ўтди.

Хиротда Халил Султон туғилган пайтда, соҳибқироннинг Мозандаронга черик торганлари хабари етди. Чақалоқнинг чилласи чиққач, Мироншоҳ Мирзо уғруқи билан Мурғоб дарёси бўйига падари бузруквори истиқболига ошиқди. Ҳамманинг қувончи чексиз. Сароймулкхоним ишак тўшакчага ўралган, ёқимли гўдак ҳили анқиб турган икки ойлик Халил Султонни кўтариб қўлидан қўймас, ҳайратланганча дерди:

— Қошларига қарангиз, Амир соҳибқирон! — мақтанарди Амир Темурга катта малика. - Қошқора! Ўзларининг қошлари, ҳазратим!.. Улуғ боболарига тортиблур... Жула хушсурат йигит бўладур амирзодам ҳали!

Эндигина саккизга кирган Муҳаммад Султон, мен ҳам кўрамен, деб хархаша қиларди. Кўзлари ёшланган Амир Темур чақалоқни қўлига олиб манглайдан ўпиб қўйди, хийла вақт бировга бермади, кейин эгилиб, тиширичаётган Муҳаммад Султонга тутди... Сароймулкхоним Хоразм маликасига қараб:

— Сафарларда юрасизлар, хавотир кўп, ҳар қадамда хатар... Худо сақласун! — деди. — Амирзодам иззатли оғаси Муҳаммад Султон каби бизнинг кўз олдимизда жумла мўъминлар қатори басаломат ўсиб камолга етсунлар. Бизларни қувонтириб юрсунлар... Соғиниб қолмайлик...

— Соғиниб қолмайлик... Ҳа-а... Ўғилдан кўра набира ширин, ота-боболар удуми-да... Амирзодалар бирга юрсунлар! Салтанат улар қўлида бўладур. Оқибатни ўргансунлар!..- Катта малика сўзларини тасдиқлади Амир Темур...

Хоразм маликаси шундай ҳолат юз беришини билар ва бунга тайёр ҳам эди. Чунки амирзодалар шунчаки фарзандлар эмас, балки даставвал салтанат кишиларидурлар, буни малика яхши фаҳмлайди.

Бир жиҳати, ўғлининг соҳибқирон ҳузурида вояга етгани ҳам тузук. Борди-ю, Халил Султонни олиб кетганда ҳам, у ерда Мироншоҳ Мирзонинг эркаталган қилиқлари, ғайриоддий ҳаракатлари амирзодани эмин-эркин юришга қўймасди. У бошқа ўғиллари Абубакр Мирзо билан Умар Мирзоларни кўпроқ суярди, кўпроқ кўз олдида юрганлари учунми, улар билан овора, Халил Султонни эса худди бировнинг боласидай, аҳён-аҳён бир эслаб қўйса қўяр, эсламаса йўқ.. Кўздан нари, ўздан нари... Чамаси, бари ўғиллар туриб, набира Муҳаммад Султоннинг валиаҳд этиб тайинланганига Мироншоҳ Мирзо кек билан қарайди, буни яширмайди ҳам. Саройда олиб қолинган Халил Султон, бир томондан, ўша валиаҳднинг укаси, иккинчи томондан – жилов, соҳибқиронга Мироншоҳ Мирзони ўз ҳаддида тутиб туришга ярайди. Бу нарса, Хонзода хоним фикрича, Мироншоҳ Мирзога сира ҳам ёқмайди. Лекин онаизорга боласи қаерда юрса-да, тинч, омон-эсон ўсиб вояга етса, бас.

– Шубҳасиз, валийнеъмат соҳибқирон!.. Таъзим қилди кўзи ёриганидан кейин ҳали ўзига келиб улгурмаган беҳолгина Хоразм маликаси.

Сароймулкхоним меҳр билан Хонзода хонимни елкасидан кучлида, қулоғига секин шивирлади:

– Сиз туфайли фарзандингиз ҳам бизга азиз-да, маликам...

Хонзода хоним жилмайганча бош эгди.

Йиллар оқими шитобли, мана, ҳан-пан дегунча саккиз йил ўтиб кетибди...

Муҳаммад Султон ўн еттига қадам қўйган, хушсурат ўсаётган Халил Султон эса саккизга кирмоқда. Хонзода хоним дам у ўғлига, дам бу ўғлига кўнгли ийиб қарар, бағрига босар, нешоналаридан ўпар, бошларини силар, аммо ҳеч нарса демас, бутун сўзлари ўша эркаланшларда мужассам эди. Муҳаммад Султон укаси Халил Султонни яхши кўриб суяр, кичик амирзода ҳам валиаҳд оғасига талшinar, бу нарса онаизорни беҳад қувонтирарди. “Ака-укалар бирга униб-ўсинсин, бир-бирларига оқибатдан айирмасин, улар салтанатнинг бўлажак соҳиблари, Амир соҳибқирон тўғри айтдилар...” - хаёлидан кечирди Хонзода хоним. Иккита сухсурдай ўғли борлигига қарамай, улардан йироқда яшаётганиданми, ёки Жаҳонгир Мирзони эслаб кетдими, ҳарқалай, маликанинг ўнкаси тўлиб йиғлаворай-йиғлаворай, дер, кўз ёшини кўрсатишдан уялибгина ўзини тутиб турарди.

Шаҳзодага аясининг ранги синиққандай туюлди. Шаҳло кўзларида мунг борлиги аёндек... Дийдорлашганларидан хафадурларму?.. Ҳозир сўраб билиб олади, кўнглини кўтарали. Муҳаммад Султон беихтиёр шимол томонга, охири йўқдай туюладиган Қулзум денгизига қаради: дунёни эгаллаган денгизнинг дилни қувнатадиган мовий ҳаётбахш ранги кўзларини яшнатди.

Борлиқда Наврўз издиҳоми давом этарди.

Шу палла Халил Султон бир печа мулозимлар кузатувида давраларни оралаб юрган соҳибқиронни кўрди-ю, қичқирганча ўша ёққа югурди. Нарироқда эндигина ўн иккига кирган Султон Ҳусайн Мирзо Орзумулк оқанинг олдида қовоқ уйганча, Халил Султонга қараб турарди.

— Бор, сен ҳам бор! Халил Султон ўнг қўларини турса, сен чап қўлларидан тут! Сенинг ҳам бобонгдурлар! Ёлғиз уларга бериб қўйилганмас! Борақол, тортинма! — деди Орзумулк оқа атай овозини баландроқ кўтариб, Сароймулкхоним тарафга қарамасликка тиришиб. Катта малика эски дутонаси - “қиз”нинг иддаосини яхши тушунарди. Лекин кўнглида, ҳаминча ожизанинг боласи эканидан, бошқа набираларга қараганда, Султон Ҳусайн Мирзога эътибор камроқ-да деб, ўпкалаб юрадиган Орзумулк оқани сира қўллаб-қувватламасди.

Султон Ҳусайн Мирзо бироз иккиланиб тургач, чопиб кетди.

Хонзода хоним билан Муҳаммад Султонлар ҳам пеннвоз чиқдилар. Назокатли малика оҳиста бориб соҳибқиронни тавоф айлаб, заррин чопони пеннини кўзларига суртди.

Амир Темур ҳеч нарса демай, Хонзода хонимнинг манглайидан ўпиб бошини силаб қўйди, кейин Муҳаммад Султонни аллақандай меҳр билан бағрига босди! Унинг фақат жаҳли чиққандагина тириш тушадиган кенг манглайи ажинсиз кўринарди. Хоразм маликаси дуркун шаҳзоданинг бўйи улуғ бобосига деярли етиб қолганини кўриб кўнгли бир титраб қўйди...

Машшоқлар шўх мақом куйини тугатаётган эдилар, атрофдан “Фотиҳий зарб!”, “Фотиҳий зарб!”, “Фотиҳий зарб!”дан бўлсу-у-н!” деган овозлар энгилди.

Амир Темур ўзининг Тўхтамишхон устидан қозонган музаффариятига бағинланган туркий зарб усулида яратилган бу куй бастакорини Хожа Мароғий деб эшитганди.

Куй баланд нардадан бошланди.

Амир Темур бу куйни тинглашни жуда ёқтирарди, эшитганда, ўзини худди завқу эҳтиросларга тўлиб-тошган жанг майдонларида чапшар уриб, елиб-чошгандай сезар, айниқса, ёшлик йиллари, ҳали салтанат тахтига минмаган паллалар, Кеш атрофидаги дангларда жавлон уриб юрганлари, улкан саванилар кўз олдидан бир-бир ўтарди. Бастакор худди барининг ичидан ўзи кезиб юргандай ижод қилган эди бу куйни. Ана, қўлига найза тутган навқар шиддат билан ёв сари елиб бормоқда, от туёқларининг бир хил зарбдаги овози киши кўнглига: “Душман яқин! Отга мин!..”, “Душман яқин! Отга мин!..” деяётгандай қутқу солади. Най билан гижжакнинг полишларида олға интилаётган, югани тортганларидан норози тушорнинг бетоқат кишанлари эшитилаётгандай... Кўнгли яйраб тингларкан, соҳибқирон эрка набира Халил Султон ва Султон Ҳусайн Мирзони етаклаганча йўлида давом этди.

Бобосининг ўзидан кўра Халил Султонга ортиқроқ эътибор бераётганидан гаши келган Султон Ҳусайн Мирзо қовоқлари уюлганча, шавқсиз қадам ташларди.

Нарироқдаги майдонда Умаршайх Мирзо билан Муҳаммад Чуроға лодхоҳлар чарх уриб ўйинга тушиб кетдилар. Мироншоҳ Мирзо, Пир Муҳаммад Жаҳонгир, Мирзо Алибек жиян, кўеви Муҳаммадбек ибн Мусолар эса тинимсиз қийқириб қарсақ чалардилар. Амир Темур Халил Султонни ўйинга кўшиб юборди, Султон Ҳусайн Мирзога эса ҳеч нарса демади. Кўнгли чўккан амирзода аста сирғалиб, энаси томонга қараб юрди.

– Маъюс кўринадилар, шаҳзодам?.. – синчков назар тапшади Хонзода хоним Муҳаммад Султонга сал холи бўлишгач. – Сихҳатлари тузукму?

– Худога шукур! Ўзингизнинг саломатлигингиз яхшиму, аяжон? Укам ҳам бўй чўзиб қоляпти... Оллоҳга шукур, аяжон...

Хонзода хоним ўглининг сақлаб юрган қандайдир сири борлигини фаҳмлади.

– Маъюсланмангиз... Маъюсликдан худо сақласун... Хурсанд юрингиз, ўғилжоним... Парвардигор ато этгон ёдгорим... Худо хоҳласа, тўйлар қилгоймиз. Тўйлар...

– Қанақа... тўйлар?.. Аяжон... – Шаҳзоданинг изо торгани билинди. – Мен... мен... уйланмаймен...

Малика Сароймулкхонимга тўй ҳақидаги кенгашлари-ю режаларини айтиб бериб, ўглининг рўйхушлигини олишни ўйлаб қўйган, Шосмонга таширфнинг асосий сабабларидан бири ҳам шу. Майли, ҳозирча Хон Султон оқа ҳақида индамай турсин-чи... Сароймулкхоним хоҳишига кўра, Тошкандга совчилар жўнатилган. Демакки, соҳибқироннинг ҳам ризоликлари бор, деб тушунмак керак...

– Ундоғ демангиз, ундоғ демангиз! Ўғилжоним...

Вой... Биласизму...

Хоразм маликаси сўзини тугатолмади, Сароймулкхонимнинг Оққизни эргангириб шу томонга келаётганига назари тушди.. Дардини онасига айтишдан истиҳола этиб турган шаҳзоданинг юраги бир ҳаприқди! Унинг бор умиди маҳди улё Сароймулкхонимдан ва... аясининг канизаги Оққиз холадан! Оққиз хола шаҳзодани жула ардоқлайди. Уларга, албатта сирини оча олади...

Муҳаммад Султон дарҳол ўрнидан қўзғолиб салом берди. Сароймулкхоним шаҳзодани кучоғига олиб эркалаб, юзларидан ўпиб қўйгач, чиқиб, чорноянинг тўрисига чўкди.

– Шаҳзодамни кўрмағонимга хийла бўлди... Соғиниб қолдим... - деди кулимсираб Сароймулкхоним. – Аммо шаҳзодамнинг жанг майдонларидаги зафарлари довуғи дунёни тутғонини эшитиб турибмен... Мозандарон ўрмонларидаги шижоатларини айтсангиз, тилларда дoston!.. Бу ёғи Хутгалону, уёғи – Хўжанд дейсизми... Андижон ёқларгаям бориб стибди, Хоразм ёқларгаям...

– Андижон ёқларгаям денг?.. – сўради Оққиз. – Ёқангди ушлайсан киши...

– Ҳа-да! Шаҳзодамнинг жасоратлари ҳамманинг оғзида эмин. Ёлғиз ўзлари ҳаш-наш дегунча, қулочга сизмас йигирма дарахтни кесиб, арралаб йўл очибдилар-да! Бир йўлбарсни тузоққа тушириб, тумшуғидан ҳалқа ўтказиб етаклаб келибдилар...Ҳа, ҳа, тумшуғилан!.. Ёпирай, кўрқмаганларини! Ростдан валиаҳдга муносиб шижоат! Амир соҳибқирон бирам қувондиларки!.. Бирам қувондиларки!..

– Ҳам Муҳаммад, ҳам Султондурлар шаҳзодам! – сўзга қўшилди Оққиз. – Ёвқурликлари султонларга муносиб-да!..

Бир пайтлардаги тикмачоқдеккина Оққиз ёнига ёш қўшилиб тўлишган, қулча юзлари ширмой тусини олган, хушрўй, истараси иссиқ аёлга айланганди. У севгани Ахий Жаббор баҳодир билан бир ёстиққа бош қўйган эса-да, ҳовли-ҳаёти кемтикроқ... Худо икки фарзанд

берди, ҳам ўғил, ҳам қиз. Иккиси ҳам ёнига бормаи нобуд бўлди. Икки марта ҳомиласи тушиб кетиб қолди. Энди уч йилдан бери у ҳам йўқ... Эри бошқага уйланишни ўзига эи кўрмайди, канизак ҳам тутмайди, ўзингдан яхшисини қайдан топамен, бандасига бири кифоя, дейди, шу билан шўрлик аёлни юнатамен, деб ўйлайди, шекилли... Оққиз юпанармиди-я! Оққиз-а? Ўзи Оққиз, аммо бахти қора бечоранинг!..

Хонзода хонимнинг оғир-енгил кунларида доим ёнида ҳамроҳу сирдош синангта Оққизни катта малика ҳам ҳурмат қиларди. Оққиз Халил Султон чақалоқлигида икки ой кўкрагидан сут бериб эмизган.

– Кўп мақтама, Оқ... – тўхтатди Хонзода хоним. – Кўрқамен... Кўз тегмасин тагин...

– Шуюм мақташ бўптими, маликам? – ўпкалади Оққиз. – Мақташга тушсаму, вақт етмасди-я...

– Мақташга сабаб бор... – Катта малика жилмайганча, Хонзода хонимга ўгринча қараб қўйди-да, Муҳаммад Султонга тикилди. – Сабаб бор... Яқинда шаҳзодамни тўйларини бошлайдурмиз... Эл-юртга айтиб ҳам қўйғонмиз... Ҳамма биледи. Кўплар, нега шаҳзодамни уйламаяп-сизлар, деб сўраб ҳам қўйишди.

Уч аёл худди шаҳзоданинг шу ердалигини сезмагандай гапланишарди. Катта малика давом этди:

– Оҳ, маликам! Шаҳзодамга бир ожизани номзод қилдимки, таърифлашга тил ожиз!

Муҳаммад Султон гапларга бепарқдай ерга қараб ўтирар, бироқ юзлари ёнаётганини яширолмасди.

– Тўй аллақачон ўтармиди... – кўниб қўйди. Сароймулкхоним. – Лекин бўлажак келинимиз бошига мусибат тушди. Онаси бандаликни бажо келгирди... Азалик уй бўлиб қолди.

Муҳаммад Султон ялт этиб хонимойимга қаради. Бу қарапда: “Онаси дунёдан ўтган... ким? Азалик уй?... Мабодо... Соғинч бика ҳақида... гаширмаётирларму?..” деган савол яширин эди.

– Жойларини жаннатдан қилсун... – Хонзода хоним қўлларини юзига торти ва билмагандай сўради: – Хонимойим, келин ким экан?

– Ким экан?... – қизиқиб сўради Оққиз ҳам.

– Тегли-тахтли хонадондан! Ҳа, тегли-тахтли хонадондан... Амир соҳибқироннинг оқибатли дўстлари муҳгарам зот Жаҳоншоҳ ибн Жоку ожизасидурлар... Исмини Соғинч бика, дейдилар...

“Ўҳ-ҳў!..”, “Исmlарини ширинлигини кўрингиз!” деган сўзлар эшитилди.

Муҳаммад Султон Сароймулкхонимнинг фаҳму фаросатига тап берди, демак, катта малика унинг кўнглидагини сезибдилар-да! Рост, ўша Жўйи Зардаги учрашув бунга сабаб. Шаҳзода ҳали буни Оққиз орқали билдиришни чўглаб ўтирибди. У ичида хонимойимдан миннатдор бўлиб қўйди.

– Совчилар ҳам эрта-индин қайтишди...

– Совчилар юборилган денг?... – ўсмоқчилаб сўради Оққиз.

– Ҳа... Энди шаҳзодам йўқ демайдулар...

Сароймулкхоним пинҳона кузатиб, шаҳзоданинг оқсариқдан келган юзлари худди Жўйи Зардаги қишлоқдагидек қизариб кетганини, катта-

катта кўзлари ҳайратга тўлганини пайқади. “Ие! Ие...” — деб юборди шаҳзода... Не қилсин — уялганидан туриб кетсинму, ўтираверсинму?.. Шундай дерди-ю, ажабо, боғлаб қўйилгандай жойидан қимирлай олмасди.

Катта малика безовталана бошлаган шаҳзодага қараб ичида қувонар, Хонзода хоним эса ўзича, совчилар Тошканддан суюнчли хабар олиб келишлари аниқ, деб ўйлар, ҳозирданоқ тўйни Султонияда маҳобатли саройда қандай ўтказиш танвишини чекар, режаларини барчага айтишга шошиларди.

Даврада ҳар ким ўз ўйлаган ўйи охирига етиб-етмаган бир пайтда, мулозим икки ойлар чамаси олдин Тошкандга юборилган Сафарберган келганидан хабар берди.

— Шаҳри Тошканддан қайтдик... хонимойим ҳазрати олиялари... — одоб билан сўз бошлади қовоқлари солиқ Сафарберган. Унинг маликаларни жамулжам кўриб, саросимага тушиб қолгани сезилди, катта маликанинг ўзларига айтиладиган гап эди-ку, буни сезарлар, деган илинжда маҳди улёга кўз қирини тапшади.

— Айтабер... — буюрди Сароймулкхоним хотиржам. — Тўй қачонга белгиланиши мумкин экан?.. Рози бўлдимми? Жаҳоншоҳ ибн Жоку жанобларига, тўй иссиқ кунларгача бўлишини уқдирдингму? Ҳазрати олийлари шундай буюрганлар...

— Йўқ... ҳа... йўқ... Уқтирдим, уқтирдим... Бошлари осмонга етди... — каловланди Сафарберган Муҳаммад Султонга бир қараб кўяр экан. — Бироқ, бошқа гап... чиқиб қолди...

— Бошқа гап? Қанақа гап?..

Сафарберган ҳали ҳам хонимойим ниманидир айтишга журъат эта олмаётган мулозим ҳолатини фаҳмлайди ва алоҳида гаплашади, деган умидда гарансиброқ турарди.

— Айтабер! Тортинма!

— Маъзур тутадилар... Маъзур тутадилар... Худо раҳмати Амир Довуд дуғлатнинг пайшанбасига етиб борибмиз...

— Ҳа... узоқ бетоб эрдилар... — изоҳ берди Сароймулкхоним. — Илоҳи, жойларини жаннатдан қилсун...

Ҳамма дуога қўл кўтарди.

— Борсак, Жаҳоншоҳ ибн Жоку жаноблари Тошканддан Самарқандга кўчиб келибдилар, Оқсарой қурилишига боғланганларидан Шаҳрисабзга отланиб турган эканлар... Фамга чулганган Жаҳоншоҳ ибн Жоку жаноблари...

— Нима, нима?.. Фамга чулганган, деганинг нимаси?.. Худо сақласун... — сўзни кесди Сароймулкхоним.

— Фамга чулганган Жаҳоншоҳ жаноблари: “Бир эмас, ўн қизимизни шаҳзодага беришга тайёрмиз...” дедилар...

— Кейин-чи? Нега фамга чулганган, дейсан?

— Кейин: “Шундай кўргилик ҳам бор экан...”, дедилар.

— Ие! Қанақа кўргилик?..

— Ғалати воқеа... — Сафарберган ҳануз муддаони айтолмай қийналарди. “Сирни ўзларигина билсалар яхшийди...” — хаёлидан кечди унинг. Катта маликанинг эса сабри чидамасди.

— Ғалати воқеа? Нималар деясан ўзи?..



Хонзода хонимни қалтироқ тугди. Муҳаммад Султон андишани ҳам нутиб кўзларини катта-катта очганча Сафарберганга тикди.

– Бир қошиқ қонимдан кечасиз, хонимойим ҳазрати олиялари... Айтишга қандай тилим боради?.. Ҳай... Ҳақ эгамнинг ўзи кечирсун... Маъзур тугтайсиз... Жаҳоншоҳ ибн Жоку ожизаси муҳтарама Соғинч бика... оналари мусибатидан қаттиқ изтироб чекибдилар, сўнг бир кечада...

– Нима... бир кечада?.. – ошиқди Сароймулкхоним.

– Бир кечада ғойиб бўлибдилар...

– Ғойиб бўлибдилар?..

“Вой!”, “Ие!”, “Астағфурилло!”, “Ё, тавба!” деган сўзлар эшитилди.

– Қизни кимдир олиб қочдими, дейдилар. Қидириб тополмайдурлар. Ерда ҳам, осмонда ҳам йўқ эмишлар... Бошқа биров, онасининг ўлимидан сўнг, хаёлшарастлик дардига чалинганди, жудоликка чидай олмай, ўзини Зарафшонга отандир, деган гап тарқатибди... – Мулозим дона-дона қилиб давом этди. – Фақат... Жаҳоншоҳ ибн Жоку жаноблари, бу сирни ҳеч кимга айтмаслигини сўрадилар... Айниқса, Амир соҳибқирон қулоқларига етмасун, деб ўтиндилар...

Сароймулкхоним кутилмаган хабардан донг қотиб қолди! Зулукдай қошлари чимирилди, икки чеккасидаги қора зулфи аламдан гажақдай қайрилиб ўзини сочлар орасига урди, чап юзидаги кичкина чиройли холи эса, нима бўляпти ўзи, дегандай атрофга ҳайрон боқарди.

Барча сукутда нима дейишни билмасди.

Яқин-орада тўй қиламиз, деган умидда хотиржам юрган Хонзода хоним бутун орзуларининг саробга айланганлигидан ўзини қўйгани жой тополмасди. “Ўғилжоним, сиз ўшал қизни жуда яхши кўрар экансиз... Иншооллоҳ, топилгусидур... Сизни уйлашимиз керак... тўй хабари ҳар қаёққа тарқалган... Амирзодалар ўн тўрт ёшларидан уйланадурлар, сиз ўн олтига кирдингиз...” – десинмикан Муҳаммад Султонга?

Ёки Марви Шоҳижаҳон ҳокими Амир Алибек Жониқурбоний ожизаси ўн тўрт ёшли гўзал Хон Султон оқани кўз остига босиб қўйганини секингина шипшитсинмикан?..

Шу палла йироқдан чопар кўринди, – у дубулғасининг учига қизил дурра боғлаб олганди, бу хабарнинг ошиғич эканлигини билдирарди, қоровуллар йўлларда уни ҳуда-беҳуда тафтишга тўхтатиб ўтирмасдилар, – эллик қадам нарида отдан тушди ва юкинганча соҳибқирон олдида тиз чўкли:

– Соҳибқирон ҳазратлари! Амир Қора Юсуф билан Султон Аҳмад жалойир биргаликда, уларга Шоҳ Мансур ҳам қўшилганмиш, катта кўшин тортиб келишмоқда эмиш!..

Ногаҳонда байрамдан файз кетгандай бўлди.

## Ўнинчи боб

### 1

Жуда кўп йиллар муқаддам, ҳали йигитлик чоғлари Ахий Жаббор ўзини, гарчи бунга ҳаққи йўқ эса-да, ахийлар, жавонмардлар уюшмаси аъзосиман деб, гурурланиб юрарди. Марғинонда эканлигида, бир куни шаҳар ахийлар уюшмасининг обрўли намояндаларидан мадраса

мударриси мўғулбашара Маҳмуд Носириддин Жабборқулга қувончли бир гап айтиб қолди: “Эртадан бошлаб ахийлик либосини эгингга тапшайдурмиз, футувват белбоғини белингга боғлайдурмиз! Отинг Жабборқул эмас, энди Ахий Жаббор бўлади, Ахий Жаббор!..” Бироқ, афсуски, ўша куннинг эртасига тонгсаҳарда кекса мударрис кутилмаганда вафот этди-ю, ниятлар амалга ошмади, либос ҳам кийилмади, белбоғ ҳам боғланмади, фақат номи ўзгаргани қолди холос... Юраги сиқилган Ахий Жаббор қалрдон мадрасасини тарк этиб, тирикчилик кўйига берилиб кетди, Тун салтанати фуқароси бўлди. Кейин тақдир сўқмоқлари уни қаерларга элтмади-ю...

Ахийлик, футувватнинг уч мартабаси ҳақида сўйлайдилар. Ахий Жаббор баҳодир буни дилига туғиб олган. Аввало - саховат, яъни ҳеч нарчасини қизғонмаслик, кейин – сафо, яъни кўнгилни такаббурлик, кибру ҳаводан холи туғиш ва ниҳоят – вафо, шижоат кўргизиш, филойи қалб соҳиби сифатида ҳаминша эл хизматига тайёр, эзгулик йўлида ўздан кечингга шай туриш. Бу – футувват илмининг, ахийлик ва жавонмардликнинг мағзи.

Ахий Жаббор Туркистондами, Хуросондами, Султониядами, қасрда бўлмасин, бу ҳақда сўз қотиниши одат қилган. Футувват, ахийлик киши гапиргиси келадиган бир сеҳрли олам экан. Не-не фозилу фузалолар, зукко-ю донолар бу ҳақда рисолалар битишган, улар қўлма-қўл юради. Ахий Жабборнинг ўзида ҳам бир нечаси бор. У англаб етдики, “футувват”, ёшлик, “фатий” ёш йигит деганидур, ёшидан қатъи назар ёшликка ошно инсонлар жавонмардлар ҳисобланадурлар.

Футувват аҳлининг хислатлари ўнга, фазилатлари қирқга, шарғлари эса етминч битга, шундан қирқ саккизгаси эзгулик ва комилликка элтувчи, қолган йигирма учгаси нарҳезгалаб, тийиладиган, макруҳ одатлар...

Ахий Жабборга, айниқса, ёқадиганлари – нафс таҳорати, нафс покизалиги, кўн билишу оз гапириш, инсоф доирасидан чиқмаслик, халқ молидан таъма қилмаслик, бечораларга ёрдам қўлини чўзиш, жоҳиллар қошида сукут сақлаш...лар эди.

“Одоб ул-футувват” (“Футувват одоби”) рисоласида ўқидими ёки “Тазкират ул-авлиё” (“Авлиёлар тазкираси”) китобида, эсида йўқ, бир муқояса Ахий Жабборни ҳайратга солди. Футувватни нима билан қиёслаш мумкин, дейилади китобда, кейин ток дарахтга ўхшашни айтилади. Дарахтнинг тана, пўстлоқ, томири, шоху барг ва гулу меваси бор, жавонмардлик, футувват ҳам ана шундоқ, унда ҳам тана бор, пўстлоқ бор, илдиз бор, шох бор, мева бор... Илдизи, унга куч бериб, яшшатиб гулшатиб, ғунчалар тулдиралган илдизи - покиза ишқдур, танаси эса – тавозеъ, шохлари сабру тоқатни билдирди, янроқлари – нарҳез дегани, пўстлоғи – одоб ва ҳаёси, гуллари – очикчехралилиги ва марҳамату ҳиммати, меваси – ҳам карамдур, ҳам саховат...

Футувват ва ахийлик белбоғини белга боғлаш орзусида юрган Ахий Жаббор бундан беш йил аввал, ҳали Хуросонга йўл олмай туриб ниҳоят ўша кунларга етди. Жума куни Самарқанднинг Қаландархона кўчасидаги футувват соҳиби, термизлик саййид хондзода Абулмаолий муридларидан бирининг каттагина ҳовлисида ахийлар жамоати йиғилди. Чорсу майдонига чиқадиган, сарбадорлар замонидagi торғина кўча соҳибқирон

буйруғига кўра кенгайтирилиб, донғилгина йўлга айланганди. Ахий Жаббор ҳар сафар бу ёқларга келганда, бир пайтлар такяхона вазифасини ўтаган сарбадорлар жамоаси аъзоси морбоз Лакшманнинг ертўладай чуқуртак ҳовлисини эсларди. У ҳовли энди йўқ, сарбадорлар давлати патарат тошгач, Лакшман билан унинг ўғли Кумарни ҳам кейин ҳеч қаерда учратмади. Балки Ҳиндистонга кўчиб кетингандир?..

Кенгина ҳовлининг четида шоғирдлардан бири қўлила обдаста елкасида сочиқ билан хизмат қиларди. Дарвозадан кирганларни пир, устод ва тариқат биродарлари қўл қовуштирганча кутиб олишарди:

— Оллоҳни йўлига! Оллоҳни йўлига ... Хуш келибдилар!.. Хуш келибдилар!..

Кўп фурсат ўтмай, ҳовли фугувват аҳлига тўлди. Одамларнинг ичида турли ёндагилари бор эди. Барча ичкарига белбоғ боғлаш мажлиси — ахийлар сафига қабул қилиш маросими ўтадиган каттагина хонага йўналди. Шом ўқилди.

Хонанинг тўрисида эгнига оқ ҳирқа ташлаган, бошига оқ кулоҳ кийган хонзода Абулмаолий нирлик мартабасида ўлтирарди. Ахий Жаббор кириши билан салом берди. Пир жавонмардликнинг оқ, яшил, зангори, тупроқранг либослари ичида доим оқ рангисини танларди. Оқ либос унинг ўртадан пастроқ бўйини узунроқ, юмалоқ гавдасини ихчамроқ қилиб кўрсатарди. Жавонмардликда барча рангларнинг маъноси бор. Оқ — кундуз кунни рангидир, дили ёруғ, мунаввар жамоаникидир, бу жамоа аъзоларининг кўкси қора ниятлардан холи, гарду ғуборлардан покдур. Кулоҳнинг оқ ранги эса она сутига ишорадир, бундай кулоҳни кийган киши ўзини сут каби покиза сезгай, гўдак янглиғ шаҳвоний ҳирсу ҳаваслардан йироқ тутгай...

— Азизлар! — издиҳомга юзланди пир Абулмаолий, унинг ингичка овози жараглаб эшитилди. — Бир ҳафта олдин ушбу мажлисга Пир, Устод ҳамда тариқат биродарлари ҳозир бўлишлари буюрилгон эрди... Ё, аҳад!

— Қазога тайёр бандадек ҳузурингиздамиз, пирим! — деди Устод, бўйи пастакдан келган, елкасига оқ ҳирқа ташлаган чўққи соқол одам.

— Бале!

Йиғилганлар: "Бале!", "Бале!", "Бале-е-е!" — деб юбордилар.

Амир Темурнинг Жетага биринчи юриши даврида Қаросмон деган жойда хонзода Абулмаолий шайтон васвасасига учиб, Шибиргон ҳокими Зиндачашм ошардийнинг Хуросон салтанати курамен, деган ҳавойи гапларига ишониб, соҳибқиронга қарши муҳолифат яловини тутганлар сафига кўшилди. Муҳолифатчилар Амир Темур жонига қасд қилишни дилга тугдилар, шикор пайтида гўё гафлатда билмасдан камонга нишон этмоқчи эдилар, бироқ фитна очилиб, ҳамма қатнашчилар жазосини олди. Соҳибқирон хонзода Абулмаолийга такаллуф кўргизиб ўлтирмади: "Аҳли байтга ҳаминша давлатхоҳ эрурмен. Сен саййидсен, бас, бу жиҳатдин гуноҳингдин кечдум. Аммо Турон элида турмағайсен. Юртдан чиқиб кет, ёки ҳаж сафари тадорикини қил!.."

Абулмаолий бир йил риёзат чекиб ҳаж сафарини адо этди. Бағдодда яшар экан, ўйлаб-ўйлаб, Мир Саййид Барака жанобларига мактуб битди, унда гуноҳини соҳибқирондан сўраб, кафилликка олишини қаттиқ ўтинди. Кечиримли Амир Темур Кўрагондан беадад миннатдорлигини алоҳида таъкидлаб, саййидлиги туфайли ҳеч қаерда хорликка юз

бурмаслигини, ҳар қайда ҳам бандасига ризқни худо беришини, аммо ҳасби ҳол дафтарида, “қувилди”, деган тавқи ланъат битилиши Рисолатпаноҳ авлодлари шаънига номуносиб эканлигини айтиб, мамлакатга қайтиш хоҳиши борлигини, агар қайтса, мутлоқ салтанат ишларига аралашмаслигини, ҳеч қандай муҳолифатга қўшилмаслигини, қолган умрини фақат яратганга ибодатда-ю соҳибқиронга дуода ўтказишини билдирди...

Ҳумоюн ўрдудан ижозат олинди, ҳатто мамлакатга қайтган Абулмаолий, келибоқ Хоразм юришида қатнашди ҳам. Зукко кишилар бу қадамни, хондодани олий даргоҳ томонидан кечирилгани қатъий эканлигини билдиргувчи далил ўрнида, гуноҳлардан батамом фориғ бўлгани аломати сифатида қабул этдилар.

Шундай эса-да, хиёлату саргардонликлардан кейин яна соҳибқирон кўз ўнгида ҳеч нарса юз бермагандай юраверинга Абулмаолийнинг бети чидамади, у табиатан андишали одам бўлиб, кейинроқ бутунлай орқа-олдини ўйлаб қадам босадиган олат чиқарди. Яхшиси, тавба-тазарру тожини кийиб, фугувват белбоғини белига боғлайди-да, ширлик хирқасини кияди... Бунинг учун, айрича садоқат кўргизмоқчи бўлибми, Шаҳрисабзни танлади, Шайх Шамсиддин Кулол қабри ёнидаги хонақоҳда истиқомат қила бошлади. У Самарқанд ахийлари йиғиладиган кунларда доим Самарқандга ташриф буюрарди.

Пир ёнидаги фугувват соҳибларидан бири шогирдларга буюрди:

– Дарҳол пир учун жойнамоз ҳозирлансун!

Жойнамоз ёзилди. Унинг чап томонига ёнма-ён белбоғ тиламчаси ҳам тўшалди. Ҳар икки жойнамознинг учлари бир-бирига тегиб турарди. Пир жойнамозга чиқиб ўтирди, Устод унинг рўбарўсида чўкка тушди. Икки тариқат биродари, аллақачон беллари фугувват, яъни вафо белбоғи билан боғланган ахийлар – уларнинг бири Амир Шоҳмалик эди, – Устоднинг чап томонига жойландилар. Кўпдан бери қалбан фугувват соҳиб Амир Шоҳмалик ахийлар уюшмасининг аъзоси саналарди, борди-ю уюшмага кирмаганда ҳам, уни чинакам ахий дейиш мумкин, леб ҳисобларди Ахий Жаббор баҳодир. Амир Шоҳмалик саройда ҳам, катта-кичик олдида ҳам ўзининг ҳар бир қадами билан худди шундай инсон эканлигини, хулқу одобда наҳлавонлик аҳду вафоси қоилаларини пухта эгаллаганлигини намоийинг этарди. Ахий Жаббор уни яхши биларди, кўнгида аллақандай ғурур туйди. Ҳа, инсон руҳини ўзининг сарчанмаси деб билган ахийлик, жавонмардлик илми ҳар қандай соҳибкарамни ўзига жалб эта олади. Ахир кўнгилар кўзи бу илмдан ёруғдир, вужуду жон боғи унинг билан чаманга айлангусидир.

Баланд бўйли шогирд кос сув билан бир чимдим оқ туз, иккинчиси беш пиликли чироқ келтирди, барини жойнамозга қўйдилар. Пир ичида қандайдир дуо ўқигач, чироқни ёқишларини буюрди ва Устодга ишора берди.

Устод нарида турган жавонмардликка кирмоқчи шогирд – уни халифа ҳам дейдилар, – Ахий Жабборга уқтира бошлади:

– Эй, халифа! Эй, фарзанд! Аҳдимизни қабул айлаб, ҳалқамизга кирмакчисен... Вафо белбоғини бақувват белинга боғламакчисен! Илоҳи, ниятларингга еткуресун! Ортиқ шайтон васвасасига қулоқ осмагайсен, макруҳ нарсалардан илик тортайсен!

Ахий Жаббор дадил эди:

– Иншооллох, ҳалқангизга кирдим, ортиқ хилоф ишга йўл қўймасмен!  
Аҳд қилдим, аҳд қилдим!

– Ё, аҳад! Оллоҳу акбар! – деди хондзода Абулмаолий.

– Оллоҳу акбар!

– Оллоҳу акбар! – қабилда такбир сўзлари хонани тўлдирди.

– Эй фуғувват соҳиблари! Тариқат аҳдномаси қайсидур, деб сўрасалар, – жамоатга юзланди пир, – Аҳднома шогирднинг мана шундай шоҳидлик учун йиғилгонлар кўз ўнгида фатийлик мақомини олмоғи, яъни жавонмардлар ҳалқасига кирмоғидир!

– Жавонмардлар ҳалқасига кирмоғидир!

– Жавонмардлар ҳалқасига кирмоғидир!

Халифага жавонмардлик шартларини таништиришни хондзода Абулмаолий бошлаб берди:

– Фақат ахий ва жавонмардларга эмас, умуман кимсага бахиллик ва кибру ҳавони, ҳасад ва ёмонликни раво кўрмағайсен!

– Алҳамдулиллоҳ, раво кўрмағаймен! – таъзим этди Ахий Жаббор.

– Омонатга хиёнат қилмағайсен!

– Қилмағаймен!

– Ҳар нарсада инсоф чизигидан чиқмағайсен!

– Чиқмағаймен!

– Ноқобил кишилар устидан қулмасликка онт ичгайсен!

– Онт ичгаймен!

– Ўзгалардан нечоғлик озору қаттиқлик тортсанг- да, чидағайсен!

– Чидағаймен!

”Бале!”, “Бале!” сўзлари янгради.

– Уч сўз айтурмен: ҳамини хизматга тайёр тургайсен, ҳурмат ила ўлтиргайсен, ҳиммат ила гапиргайсен! – деди Устод...

– Алҳамдулиллоҳ, ҳамини хизматга тайёр тургаймен, ҳурмат ила ўлтиргаймен, ҳиммат ила гапиргаймен! – такрорлади Ахий Жаббор...

– Муътабар китобларда битилимишки, – сўз олди яна пир. – Белбоғни боғлаш ва ечишда чуқур маънолар яшириндур... Аммо баъд, боғланадиган нарсалардан сўз очамен. Энг аввал кўзни гуноҳ нарсалардан юмғил, иккинчи – қулоқни эшитиш ножоиз нарсалардан беркитғил, учинчи – кўксингни ҳасад ва кина-қудуратдан сақлағил, тўртинчи – хотирангни бехула фикрлардан озод айлағил... Белбоғ ечилгонда очиладиган нарсалар... Энг аввал – эшикни, дастурхонни меҳмон учун очғил, Оллоҳу таоло ҳамдида сўзни равои этғил, одамлар билан мулоқотда очиқчехрали бўлғил, хайру савоб ишлар учун қадамингни шаҳдам этғил...

Ахий Жаббор баҳодир ҳар бир маъно поёнига етганда, “Розимен” дегандай, бош тебратиб қўярди.

– Эй фарзанд! Жавонмардликнинг энг улуғ шартларидан бири даставвал ўзингни эмас, ўзингдан кўра муҳтожни ўйлаш эканлигини ёдинда сақлағил... – давом этди пир. – Шундай кишилар борасинда, каломуллода дейилмишки, ўзларида эҳтиёж бўлса-да, ўзларини қўйиб ўзгаларни ийсор-ихтиёр қилурлар, деб... Бухоролик ҳаким Абу Зайд балхлик бир йигит билан учрашгани ҳақида бундай ҳикоя сўйлаган экан:

“Йигит мендан сўради: “Зухду тақволарингиздан сўзлангиз!” “Зухду тақволаримиз?.. Топсак еймиз, топмасак сабр этагини тутамиз...” У кулди: “Бизда Балхнинг итлари шундай қилишади, биз эса топмасак сабр айлаймиз, топсак, ўзимиздан муҳтожларга берамиз....” Бас, ўзингни эмас, ўзгалар эҳтиёжини азиз тутғил!

– Ўзимни эмас, ўзгалар эҳтиёжини азиз тутғоймен! – қаттиқ таъсирланган Ахий Жабборнинг овози баланд чиқди..

Устод ўрнидан турди-да, Ахий Жабборни ўзининг чап томонига ўтказди, шу ҳолатда пирга рўбарў келдилар. Хонзода Абулмаолий Ахий Жабборнинг қўлини олиб, буюрди:

– Тавбага юз бур!

– Эй парвардигор, билиб-билмай қилган гуноҳларимни ўзинг мағфират айлағайсен! Тавбамни қабул этгайсен!

– Оллоҳ мағфират айласун! – дуога қўл кўтарди пир.

– Оллоҳ мағфират айласун! Тавбасини қабул қилсун! – гувилади хона...

Пир оқ рангли белбоғни Ахий Жаббор елкасидан тушириб чап қўлига олди, кейин гиламнинг ўртасига кўйди-да, хутба ўқишга киришди:

– Аузу биллоҳийна шайтонир-рожийм, бисмиллоҳир раҳмонийр раҳийм... Беадад шукроналар айтмак, адоғи йўқ ҳамду санолар ўқумак ул раҳмону раҳим, жаббору ғаффор кабиру карим зул-жалол абадийсифат ҳазрат шаънигагина шойисталур. У – азалийдур, аммо азалийлигининг ноёни йўқ, у – абадийдир, абадийлигига ҳалду санок қани, у ҳеч кимнинг, ҳеч нарсанинг ёрдамисиз йўқдан бор айлагувчидир. Дийдалар боқадурлар, бироқ унинг зоти жамолини кўра олмайдулар, воизлар тили васф айламакка киришурлар, лекин қурби келмай лол қолурлар. Оллоҳ таолодан бошқа илоҳ йўқ! Ло илоҳа илаллоҳу валлоҳу акбар! – Хонзода Абулмаолий бироз тин олди, кейин давом этди: – Коинотнинг тожи сифатида яратилгон бандаси ҳар он бировларга яхшилик қилиб чарчамаслиги, эҳтиёжмандларга ёрдам қўлини чўзмоғи, ўзида борини бошқалар билан баҳам кўрмоғи, дўсту биродарлар ор-помусини, шаънини ҳимоя айламоғи лозим... Турон элининг жавонмарллари, иншооллоҳ, ана шу қоидаларга амал қилурлар... Ё, Аҳад!.. Бундан тўрт юз йиллар аввал юргимизга келган араб алломаси Абулқосим ибн Ҳавқал ўз китобида бундоқ нақш этибдур: “Мовароуннаҳр халқининг жавонмардлиги даражаси жуда юксакдир, улар ўзларини худди бир ҳовли-боғда яшаётгондай тутурлар. Қай бири бошқаси хонадонига ташириф буюрса, ўзини худди ўз уйига киргандай ҳис этур. Бағоят меҳмондўст-дурлар, тунда келадургон меҳмондан асло хижолат чекмайдулар. Меҳмонни танимасалар-да, ҳеч бир тўлов-мукофот тиламай, меҳмон-навозлик айлакурлар...” Бас, дуога қўл очурмиз, илоҳи, омин! Етти иқлим шаҳаншоҳи, хоқонлар хоқони, сарварлар сарвари, Турон султони Абулмансур Абулмузаффар Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон ҳазрати олийлари улуг мамлакат масналида барқарору бардавом даврон сурсулар! Ҳазратларини Оллоҳ ҳаминша ўз ҳифзу ҳимоясида сақласун! Жаннатмакон Турон юрти эмну омон бўлсун!

Хутба тугагач, Устод иккала қўлини белбоғ остидан ўтказишдан олдин, ўнг қўли қорамалдоғини<sup>1</sup> шогирд қорамалдоғига теккизди.

<sup>1</sup> Қорамалдоқ – “кўрсаткич” бармоқ номи.

Фурсатдан истифода айлаб, аллақандай таважжухда Ахий Жаббор қулоғига лозиму лобид сўзларни айтди ва белбоғни шогирд белига боғлай бошлади. Биринчи тугунни шоҳимардонлар номига бағишлади, иккинчи тугун Устод шаънига қаратилди, учинчиси — шогирд номига...

— Аларнинг яна бошқа маъноси — биринчиси — аҳд, иккинчиси — байъат, ваъда, учинчиси — васият, вафо... — тугунларга ишора қиларкан деди Устод ва жойнамоздан уч қалам орта чекинди. Мажлис аҳлига аввал бир чимдим туз солинган сувдан тарқатилди, сўнг ёғ, хурмо ва нондан махсус тайёрланган хуфия ҳалводан улашилди. Олганлар: “Насиба!”, “Насиба-да!”, “Етказганига шукур!..” дердилар. Ахий Жаббор баҳодир ҳаракатларнинг ҳар бири чуқур маъноларга эга эканлигини дилдан туярди.

Барча уни қутлашга турди.

Мажлисдан сўнг бир неча кун ўтгач, Кўксарой олдида Ахий Жаббор баҳодир Амир Шоҳмаликка дуч келиб қолди ва зиёрат этишга шонилди. Нуфузли амир ҳумоюн ўрдудан юкланган вазифани ўринлатгани ҳали ҳам доруломонлиққа эришилмаган Хоразмга бориб келиш ҳаракатида юрарди. Аввалларданоқ бу амир Ахий Жаббор кўзига негадир бошқача кўринарди... Энди-ку, тушунди, у чиндан ҳам камтар, синиқдил, ўзини эмас ўзгани ўйлагувчи ахий инсон, жавонмард қалб эгаси, суянса суянадиган киши экан. Ахий Жаббор сўради:

— Муҳтарам амир жаноблари! Дийдорлашганимиз айти мурдао бўлди! Узримни қабул айлангиз... Белбоғ боғлашга доир маъноларни яхшироқ англаб олмоқчи, дилимга солмоқчи эрдим...

— Сўрасунлар, баҳодир жаноблари! — деди самимий амир, қуюқ қошлари қовоқларига ёприлганидан унинг суҳбатга диққат билан қараётибди, деб тушунинч мумкин эди.

— Косада сув билан оқ туз келтирдилар... Маъноси нима экан?

— Ахийлар, жавонмардлар аҳлининг ҳамини сув сингари софдил ва тиниқ идрокли бўлишлари ҳамда туз ҳақиқа амал қилишларига ишоралар... Ақли қосирим яна дерки, туз билан сув дунё деганларининг тимсолидур, шўрни ичғон бирлан қонмайдуз киши, боз ташналиги орталар... Шу сабабдан оз-оз ичурлар... Дунёга ҳам тўйиш қийин, шу сабабдан озига қаноат мақбул йўлдуз, баҳодир жаноблари.

— Маъноси чуқур экан... Нега шогирдни ўнг томонга ўтказадурлар?

— Ростлик удуми бу. Токи шогирд белини ҳою ҳавасга эмас, балки ростдан ҳам фидойилик йўлида боғлаганини тушуниб етеун.

— Устод жойнамоздан уч қалам орта чекиндилар...

— Ҳа, уч қалам... Тимсолий қаламлар... Биринчи қалам нафс устига қўйилди, билурсизки, нафсга жиҳод қилмак ахийлик, жавонмардликнинг улуг шартларидандур, иккинчиси — шайтони лаъин юзига ташланди, чунки ақлдан оздирадиган баттолпи эзиб ташламак лозим, учинчиси — бойлигу молу дунёга... Токи дунёнинг ўткинчи моли оёқ учиде кўринсун, деб... Уларни мағлуб этмак керак, ҳам зоҳирда, ҳам ботинда...

— Бени шиликли чироқнинг маъносини тушунолмак қолдим...

— Кўнгил шамчироғини ишқу муҳаббат ила ёқишга ишоралар, шуълаларидан токи вужуд олами нурафшон бўлсун...

“Вужуд олами нурафшон бўлсун...” — пичирлайди Ахий Жаббор баҳодир ҳар сафар ўша кунларни эслаганида...

У пайтлар келиб, бутун олам жавонмардлару ахийлар жамоасига айланади, деб ишонади.

## II

Кажава рўмолли момо Тўхтамишхон элчиларига рост айтганди, бир ҳафтадирки, Ироқ ҳукмдори Султон Аҳмад жалойир Табризни эгаллаб турарди.

Ироқи Ажам ва Эрон музофотларида нуфузли ҳукмдорлардан ҳисобланган жалойирлар подноси Султон Увайс ибн Шайх Ҳасан вафотидан кейин унинг ўли Султон Ҳусайн укаси, Басра ҳокими Султон Аҳмаднинг кўзини куйдириб салтанат тахтига минди. Айтишларича, Султон Увайс ўлими олдидан туш кўрибди, унда оқ ҳирқали одам: “Ёвузлигинг, шафқатсизлигинг, бераҳмлигинг учун тавба қилиб қол, қирқ кундан кейин ўласен!..” деганмиш. Даҳшатга тушган подшо Бағдоднинг жомеъ масжидида минбарга чиқиб, қилмишлари учун тавба айлаб, жамоадан узр сўраганмиш...

Ўзини жалойирлар давлатининг асил вориси деб билган удлабурро Султон Аҳмад акаси Султон Ҳусайннинг тахтни эгаллаб олганидан ичи ёниб кетди, пайт пойлаб, милодий 1382 йилда пинҳона йўллар билан уни қатл этдирди ва қомронлик курсисига ўлтирди. Янги ҳукмдор таомилга кўра пойтахт Бағдодга кўчиб ўтди. Пойтахт пойтахтлик мавқени қўлдан бермасди. Аммо Султон Аҳмад жалойирнинг негадир Бағдоддан кўнгли совуб, Табризга меҳри ортгандек туюларди. Бир чеккаси, унга отаси Табриз ҳокимлигини берган, ҳукмдор сифатида Табриз унинг “кўз очиб кўргани” эди.

Бир неча кундирки, Давлатхона олий меҳмонлар билан гавжум... Бу ерда базми жамшид давом этмоқда. Ироқ ҳокими Султон Аҳмад жалойир тақлифига биноан Маранддан Қорақўюнлилар қабиласи ҳукмдори Амир Қора Юсуф Табризга келган. Икки қудратли ҳукмдор кунчиқин томондан ёприлаётган катта хавф — Амир Темур қўшинларига қарши бирлашиб курашини ҳақида кенгашиб олишмоқчи, зарур туғилса, улуғ давлатларга элчилар юборишмоқчи...

Деворлари бемисл гўзал нақшланган кенг-мўлгина меҳмонхона тўридаги тўкин дастурхон бошида саккиз қават заррин тўшаклар солинганди. Юзларини соқол босган, баланд бўйли, бақувват бир киши нозик попукли ипак ёстиқларга суянгачча ёнбошлаб ётарди. Бу Амир Қора Юсуф эди. У чимирилиб гапирса, қанқалдоқники сингари қизғин-кўнғир кўзлари қалин қошлари пинжигача янриниб оларди. Зиёфатнинг олиймақом даражаси, дастурхондаги турфа хил лаззатли таомлар, нозли ва гўзал раққосаларнинг хиромон ўйинлари-ю, муғаншійларнинг латиф овозлари ҳам кўнгишлардаги хижилликни ёза олмаётганга ўхшарди.

— Тўғри, тўғри... Лекин, айтиш ҳам керак-да... Агар Темурланг ёнига борсак, хор бўлганимиз ишудир, буни яхши тушуниб олайлик, Юсуфбек жаноблари!.. — деди сархуш Султон Аҳмад жалойир.

Бундан олти йиллар муқаддам, уч йиллик юриш вақтида Амир Темурдан ҳайиққан Султон Аҳмад жалойир Бағдодни ғанимлар қўлида қолдириб, паноҳ истаб, Табриз ҳокими Амир Қора Юсуф ҳузурига қочиб борди. Ҳокимнинг ўзи ҳам жуфтак ростлаш тапшивида экан.



Ўшанда Султон Аҳмад жалойир Миср султони Барқуқ хузурига йўл олди, Амир Қора Юсуф эса Румга Боязид Йилдирим пойтахтига қараб жўнади.

– Йўқ, йўқ, жалойир жаноблари! Кўнглингизни тўқ тутингиз, ҳеч қачон ўша оқсоқнинг олдига бош эгиб бормаганмен, бормаймен ҳам! – жавоб қилди Амир Қора Юсуф кескин оҳангда. – Мен-а! Мен!... Мен, анови Арзинжон ҳокими Таҳуртанга ўхшаб, қиззини с...й, ҳезалак эмасмен, бориб душманнинг кетини ялагани! Ёки Ширвош ҳокими Шайх Иброҳим Дарбандий каби қўрқоқ, латта эмасменки, ўша оқсоқнинг олдига бориб ер искагани! Мени Амир Қора Юсуф дейдилар!

Амир Қора Юсуф ўмганини ёстиқдан кўтарди, унча катта бўлмаган кўзларига соя ташлаб турган қалин қошларини чимирганча, Султон Аҳмад жалойирга тикилди.

Жалойирийлар билан қорақуюнлилар сардорлари тақдир тақозосига кўра, бир-бирига суянишга мажбур, пайт топилса, панд беринга ҳамини тайёр икки душман эдилар, ҳар иккиси ҳам пинҳона Форсу Ироқ ва Озарбайжонда ягона қудратли подшо мартабасига эринишни кўнглига туккандилар. Бироқ ногаҳонда катта хавф бостириб келса, ҳар икки ҳукмдор ҳам ялакат мағиздай бирлашиб кета олардилар. Бунга ҳеч ким ҳайрон қолмас, ажабланмасди ҳам. Уларни кузатган донишмандлар ўзаро суҳбатларда шундай фикрлардилар: “Битта эрнинг қўл остида икки хотиннинг иттифоқда яшани камдан-кам учрайдиган ҳодисадир, бир кунмас-бир кун ўрталарида албатта фасод иш рўй беради. Ҳадисларда ҳам минглаб бева-бечораларнинг бир кўрпага кириб тинч ухлашлари мумкинлиги-ю аммо икки ҳукмдорнинг оламга сиғмаслиги нақд қилинади. Ахир ҳеч замонда икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнаганми?..”

Султон Аҳмад жалойир билан Амир Қора Юсуф ана шундай “қўчқор”лар сирасига кирарди.

Ўрта бўйли, бўла, ясси бурни яналоқ юзига ёйилиб тушган, қовоқлари кенг, қуюқ қошлари бир-бирига тутаниб кетган, соқол-мўйлаби ҳамини калта қирқилганидан ёшига нисбатан навқирон кўринадиган, элликлардан ошган Султон Аҳмад жалойир, зоҳиран истараси иссиқ, ботинан фосиқ ва бешафқат киши эди.

Жалойирлар ҳукмдори мийиғида билинар-билимас жилмаяр экан, ичида: “Ўҳ-ҳў, шахтнинг баланд-ку, жўражон!” деб қўйди. Султон Аҳмад жалойир тақдирда пайтлар келиб мана шу қаршисида ўлтирган одамнинг қўлида минг азобда ўлдирилишни ёзилганлигини хаёлига ҳам келтирмасди. У ўсмоқчилаб сўради:

– Кўрқоқ бўлмасалар, нега дамба-дам Румга қараб от сурадилар?

– Кўрқоқ эмасмен, деб яна айтамен! Фақат тан олмай илож йўқ, оқсоққа тенг келиш қийин, унинг лашкари кўнлашқари... Саваш қурганда уста бўлиш керак, кутилмаганда шабихун<sup>1</sup> уриб, талофат етказиб шу заҳотиёқ қуюндай қочиб қолиш керак... – Амир Қора Юсуфнинг овозида аввалги шиддат сезилмади. – Ёниб турган оловга ўзни урмоқ подоннинг иши-ку! Шунинг учун ҳам бирлашайлик, деб куйиб-ёнамен... Бирлашайлик, бир мушт тушадиган жойга икки мушт

<sup>1</sup> Шабихун (форсча) – тунда тўсатдан қилинган ҳужум.

тунса, тезроқ муродимизга етгоймиз... Яқинда Мозандаронда турган Темурланг устига бостириб бормоқчи эдик, овоза ҳам тарқатдик, аммо Шоҳ Мансур ваъдасига вафо қилмади... Келмади.

– Иккимиз, ҳатто Шоҳ Мансур билан бирлашганимизда ҳам иш битмайди, Юсуфбек жаноблари... Ит бўл, қуш бўл – кўп бўл, деганлар.... – мазахнамо тиржайганча Амир Қора Юсуфга тикилди Султон Аҳмад жалоийр.

“Асли сенга ўхшаган, гоҳ Бағдодга ёки Табризга, гоҳ эса Марандга бостириб киралиган, на давлатга, на пойтахтга эга, бедананинг уйи йўқ, қайга борса – битбилдик, деб юралдиганларга муҳтожлигим йўқ-ку, – деган ўй кечди Султон Аҳмад жалоийр хаёлидан, – чорасизлигимдан сен билан қаймоқлашаман, холос...”

Амир Қора Юсуф ичида гижиниб қўйди-ю сездирмай давом этди:

– Жалоийр жаноблари тўғри дедилар... Тан олмай иложим йўқ... Анови ашаддий душманларимиз музаффарийлар, оққўюнли туркманларни кўрингиз! Ҳаммаси пароканда... Бирланиш ҳақида сўз йўқ! Лекин барибир, Шоҳ Мансур кал бўлса ҳам боши ишлайди, тўнғизди боласи!.. Сивас ҳокими Қози Бурҳониддин-чи, ғирт аҳмоқ, бир қоп гўшт... Э, қозилигинда туравермайсанми! Худди хотинларга ўхшайди, бурнидан нарини кўрмайди, бир гапга кўнмайди... Мозандаронни шериман, деб гердайиб юрган мучали аслида сичқон Астробод ҳокими баччавоз амир Вали-чи, ердан хасни олиб тапшашга қурби етмаслигини билади-ю, тоғни кўнориб тапшайман, деб чирангандан чиранади... – Амир Қора Юсуф тиржайди. – Аммо бекор ўлтирмаслигимиз керак, жалоийр жаноблари, ҳеч бирига ишонмайлик! Мана шундай ўзимни ўтга-чўққа уриб юрибмен... Келганим боиси ҳам шу... Ҳа!..

Амир Қора Юсуфнинг амир Валини баччавоз дегани Султон Аҳмад жалоийрга тегиб кетди. Қорақўюнли сардор буни билиб айтдими, билмай дедими? У ясси бурнининг тепаси қичипанини сезди, бу жаҳли чиқиб, асабийлаша бошлагани аломати эди. Ироқ ҳукмдорининг ҳарами тўла жононлар, шунга қарамай, Абулпароб деган бежирим бир бачча ҳам тутали, беш юз йиллар олдин яшаган манхур Халаб подшоши Сайфулдавлага ўхшатиб, ўз баччасини ожиза исми билан “Сомил” деб атаган... Сомил – иккиланиб ҳаракат қилувчи маъносини беради – ҳар ҳаракатида иккиланиб куйдириб ёндирарди.

Сомилнинг кўрку хуснидан бошқа, яна бир қанча фазилатлари ҳам бор эди. У арабча, туркча, форсча ва юнонча билар, ҳар тилда бирдай хусравона эртақлар сўйлай олар, шетрлар ўқир, арабча дилтортар ашулалар айтар, муқомни қотириб рақсга тушар, шу туришида мўъжиза дегулик бир балойи офатнинг ўзгинасийди. Султон Аҳмад жалоийр Сомилга қаттиқ меҳр қўйган, сафарга борганда ҳам, пойтахтда ҳам эрта-ю кеч ундан ажралмасди.

Султон Аҳмад жалоийрнинг Табризга келишидан бир ой аввал нохуш ҳодиса юз бериб, Ироқ ҳукмдорининг дунёси қоронғу бўлди. Кугилмаганда... Сомил йўқолиб қолди!

Дажла бўйида жойлашганлигига қарамай, Бағдодда кишилар жазирама иссиқдан жон сақлаб кечалари эшик-дарчаларни очиб ухлардилар. Ҳарамда ётган Султон Аҳмад жалоийр эрталаб уйғониб, одатдагидек,

Сомилдан апула эпитмоқчийди, суюкли баччасини тополмади. Саройла тўполон кўтарилди. Каттадан-кичик қилиришга тушди, Сомил ерда ҳам, осмонда ҳам йўқ эди.

Дарёни ёқалаб излаб юрганлар ногаҳон соҳилда оқариб кўринган гулдор жиякли яктак-лозимни топиб олдилар. Дарҳол танидилар: бу - Сомилники! У шундай кийим киярди, иссиққа чидамай ечиниби, Дажлада чўмилгани аниқ!.. Тишув бошланди. Кўққисдан нам қирғоқда сув томонга тушган оёқ изларини илғашди. Демак, Сомил муздек тўлқинлар бағрида роҳатланишни истаган, бироқ гирдобга тушиб чиқолмай, чўкиб кетган... Қилириш бефойдалигини билишиб, афсус-надоматда Сомилнинг оппоқ яктак-лозимини олиб, саройга қайтдилар. Султон Аҳмад жалойир чорасиз эди... Дажла дарёсида “ғарқ бўлган” Сомил эса, бир неча кундан кейин Сивас ҳокими Қози Бурҳониддин саройида бўй кўргизди.

Табиатан фосиқ Сивас ҳокими Қози Бурҳониддин Бағдодда меҳмонда эканида, Султон Аҳмад жалойир бир эҳтиётсиз иш қилиб кўйди – мақтаниш учунми, Сомилга дастурхон атрофида апула айтишни, кейин рақсга тушиниши буюрди. Хуш овозу хушсурат бачча меҳмонга бирам ёқиб тушдики, қайтганидан кейин кечалари уйқуси қочди, аста-аста Сомилнинг ўз саройида завқу сафо бағишлаб хиромон айлаб юришларини истаб ҳанриқаркан, уни қўлга киритишни ўйлай бошлади. Хуфийна юборилган элчи Сомил билан сўзлашиб, кўп совға-ю ҳадялар инъом этди, алдаб-авраб баччани оғдириш бобида кўп нарсга эришди. Қачон жўнаш ҳақида битишиб олдилар. Сомил айтилган кўни Султон Аҳмад жалойирнинг қаттиқ уйқуда эканлигига ишонч ҳосил қилгач, оҳиста саройдан чиқди, дарё ҳам узоқ эмасди. У чўмилган киши бўлиб, кийимини ечиб дарё бўйига ташлади, лойда атай излар қолдириб, дарёга ўзини урди, шўнғиганча ортга қайтди ва нариги қирғоқда кутиб турган кишиларга кўшилди...

– Астробод ҳокимини мучали сичқон дейсиз... Гап мучалда эканму?.. – захархандалик билан сўради Султон Аҳмад жалойир. – Ана Темурлангни мучали ҳам сичқон! Сизники йўлбарс, аммо етти йил аввал Табризни ташлаб қўснмучалдай қочдингиз-ку?.. Биров мучал суриштирдиму?..

Султон Аҳмад жалойир шонилмасдан ҳар бир сўзни чертиб-чертиб таширарди. Амир Қора Юсуф суҳбатдоши сўзларида мангик кучлилигини кўриб: “Қочган бир менму?... Қочган бир менму?...” дейишдан нари ўтолмади.

Ироқ ҳокими давом этди:

– Яна бекор ўлтирмаслик ҳақида таширадилар... Ўзимни ўтга-чўққа урдим, деб лоф урадилар... Бекор ўлтирмаган бир сизму?.. Каттол дўшман келаётганини билиб, сизнинг хабарингиз йўқ, Юсуфбек жаноблари, – икки томонга Миср султони Малик Барқуқ билан Рум қайсари Йилдирим Боязидга элчилар жўнатдим, хокисорлик билан мактублар битдим... Кейин Олтин Ўрда хони Тўхтамышхонга алоҳида чопар юбордим. Чунки у ҳам оқсоқдан мушт еган... Мушт еган жойи ҳали ҳам ачишиб турди. Хо-хо-хо... Мактубларда Турон хони Султон Маҳмудхон имзоси билан элчилар нўписали хатлар олиб келгани, Султон Маҳмудхон билан Темурланг номини хутбада кўшиб айттиришим кераклиги ҳақида ёздим...

– Нима-нима?! Хутбада Темурланг номини кўшиб айттирилсин?.. Шунга кўндингизму?.. А, кўндингизму?.. – сўради жон ҳолатда Амир

Қора Юсуф, у чимирилган қалин қошлари тагига яшринган кўзларини дам жалойирга тикар, дам ерга қарарди. — Хайрият... Ҳм-м... Аммо, қизини с...й, Тўхтамишхонга элчи юбориб яхши қибсиз...

— ...Таңгани ҳам шу номларни қўшиб зарб этилсун, деган... Аввал уларнинг оти ёзилсин, кейин меники эмиш.

Амир Қора Юсуф энди жойида чўккалаб олди.

— Уни қаранг! Уни қаранг!.. Ия!.. Ундан кўра, кестимизни қилиб турақолайлик! Ха-ха-ха!

— Э-э!.. Ўтирсинлар, амир жаноблари! Куруқ туришдан нима фойда?..

Амир Қора Юсуфни гапиринга қўймали нижинан Султон Аҳмад жалойир. Унинг сўзларида билинар-билинимас жеркин оҳанглари сезилди. — Худабехуда газабланиш, бир-бировимизга заҳар сочиш не даркор?.. Тўфондай офат бостириб келаётибди ахир!..

— Биламен, жалойир жаноблари, биламен... Бу ерда нега ўлтирибмен ахир? — жиғи-бийрони чиқди Амир Қора Юсуфнинг. — Тўфондай офатлигини ҳеч ким билмаса ҳам, мана мен биламен... Ўн йил аввал Хуросон жангида Темурланга қарши чиққан ёлғиз мен эдим! Ҳамма кўрқиб қочди, ҳамма қочди! Кўн жойда қақпатиб, не-не аскарларини аспаласопилинга жўнатган мен бўламен!.. Йўқ, денг-чи? Йўқ, денг-чи?.. Биламен... Ажабо, мен бир қабила сардоримен, у-чи, у ким? Ким?.. На Чингизхонга алоқаси бор, на бошқа, қабила бошлиғи ҳам эмас, қишлоқи бир амирнинг ўғли, холос!... Қабила бошлиғи ҳам эмас! Ха-ха-ха!.. Ҳиротда Малик Фиёсиддинни хароб этдим... Сал кам юз эллик йил ҳукм сурган давлатни илдиздан қуритдим... Тус, Калот, Фўшанж қалғалари вайронага айландими... Озарбайжон билан Гуржистон топталди... Қазвин, Султонияни...

Амир Қора Юсуф ўзини тўхтата олмасди:

— Темурланнинг қорақуюнлига ҳам, жалойирга ҳам тин-тирноғи билан қарши эканини билгурмисиз? — ўдағайлади у. — Сиз билан бизга кун бермайди, билдингизму? Ўша Хўжанд ҳокими Амир Боязид жалойирни Туғлуқ Темурхонга чақиб ўлдиртирган ҳам шу! Сари Буға жалойирни сиғдирмаган, Одилшоҳ жалойирни бадарға этган, Баҳром жалойирни...

— Шайх Нуриддин-чи, Сари Буға ўғли? Самарқандда саройда хизматда юрибди-ку?.. — гапни кесиб сўради Ироқ ҳокими.- Нуфузи баланд амирлардан...

— Шайх Нуриддин?.. — қошларини чимирди Амир Қора Юсуф. — Қизини... Валади зино-ку!.. У отасига яхшилик қилмайди, отасига! Оқсоқ унинг совунига кир ювмабдир! Кўради ҳали... Э-э-э... Ўйлайверсанг, дупёнинг бевафолигидан куйиб кетасен! Куйиб кетасен!..

Амир Қора Юсуф “Уф-ф!” дели-да, яна ўмганини ёстиққа берди.

— Ўзларини боссинлар, Юсуфбек жаноблари!.. — пичинг аралаш сўзланди Султон Аҳмад жалойир Амир Қора Юсуфни тинчлантиришга тиришиб. — Ўлган илонларни бошини кўзгашдан нима фойда?.. Ўтган ишга салават... Бу ёғидан келинг. Темурланг ҳозир Шероз томонларга йўл олганмиш, деб эшитдим, ундан, албатта, Бағдодга ўтади, кейин Шомга... Ана шуни ўйлайлик..

Чиндан ҳам, икки ҳукмдор олдинда тўфондай офат билан тўқнашув муқаррарлигини билиб турардилар.

– Лекин бу сафар баттол куруқ кетмайди,  
Албатта, бизларни туттиради, саккиз нимта қилдиради. Буни эсингизда сақланг! Лекин аввал сизни тутади, кейин бизни...

Ироқ ҳокими палағда бир кайфиятда эди. Бир ёқда суюкли баччасидан айрилган, бошқа ёқда балойи қазо тепасида қиличини қайрагани қайраган...

– Туттиради?!.. – бақиргудай сўради Амир Қора Юсуф. – Бу ёқдагилар қараб турар эканми?.. Молга ўхшаб?.. Кўрқиб-писиб?.. Хо-хо-хо! Ўн минг чақмоқдай йигитим бор, ўн минг! Еру осмонни қовурамен!.. Сичқон инини минг тангага оладир ҳали!.. Ўтган куни Рум қайсари Йилдирим Боязиддан элчи келди, у ёнимизда, биз билан бирга! Тўхтамишхондан ҳам хабарлар бор... Биламен, сизнинг ундан ўпкангиз бор... Бо-ор, бор! Йўқ, деманг! Олтин Ўрда хони беш йил аввал Табризни горат этган бўлса, бизларнинг-мас, анави балойи офат Темурлангнинг қасдидан шундай қилган... Буни англаш керак, жалойир жаноблари!

– Ёки... биз ҳам... – бу гапларни эшитмагандай сўзларди Султон Аҳмад жалойир. – Темурлангга бош эгиб борайликму? Латта Тахуртанга ўхшаб?.. Мажмағил Шайх Иброҳимга ўхшаб?..

Султон Аҳмад жалойирнинг кенг қовоқлари катта-катта очилган кўзларнинг тазйиқидан йўқолгудай кичрайиб кўринди.

– Нима-нима?.. Нима дедингиз?..

Амир Қора Юсуф “Қиззини..!” деганча жойида бир қўзғолиб олди. Шунча сўзларни ишлатиш, бетакаллуфлик умуман унинг одати эди. Бағдод ҳокими сзмагандай эжикилайверди:

– ...Бир йиллик хирож тўлайлик... Йўгалсак ҳам соҳибқирондан ижозат тилайлук... Нафас олсак ҳам валинеъматимиздан сўрайлук... Финг демасдан, бўйнидан боғланган сакдай эргашиб юрайлик... Ёт деса ётайлик, тур деса турайлик...

– Тўхтагиз! Нималар деярсиз?! Ҳазиллашаянсизму, жалойир жаноблари? Э, ўша... – Амир Қора Юсуф сўкинди. – Яна айтамен, билиб кўйсунлар, мени Амир Қора Юсуф дейдилар! Ҳеч қачон, ҳеч кимга бош эккан эмасмен! Ўлсам ўламен, аммо бу б...ни эмасмен!..

Меҳмонхонада базми жамшил давом этар, гўзал раққосалар нозик хиром айлар, сеҳрли кўшиқлар янграр, аммо шу тонда икки ҳукмдорга ҳеч қайсиси татимасди. Улар шу палла тор қафасга тушиб чорасизликда қолган, чиқинга уринаётган, ҳаракатлари бенаф кетаётганидан аламда бир-бирини тишлаб-тишлаб олаётган наърали қоплонларга ўхшардилар.

## Ўн биринчи боб

### 1

Эрон сари йўл олган Умаршайх Мирзо вилоятга отланар экан, кўнглида бир армон тинчлик бермасди. Қундузча дарёси бўйида Олтин Ўрда хони Тўхтамишхонни силлиққина қўлдан чиқариб юборгани ҳали-ҳали унга алам қиларди. Шундоқ ёнгинада турган ашаддий ёвнинг эсон-омон қутилиб кетини, гарчи биров, Амир соҳибқирон ҳам, бошқалар ҳам, унга ҳеч нарса демасалар-да, амирзода билади, бунинг гуноҳи унинг бўйнида. Амирлару нўёнлар тугул, амирзодалар олдида ҳам юзи шувитдай...

Аммо иниси Мироншоҳ Мирзо, Амир Сулаймоншоҳ, Жаҳоншоҳ ибн Жоку, Мирзо Алибек, Муҳаммадбек ибн Мусо ва бошқа амирлар суҳбат курганларида, имкон топилди дегунча, Умаршайх Мирзонинг Олтин Ўрда хонини қўлдан чиқариб юборгани ҳақида гап сўқадилар. Айниқса, Мироншоҳ Мирзонинг гаплари ҳаммасидан ошиб тунади.

У шундай суҳбатларнинг бирида орадаги ўн ёшнинг ҳам фарқига бормай, андишасизларча, агар ҳумоюн ўрдудан Тўхтамишхонни тутиш унга топширилганида, аллақачон Олтин Ўрда давлати Турон салтанатига қўшиб олинарди, бутун яна ўша понкўр бизга таҳдид солиб ўлтирмасди, деб юборди. Ақлни бўйининг баландлиги билан ўлчайдиган амирзода бировнинг қўнглини авайлайдиган, оқибатини ўйлаб иш қиладиганлардан эмаслигини Умаршайх Мирзо тагин ўз кўзи билан кўрди. У ўпқалагандай сўз қотди:

– Бу ҳам қисмат... Камина ўн минг отлиқ аскар билан бу ишни эшлай олмаганим ҳолда, тўққиз минг отлиққа эга амирзодамнинг қўлидан келишига шубҳам бор...

– Ана, энди келдүк мақсудга... – мазахомуз илжайди қўлини кўксига қўйиб, тап тортмай катта-катта кўзларини тик қалаб Мироншоҳ Мирзо. – Амир соҳибқироннинг, жанг самараси аскарнинг озу кўпчилигига боғлиқ эрмас, деган ўғитларини улуғ амирзодам яхши билсалар керак?.. Ахир “Қанчадан қанча кичкина гуруҳлар Оллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан ғалаба қилгон...”<sup>1</sup>

Умаршайх Мирзо юпқа лаблари титраганча, жавобга оғиз очмоқчийди, Мироншоҳ Мирзо қўймади:

– Ҳали тўққиз минг отлиқ билан бу ишни удалай олишимга шубҳангиз бор экан-да? – кинояли деди у. – Ёдингиздаму, тўрт йил олдин, Қорабоғ ёнида оз кўпин билан Тўхтамишхонга қарши чиқдим ва қувиб юбордим. Ўшанда, кўз олдингизда Амир соҳибқироннинг ўзлари каминани алқадилар-ку!.. Бунга нима дейсиз?

Умаршайх Мирзо укасининг бетгачошарлиги-ю бетавфиқлигидан қаттиқ ранжиди, айниқса, сўзига муборак оятни ўринсиз аралангириб гапирганидан ғазабланди, баданига тиг теккандай бўлди. Дағал жавоб бериб, тиз чўктириб қўймоқчийди-ю, бошқалардан уялди. Агар жирракилиги тугса, ўзини тўхтата олмасди, у ана шундан кўрқди:

– Ўз оғасига бундай кўрслик билан муомалага боринг одобданму эркан?..

Ақли амирзодага яранмас... – босиқ инсофга чақирди Умаршайх Мирзо. “Сенинг ёшинг катта, ўзингни бос. Укаларни билмайсанму, улар кўпинча одобсиз, эрка, тантиқдурлар, кечирмай илож йўқ... Шундай укашнинг бўлиши – бу ҳам қисмат...” – қабилида фикр ўтди унинг хаёлидан.

Гапга даврада ўлтирган Жаҳоншоҳ ибн Жоку араланди. Унинг суйри бурни учи қизарган, учли ияги хиёл титрарди:

– Рост дедилар, улуғ амирзодам! Бу беадаблиқдур! Айб бўладир!.. Амир соҳибқирон қулоқларига етса... Парвардигорнинг ўзи сақласун! Ҳазрат бундай муноқаналарни сира ёқтирмайдурлар. Доимо амирзодалар ўртасинда иноқлик, тотувликни истаюрлар... Ёдингиздаму, бир ой олдин

<sup>1</sup> Қуръони карим. Бақара сураси, 249-оят

Қаршидаги қурулғойда ҳам сўзладилар. Дафтарга ҳам ёздириб қўйибдурларким, мартаба талапчилар қоралансун, ўз даввосидан қайтмаганлар дарвенлик ҳолатига солинсун, асирликда сақлансун, деб... Ёки... салтанатнинг ишонган икки шурвиқор устун асирлик заҳматини тортиб, дарвен ҳолатига тушмоқни истаб қолдиму?.. Эмин-эркин янаш жонга тегдиму?..

— Маъзур тутасиз, улуг амирзодамМ...- Мироншоҳ Мирзо оғасига бош эгди. — Гап келганда отагги ҳам аяма, деганлар-ку. Улуг оғамиз ўзлари ҳам шундай насихат қилардилар бизга...

Бошқалар олдида хижолат қизариб-бўзарган Умаршайх Мирзо ерга тикилди-ю ишдамади, фақат “Узрингизни қабул этдим...” дегандай, Мироншоҳ Мирзога бир қараб қўйди. Укаси айбини бўйнига олиб турса ҳам, эрта бириси кун яна шундай қилиғини такрорламаслигига ёлғиз парвардигоргина кафолат бера олишини яхши биларди. У орқа-олдини баъзан ўйлаб-ўйламай гапириб юбораверадиган, мапмансирашши ёқтирадиган шартаки укаси билан пачакиланиб ўгиришши истамади. “Шармандамиз чиқадур, ана шундан хуло асрасун!”, деди ичида. Ҳа, ҳар бир ўтган кунинг, эшитган сўзинг сен учун сабоқ, эй ишон!

Рости, кўп нарсаларга одамнинг ўзи ҳам сабабчи-да. Умаршайх Мирзо буни тан олади. Кундузча жангида уни гафлат босди, мапа энди дашномларга қолиб ўлтирибди, ахир Олгин Ўрда хони билан ўз ҳисоб-китоби бор эди-ку! Унинг фикрича, жанг ниҳоясига етгач, енгилган душман, ўз-ўзидан, табиий, қўлга тушиши лозим эди ва шунда амирзода чингизийзода билан бемалол орани очиқ қилиб оларди. Мард майдондан қочмайди, деб хом ўйлаган экан, Тўхтамишхоннинг қочиб кетиши мумкинлигини ҳеч ўйламабди.

Амирзода ашаддий ғаними қаламларини доим кузатиб туришши қаттиқ кўнглига тугди. Тўхтамишхон қаерда, нима мақсадлари бор, яна қандай фитналар уюштирмақчи... — барини билиши керак. Яқинда Мозандаронда Омул шаҳрида ўтган хос мажлисда ҳамма амирзодалар, амирлар, беклар, лашкарбонилар йиғилдилар. Мубашир баҳодирнинг тингчилари соҳибқиронга кўп хабарларни айтиб беришди. Тўхтамишхон Озарбайжонга босқин қилибди, Миср подшоси Султон Барқуқ билан борди-келдини йўлга қўйганмиш, Амир Қора Юсуф билан жуда аяқ-чапоқ эмиш, Султон Аҳмад жалойир энг яқин сирдошларидан бирига айланибди...

Ажабо, буларнинг бирортаси ҳам соҳибқиронга дўст эмас... Умаршайх Мирзо ана шунга диққатни қаратди ўшанда. Бу гапларнинг кўпи мишмишдир, эҳтимол. Лекин одамларнинг оғзида юрибди. Барибир қулоққа чалинади...

Эронга уч йиллик юриш пайтида милюдий 1387 йилда Арзинжон ва Арзирум ҳукмлари Тахуртан Амир Темур Кўрагон салтанатини тан олиб, тобелик билдирди ва Исфаҳонга келиб ҳумоюн ўрлу остонасига бош урди. Натижада, унинг давлатига соҳибқирон салтанати соясидан муносиб жой тегди. Табриз ҳокими Султон Аҳмад жалойир эса, душманлар пинжита киришши истаб, жуфтакни ростлаб қолди. Соҳибқироннинг ҳайбатидан қўрққанлиги тўғри. Лекин, барибир, кимгадир суянмаса, ишонмаса, бундай нотанти қадамлар қўя олармиди! Барининг кўнглига қутқу солган Тўхтамишхон-да, бунга асло шубҳа йўқ...

Умаршайх Мирзо қандай бўлмасин, қачон бўлмасин, хиёнаткор, ортидан бод чиқариб, орқа ўгириб қочган ношукур Тўхтамишхоннинг танобини тортиб қўйиши, лапашанг чингизийзода бурнини ерга ишқаб қонини тупроққа қориши шарт! Бу унинг асосий мақсадидир, ахир кўрнамак жумла жаҳон олдида валинеъмат соҳибқироннинг юзини ерга қаратди, хиёнатдан тортинмади. Уни зинҳор кечириш мумкин эмас! Мумкин эмас!.. Амирзода шу мақсадига етмагунча, шаънига тушган иснодни ювмагунча, қиличини қинига солмайду! Соҳибқиронга албатта кўнглидагиларини бирма-бир айтади, фурсатини топиб Форс вилояти ҳукмдори сифатида ўша баттоли лаъинга қарши шахсан ўзи от суришга тайёр эканлигини билдириб ҳам қўяди, ижозат сўрайди. Агар Амир соҳибқирондан ёруғлик чиқмаса, ялиниб-ёлворади, илтижолар қилади...

Амирзода ўзича падари бузруквори билан хаёлан суҳбатни кўз олдида келтирди:

“Олдингизда бағоят уятлимен, валийнеъмат соҳибқирон! Бу ҳам қисмат... — дермиш амирзода. — Тўхтамишхонни илгимдан чиқариб юбордим... Ўзимни қасрга қўйишга жой тополмайдумен... Дунёга сиғмай кетаётирмен... Аламимдан олам тор кўринаётир...”

Соҳибқирон тинглармишлару индамас эмишлар. Орага жимлик чўкканмиш.

“...Агар ижозат берсалар, ўзим унга қарши қўшин тортсам! — ёлворармиш яна Умаршайх Мирзо. — Гуноҳимни ювсам! Ўша томонларга от сурсам... Кўл-оёғига занжир солиб қошингизда муҳайё этсам!..”

Ниҳоят, Амир Темур сўзга оғиз очармишлар:

“Амирзодам, Тўхтамишхон кўп маккору доғулиду. Бир ўзингизга мушкул ишду...”

“Иншооллоҳ, енгурмен, ёнимда ўзлари борлар-ку, валийнеъмат соҳибқирон! Қиличим кескирду, зафар менга ёр бўлу!”

“Музаффариятга ёлғиз қиличнинг кескирлиги кифоя эрмас... — дермиш Амир Темур. — Майдоннинг ҳийласи керак, ақл ўйини, дилиниг куввати ҳам лозим...”

“Маъзур тутадилар, Амир соҳибқирон... — дермиш амирзода ўнкалаб. — Каминага иштибоҳлари... борму?”

“Асло! — дермиш соҳибқирон жилмайганча. — Шижоатингизга асло шубҳам йўқ! Мен мутлақ зафар шартларини айтдим холос! Сизга, албатта, улкан қўшин бергаймен, амирзодам!..”

Ана шундай хаёлларга ғарқ Умаршайх Мирзо Наҳованд ёқларда уя қуриб олган, райиятга озор етказётган ҳар хил йўлўсар бузуқиларни баргараф айлагандан кейин, ўз лашқарини Хуррамобод билан Дизфул шаҳри томонларга бурди.

## II

Ҳали Дизфулга бормай Шоҳ Мансурнинг Шерозда кўзғолон кўтаргани дараги Умаршайх Мирзо қулоғига етди. Подшоҳзода Тўхтамишхон унинг ҳам эс-ҳушини ўғирлаган, шекилли... Бутун Форсу Ироқ тахти сеникидир, деб Шоҳ Мансурнинг қўйинини ҳам пуч ёнғоққа тўлдиргани аниқ. Шу сабабданми, Шоҳ Мансур ўзини музаффарийларнинг ягона қудратли ҳукмдори ҳисоблаб, истиқлол туғини баланд



кўтариб, ишнинг оқибатини ўйламай, от жиловини тутибди... Бунга амирзоданинг имони комил.

Салтанат тузугида белгилангандек, улуғ амирзода жиловида ўн минг отлиқ аскар фармонбардорлик қиларди. Хуррамободдан ўтганларидан сўнг чопар Амир Темур кўшинининг ҳеч қачон енгилмаган метиндай мустаҳкам Қалъаи Сафидни ишғол этгани хабарини етказди.

Чопарнинг ҳикоя қилишича, қалъанинг олинishi жуда гаройиб кечибди... Эни ва узунлиги тўрт фарсанг<sup>1</sup> чиқалиган, баланд тоғ устига бино этилган бу қалъа узоқдан худди ҳозир учаман деб, чўққига омонатгина кўнган, улкан қанотларини ёзишга шайланган баҳайбат бургутни эслатарди. Қалъа аҳли муҳолифат изҳор этиб, муросага кўнмай, пастда уймаланиб ётган кўшин устига катта-катта тошларни юмалатишдан тўхтамас, ўнлаб навкарлар тошлар остида қолиб янчилиб побуд бўларди. Кимдир вой-войлаган, кимдир инграган, бировининг боши янчилган, бошқасининг оёғи мажақланган... Нолалар фалакни тугди. Қисмат қойим кўнди. Кўшин парокандаликка юз тута бошлади.

Соҳибқирон ғазаб отига минди, вазият тизгинини қўлга олиш учун “хай-хай”га қарамай, шиддат билан чодирдан ташқарига отилди. Чиқар-чиқмас, янгигина қонга бўялган каттагина тош қалъадан ушинг оёқлари тагига гурс этиб тушди. Кетма-кет кимнингдир узилган боши юмалаб келди, у Амир Темур аскарларидан бириники эди. “Жойинг жаннатдан бўлсин!...” - пичирлади ичида соҳибқирон... Унинг қони қайнаб, шижоат томирлари кўзғолди. Атрофда:

— Соҳибқирон чодирдан чиқдилар!

— Соҳибқирон чодирдан чиқди-ла-а-ар!.. — деган садолар янгради.

Навкарлар сурони ногаҳон торгина сўқмоқлардан қалъага чиқишга интиляётган шаҳзода Муҳаммад Султон қулоқларига етди! Шаҳзоданинг юраги бир қалқди. Соҳибқироннинг чодирдан чиқиши яхшилик аломати эмас!.. Шаҳзодадай баҳодирлар, амирлару наҳлавонлар турганда, қалъанинг забти валинесмат соҳибқироннинг ўзларига қолдиму? Буни сезган Муҳаммад Султоннинг мардлик шукуҳи қўймай, тушаётган тошларга чан бериб, отилаётган ўқларга ҳам қарамай юқорига интилди! Ёнида сувдан кўркмас, оловдан қайтмас бир неча чапдаст навкарлар бор эди.

Муҳаммад Султон йигитлари қийинчилик билан юқорига силжирдилар. Пастда ҳам, тенада ҳам шовқин-сурон, қий-чув, бсомон жанг борарди... Қаёқдандир найдо бўлган ёш синоҳ бир тошнинг Муҳаммад Султон устига тушиб келаётганини кўриб қолди! “Шаҳзодам!...” дея бақириб юборди ва жонҳолатда Муҳаммад Султон бошига қалқонини тутиб улгурди! Залвор билан тушаётган муштдан каттароқ тош қалқонга қарсиллаб тегди-ю, шувиллаб пастга ўтиб кетди! Бари бир лаҳзада кечди. Ҳанг-манг шаҳзода ҳушёр синоҳнинг энчилигига тан берди, унга миннатдорчилик билдирмоқчийди, аммо бунга фурсат йўқ, унинг устига, талотўн ичида кўздан ҳам йўқотди. Ичида шундай фидойи йигитлар борлигидан қувониб қўйди.

Синоҳнинг кимлигини кейин суриштириб билди, Аргуншоҳ деган йигит экан. Йазд шаҳрида Муҳаммад Султон лапқарига кўшилибди,

<sup>1</sup> Фарсанг (араб) — тахминан 7-8 км. узунликка тенг масофа.

ажлодлари нақ каёнийларга бориб уланадиган нишопурлик машҳур Сардор Некбиншоҳ деган амир ўғли эмиш, шаҳзода унинг таърифини эшитганди, кўнглига негадир илиқлик югурди. “Тегли-тахтли хонадон фарзанди эканлиги шижоатидан кўриниб турибди...” - ўйлади Муҳаммад Султон. Соҳибқирон лашкарида хизмат этиш орзуси бор экан, падари бузруквори ҳам унга шуни тайинлаганмиш.

Қалъани Шоҳ Мансур босиб олганди. У душман қайиноғаси Шероз ҳокими Султон Зайналобиддинни иккинчи марта зиндонга таплади. Қалъаи Сафидда ҳамма Шоҳ Мансурнинг маҳбус кўзига мил тортирганини ланъатлаб гапирарди.

Шу палла қалъада шаҳзоданинг ғолибона туғи ҳилширади! Бемисл шодликни ифодалаган қийқириқлар борлиқни тугди. Аҳли лашкар шаҳзоданинг уч кишигина сиға оладиган тор сўқмоқдан қандай қилиб чиққанидан ҳайратда эди. Соҳибқироннинг кўзлари яшнади. Санжоқни кўрган аскарлар худди қанот пайдо этгандай қалъага ҳар томондан ёприлиб чиқа бошладилар...

Султон Зайналобиддинни қалъадан юз эллик қадам нарида катта сунага ўхшаган тўртбурчак тепаликда тахтда ўлтирган Амир Темур ҳузурига келтирганларида, соҳибқирон кўзлари ўйилган шўрлик маҳбусга қаттиқ ачинди, сўнг юнатиб деди:

– Падари бузрукворинг, қудамиз Шоҳ Шужоъ насиҳатини қулоққа олмаганинг учун парвардигор сенга жазо берди, билдингму?.. Бўлар иш бўлди... Кўнглингни чўқтирма! Иншооллоҳ, сени шу кўйга солган ёвларингдан қасдингни оламен! Шоҳ Мансур ҳам таъзирини сйди! Ҳеч қайсиси қаҳримдан қочиб қутулолмайду!..

Шероз ҳокимининг сўқир кўзларида ёш гилгиллади.

Изма-из муҳолифликка борган уч юз чоғли кишини ҳайдаб келдилар. Гапга кўнмай қилич кўтарган қайсар бу одамларнинг қисмати ўлим билан тугашини ҳамма биларди. Уларнинг ортида беш юздан ортиқроқ асирлар - мунгсираган хотин-қизлару болалар кўринди.

Ҳамма соҳибқиронга кўз тикди.

Амир Темур бундай манзараларни кўриш насиб этмасин, деб доим худого илтижо қилади. Ўзининг айби йўқ, лекин айбдор бўлиб қолган Исфаҳон воқеасида шундай ҳолга тушганди. Узоқ вақтларгача унуголмай юрди... Соҳибқирон бировга ёмонликни истамайди, аммо, начораки, хом сут эмган бандалар барини ўзлари ўзларига тилаб оладилар. Жазо берилмаса, энг аввал ўша гуноҳкор одамларнинг ўзи, подшо юмпоққўнгил, меҳрибон экан, демайди, балки бўш, латта, лапананг дея, масхаралашпа ҳам боришади. Бу ҳукмдор шаънига яранмайди. Подшо сиёсати керак. Аммо сиёсатда меҳрнинг ёнида қаҳрга ҳам жой топилсин, меҳру қаҳр қорипиқ бўлсин... Ҳақ эгамнинг лутфу карами ва қаҳру ғазаби ҳамиша ёнма-ён-ку...

Соҳибқирон шулар ҳақида ўйларди.

Кутилмаганда у тахтдан тушди, унинг саройда ёки бошқа мажлисларда шундай одати бор эди — аста тахтдан туриб одамлар сари йўналар, ким биландир сўзлашар, одамларнинг кўзларига бир-бир қараб чиқарди. Кўзлар — кўнгил кўзгуси. Соҳибқирон одамнинг кўзига қараб кўнглидагини билиб оларди. Сирасини айтганда, юрганда тахтда ўгираверганидан толиққан, сезилар-сезилмас оғрийдиган ногирон оёғини ҳам бироз яйратиб оларди.

Амир Шоҳмалик ва Муҳаммад Чуроға додхоҳ соҳибқироннинг икки ёнида боришмоқда. Асирлар олдига ҳар уч қадамда соқчи қўйилган, — улардан бири Арғуншоҳ эди, — бари Айбож ўғлон назоратида. Амир Темур асирларнинг кўзларига қаради. Ола кўз, қисик кўз, чағир кўз, қўй кўз, қўнғир кўз, кўк кўз... Ҳаммасида қаҳру ғазаб тўлиб-тошган, аммо меҳру шафқатга ҳам эҳтиёж сезади... Хўш, барини муҳолифатга борди, дейлик. Уларнинг бари гуноҳқорми?.. Гуноҳқор шаксиз жазосини олиши керак! Йўқ эса, ҳозирги бир гуноҳнинг ўрнига, кейинги сафар икки гуноҳ қилади. Соҳибқирон буни яхши билади.

Ногаҳон кўзига қон тўлган, дарғазаб асирлардан бири шундай тикилдики, соҳибқироннинг ичини нимадир чақиб олгандай туюлди, куюқ қонлари чимирилиб, қўли беихтиёр соқолига чўзилди. Бироқ ҳеч нима демади, ичида “Халюқи безаволга салламно...” деб қўйди-да, олға юрди...

Кейин ёнидаги амирларга ўтириларкан:

— Жаноби амирлар, уларнинг ичида соҳиби ҳунарлар борму эркан? — деб сўради.

Муҳаммад Чуроға додхоҳ билан Амир Шоҳмаликлар бараварига:

— Бор, бор, Амир соҳибқирон! — деб юбордилар. Қалъага чиққан Айбож ўғлоннинг маълумотлари аллақачон улар қўлида турарди.

“Сафдаги ҳунармандлар кўриниш берсунлар!”, деган сўзлар янграганда Амир Темур оҳиста қалам ташлаб, асирларни бир-бир кўздан кечириб борарди. Аёллар юзларини ярим яшириб олишган, қизлар эса асло ёмонликни хаёлларига ҳам келтирмай, болаларга хос соддалик билан бошларини хиёл эгишиб, маъсум тикилиб турардилар. Ҳа, тоғлик заифа ва ожизалар ранги тоза, соҳибжамолдурлар. Қаттиқроқ тикилиб қолсанг, эс-ҳушингдан айрилишинг аниқ...

Соҳибқирон юришда давом этарди. Бирдан синоҳ Арғуншоҳ турган жойга етганда, маъюс тикилган бир қизга кўзи тушди-ю юраги шиг этиб кетди! Кўринишидан ҳалим табиат, тортинчоқ, кўҳликкина бу қизнинг қонқора мунчоқдек чиройли кўзлари мунгли боқарди. У... худонинг қудрати балаи, эрга хазон бўлган нуридийдаси... Оқа Беги хонимнинг нақ ўзи эди! Оқ сариқдан келган юзлари ҳам, кўзлари ҳам, қонлари ҳам... Одам одамга шунчалар ўхшайдими! Муҳаммад Чуроға додхоҳ ҳам ҳайратдан бармоғини тишлади ва Турон султонининг вужудига титроқ кирганини сизди.

Соҳибқирон тўхтади. Қизнинг ғамгин боқини унинг қалбини ўярди. Беихтиёр қизни ўзига чорлади... Ҳа, бўйи-басги ҳам қизиники! Халюқи безаволга салламно! Бугун атрофда қилг этган товуш эшитилмас, борлиқ сукунатга чўмган, осмон тин-тиниқ... Амир Темур ҳаммани ҳайратга солиб, қизнинг пешонасидан суюб ўпиб қўйди. Ичида пичирлаб айтган “Қизим...” сўзини ҳеч ким эшитмади. Аммо соҳибқирон бу сўзни осмони фалакда тангри эшитганини дил-дилидан туйди... Ҳанг-манг қизнинг мунчоқдай кўзлари жавдираб боқарди.

Амир Темур тахтга ўлтираркан, олдинга чиқиб саф тортган юзга яқин одамга ишора қилиб буюрди:

— Соҳиби ҳунарларни жазодан сақласунлар! Улар худонинг суйган қўли гул бандаларидурлар. Барчаси Шаҳрисабзга жўнатилсун, Оқсарой ишларида қатнашсун! Муҳолифлик қилгон эркаклар барчаси чўби ясоққа

етказилсун!.. Асира ожиза-ю заифалар.... – Соҳибқирон беихтиёр ҳалиги кўзлари қоп-қора мунчоқдек қиз томонга назар ташлади. – ...болаларнинг бир мучасига тегилмасун, барчаси озод этилсун!

Гўзал-гўзал чўрилардан умидвор амирлару аскарлар кўзлари лўқ қуруқ қолабердилар. Бечора аёллар эса йиғлашиб соҳибқиронни дуо қилишарди.

Амир Темур чан қўлига қаради: узук ярақлаб турарди... Унинг эсида, пири қуддиса сирриҳу Зайниддин Абубакр Тойбодий: “Адолатдан чекинсангиз, узукнинг кўзи хира тортадур...”, – деган эди.

...Чопар барини худди ўзи кўргандай, балки ундан-да ортиқ типик ҳикоя қилиб берди. Воқеа Умаршайх Мирзо қалбини титратиб юборди, унинг дунманга бешафқат, бечораларга раҳмдил падари бузрукворига яна ҳам меҳри ортди. Рости ҳам, агар дунманга жазо бермасанг, дунман сени янчиб ташлайди, бечора бегуноҳларга раҳм этмасанг, худо сени кечирмайди... Бу оқил подшоларнинг русумидир. Тарозини баробар тутмоқ мушкул, албатта. Лекин амирзода соҳибқироннинг жуда кўп дунманларга раҳму шафқат қонқоларини очиб, сийлагани, ҳатто қўйиб юборганларини ҳам кўп бор кўрган. Худо раҳмат қилгур оғаси шаҳзода Жаҳонгир Мирзо ҳам доим ёмонлардан эҳтиёт бўлиш керак, деб куйиб-пишарди... Амирзода ичида ҳечқачон бундай қадамларни қўллаб-қувватламаган, унинг фикрича, дунманлар аёвсиз жазосини олиши керак. Бунинг исботи – Шибирғон ҳокими Зиндачанм ошардий қисмати. Тинчгина қочиб кетгани етмагандай, тагин соҳибқиронга шикаст етказишни ўйлади-я, пожинс!

Чопар, айна шу дамларда Шунгар тупроғи Амир соҳибқироннинг муборак қадамлари билан шарафланганлиги, амирзода Пир Муҳаммад Дарбанддан палос ўпишга келаётгани, амирзода Мироншоҳ Мирзога ўз лашкари билан Шунгарга эмас, тўпша-тўғри исён майдонига айланиб қолган Шерознинг ўзига қараб юрини буюрилганлиги ва дийдорлашиш ўша ерда белгиланганлиги ҳақидаги хабарни ҳам етказди.

Бир таом пишарлик вақт ўтар-ўтмас, янги чопар етиб келди: “Ардоқли баҳодир, улуғ амирзода Умаршайх Мирзо уғруқни анда қўйсунлар, лашкарларни жамлаб зудлик бирлан Шероз тарафга йўлга чиқсунлар!...” – сўзлари битилганди ҳумоюн ўрдудан олинган мактубда...

## Ўн иккинчи боб

### 1

Қалъаи Сафиднинг ишғол этилиши хабари яшин тезлигида Форс вилоятигагина эмас, балки Ироққа, бутун музофотга ҳам ёйилди. Ҳамма бу қалъани ҳатто Искандар Зулқарнайндай подшо ҳам забт этолмаганини эслар, Ҳулагухоннинг чиқолмай, қалъадагилар билан пастдан туриб музокаралар олиб боринга, сулҳ тузишга мажбур бўлганини ҳайратланиб гапирарди. Шов-шувлар ғолиб қўшин доврўфига доврўқ қўшиб, қудратини элга ошириброқ кўрсатар экан, дунманлар юрагига беадад кўрқув ҳисларини соларди.

Қалъадан олинган бойлигу ганжиналар дафтарини ҳавола қилганлариди, тўртбурчак тепаликдаги шоҳқодир ичида ўлгирган соҳибқирон уни синчиклаб ўқий бошлади, уларнинг ичидан ниманидир пинҳона

қидираётгандай туюларди. “Жуда кўхна қалъа... Искандар Зулқарнайн замонидан ҳам аввал бор эди, - деб ўйлади Амир Темур. — Ёт қадамлар бунга тушмаган. Агар бўлса, шу ерда сақланса, эҳтимол...”

— Мамат! Биласен, бир нарсани излаб юрамен... — деди ҳукмдор. — Пиримнинг айтганлари эсимда... Ўлжалар ичида “Гулшани хазоин” сандиги ... йўқми?

— Йўқ, Амир соҳибқирон... Фақат қирқ битга кўхна китоб хатга олинган. Ўзлари тайинлагон Шайхурраис Абу Алининг “Дор уш-шифо”си ҳам бор... Кўксарой кутубхонасига юбориладур...

— Хайрият! Хайрият! Халлоқи безаволга салламно! — Амир Темур мамнун бош ирғади. Шу палла Исфаҳондан “Ал-Қонун”ни олиб Самарқандга элганлари эсига тушди.

Соҳибқирон қишни ҳали Мозандаронда ўтказаётган пайтдаёқ, ғаддор душман Шоҳ Мансур қадамларидан огоҳ эди, унинг Исфаҳонни босиб олгани, Ўзлда бир неча марта босқин уюлгиргани, Султон Зайналобиддин ва бошқа музаффарийларни хор-хокисор этгани, алҳосил, ўзини ягонаи замон деб ҳисоблаб юрганини биларди. Шоҳ Мансур билан жанг онлари яқинлигини сезган соҳибқирон кўшинлар кўригини ўтказиш зарур, деб ҳисоблади. Қалъаи Сафидда турган вақтида Шоҳ Мансурга шундай мазмунда мактуб йўллади:

*“Куч-қудратимизни таъриф этмакка ҳожат йўқдир... Тамойилимиз андоқдурки, кимдаким бизни тан олмаса, вилояти талон-тороғ қилинур. Кимки эл бўлиб олдимизга келса, азиз тутиб, ўзларимиз бирлан тенг кўрғоймиз, вилоятига зиён-заҳмат етказмағоймиз... Жон омон қолғай, юрт омон қолғай...”*

Ҳумоюн ўрдудан кўшинларга жўнатилган фармонда Шероз билан Козерун орасидаги ерлар лашкаргоҳ - кўрик майдони этиб белгилангани, ушбу издиҳом уч ҳафтадан кейин, чоршанбаи муродбахшда ўтини айтилганди.

Умаршайх Мирзо кўшини Дизфул тарафлардан Шерозга етиб келганда, исён кўтариб, музаффарий подшоҳлар хазинасини дирҳам-пирҳамигача қўймай сунуриб кетган Шоҳ Мансур — ҳарқалай шундай миш-миш тарқалди — улкан лашкар билан бир неча кун аввал кунчиқинга қараб чекинган экан. Султониядан йўлга чиққан Мироншоҳ Мирзо кўшини ҳам ҳумоюн ўрдуга яқинлангани маълум бўлди, ҳировул<sup>1</sup> сардори Ахий Жаббор баҳодир соҳибқирон қоровулларига қўл силкиб саломлашар масофага етиб қолди.

Гарчи Муҳаммад Султон, амирзода Пир Муҳаммад, Шоҳруҳ Мирзо, Мубашшир баҳодир, Амир Шоҳмалик, Шайх Нуриддин баҳодир, Амир Алюҳдод сингари лашкарбонилар ўз кўшинларини жанговар ҳолатда шайлаб, ўлган-ийтганлар ҳисобини қилиб қўйган эсалар-да, вақт тақозо-си бу кўрикни ўтказишга имкон бермайдигандай эди: кутилмаганда, тинччилардан бири чақмоқдай хабар етказди:

— Амир соҳибқирон! Хайбатингиздан кўрқиб жуфтакни ростлаган Шоҳ Мансур ҳийла ишлатиб сездирмай катта кўшин билан Шерозга бостириб келаётган эмиш!

<sup>1</sup> Ҳировул — лашкарнинг олдида боргучи қисми.

Амир Темур воқеаларнинг шундоқ ўзгариши мумкинлигини ҳам чамалаб қўйганди, ҳайрон қолмади:

– Мубашшир баҳодир! Душман қўшини ҳозир қаерда?

– Ҳали Тахти Жамшид шаҳрига етмагун эрди, Амир соҳибқирон!

“Икки кунча бор экан... Саваш Шерозда кечар экан-да...” - деб ўйлади соҳибқирон ва шитоблик билан қўшинлар кўригини ўтказишни буюрди-ю ўзи ўша ёққа отланди.

Аслида, Шоҳ Мансур бу палла ўз лашкарбониларини йиғиб Шероз билан Тахти Жамшид оралиғидаги хушманзара кичик водийда машварат ўтказарди. Йиғилганлар ичида Шероздан бошқа Абарқуҳ, Язд, Исфаҳон, ҳатто Хуррамободдан ҳам навкарлар кўзга ташланарди.

– Ҳали музаффарийлар қуёши осмонда порлаб турибди!.. – деди Шоҳ Мансур; унинг кундуз телпаги йироқлардан ёқут қалалмаган тождай кўринар, гапирганда қўлидаги чўқморини гоҳ ерга тирар, гоҳ осмонда ўйнатарди. – Юз йиллардан бери Форсни идора айлаган музаффарийлар ҳали тирик!.. Ўлмаган!.. Ҳа-а... Юрт фаним оёғи остида.... Шаҳарлар горада...

Йироқларга кўз тиккан, занг босган темирдай қорамтир юзлари бадтар қорайган Шоҳ Мансур худди бринждан қуйилган ҳайкалга ўхшарди бу палла... У сўзлари кўнларга ёқмаётганини сизди. Бунинг сабабини ишончли сардорларидан биридан сўраганда, шундай жавоб олди:

– Подшойи олам! Бир қоник қонимдан кечасиз... Узунқулоқ гапларга қараганда, Шероз ва бошқа шаҳарлар ақибларидан айримлари агар Шоҳ Мансур жангда аҳволи танг бўлса, ўз жонини сақлаб қочади, кейин душманлар бизни канорага илинган гўшг ҳолига соладилар, кўзимизни очайлик, деган ўйла эмишлар...

– Кимлар... ўша айримлар?... – сўради зуғум билан Шоҳ Мансур.

– Билиш мунқул, подшойи олам... Аммо шундай гаплар қанот боғлаб учиб юрибди...

Шоҳ Мансур қаҳрли кўзларини Шероз томонга тикди.

Ногаҳон бошига кўк рўмолни кажаво сифат ўраган бир момо қайдадир пайдо бўлди-ю, худди Шоҳ Мансур ўйларини билиб тургандек, хос кўриқчиларнинг “ҳай-ҳай”ларига ҳам қарамай шанғиллай кетди:

– Эй, ҳазрати Момо Ҳаво! Эй Биби Фотима, эй Биби Робия, эй Шалпар момо, Сузук момо, мадал беринг, илоҳим! Бу одамга қаранглар, қонимизни ичгандай қилиб бор-будимизни олди, Шерозни ташлаб чиқди! Унинг қурол кўтарингга мажולי йўқ... Фанимни ҳайдаш ўрнига ўзи қочиб юрибди... Шундайларга кунимиз қоляғтими ҳали?! Ё Фавсул Аъзам пирим, ўзинг қўлла!..

Чап ва ўнг томондан кўтарилган шовқин-сурон ичида овози эшитилмаса ҳам, момо чап қўлидаги гулдор тасбиҳини силкитганча саннашдан тўхтамасди. У Эрон музофотида машҳур сўфий аёл эди, ҳамма танирди. Шерозда Жомеъ масжиди олдида ҳам шунга ўхшаган бўлмағур сўзларни вайсаганди, сўфий эканлигидан унга қаттиқ тегишмаганди. Унинг оғзини қандай ёнишни билмаган, аёл киши билан баҳсланишни ўзига эп кўрмаган Шоҳ Мансур саросимага туша бошлаган жамоатга ўтрилиб дарғазаб бақирди:

– Темурланг билан жангла ҳеч қачон қочиб кетмаймен! Қочадигонлар қочаберсунлар! Ўз юртимда туриб қайга қочамен?... Қочсам, ўз юртимга

қочамен!... Шерозни ҳам ташлаб чиққаним йўқ! Ёв кўзини шамғалат этиш учун, гўё кўрқиб қочди, десинлар, деб шундай қилдим. Икки минг сара отлиқларни жамлаб қўйибмен-ку!.. Шерозда юлдузни бехато урадиган паҳлавонлар турибди! Ҳар шаҳарда кўшин бор! Уч кундан сўнг, чақиндай шабихун уриб борурмен! Бало-офатдек ёприлиб борурмен!..

Шоҳ Мансур жим қолди. Борлиққа сукунат чўккан, фақат момонинг ўзича гингшиб нималардир деяётганигина эшитиларди.

– Кеча Темурлангдан мактуб олдим... Тан олишимни, бош эгиб боришимни сўрабдилар... Жону юрт омон қолар эмиш... Хо-хо-хо!.. Йў-ў-ўқ!.. Агар лашкарим қирилса, ёлғиз ўзим, ўзим жанг қилурмен! ?олиб келмагунча, қиличимни қинга солмасмен! Дунман билан савашурмен, талашурмен, муштлашурмен, юлқишурмен, тишлашурмен! Керак бўлса, тиконли дарахт пўстини қўлим билан сидирамен, чўзилган ханжарни қўлим билан тутаман! Менинг жоним шу ерда! Ҳа-ҳа, шу ерда!.. Шу ерда!!! – У ўнг қўлини чўқморга қўйиб кўрсатар экан, зуғумли деди: – Билсунларким, мана бу алиф ёвдан кўрқиб қочганнинг онаси андомида бўлади!..

Ҳеч қапдай садо чиқмади. Фақат хос кўриқчилардан икки киши ҳали ҳам вайсаётган момони қўлтиғидан олиб четга чиқдилар-да: “Қорангни ўчир, касофат! Жонингни борида туёғингни шиққиллат!” деганча ҳайдаб юбордилар. Момо кетар экан, мамнун жилмаярди.

Бу орада шаҳзода Муҳаммад Султоннинг ланкари Шерозга киргани ҳақида хабар етди. Шоҳ Мансурнинг шаҳардаги кўшинидан қолган-қутган навкарлар қочиб келдилар ва вазиятни сўзлаб бердилар.

Ҳазоби қайнаган, тоқати тоқ Шоҳ Мансур бир қарорга тўхтаб олмай, уйга кирди, ташқарига чиқди. Кейин бирдан мис қозонлар топишни буюрди, жумла мўъмин авомдан мингдан ортиқ қозон тўпланди. Навкарлар шунча қозон нимага керак экан, юз кишига таом пишириш учун бир қозон кифоя-ку, дея бошлари қотди. Шунда Шоҳ Мансур учқур икки минг суворийга отларнинг думига битгадан мис қозон боғлаб олишни амр этди.

Қоқ ярим тунда эл-халқ қаттиқ уйқуда эканида Шерозни алақандай шовқин-суронлар қамраб олди. Бурғу ва карнай садоларига ўхшамас, сурнай навосидан бошқача, темирни тошга урганда ёки суйкаганда чиқадиган овоздай бир қадар ёқимсиз, мутгасил давом этса кўнгилни беҳузур қиладиган айюханнос садолар борлиқни тутиб кетди. Донг қотиб ухлаб ётган одамлар, уйғониб, гарансиб, гап нимадалигини тунгунмай, тушми, ўнгми, дерди.

– Тун кечада Шоҳ Мансур шаҳарга бостириб кирмоқда, бари ўшанинг шовқинидур... – дея хабар етказди ташвишланган мулозим шоҳчодирга кириб... У соҳибқироннинг уйғоқ эканлигидан ҳайрон бўлмади.

Амир Темурнинг ухлаганини биров кўрган эмасди. Самарқандлик вақтларида ҳеч ким унинг Боғи Чинорми, Боғи Биҳиштми, Боғи Баландми, – қайси боғдалигини билмас, у ҳеч қасрда эмас, ҳамма жойда эди. Соҳибқирон ҳар бир қасрда мавжуд иккинчи ошёнадаги айвонда чарақлаган юлдузларга тикилиб, узоқ хаёлларга чўмиб ўтиришни ёқтирар, бу паллаларни Оллоҳ билан қалбан сўзлашишга жуда қулай фурсат ҳисобларди. Юлдузлар яратганининг назар-нигоҳидай унга

тикилар, маҳобатли осмон бирубор Оллоҳнинг бандалари учун яратган жиҳод майдонидай туюларди... Кейин ёнгинадаги “Жавоҳир” хонасига кирарди. Лошиллаб ёнаётган катта шам ёруғида патқаламни олиб хаёлида чақнаган фаройиб фикрларни қоғозга ёзиб қўярди... Яна айвонга йўл олар, минг азобу укубатда туғилаётган тонг изтиробларига боқар, кўзларига беомон уйқу бостириб келаётганини сезарди. Шундагина, шу ердаги парқув ёстиққа бош қўйиб қуш уйқуси қилиб оларди...

Муҳаммад Чуроға додхоҳ бир кунни деди:

— Амир соҳибқирон, уйқу ҳам Оллоҳнинг буюргани... Жуда камуйқу эрурлар. Ўзларидай валинеъмат паҳлавон зотга қуш уйқуси эмас, паҳлавон уйқуси керак...

Амир Темур додхоҳга маънос қаради:

— Ҳадиси муборақда дейилмишки, жаннатга киришни истагувчилар, ухламайдурулар, деб... Подшо — соқчи, у уйғоқлиги учун мамлакат тинч ва осудадур. Агар ухлаб қолса, элда бирон киши ҳам хотиржам кўз юмолмас... Фафлат уйқусидан худо сақласун. Кимки эрта турса, унинг ризқи бугун бўлғай. Бандаси бу дунёга ухлаш учун келганму? Мангулик уйқу ҳали олдинда турибди, зарур уйқуни ола билғайбиз, Мамат...

Муҳаммад Чуроға додхоҳ соҳибқироннинг хомуш тортганини кўриб кўнгли увишди.

— Шаҳзода Муҳаммад Султон ланкари Шерозда эди... Не бўлдийкин?... Агар жанг тўхтамас, Амир Аллоҳдод қўшинини тапилаш лозим! Шоҳ Мансур бамисли ўғридек йўл тутибдур... — сўзланди Амир Темур ўз-ўзига дегандек. — Эсингдаму, бир нақл... Искандар Зулқарнайн душман устига отланарди. Ланкарбошилардан бири подшога шипшиди: “Олампаноҳ, ҳозир жуда фурсати келиди, душман гафлатдадур, унга кечаси ҳужум қилмак керак!” Подшо гапни кесиб тапилади: “Мен ўғри эмасмен, саркардамен! Подшоҳмен! Ўғрилик билан зафар топиш менга уятдур...” Шоҳ Мансур эса уялиб ўлтирмабдур...

Тун-кечада тусмолдан бошланган саванишда Шоҳ Мансур навкарлари апил-тапил уйқудан уйғонган Муҳаммад Султон аскарлари билан араланиб кетдилар. Навкар ўзини билдириб: “Шу ердамен, шаҳзодам!”, дейиши биланоқ ордан кимдир фарчча найза санчар, ёки худди шундоқ Шоҳ Мансур аскарининг ҳаёт шаъми сўнар, қоронғида ким кимни отди, дўстми, душманми, фарқлаш мушкул эди. Одамларнинг “Ушла!”, “Тут!” деган овозлари, кўзи боғлаб қўйилгандек саванаётган ланкарнинг чорасиз ҳайқириғи, ур-ҳо ур садолари қулоқларни батанг қиларди. Форс ҳукмдори Шоҳ Мансур шабихун уринининг ўзи учун ҳам, душман учун бир фалокат бўлганлигини тушуниб етганда, фурсат қўлдан кетганди.

Тонг ёришмай шаҳзода Муҳаммад Султон қўшинга ортга чекинишга буйруқ берди.

## II

Ўн кун аввал, Шероздан бир печа чақирим жанубдаги Жавим деган ерда тикилган шоҳчодирда соҳибқирон Умаршайх Мирзо ва Мироншоҳ Мирзолар билан Форсу Озарбайжон, Ироқи Араб ҳақида сўзлашиб ўлтиргандилар, мамлакат ва райият вазири қоншидаги хабаргирлар нўъбаси сардори Мубашшир баҳодир кўк кажава рўмол ўраган сўфий момони чодирга бошлаб кирди.



– Ассалому алайкум, Амир соҳибқирон! – салом берди сўфий момо...

Кўк кажава рўмоли бу сўфий момонинг гаройиб тарихи бор эди. Бундан беш йил аввал Форс юриши даврида, Исфаҳонга яқин бир қишлоқда аллақандай аёлнинг соҳибқирон хузурига кирмоқчи эканлигини билдирдилар, пири муршид, Амир Шоҳмалик, Шайх Нуриддинлар ҳам шу ерда эдилар. Шоҳчодирга кириб келган момо таъзим ҳам қилиб ўтирмади, қўлидаги гулдор тасбиҳини силкитганча панғиллай кетди:

– Амир Темур Кўрагонни адолатпарвар подшо деб эшитувдик... Куч адолатда эмас, адолат кучда экан-да, а?.. Кучда экан-да, а?..

Сўфий момонинг ҳар оғзи очилганда иягининг икки четиди холга ўхшаб кетадиган бир чимдим-бир чимдим оқ туклар кўтарилиб настига тушарди.

– Эй момо, бизга тушунтириброқ сўйлагил-чи? – босиқ сўради Амир Темур.

– Эй подшоий олам! Адолат тилаб келдим, адолат!..

– Сал секинроқ гапиринг, йўқса, бошингиз кетадур... – пўнисанамо шивирлади кўринишхонадан секин чиқиб яқинлашган Мубашшир баҳодир. “Бу шаллақи момони тониб келиб бошимга бало орттирма-сайдим...” – деб танвишга тушди у.

– Бошингиз кетадур? Кетса кетсин бу ёлғиз бош! Кетсин-а!.. Қутуламен қоламен! Ўв-вв, болам-а!.. Бу бош аллақачон кетиб бўлган! Ҳақ эгамга бахшида, ҳа! – Ўзини босиб олган момо бироз шахидан тушди. – Бойим адолатсизликка чидай олмай “нов” этиб ёниб кетарди... ёниб ўтди... Ёлғиз ўғлим ҳам, адолат деб таланиб-тортишиб ҳаққа етишди... Энди якка-ю ёлғизмен... Йўқ, йўқ, ёлғиз эмасмен, дилимда Оллоҳим бор! Оллоҳни ошиғимен... Пири комила устодим Робия Алавия бандасининг умри Оллоҳни севишдан иборатдур, Оллоҳни севиш ҳар қандай таъма, манфаатдан холидур, деганлар...

Амир Темур момода бир сир борлигини фаҳмлади.

– Пири комила Робия Алавия ледингму? – қизиқиб сўради сўнг, момодан кўпроқ сўз олиш ниятида. – Сўйла, ким экан ул?

– Художўй сўфий Робия басраликдур. Болалигида чўриликка сотганлар. Бир печа йил саҳрода танҳо кун кечирган. – Момога бу ҳақда сўзлаш ёқини сезилиб турарди. – Бир куни ўнг қўлида челака сув, чап қўлида мангала тутиб, Басра кўчаларидан югуриб бораётган экан. Таажжубланган одамлар ундан:

“Эй Робия! Сенга не бўлди? Ошиққанча қарга бораётирсен?” – деб сўрашибди.

“Тамуғдаги ўрни ўчирмоқчимен!” – жавоб берибди Робия қўлидаги челака ишора қилиб.

“Астағфурилло! Астағфурилло! – ҳайратдан ёқа тутишибди уни кўрганлар. – Эси жойиламу ўзи?..”

“Мангалами нимага кўтариб олдинг?”

“Жаннатга ўт қўямен!” – тап тортмай дебди Робия.

“Жинниси чиқибди бун! Ҳой, эшитдингизму, халойиқ? Шак келтириб, худонинг жаннатига ўт қўймоқчи!” – сурон солишибди кўркувдан қути учган, кўзлари ола-кула одамлар уни тўхтамоққа уринишиб. Шунда бир ёни улугроқ қария тутоқиб бундай дебди:

“Эй балбахт, тез Оллоҳдан мағфират сўраб зору тавалло қил, токим, кофир қавмида кетмагайсен!”

Робия хотиржам дебди:

“Зинҳор кофир қавмида кетмагаймен! Бандалар дўзах ўтидан қўрқанидан, ёки жаннат саодатидан умидворлигидан Оллоҳни севмасунлар дейман холос! Барчаси таъмадур! Оллоҳга бируборлиги, аввалу охир қудрати-ю мангу порлоқ жамоли учун таъмасиз меҳр қўйсунлар, ибодат этсунлар!..”

Атрофда тўшланган халойиқ бу сўзлардан анграйиб қолибди...

— Халлоқи безаволга салламно! — деб юборди момо ҳикоясидан мутаассир Амир Темур.

Амир Темур Биби Робия ривоятини жуда яхши кўрарди. Йигирма ёшдалик вақтида Шайх Шамсиддин Кулол Кешдаги чорбоғида отасига сўйлаб берганда эшитган, кейин пири комил Шайх Зайниддин Абубакр Тойбодийдан қайта-қайта тинглаган, сўраб-суриштирган... Ҳар сафар унга ривоят янгидай туюлар, ул авлиёнинг қоронғуда бармоқлари нур таратиб туриши, жойнамозда ўлгириб ҳавода учиб юриши ва бошқа мўъжизалари борлигидан хабардор эди.

— Филҳақ, дунёнинг лаззати, ҳайҳот, моликул-мулк, зул-жалоли вал-икром Оллоҳ таолога муҳаббатдадур! Таъмасиз меҳр қўймоқ асил инсонийлик аломатидур! — деди Амир Темур аляқандай таважжухда.

— Оре, рост! Асил инсонийлик аломатидур, Амир соҳибқирон! — тўлқинланиб кетди Мир Саййид Барака. — Маккаи мукаррамада ҳали ҳозир бир ривоятни сўйлайдурлар, Оллоҳ таборака ва таоло жамоли ишқида ўзидан кеча олган зот авлиё Робия ал-Адавия ҳаж сафарига отланса, Каъбатуллоҳ ўрнидан кўзголиб, унинг истиқболига чиқар эмиш!

— О!.. О!.. О!... — деган садолар эшитилди.

— Оллоҳнинг қудратини қарангиз! — сўз қўлди Амир Шоҳмалик.

— Бу қудратга шак йўқ! — тасдиқлади Шайх Нуриддин.

— Ҳа, пири комила рост айтгонлар, Оллоҳни севиш ҳар қандай таъмадан холи бўлмоғи жоиздур! — мағрур деди сўфий момо. — Мен ани кўнглимга жо айлагонмен!

— Аммо бу ҳақда такрорлай беришнинг ўзи ҳам таъмадур... — деб қўйди Амир Темур.

Сўфий момо ялт этиб қаради-ю соҳибқироннинг зукколигига ичида қойил қолди, ҳурмати орғиди, гапни тезроқ асил мақсадга буришга уринди:

— Сигирим бор, овунчоқ, шуни сугини сотиб, тирикчилик қиламен. Бировга муҳтожлигим йўқ... Лашкарбониларингдан бири уйимга кириб, сут сўради. Йўқ, деб қўйишпан-да мен мушгинар. У зўрлигини кўрсатиб, сутимни тортиб олиб ичди, ризқимдан бенасиб этди... Адолат тилаб келдим, пошшойим!

Амир Темур кўли иягига чўзилганча ўрнидан туриб кетди.

— Бировга зулм қилинмасун, фуқаро-ю мискинлар ранжитилмасун! Жазога тортиладур! — деган эрдим-ку! — деди у. — Зудлик билан ўша фармонни бузган лашкарбонни келтирилесун!

Бироздан кейин япалоқ бурнининг чап томонида бармоқдай эт ёпишган гунгурсдай лашкарбонни кирди-ю, ер ўпиб таъзим қилди. Ҳазаб отига минган Амир Темур унга қарамади, сутни ичдингми, деб сўраб ўлтирмади ҳам...

Борлиққа жимлик чўкди.

– Эй, момо! – деди соҳибқирон. – Қулоқ сол! Кўн азият чекибсен. Бу лашкарбоши сенинг сугингни ичиб қўйибди...

– Ҳа, ичиб қўйди...

– Жалюд! Табибни чорла! Қурсоғини ёрсун! Курсоғида сут бор ё йўқлигини аниқласун!.. Агар сут чиқса, унга жазо берилгай, чиқмаса, туҳмат учун бу момонинг тили кесилгай...

Ҳамма ҳайратда донг қотди.

Сўфий момо аланглаб дам Амир Темурга, дам табибга, дам турқи совуқ жалюдга қаради.

– Пошшойи олам! Пошшойи олам! – қичқириб юборди кейин момо. – Йўқ, йўқ! Қурсоғини ёрмангиз, ёрмангиз! Азобламангиз! Сугимга розимен! Гуноҳидан ўтдим, ўтдим!

– Шундайму?.. Гуноҳидан ўтдингму, момо? Жуда соз! Жула соз... – Амир Темур у ёқдан бу ёққа юра бошлади, кейин кутилмаганда буюрди: – Лашкарбоши курсоғи ёриб кўрилсун!

Момо энди йиғламсираб ёлворишга тушди:

– Ҳукмингизни бекор этингиз, пошшойи олам! Шафқат айлангиз! Мен эсини еган кампир билмай айтиб қўйибмен... айтиб қўйибмен... Бир бандага жабр қилмангиз! Жабр бўлса ўзимга бўлсун!

Ўртага сукунат чўкли. Фақат момони пишиллаганча чуқур-чуқур нафас олгани эшитиларди.

– Англадим... – момога тикилди Амир Темур пинагини бузмай. – Сугингни ичиб қўйган лашкарбошини кечирдинг, бу сен учун адолатли ҳол. Ёки... Курсоқдан сут чиқмаса, тилинг кесилишидан кўрқдингму? Аммо, мен адолатнинг тагига етмоғим керак... Ҳеч кимга озор етказмасликни буюрган эрдим. Лашкарбоши чиринни бузибдур. Курсоқ ёрилса ёрилсун, тил кесилса кесилсун, аммо адолатга жабр бўлмасун! Йўқ эса, ҳукмдорлик ҳимматим мени тинч қўймайдур... Жалюд!

– Қиличим бурро, забоним гўё! – янгради жалюднинг сўзлари.

– Эй, ҳаким!

– Фармонингизга мунгазирмен, Амир соҳибқирон! – қўл қовуштирди табиб.

Энкин эсса сезилар даражада атрофга жимлик чўкли.

– Тилимдан айрилсам айрилай, илоё, курсоқдан сут чиқмасун! – деб юборди момо...

Ҳаммининг кўзи қўлида тиф тутган табибда эди... Ниҳоят, кўзи нақиллаган, дағ-дағ титраган лашкарбошини чалқанча ётқиздилар. Табиб лашкарбоши кемирчагининг тагидан то киндигигача тиф урди! Бу одамни тирик сўйиш эди. Инграб юборган лашкарбоши ҳунидан кетди... Бурнининг чап томонидаги бармоқдай эт қони қочганидан оқариб кетди. Табиб қўлини оҳиста қоринга солди ва бир ҳосилани олиб тиф билан ёрди, яшил тусга айланиб улгурган ипир-ипир... сут чиқди! “Оҳ!” деган овозлар эшитилди.

Мубаншир баҳодир табибнинг беҳуш ётган лашкарбоши қорнини тикаётганига индамай қараб турарди.

– Жазоси ўзи билан экан-да... – деди кимдир.

Сўфий момонинг оғзи очилиб қолди.

– Кўн подшоларни кўрдим... Султон Аҳмад жалойир, Султон Барқуқ, Шоҳ Шужоъ, Султон Зайналобиддин, Шоҳ Мансур... Адолатга риоя

қилмайдулар. Барининг ишлари нопоку полойиқдур... — Момо ҳайратини яширмади. — Аммо бундай пошшони умримда илк бор учратишим... Ҳа, ҳаққас рост, адолатпеша пошшо эканлар! Тамгаларидаки, рости-ю русти, деб ёзиб қўйилгон эркан, чиндан ҳам одил пошшо ўзларидурлар! Этагингизни тутгоним чин бўлсун!..

Ўша-ўша, кўк кажавали сўфий момо Мубаншир баҳодир тинғчиларидан бирига айланди...

— Ва алайкум ассалом, момо! — алик олди Амир Темур.

Сўфий момо турли дуоларни ўқиб, азиз-авлиёларга илтижолар айлади, кейин нималарнидир пичирлаб чап қўлидаги гулдор тасбиҳи билан соҳибқироннинг елкаларига уриб-уриб қўйди. Шарти кетиб парти қолгандай кўринадиган момо, аслида ҳали тетик, бақувват эди.

Умаршайх Мирзо бу аломат феъл-атворли момони хайрон кузатиб турарди. Мироншоҳ Мирзо ирганиброқ қарар, валийнёъмат бузрукворидай одамнинг бечора бир кампирни шоҳчодирга киритиб, сўзлашиб ўлтиргашлари унга малол келарди. “Адолат эмин, — деб ўйлади Мироншоҳ Мирзо, — парвардигорнинг ўзи беш бармоқни тенг қилиб яратмаган-ку, адолат қардан бўлсин?..” У ҳатто гапирмоқчийди, аммо Амир Темур момога қараб деди:

— Қандай хабарлар бор?

Момо кўн нарсаларни гапириб берди... Амир Темур Шероз билан Козерун йўллари ҳақида сўради, қарларда қандай тепаликлар, кўприклар борлигини аниқлаб олди. Козерунга етмай, Потила деган жойда баланд тепаликлар борлигига диққатни қаратди. Эшитаётган вақтидаёқ ичида ўз фикрларини пиширган, нималарнидир чамалаган соҳибқирон: “Халлоқи безаволга салламно!..” — деб қўйди оҳиста... Ҳазиначинини чақириб, момога минг динор пул, бир канизак, ноёб либослардан катон<sup>13</sup> қўйлак, занданача<sup>14</sup> матодан тикилган мурсак ва яна кўн нодир нарсалардан инъом этишни буюрди.

— Ҳожат эрмас, Амир соҳибқирон, ҳожат эрмас! — эътироз билдирди сўфий момо. — Сўзимни тўғри англангиз, асло бирор таъмани ўйламай, ёлғиз Олюҳга муҳаббатим йўлида бу йўлга киргонмен...

— Канизак сизга ҳамроҳдур, пул ва либослар хайр-садақага ярайду... — деди Амир Темур.

— Майли, бир сўфий ожизага хайр-садақангиз сифатида қабул қилайин, — розилик билдирди ниҳоят момо...

Нафсиламбирини айтганда, Шоҳ Мансурнинг тунги ҳужуми соҳибқирон учун ҳам кутилмаган ҳодиса эди. Ҳа, бу чиндан ҳам майдон кўрган эрнинг иши. Ҳарбий ҳийла, устакорлик, маккорлик, қувлик, ҳушёрлик, зийраклик, турли алдов усуллари музаффариятнинг кўмакчиларидир. Тажрибада бари қўлланилади, барига йўл очиқ. Муҳаммад алайҳиссаломнинг “Ал ҳарбу ҳадиъатун” — уруш ҳийла билан бўлур, деган сўзлари маншур.

Амир Темур фикрича ҳам, майдондаги ҳийла ҳийла эмас, балки заковатнинг намоён бўлишидир. Душманни одатда куч билан эмас, ҳийла

<sup>1</sup> Катон — каноидан тўқилган кийим.

<sup>2</sup> Занданача — Бухоро яқинидаги Зандана қишлоғида пахтадан тўқилган мато. Қадри баланд бўлган.

билан енгадилар. Бунда кўн қон тўкилмайдди, балки шунинг учун ҳийлага ижозат берилур...

Шуларни ўйлар экан, Амир Темур Шоҳ Мансурнинг саркарда сифатида ҳали анча гўр эканлигини сизди. Йўқ эса, шаҳзода Муҳаммад Султон кўшинига қарши чиқар экан, унинг ёлғиз эмаслигини, ортида Амир Темур Кўрагондай саркарда турганлигини, Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзо лашкарлари ва яна бошқа кўшинлар таянч эканлигини англаган бўларди. Чин саркарда бир ишга киришиндан аввал барини ўйлаб кўяди, нафақат кўшиннинг жойлашган ўрни, балки душманнинг йўли, лашкарининг чўғи, шамолнинг қай тарафдан эсини, офтобнинг кўзга тушини-тушмаслиги, ҳатто иложи топилса, жанг вақтида осмонда учиб бораётган қушлар, кезажак булутларнинг вазиятини, уларнинг жангга ёрдам бериш-бермаслигини ҳам ҳисобга олади, тайёрланади.... Ўзи даставвал жангга киришмайди, балки саркардаларни ишга солади, лозим топилганда, ошқора чекипади, вақтида чекинини иснод ҳисобланмайди...

Амир Темурнинг ўзи ҳам ичида тан олди: уни ғафлат босибди. Турон кўшинлари бироз пароканда, бир лашкар Тахти Жамшид томонда, бошқаси Шероз билан Козерун орасидаги лашкаргоҳ қилиб белгиланган майдонга отланган, Амир Шоҳмалик кўшини эса Язддан эртага етиб келади... Барини йиғин, тартибга солиш учун фурсат керак... Шоҳ Мансур сўфий момо айтганидан бироз олдинроқ отини қамчилаб қолибди.

## Ўн учинчи боб

### 1

Турон кўшини Шоҳ Мансур аскарлари жойлашган Шерозни айланиб ўтиб, шаҳарнинг ғарбида Козерун йўлидаги Потила деган ерда баланд тепаликда чодир тикди. Сўфий момо тўғри айтган экан. Бу ердан дунёнинг тўрт томонини томоша қилиш мумкин, узоқ-яқинни чамалаш осон... Лашкаргоҳ ҳам шундоқ кўриниб турди. Зафарқарин лашкарнинг ҳайбати ногора ва қарнайнинг дабдабали садоларига ўралганди, улғурсон шаҳардагиларга баралла эшитилиб турарди.

Шоҳ Мансурнинг ҳужуми, қутилмаганда, тушга яқин бошланди. У қорақўюнлилар сардори Амир Қора Юсуфнинг қудратли лашкар билан етиб келишини иштиқ кутиб қолди. Бироқ хануз хабар йўқ... Музаффарийларни-ку, оқибатини ўйламай, барини ўзи тумтарақай қилди, ўз қанотларини ўзи кестандек қатл этдирди, кўзларига мил тортирди, қувди, ғорат айлади... Султон Зайналобиддин ҳам, Шоҳ Яҳё ҳам, бошқалар ҳам йўқ, бири қамоқда, бири қувғинда... Лекин Султон Зайналобиддин уйланган Ироқ ҳокими Султон Увайсининг Хуросону Форсу Ироққа донғи ёйилган ожизаси, ҳурилиқо Дилшод Хотун чиндан ҳам Шоҳ Мансурнинг юрагидан урганди! Бир кўз қирини таплаган ҳар қандай кишининг ҳам бу маҳлиқога вола-ю шайдоликда узоқ кечаларни беором ўтказини турган гап эди.

Дилшод Хотун гўзалликда, ҳусну маложатда тенги йўқ, ўз вақтида музаффарийлардан нуфузли Шоҳ Маҳмуд ҳам бу қизга оғиз очганди. Музаффарийлар обрў-эътибор учун ўзаро жон олиб, жон бериб

курашишар, номи чиққан қизни келин қилиб олиш ҳам шараф ҳисобланарди. Шоҳ Мансурдан олдин Шоҳ Шужоъ ўзғирликни ўринлатди - ўз ўғлига нодираи даврон малакни унаштиришга эришди. Бу никоҳ Шоҳ Шужоъ шавкатига шавкат кўшиди-ю, Шоҳ Мансур қалбининг тубига зил-замбил тошдай чўкди. Аламидан Султон Зайналобиддинни Қалъаи Сафидда зиндонга ташлатиб, кўзига мил тортирди, кўнгил матлаби дўндиққина Дилшод Хотунни эса ўз ҳарамига киритди... Биринчи кечадаёқ Шоҳ Мансур аёл зоти нима эканлигини илк бор ҳис этгандай бўлди, тонгда дунё унинг кўзига бағоят дилрабо ва мафтункор кўриниб кетди...

Сабри чидамаган Шоҳ Мансур энди ёрдамдан умид узиб, ёлғиз ўзи ҳужумга киришди. У икки қанот сардорларини ёнига чорлатди.

— Беллар маҳкам боғлансун! Отлар айили қаттиқроқ тортилсун! Қиличлар қиндан чиқарилсун! Ё ҳаёт, ё мамот!

Чиндан ҳам, саркарда сифатида унга ҳали кўп нуқсонлар соя ташлаб турарди. Чунончи, савқ-ул жайш ва таъбият-ул жайш<sup>1</sup> борасида етарли билимга эга эмаслиги биланиб қолди. Аслида, шабихун вақтида кўп навкарларидан ажралганидан сўнг, — Амир Қора Юсуфдан-ку дарак йўқ, — ортига чекинмоғи лозим эди. Аммо кўнглига ўрнашиб олган ўринсиз гурур, иззатталаблик, калондимоғлик, такаббурлик, алам қаламни тўғри йўлдан четга ташлашга ундади... Бунда инсон ожизлиги сезилиб, ҳамиша афсус-надоматларга чулғайдиган кўчага кириб кетади... Буни сардорлар аниқ билардилар., бироқ тажанг подшога, ҳозир чекиниб кетайлик, куч тўшлайлик, кейин саваш қурайлик, дейишга журъат этолмасдилар.

“Келаман, деб панд берган (балки, атайлаб!) бетайин Амир Қора Юсуфга ҳам Шоҳ Мансур ўзининг кимлигини бир кўрсатиб қўйиши керак!..” — деб ўйлади қайсарлиги тутиб у ва ўзининг ҳам Амир Қора Юсуф мактубига вақтида жавоб қайтармаганини эслади... Эслади-ю жаҳд устида ичидагилари ташига чиқиб кетди:

— Кимсан, Шоҳ Мансур қўрқиб-писиб ортига чекиниб кетаберадирму? Шоҳ Мансур-а? — деб юборди чўқморини салмоқлаб бош узра силкитар экан. — Зинҳор! Зинҳор!.. Агар чекинсам, кундуз телшакли мағрур бошимни кундага кўямен!..

Шоҳ Мансур беш юз чоғли қиличи кескир, тундаги машаълалар ёруғида ярақлайдиган заррин мато билан ўралган темир багтар<sup>2</sup> кийган шидатли, чақинқадам йигитларни бир жойга йиғди. Тагин отлар думига қозонлардан боғлаб олиш буюрилди. Ноғоралар қоқилди, бурғулар чалинди. Амир Темур чодири тикилган тепагача тахминан икки фарсангча масофа бор эди. У фавқулодда таважжуҳда замон сингари ўзғир оқ тулпорига минди ва ёв томонга от қўйди. Шовқин-сурон, данг-дунг садолари душман дилига қўрқув солар, беш юз эмас, балки беш юз минглик кўшиндек тасаввур уйғотарди.

<sup>1</sup> Савқ-ул жайш, таъбият-ул жайш(араб) — ҳарбий атамалар: стратегия ва тактика, маъноларида.

<sup>2</sup> Багтар (форсча) — темирдан ясалган, усти бахмал ёки заррин мато билан қошланган уруш кийими.

Оқ тулпорига шидлат билан қамчи ураётган Шоҳ Мансур ўнгу чапга қилич сермар, ганим лашкари бас кела олмай ортга чекинар, яна олга ташланар, каллалар шарт-шарт узиларди.

– Эҳ-ҳе, ҳе-е-ей!.. Эҳ-ҳе-е-ей!.. Сабр-тоқат этагидан тутган, савобу ёзуқлари учун Оллоҳдан эҳсонлар кутган ўша Шоҳ Мансур мен бўламен!!!.. – ҳайқирарди Шоҳ Мансур аллақандай жазавада...

Унинг овози жанг сурони ичида узоқларга етиб борар, жўровоз ҳайқиришган навкарлар, шу палла агар у осмондаги ойни узиб бер, деса, узиб беришга тайёр эдилар. Куюндай тезликда от сурган Шоҳ Мансур ҳеч нарсадан ҳайиқмай Турон кўшини сафини ёриб ўтди...

– Эҳ-ҳе-е-ей!

– Эҳ-ҳе-е-ей! – ҳайқиришарди изма-из келаётган сипоҳлар, саркардалар.

Ўладиган ҳўкиз болтадан тоймас, деган мақол шу ерда тўла-тўкис тасдиғини тошди. Шоҳ Мансур бағоят қайсар ва бебош газаб дулдулига минди, ҳозир уни ҳеч ким, ҳатто меҳрибон онаизори ҳам йўлдан қайтара олмасди. У беаёв ҳалокатга, тубсиз жарликка бораётганини аниқ билар, ортга ҳам йўл йўқлигини теран фаҳмларди. Ҳа, ортга йўл йўқ! Ўлимга маҳкум одам умри тугаётганини билгач, худонинг инсонга ато этган буюк пьёмати интиҳосини сезиб, жасорат томирлари кўзғолади ва илгари амалга ошира олмаган ишларини қолган дақиқаларда рўёбга чиқаришга интилади. Шоҳ Мансур ҳозир чекиниб, қочиб-буқиниб юришни ўзига эп кўрмади, у музаффарийларнинг ашаддий душмани Амир Темурга қарши бош кўтариб чиқишга қарор берди. Музаффарийлар жасур подшошининг бир асоси бор эди...

Вовайлалар бўлсинки, музаффарийларнинг ҳеч бири туронлик оддий амир ўғли, лекин аслида дунёнинг машҳур шаҳаншоҳларини кунфаякун қилаётган улуғ амирга қарши голибона туғ ҳилпирашиб чиқолган эмас!.. Ҳатто музаффарийлар ичида дунёга машҳур Шоҳ Шужоъдай қудратли ҳукмдор, соҳиби салтанат ҳам юрак ютиб, қилич кўтариб Амир Темурга рўбарў бўлолмади, аксинча, ялиниб-ёлвориб макгуб ёзгани етмагандай, валиаҳд ўғли Султон Зайналобиддинни ҳам соҳибқироннинг ҳимоясига топширди...

“Наҳотки, замонлар ўтиб, тарих сарҳисобида биронта ҳам музаффарий подшоҳ Темурланга қарши чиқа олмаган, деб ёзсалар? – дерди ўзига ўзи Шоҳ Мансур. – Юз йил давомида у ёғи Ҳамадону Хуррамобод, Язду Исфаҳон, Рей, бу томони Абаркуху Шероз, Хурмузу Кирмон сингари музофотларда давру даврон сурган музаффарийлар шаънига ҳақорат-ку бу! Бас!.. Кимдир чиқиши керак! Кимдир чиқиши керак...”

Алади йўқ ноҳун ўйлар Шоҳ Мансур кўнглини тобора қиймаларди.

Форс вилояти тарихида олтин зарварақларда ёзиладиган юз йиллик машҳур сулола, юрт обрўси, шуҳратини сақлаш Шоҳ Мансур назарида, ҳозир унинг зиммасига тушиб турибди. Форс ҳукмдори буни теран англаб етди ва аллақандай туйғуданми, гурурданми, ўзини кўкраги баланд кўтарилгандай сезди. Ҳали бу сулола жаҳон айвонида давру давронлар суражак! Кутилмаганда, кўнглига фавқулудда бир фикр келди: майли енгилса ҳам, ўлса ҳам рози, фақат аввал Амир Темурни асфаласопилинга жўнатиши керак! Кейин уни нимталаб ташласунлар, гўштини канорага илсунлар, майли, майли!

– Эҳ-ҳей!

– Эҳе-ҳе-е-ей!.. – садолари эшигиларди ҳар томондан ва гўё ўзи ҳайқириб айтган сўзлар майдонларни оралаб қайтиб келиб, Шоҳ Мансурнинг ўзига мадад бераётгандай туюларди.

Амир Темур лашкарни кўнгилдагидек тартибга солиб улгурмади. Шошилинич Амир Аллоҳдони қоровул фавжига, ортидан Амир Шоҳмаликни ҳировул фавжига тайинлаб, олдинги жабҳани мустаҳкамлаб қўйди. Жаранғорда<sup>1</sup> Муҳаммад Султон, баранғорда<sup>2</sup> амирзода Пир Муҳаммад етагида Шайх Нуриддин каби жанг кўрган баҳодирлар саф тортиди. Умаршайх Мирзо билан Мироншоҳ Мирзо кўпинларини захирада қолдираркан, фақат фармонни кутишларини тайинлади. Ўзи эса қўлда<sup>3</sup> қарор топди.

Олдинда Амир Темур жойланган тепаликка йўл очилганди. Кейин соҳибқирон бу маъшум ҳодисанинг келиб чиқиб сабабларини тажриба тошига уриб текширди. Ҳамиша ҳушёр турадиган қўшин бошлиқлари вазиятни яхши англамай, ғафлатда қолиб, бир-бирларига ишониб, бепарволикка йўл қўйибдилар... Урушнинг тақдири лаҳзага боғлиқ эканлигини унутибдилар.

Одатда, кимдир “ҳай-ҳай”лаб отини шиддат билан учуриб келаётган бўлса, ҳар ким ҳам беихтиёр йўл беради, жиллақурса, ўзини четга олади. Қалқонини елкасига осган, қўлида икки қилич тутган Шоҳ Мансур фурсатни ганимат билиб, каловланмай соҳибқиронга яқинлаша бошлади. Ҳамма қўшин майдонда, соҳибқирон вазият танглигидан ўзининг хос навкарларини ҳам савашинга юборган, чодир олдида йигирмага яқин аскар бор холос,... Амир Темур хезланган душманига ўқ отмоқчийди, бироқ найзадори, соҳибқирон ёнида қолса ҳам, кейин тутиб олсалар ҳам хиёнатчи сифатида ўлишини аниқ билган шекилли, қаттиқ кўрқиб кетганидан, жон сақлаб ўз жойини ташлаб қочибди! Шу пайла Шоҳ Мансур, – ўзи ҳам Амир Темур Кўрагон билан юзма-юз турганига ишонмади! – бақирганча ҳамла қилди, ҳатто қиличнинг учи соҳибқирон дубулғасига тегиб жарангли садо берди!.. Кейингисида довудий совут Амир Темур жонига оро кирди...

Соҳибқирон шижоат билан жойилан қўзғолмади, қўлида қиличинини ўйнатганча қаттол душманни ёнига яқинлаштирмади. Кутилмаганда, кимдир, тўпалонда овознинг қаёқдан чиққанини билиш мушкул эди, “Оллоҳумма мансур Темуран!”<sup>4</sup> деб қаттиқ қичқирди! Учқир найза тутган аллақандай номаълум бир отлиқнинг ҳайқириви ҳаммани руҳлантириб юборди!.. Кейин Амир Темур ўша отлиқни чунон излагди, аммо у исиз ғойиб бўлганди. Соҳибқирон турли тарафдан шижоатлари қўзғолган баҳодирларнинг от солганларини кўрди! Тангри таоло уни ўз ҳифзу ҳимоясида сақлади, соҳибқирон буни юракдан туяр, Ҳаққа шукроналар айтарди. Айни шу ҳолат, бепарволик, хотиржамлик ҳайратда қолган Шоҳ Мансурнинг шиддатини синдирди!

<sup>1</sup> Жаранғор – қўшиннинг чап қаноти.

<sup>2</sup> Баранғор – қўшиннинг ўнг қаноти.

<sup>3</sup> Қўл – ҳарбий атама; лашкарнинг марказий қисми.

<sup>4</sup> “Ё Оллоҳ, Темурга зафар ато эт!” (арабча ибора).



Бирдан: “Қоч!!!”, “Қўлингни узиб оламен, даъюс!..”, “Думингни тутиб қўямен!” - дея наъра тортган Амир Шоҳмалик шувиллаган ўқдай етиб келди. У ҳировулда экан, Шоҳ Мансурнинг йироқда бақирганча, соҳибқирон чодири томон елиб бораётганини илғади-ю юраги шув этиб кетди! Дарҳол ўша ёққа от бошини бурди! Шоҳ Мансур учинчи марта Амир Темурга қилич урмоққа чоғланганди, ғазабланган, қуюқ қошлари чимирилган Амир Шоҳмалик чап қўлидаги қалқонини соҳибқиронга тутиб улгурди, ўнг қўлидаги кескир қилични ярақлатиб Шоҳ Мансурга солди! Қайландир Ахий Жаббор баҳодир етиб келди. Шу палла Мироншоҳ Мирзонинг:

– Нокасни журъатини қарангиз! Кимга қўл қўтаришни билиш керак, абла-а-аҳ!!! – деган сўзлари баралла янгради. Бирдан Шоҳ Мансур чап билагини қилич чимиллатиб ўтганини фаҳмлади. Кўз қири билан атрофга боқди: ўн-ўн бешга яқин йигити шиддат билан саваш қуради. Аммо кучлар тенг эмасди. Унинг устига, ош ўтган сайин ғаним кўпаймоқда...

Қиличу қалқонини ўнглаган соҳибқирон ғаними Шоҳ Мансурнинг оқ отига назар соларкан, Хонўғлонни эслади. Бўйни узун оқ тулпор аъло хислатларга эга, насли тоза эканлиги кўриниб турар, соҳиби билан бирга жанг қилар, душманни олдиан келса тишлар, орқадан келса тепарди. “Асил зотли отлар шундай бўлади! “– деб қўйди ичида соҳибқирон.

– Эҳ-ҳе, эҳе-е-ей! Сабр-тоқат этагидан тутган, савобу ёзуқлари учун Оллоҳдан эҳсонлар кутган ўша Шоҳ Мансур мендурмен! – деган сўзлар янгради яна...

– Шоҳ Мансур ўлдирилмасун! – деб қичқирди Амир Темур кутилмаганда...

Соҳибқирон сўзини тўс-тўполонда биров эшитди, биров эшитмади, ўйлашга ҳеч кимда фурсат ҳам йўқ бу палла... Сурону савашини кучайиб борарди. Форс ҳукмдори Амир Шоҳмалик билан савашарди, бирдан ўнг биқинига найза санчилганини билмай қолди. Бу Ахий Жабборнинг иши эди. Шоҳ Мансур беихтиёр қаради-ю... шуурида ортга чекинмоқ лозимлигини англади! Чекинмоқ керак, чекинмоқ керак... Бутун ниятлардан, ўчу қасослардан, салтанат тахтидан, сулола шарафидан чекинмоқ керак, чекинмоқ керак... Буни ундан кўра олдинроқ оқ тулпор сезгандай шиддат билан ортга ўтирилди ва қуюндай елиб кетди! Ортидан Мироншоҳ Мирзо от қўйди, аммо оқ отга етиш мушкул эди. Шоҳ Мансурнинг оти тездаёқ чап-тўзон ичида кўздан йўқолди...

Жанг майдони гиж-гиж ўликлар билан тўлиб ётар, оёқ ости ҳаммаёқ қон эди. Оқ тулпор агар яна шу суръатда елса, ёлга ёпиниб олган эгаси кулаб тушини мумкинлигини англагандай секинлашди. Ростдан ҳам, бир печа еридан яраланиб ҳолдан тойган, мажолсиз Шоҳ Мансур отда аранг ўлгирар, жароҳати қаттиқ азоб берар, беаёв ташналик бошқа томондан қисарди. Вужуди қақрар, томоғини ҳўллашга бир қултум ҳам сув йўқ... У чорасиз қурол-яроғини ташлаб, кетинни унча истамай тайсаллаб турган оқ тулпорни ҳам ҳайдаб юборди, ўзини ўлганга солиб, ўликлар ичига яшриниб олди... Атрофда бирон одам шарпаси сезилмади. Балолардан қутилдим, деб ўйлаган Шоҳ Мансурнинг хира торта бонлаган кўзлари ўз-ўзидан юмилди...

Амир Темур музаффарийларнинг сўнгги подшоши Шоҳ Мансур тақдири нима билан тугаганлигини билолмай безовта бўла бошлади.

— Шоҳ Мансур қочибдимиз? — дарғазаб сўради амирлардан.

— Майдонда борарди, бирдан қарасак, ғойиб бўлди... — жавоб берди Амир Шоҳмалик. — Чамаси, от устида ўлгану қулаб тушганми дейман, Амир соҳибқирон.. Каттиқ ярадор эди...

— Каттиқ ярадор эди... Тўзон ичида йўқолди... — тасдиқлади Мироншоҳ Мирзо. — От устида аранг ўлтирарди. Ўлган, бу аниқ...

— Шоҳ Мансурдай кишилар осонгина ўлиб қўя қолмайди! Ўликлар бирма-бир текшириб чиқилсун! Қилирилсун! Топилсун! — амр этди Амир Темур ва қалгис вақтда ўз жойини ташлаб қочган найзадорини тугтириб, қатлга тортишни буюрди. Кўрқоқни Мироншоҳ Мирзонинг ўзи саккиз нимта қилиб чошиб ташлади.

Барча амирлару навкарлар шиддат билан майдон оралашга киришдилар. Ётганларнинг ўликми, тирик эканлигини билиш учун найза санчиб кўрардилар.

— Шоҳ Мансур ўлган, излаш бефойдадир... — деди кимдир. — Овораи сарсон бўламиз, холос.

— Ўлса ҳам, бошини олиб бориш керак. Эмаса, ким ишонади? — сўз қотди амирлардан бири.

— Юзлаб мурлага найза санчиб чиқдим, биронта тиригини учратмадим... — сўз қўлди майманалик амир.

Ҳамма ҳориб толди. Қош қорайиб борарди. Энди қайтамиз, деб турганларида, майдон ичкарироғида юрган, яқинда амирлик мартабасига эришган майманалик амир чалқанча ётган мурдала тириклик шарпасини сезди-ю кўзлари қинидан чиқиб кетай деди!

Шоҳ Мансур ухламоқни истар, аммо бунинг илжожи йўқ эди. Бирдан хаёллар қуйилиб босиб келди:

“Нима қилиб қўйдинг, эй Шоҳ Мансур? Музаффарийлар салтанати заволга учради!.. Сен билан тугади...Бари тугади! Афсус, қўлинида сақлаб қола олмадинг. Юртинга ғаним оёқ қўйса, курашмоқ керакми? Керак! Сен курашиб тўғри йўл тугдинг. Аммо қандай курашмоқ керак? Беаёв душманга якка-ёлғиз рўбарў чиқмоқ тўғриму? Нима учун бутун музаффарийлар бирлашиб юртни кўриқламадилар? Йўқ, улар юртни душмандан эмас, бир-бирларидан кўриқладилар! Шоҳ Шужобдай подшо ҳам Темурланга мактублар ёзиб, ялпоқланишдан нари ўтолмади. Ҳатто отасидай улуғ одамнинг кўзларига мил торттирди, ўзини ёруғ дунёдан бебаҳра этдирди, юртни, салтанатни сақлаш учун шундай йўлга кирдим, деганини Шоҳ Мансурнинг ўзи ҳам эшитган. Юртни сақлаб қолиш учун отани, укани, қариндошини ўлдирмак лозимми?.. Балки Шоҳ Мансурнинг хатоси Темурбекнинг мактубига қулоқ солмагани-ю жавоб бермаганиладир? Нима дейилганди ўша мактубда? Эсида, эсида... *“Тамойилимиз андоқдурки, кимдаким бизни тан олмаса вилояти талон-торожга қолур. Кимки эл бўлиб хузуримизга келса, азиз тутиб, ўзларимиз бирлан тенг кўрнўимиз, вилоятига зиён-заҳмат етказмағўимиз...”* Ҳа, эсида... Вилоятга зиён-заҳмат етмаса, азиз тутиб юрса, бунинг нимаси ёмон?

Йўқ, душманга эл бўлиб бормоқ, бонг эгиш деган сўздир. Шоҳ Мансур бир умр мағрур яшади, шундай ўтади! Аммо мағрур яшамоқ

учун ўзгаларни ўлдирмоқ шарт ҳисобланурму? Султон Зайналобиддинни нобино этдинг, Шоҳ Яҳёни абгор айладинг... Ҳа, сен ҳам юртни, салтанатни сақламоқ учун шундай йўлга кирдим, деб айта оласен!.. Аммо баридан ёмони — Амир Муборизиддин Муҳаммад ибн Музаффар асос солган салкам саксон йил даврон сурган Музаффарийлар салтанати сенинг қўлингда патарат тошаётир!! Сенинг қўлингда!!! Боболар асраб-авайлаган салтанатни, аждоларингнинг барини йўқлик чоҳига отдинг. Туғилдинг, ўсдинг, вояга етдинг, тахтга миндинг, даврон сурдинг, дунёларга доврўқ таратдинг, лекин бари музаффарийларни гўрга тикиш учун қилинган ҳаракат бўлиб чиқди...”

Шу ерда хаёл бўлинди. Кимдир найза тугтанча атрофда тимирскланиб юрарди. Қарай деса мажоли йўқ... Бирдан биқинига найза санчилди, лекин у сездириб қўймай деб, сас чиқармади, аммо иккинчи марта аяган кўзга чўп тушар деганларидай, найза елкасидаги ҳали оғриётган жароҳатига тегиб кетди! Беихтиёр инграб юборганини билмай қолди.

Майманалик амир ҳайратда ортга тисарилди. Олдида, совути қонларга бўялган ашлаким ётарди.

— Менга омонлик бер! — тилга кирди “мурда” бирдан. — Мени ўлдирма!..

— Кимсен? Отинг нима?.. — сўради жон ҳолатда қўрқиб кетган амир.

— Мен... Мен... Шоҳ Мансурмен!..

— Шоҳ Мансур?!..

Юзи қип-қизил лолага ўхшаб қонга бўялган Шоҳ Мансур тирсагига таяниб туришга уринди.

— Шоҳ Мансурмен... Сўзлашга ҳам ҳолим йўқ... Мана, бу дуру забаржадларни ол! — Шоҳ Мансур кейин чап қўли бармоғидан катта ёқут кўзли тилла узук чиқарди. — Буям сенга... Фақат мени бировга билдирма! Қўйиб юбор!.. Сен мени кўрмадинг, мен сени...

— Эҳ лапъати! Одамларни юзсизлигини!.. — деди майманалик амир дарғазаб. У рўнарасидаги одам Форс вилоятида узоқ йиллар давру даврон сурган, душманларини зир титратган, музаффарийлар сулоласининг сўнгги вакили эканлигини билди, аммо ўзини танимаганга олди, кўнглини қамраган қўрқув ҳисларини нари қувин учун ясама сиёсат қилди: — Шоҳ Мансурмен, деб кекирдагини чўзишини қара! Дуруғўй!<sup>1</sup> Ҳамма Шоҳ Мансур бўб кетди! Шоҳ Мансур сенга ўхшаб қопгимми? Шоҳ Мансур-а! Уни музаффарийлар подшоси Шоҳ Мансур, деб қўйибдилар! Мана шу ётган лагга Шоҳ Мансур эмин! Бу ёқдагиларни пандавақи деб ўйлаясанми? Сен... сендайларни тумшуғини эзиб қўйин керак!..

Майманалик амир Шоҳ Мансурнинг ёқасидан олиб тортқилай бошлади.

— Тўхта, тўхта!.. — инграб юборди Шоҳ Мансур. — Ишонмасанг ишонма, майли... Аммо ўлдирма! Мени ўлдирмай, Амир Темурга олиб бор!.. Обрў топасен! Ўлдирса ўна ўлдирсун! Олиб бор!.. Мана буларни ол-да, мени соҳибқиронга етказ!.. Етказ!..

Шоҳ Мансурнинг ортиқ гапиринга мажоли йўқ эди.

— Нима, тилланга зорменму, узук тутасен?.. Атиги битта узугинг бор экан! Ўзимда тўртгаси бор! Майманала ундан ҳам кўп!.. Шоҳ Мансурмен, дейди-я! Вей... ўзини ўликка солиб ётган аблаҳ!.. —

<sup>1</sup> Дуруғўй (форсча) — ёлғончи.

силкилаётган амир жаҳл билан ёқани қўйиб юборди. Шоҳ Мансурнинг боши тақ этиб ерга тегди.

Иттифоқо, майманалик амир “Шоҳ Мансур ўлдирилмасин”, деган фармондан беҳабар эди. Бирдан фалончи, ҳеч ким тополмай турган пайтда Форс ҳукмдори Шоҳ Мансурни тутиб ўлдирибди, деган шов-шувли гап унга шарафлироқ туюлди. Илтижоларга қулоқ солмай, бошқа амирлар тортиб олиб қўйишмасин, деган хавотирда ўлжасига човут солган бургутдай шартга Шоҳ Мансурга ташланди!

Шоҳ Мансур сўнгги кучини тўплаб майманалик амирнинг башарасига мушт туширди, шариллаб бурнидан қон кетган амир “Иҳ!” деганча гандираклаб орқасига тисарилди. Шу палла узоқдаги навкарлардан бирининг улар томонга яқинлашаётганини кўриб қолди! Шопилганча, ёнидан ханжарини суғурди-да, Шоҳ Мансурнинг бўғзига ботирди... Тезликда қон қўли билан каллани кесиб олиб қонга, дуру забаржадлару тилла узукни эса қўйнига солди...

“Шоҳ Мансур топилибди!..”, “Тирик экан!”, “Фалон амир бошини кесиб олибди!”, “Омади бор экан-а!” каби овозлар тарқалди. Эшитганлар Форс ҳукмдорини тутиб олган омалди майманалик амирга ҳавас қилиб қарардилар.

Қонни очганларида, Амир Темур юзи таниб бўлмас даражада қонгалап каллага қараб, Шоҳ Мансурники эканлигидан шубҳаланди, майманалик амир сўзларининг ғози йўқдек туюлди. Тездан Форс ҳукмдори қариндошларидан топишларини талаб этди. Шоҳ Яҳёёнинг дароз бўйли дўнг пешона ўғлини олиб келдилар.

— Бошида сочи йўқ, кал... аммо шумикин? Ҳа-ҳа... шу экан... танидим... Мана, ўнг қулоғи орқасида каттагина қора холи бор... Аниқ, амакимнинг калласи... Шоҳ Мансур амаким шу... — деди маънос Шоҳ Яҳёёнинг ўғли.

Амир Темур индамали. Унинг борлигини қандайдир номатгулм изтироб, афсус-надомат чулгандай эди. Жимлик чўкди. Яқинда ҳаж сафаридан қайтган пири муршид Мир Саййид Барака сўз олишга журъат этди:

— Инсоннинг вужуди — яратганнинг иморати... Бу иморатда турли ҳодисалар юз берадур... Амир соҳибқирон, ҳаммамиз ҳам бандалардур-миз, бандасининг кўнгли ҳаминша ярим... Оллоҳнинг қудратига ҳам, ғазабига ҳам чек йўқ...

Амир Темур босиқ деди:

— Ҳаллоқи безаволга салламно!.. Оллоҳнинг қудратини тан олмай илож йўқ... Илож йўқ... Аммо...марднинг хор бўлганини кўрсам, у душман эрса ҳам, кўнглим эзиладур, пирим... Чунки, у ўз номи билан мард... — Мир Саййид Баракага қараб давом этди соҳибқирон. — Мардлар мана шундай хор-зор, кўрқоқлар қўлида ўлиб кетадурлар... Шу алам қиладур. Аслида яшашга, даври давронлар суришга улар ҳақдордурлар! Давру даврон суриш ҳаминша номарду нокасларга қоладур... Қани адолат? Қаерда ўйна адолат?.. Ахир битта марднинг вояга етмаги учун ўттиз-қирқ йил даркор... Мардлар кам, кўрқоқлар эса ҳар қадамда... Кўрқоқ бир кунда минг марта ўлади, мард ўлмайди, мард шаҳид бўлади! Агтанг, яхши гапга қулоқ солмади, агар Шоҳ Мансур тирик қолганда, Шерозни ўзига тобшургай эрдим...

— Мард — худонинг туҳфаси! — деди пири муршид. — Марднинг сўзини айтдилар, Амир соҳибқирон...

– Майдонда йиқилиб омонлик сўрагон навкар ўлдирилмайдур. Агар ярадор душман омонлик сўраса, сўзига қулоқ солмак керак, у садоқат эгасидур, ўз бегини, юртини деб саванг қурди, яраланди...

Орага нохуш жимлик чўкди.

– Мамат! – деди босиқ Амир Темур. – Шоҳ Мансурнинг танаси билан бошини бирга ювсулар, иззат-икромини жойига қўйсунлар ва музаффарийлар даҳмасига дафн этсунлар!

Ҳамма соҳибқироннинг кенгфёъллигидан ҳайратда бир-бирига қаради.

Амир Темур бирдан ўзгарди, беихтиёр қўллари иягига чўзилди.

– Номард!!!.. Нокас!!! – деган сўз янгради Амир Темур тишлари орасидан.

Йиқилиб ҳолсиз ётган Шоҳ Мансурдек мард жангчини ўлдиришдан оранмаган, совға-инъомлар кутиб турган майманалик амирни дарҳол тутиб қатл этишларини, мол-мулкини эса мусодара қилишларини буюрди...

## Ўн тўртинчи боб

### 1

Соғинч бика воқеасини эшитган валиаҳд Муҳаммад Султоннинг дунёси қоронғу бўлди. Уни бир неча саволлар қийнарди. Қиз қаёққа кетиши мумкин? Наҳотки, уни ҳалигача қидириб топишга олмадилар? Қиз ўзи қайгадир қочганми, ёки ўғирланганми?.. Суюкли маҳбубасининг қароқчилар қўлига тушганини ўйлар экан, шаҳзоданинг бутун аъзои баданига заҳарли игналар санчилгандай жойида ўтиролмас, ўрнидан туриб кетарди. Фақат Соғинч бикани шаддод, шижоатли деб эшитганидан, у ўзини хор этишга йўл қўймаслигини сезар, ичида, илоҳи, ўзинг асра, деб парвардигорга илтижолар қиларди.

Валиаҳд шаҳзода буткул ҳузур-ҳаловатидан айрилди... Кечалари ухломмай чиқар, дардини кимга айтишни билмасди. Соғинч бикани топишга қаттиқ бел боғлади, қизни излаб тўрт томонга энчил кишилардан юборди. Амир соҳибқирон ҳузурларига кириб, шу ожизани излашга ўзигаёқ ижозат беришларини сўрамоқчийди, бироқ юзи чидамади. Унинг устига, катта малика шаҳзодани тинчлантириб, бу ҳақда бировга оғиз очмасликни тайинлаганини, унинг ўзи ҳам гапириб қўймаслигини уқтирди.

Сароймулкхоним ушбу баайни эртақлардагидек воқеадан ҳайратда ёқасини ушлаб қолди. Шу ёшга кириб шундай ҳодисани эслай олмади. Соҳибқироннинг бир мақсадлари бор эди. Салтанат сарҳадлари тинч, осойишта бўлмоғи керак. Агар ёш боланинг бошига бир лаган қўйиб, унга ўн тилла солинса, у бола салтанатнинг бир томонидан иккинчи томонига йўл олса, то манзилга етгунча бир тилла ҳам камаймаслиги лозим, дерди соҳибқирон... Камаймасди ҳам! Энди эса, бир тилла эмас, ҳазор-ҳазор тиллалардан-да ортиқ Соғинч бикадан айрилиб ўлтирибдилар. Маҳди улё назарида, қиз бадбин одамлар қўлига тушган, вассалом...

– Сизга сўйлагон эрдим-ку, Амир соҳибқирон... Шаҳзода Муҳаммад Султон жудаям ёқтириб қолгон ожиза ҳақида... – деди катта малика. – Ижозатлари бирлан совчилар юборгон эрдик... Ўшал ожиза...

Суҳбат Козерун йўлидаги Потила деган ерда, баланд тепаликда жойлашган яшил шоҳқодирда кечмоқдайди. Амир Темур Сароймулкхонимга қаради:

— Эсимда, эсимда... Ўшал ожиза ҳақида ширин сўзлар айтғондингиз. Хўб қувонғон эрдим. Ишқни ҳам парвардигор суйган бандасига ато этадур. Суйиб олса, киши бахтини топгай, муродиға етгай... Биз ҳам ўзларини... суюб олғонмиз-ку, билурлар...

Соҳибқироннинг юзига ёқимли табассум ёйилди. Сароймулкхоним эса ёш қизлардай қизариб кетди.

— Илоҳи, ҳар кимга ҳам ишқ бахтини берсун, Биби! — давом этди Амир Темур маликани хижолат пардасидан чиқармоқ учун. — Жаҳон шаҳзодасининг ёқтириб қолғонлари, унинг устига, Жаҳоншоҳ ибн Жокудай баҳодирнинг ожизаси эканлиги нуран аъло нурдир... Шаҳзода валиаҳдимдур, унга қандай умидлар боғлағонимдан ўзингиз хабардор-сиз, Биби... Ўша кунларга етказсун!.. Муҳаммад Султон ғаройиб хосиятли йигитдур, соҳибқирони муаззам Чингизхон бирлан соҳибқирон Амир Темур Кўрагон қони унинг томирида жўшиб турибдур ахир!.. Ҳали биздан кейин Турон салтанатини олам-жаҳонга кўз-кўз қиладурғон, миллатни камолга етказадурғон, киндик қони тўкилғон тупроқ шаънини бош узра тутадурғон валлааматдур бу!.. Бошқа фарзандларимни асло камситмайдурмен, аммо менинг бахтимни, иншооллоҳ, Муҳаммад Султон бирла берминдур! Турон мамлақати жаҳонда барқарор бўлгай, салтанатлар уни тан олгай! Биз қилмағон ишларни шаҳзода Муҳаммад Султон поёнига етказгай! Халлюқи безаволга салламно!..

Сароймулкхоним ҳазратни кўндан бундай руҳи яшнаган ҳолда кўрмаганди. У Амир Темурнинг ўз номдор набирасини қанчалар ардоқлашини, унинг билан нечоғлик фахрланишини такрор юракдан ҳис этди.

— Валиаҳдимизнинг шаън-шавкатларига

муносиб сўзларни дедилар, Амир соҳибқирон! Камина ҳам бош устида тутадурмен шаҳзодамни... Қайлиқ топамен, деб жонҳалакмен ахир... Биламен, шаҳзодамга айрича таважжуҳингиз бор. Фақат ҳамма фарзандлар қаторида қарангиз, демакчи эрдим, холос, Амир соҳибқирон! Бошқалардан ортиқроқ кўйинингиздан кўрқамен, ҳазратим! Кўрқамен!..

Катта малика, Жаҳонгир Мирзони ана шундай ардоқлаб, алоҳида меҳрга сазовор айлар эрдингиз, оқибатни кўрдингиз, демоқчийди аслида, аммо ўзини тийди. Рост гапни, ҳар қанча аччиқ эса-да, соҳибқирон сабр-тоқат билан эшита оларди. Малика ҳазратнинг бир қарапда замини бўш хаёлларга, рўёдай туюлган орзуларга бутун вужуди билан ишониб қолмасликларини, эҳтиёткорона ёндашишларини истарди, холос.

Амир Темур хаёлга чўмди ва кўп йиллар муқаддам Боғи Чинор оқшомларидан бирида Жаҳонгир Мирзони эртароқ валиаҳд деб атаб, хатога йўл қўйганини, ортиқча эътибор қилганидан — балки бу тўғри эмасдир! — кўз теккандай бўлганини ўзи Сароймулкхонимга айтгани эсига тушди.

— Бешак-шубҳа, бешак-шубҳа, Биби! — Соҳибқироннинг чимирилган куюқ қошлари бир-бирига туташди. — Худонинг ўзи кечирсун! Ўзи асрасун! Фарзандларимнинг бари хосиятли! Бирини биридан зинҳор устун қўймагаймен!..

Катта малика қуллуқ бажо келгирди. “Мақсадга ўта қолай..” – ўзини ўзи даъват этди у.

– Сизга сўйлағон эрдим... Ўшал ожиза...

– Нима дедилар?... Ҳа, ҳа, шаҳзодам ёқтирган ожиза...

– Сизга айтмағон эрдик...

Сароймулкхоним воқеани яширмай-нетмай гапириб бермоқчи, маслаҳат ва кўмак сўрамоқчийди. Аммо шартга ўйлаган ўйидан қайтди: “Амир соҳибқироннинг минглаб ташвишлари бор, шуни ҳам юк қилиб ўтирмайин, бу – биз хотинларнинг иши...”

Амир Темур нимадир демоқчи-ю, тортиниб айтолмаётган катта маликага қаради. Унинг катта-катта кўзларида балқиган меҳр нуридан Сароймулкхоним дадилланди:

– Амир соҳибқирон, ўшал ожиза... ўшал ожиза... онаизори мусибатини кўтара олмай қаттиқ дардга чалинибдур... – усталик билан сўзни буриб юборди ерга тикилганча!

– Ҳай, афсус... Лекин ёш нарса тез соғайиб кетадур, иншооллоҳ!.. Кўли енгил табибларга кўрсатсунлар. Шаҳзодам буни эшитмадиларму? У кунни бироз хаёли парижонроқ кўринди кўзимга.... Билмаганлари маъқул.

– Айтганимиз йўқ, Амир соҳибқирон... Билмайдурлар...

Сароймулкхоним таъзим этди ва вазиятдан шубҳа-гумонларсиз чиқиб олганига ичида чандон суюнди.

Форс ҳукмдори Шох Мансурга қарши шилдатли жанглар шаҳзода Муҳаммад Султонни ростакамига чалғитди. Вақт ўтганини ҳам сезмади. Ичи сирга тўлиб кетганидан Искандар Зулқарнайнинг сартарошидай дардини кимга ёришни билмасди. Сартарош сирини айтгани одам тополмай, саҳрога чиқиб: “Искандарнинг шоҳи бор! Искандарнинг шоҳи бор!” – деб қудуққа ёрилган экан.

Шаҳзода Муҳаммад Султон ҳам бир қудуқ излаши керак шекилли. Унинг сир айтадиган бир дўсти йўқ. Ичида эса сир кўп... Дўст бўлишни истаганлар бордур. Аммо валиаҳдга ҳамма ҳам яқин келолмайди, салобати босали. Назарида, ўша бир ойлар аввал Қалъаи Сафид қамалида жасорат кўргизган Арғуншоҳ деган сипоҳ бошқача йигит. Қандайдир кўнглига ўтириб қолди... Лекин, ажабо, уни ортиқ кўрмади, у жуда тортинчоқ, андишали эканми, доим ўзини четга олиб юради. Яхши йигитлигини шаҳзода фаҳмлайди. Яқинроқ танишини керак. Нимага шундай интилаётганига ўзи ҳам ҳайрон. Сипоҳлигига қарамай, аллақандай амирлардан, беклардан ортиқроқ туюлади. Ҳатто, шаҳзоданинг фикрича, унинг билан сирдош ҳам бўлиш мумкиндай...

Шаҳзода бирон кун ўша сипоҳ билан Шероз жанубидаги хушманзара қир-адир аралаш яйловларга чиқиб айланиб келишни ўйлаб қўйди – уни фақат бир марта кўрган бўлса ҳам, кўзига иссиқ кўринди, негадир эскидан танишдай эди. Бироқ шаҳзода кўққисдан Ўазд йўлида пайдо бўлган бузғунчиларни бартараф этгани ҳумоюн ўрдудан фармон олди-ю, ўша ёққа жўнаб кетганидан ният ниятлигича қолди.

Иккинчи мартасида Ироқ юришига бағишланган ошпазлик чақирилган машварат халал берди.

Ажабки, фурсат топилмасди. Шаҳзоданинг бошида ўн икки минг аскар ташвиши... Арғуншоҳ эса лашикарнинг ўнг қаноти – баронғорда

ҳировул бўлинмасида сипоҳлик қилади. Аслида, уни ўзига хос навкарликка олиши керак, шекилли...

Тонг гира-ширасида чодирдан чиққан шаҳзода, Улуғ Амирнинг юз эллик қадамлар наридаги Потила тепалигида тикилган, атрофини ўн икки минг хос навкарлар ўраб ётган, маҳобатли яшил саронардасига қаради. Ҳамма уйқуда, фақат жануб, ғарб ва шимол томонларда тепаликларда қоровулларнинг ёнаётган гулханлари кўринар, шоҳчодир олдида эгнига заррин кўк чопон ташилаган Амир Темур, одатича, ёлғиз оҳиста кезиб юрарди. Бир парча ҳам булут йўқ осмоннинг фавқулодда мусаффо ва тозалиги кўнгилни тўлиқтириб юборар, гўё бу ерда яқиндагинада аёвсиз жанглар ўтмагандай, тинч, осуда, шундай бепоён ва хушбахт оламни насиб этганидан худога шукроналар айтарди, киши...

Шаҳзода мулозимини нариги адирга жойлашган баронфдордан сипоҳ Арғуншоҳни чақириб келишга юборди. Сайис аллақачон шаҳзоданинг оқ отини эгарлаб қўйган, тоншириққа кўра сипоҳ учун ҳам бир қора отни шайлаганди. Муҳаммад Султон сабрсизлик билан у ёқдан-бу ёққа юрар, тезроқ йўлга тушишни, хушманзара қир-адирларда Тангрининг шоҳидлигида ўз сирларини сипоҳга айта олиши мумкинлигини - нега айти шу сипоҳга, бунга ўзи ҳам таажжубда! — сезарди. Аслида, яқинларидан кўра, мутлақо бегона одамга сирларини очини яхши кўриши, кўнгил ёзиб олиши бандаси табиатида бор нарса...

Кутилмаганда, узоқдан шаҳар ёқдан икки минг чоғлик олабайроқ оломоннинг ёприлиб келаётгани хабарини соҳибқиронга етказдилар. Ўзиллашиб югуриб қолган қоровуллардан бирининг овози шаҳзодага баралла эшитилди:

— Шерознинг улуглари, содоту қуззот, казо-казолар, хотин-халажу бола-бақралар Амир соҳибқирон ҳузурларига келмоқдала-а-а-ар!

— Амир соҳибқирон ҳузурларига келмоқда-а-а-р! — қичқирди иккинчи овоз.

— Келмоқда-а-а-ар!.. — бақирди учинчиси.

Ҳали момақалдиरोқ бошланмай, олислардан унинг шов-шуви қулоққа эшитилганидай оломоннинг суст сурони аста-секин кучайиб борарди.

— Шерозликлар нима истайдурлар? — сўради Амир Темур саронардаги шошилинч яқинлашаётган хондан. Султон Маҳмудхон: “Жавоб бер!” дегандай ортидаги вазири аъзам Муҳаммад Жалдга назар ташлади.

— Қоровуллар хабар бердиларким, Шероз аҳли зору таваллога келмакда, Амир соҳибқирон! — таъзим қилди вазири аъзам.

Шу палла тепаликнинг пастига қоровул навкарлар рўпарасида тўхтаган оломон ичидан: “Арзимиз бор!”, “Соҳибқиронга арзимиз бор!” деган овозлар қулоққа чалинди. Вазири аъзам саронардан узоқландида, тепаликнинг четида гувиллаган оломонга қараб турган Амир Шоҳмалик ва Шайх Нуриддин баҳодирларга ишора қилди:

— Арзчиларга айтилсун! Вакиллари чорлансун!

— Жойингизда тўхтангиз! Вакиллари юборингиз! Вакиллари!..

— Вакиллари юборингиз!! — қўшилишди қоровуллар...



Муҳаммад Сулгон Шайх Нуриддин баҳодирнинг йўғон овозини таниди. У сайисга беихтиёр: “Отни келтирингиз!” — деб қичқирди ва шиоҳни ҳам кутмай ўша ёққа от бошини бурди.

Шероз улуғларидан йигирматача одам ажралиб чиқиб навкарлар орасидан шоҳчодир томон йўналдилар. Олдинда муаррих Гиёсиддин Али кўринди. Вакиллар йигирма қаламча нарида тўхтаб тиз чўкдилар ва соҳибқирон ҳайъати томонга қараб саждага бонн қўйиб таъзим бажо келтирдилар.

Вакиллардан бирига туришга ижозат берилди. Саронарда олдида издиҳомни жим кузатаётган соҳибқирон ўсиқ қошларига битта-ярим оқ оралаган, юзлари япалоқ, барваста Гиёсиддин Алини таниди.

— Ҳазрати олийлари! Агар яна беш йил аввалгидек, музаффарийлар юрт бошида қолсалар, боз адолатсизлик янроқ ёзгай! — деди Гиёсиддин Али қошларини бир кўтариб қўйиб. — Қулингиз ўшанда ҳам шубҳа-иштибоҳлар ичра мустағриқ эрдим, аммо мўътабар даргоҳларида салобатлари босиб, бу ҳақда оғиз очмакка журъатим етмади... Самарқанди фирдавсмонандга борғонимда батафсил айтмакка фурсат тополмадим... Музаффарийлар ягона мамлакатда ҳар бири ўз шаҳрида ўз номига танга зарб этдириб, хутба ўқутдилар, бир-бирларининг қони-ю номусига қасд қилиб, тажовуз таҳликаларидан қутула олмадилар... Авомуннос эл, содоту қуззот, катгаю кичик бизга ёлвориб, ҳузурларида бўлишимизни ўтиндилар...

— Ҳаққаст рост! Музаффарийлар элу юртни хонавайрон этдилар!

Низолардан гулбоғлар кул бўлди! Бугун пондай кишварни ҳар бири бутунича ютиншга уриндилар, оқибатда нарчасидан ҳам қуруқ қолишларини билмадилар!.. — қўшилди Шероз қозикалони.

— Агар аларнинг жабр қўлларини халқ устидан қисқа айламасалар, эл-юрт вайрон, халқ ҳоли забун бўлгусидир! — қўшилди кимдир.

— Бопқа чора йўқ! Бопқа чора йўқ! Хопумонимизни куйлурдилар! Музаффарийлар кирдикорларидан озурдамиз! Даф этилсун!

— Музаффарийлар йўқолсун! Бизга тинчлик керак! Тинчлик! Тинчлик! — қабилада овозлар ёғилди.

— Амир соҳибқирон, ҳимматингиз васфида тилимиз қисқа, хома тўмтоқдур. — такаллуф қилди Шероз қозикалони. — Ҳазрати олийларига элчи юбориб мактуб йўллағон эрлик... бир йил аввал... Дуруст англата олмадик, шекилли...

Гиёсиддин Али, гуноҳқор бандадурмен, дегандай бонн эгди.

Орага бир неча лаҳзалик жимлик чўкди. Барча Амир Темур пима дер экан, дея илҳақ эди.

— Раҳматли Шоҳ Шужоъ, ўз вақтида ўғиллари Сулгон Зайналобиддин билан Мужоҳиддин Шиблини паноҳимизга олишни тилаб мактуб битгон эрди... — деди шошилмай Амир Темур. — Иккисининг ҳам кўзларига мил тортилгон, ожизу нотавондурлар... Самарқандга юборсунлар, деб буюрлик...

— Раҳму шафқатлари беқийёсдур! — дарров маъқуллади вазири аъзам Муҳаммад Жалд. “Беқийёс!”, “Беқийёс!” сўзлари таралди.

Муҳаммад Сулгон бобосининг раҳмдил ва бағрикенг эканлигини биларди, ҳозир буни яна бир бор кўрди. “Кошкийди, дерди бобоси хос маншаратларда, кимсани жазолашни ўйламасанг, арқонни узун

ташласанг, ҳар кимга жазони худонинг ўзи берсун”. Шаҳзоданинг негадир соҳибқиронга ичи ачида. Муҳтарама волидаси Хонзода хоним ҳам ҳамини отаси Жаҳонгир Мирзонинг шундай ҳолатларга тушганларидан кўп ҳикоя сўйлаганлар.

Амир Темур тинчиб қолган оломонга диққат билан тикилди:

– Ҳадиси шарифда шундай подир ҳикмат бор экан: “Мен шундай худоманки, подшоҳлар подшоҳидурмен. Подшоҳлар дили, ҳатто ҳар бир туки ҳам қудратим соясидалур. Кимда-ким амримга бош эгса, унга подшоҳлар дилини меҳрибон қилгаймен. Кимки фармонимга қулоқ осмаса, подшоҳларнинг қаҳру ғазабига дучор этгаймен. Тавба қилингизлар, тошинингизлар...” Кўрлингизму? Бас, жаҳон халқига ошкор бўлсунким, одамлар ўз қилмиш-кирдикорлари учун жазолангай, мусибат тортгай. Бу Оллоҳ таолонинг жорий айлаган суннатидур. Ким унга қарши бора олгай эркан? Қуръони каримда шундоқ битилмишдур: “Ман амила солиҳан фалинафсиҳи ва ман асоа фаалайҳо<sup>1</sup>...” Кимда-ким яхшилик қилса – ўзи учун қиладур, кимда-ким ёмонлик қилса – бу ҳам унинг ўзига қайтадур...” Халлоқи безаволга саллампо!

Шундай паллаларда соҳибқирон: “Худо, ғазаб отига минишдан асрагин! Асрагин!...” дер, ўзига ўзи тўзим тиларди. У беихтиёр Султон Маҳмудхонга ўтирилди. Турон хони тушунди: яратганининг айтган фурсатлари етибдур, музаффарийларга жазо буюрилибдур, қандайлигини хон ўйламоғи керак...

– Амир соҳибқирон! – деди, отасига ўхшаб кеталиган, ўрта бўйли, қирқларга борган Султон Маҳмудхон ҳаяжондан юзлари қизариб. – Музаффарийлар кирдикорлари бағоят таҳликаликдурки, одамийлик шаънига асло тўғри келмас. Элчилар рост дерлар. Асли аввалги юрини даврида улуг жазога мустаҳиқ эрдилар. Фармон ҳам қўлимизда эрди, аммо фақат ҳазратларининг олий ҳимматлари туфайлигина алар бонига бало тонлари ёғилмади... Ўзларини олам устун деб ўйлагон музаффарийлар эса ҳануз бобонвоқлик исканжасидан чиқа олмайдулар...

– Фармонингизга мунтазирмиз, хон ҳазратлари! Барчасига жазо бермак лозимдур! – сўзга кўшилишга журъат этди ақобирлардан бири.

– Жазо! Жазо! – ҳаприқди вазири аъзам Муҳаммад Жалд.

Султон Маҳмудхон соҳибқиронга қаради: Амир Темур узоқларга тикилганча соқолининг учини эзғилай бонлаганди.

Хон дадилланди:

– Турон хони сўзимиз: музаффарийлар хонадонига мансуб барча маликларнинг катта-кичиги тутиб банди этилсун ва ясоққа етказилсун!

– Ясоққа етказилсун!!!

– Ясоққа! Ясоққа! Ясоққа-а-а-а!..

Охирги сўзлар настда ғалаёнга шай турган оломон орасидан келарди<sup>2</sup>.

Кейинчалик Муҳаммад Султон дафтарига шундай ёзиб қўйди:

<sup>1</sup> Қуръони карим. Фуссият сураси, 46-оят.

<sup>2</sup> Ясоққа етказилганлар ичида музаффарийлардан – Йазд волийси Шоҳ Яҳё ибн Шарафиддин (Шоҳ Мансурнинг акаси), икки кўли Султон Муҳаммад ва Султон Жаҳонгирлар билан, Қирмондан Султон Аҳмад ибн амир Муборизиддин икки кўли Султон Муҳаммад ва Султон Сулаймоншоҳ билан, Сиржондан Абу Исҳоқ, Султон Алоуддин ибн Шоҳ Шужоъ, Султон Ҳазанфар ибн Шоҳ Мансур, Султон Али ибн Муҳаммад, Шоҳ Бойазидлар бор эди (*Мужмали Фасихий*).

“...Шоҳ Шужов, Шоҳ Маҳмуд, Шоҳ Яхё, Шоҳ Мансур... Қандай подшоҳлар эдилар! Музаффарийлар подшоҳлиги поёнига шошилди... Салтанат таназзул остонасига бош урди. Давлатдорликлар кунфаяжун бўлди, шону шавкатлардан ному нишон қолмади. Подшоҳу подшоҳзодалар шоҳона қасрларга қаноат айламай, ўзларини қабрларга урдилар. Осмону фалакларга етамен, деган мағрур бошлар ўзларини оёқлар остида забун ҳолда кўрдилар. Тахтни назар-писанд этмағонлар тобут тахтасидан паноҳ тиладилар. Саркаш бўйинларга эгилмоқдин ўзга чора топилмади. Барчаси завоп мартабасига миндилар, йўқлик чоҳига қуладилар... Ҳайхот! Оламда қандай салтанат борки, унинг манглайига охир-оқибат хорлик битилмағон бўлсун? Не учун кишилар беҳуда кибру нурурларга бериладурлар ва дайри дунга подонлик, ҳавойилик ила боқадурлар?..”

## II

Шерозда музаффарийларга жазо берилаётган пайтда Амир Темур кўпинининг ҳировули аллақачон Исфаҳон ва Ҳамадонлардан ўтиб Бағдод шарқида чодирлар тикиб, олачуқларни ёзиб улгурган эди.

Бир замонлар Халифа ал-Мансур бунёд қилиб, “Мадинаг ас-салом” — Типчлик шаҳри деб номласа ҳам, Бағдод мудом низо-ю жанжаллар, иддаолар, ўзаро қирғинбарот урушлар, бесаранжомликлар макони бўлиб келади. Соҳибқирон биринчи бор ташриф буюриши эса-да, ушбу узукка қўйилган кўздай Дажла соҳилига бежиримгина ярашиб тушган қадимий пойтахт, хусусан, Аббосийлар саройи, Зубайда мақбараси, муҳташам жоме масжидлари ҳақида эшитган, баъзан дарёнинг баҳорларда тонадиган одати борлигини ҳам биларди.

Аср намозига хийла вақт бор эди. Амир Темур билан Муҳаммад Чуроға додхоҳ кўҳна Бобил тупроғида, узоқ-узоқлардан Бағдод шаҳри кўринадиган баланд адирда, шоҳчодирнинг чап томонидаги нақшин—нигор сўрида суҳбатлашиб ўлтиришарди. Пастда шимолга чўзилган Шаҳризур шаҳри кўзга таппанади. Жануб тарафдаги кечагина кўкариб турган адир аралаш ерлар ёзнинг жазирамасида сарғайиб, олатарақ туста кира бошлаганди.

Бундай холи суҳбатларда улар ўзларини соҳибқирону мулозим эмас, балки қурдон дўстлар сифатида ҳис қилинар, бундан иккиси ҳам баҳра олар, яйрарди.

— Ана Бағдод, улғувор шаҳар!.. — деб юборди Амир Темур узоқларга тикилиб. Олдинда шукуҳли манзара касб этган Бағдод ястаниб ётарди. Чекка-чеккаларда қачонлардир Ҳулагухон кўшинлари томонидан вайронага айлантирилган бинолар ҳали кўзга таппанарди.

— Таажжубки, Ироқ ҳокими Сулгон Аҳмад жалойирга ҳали ҳам эс кирмабдур! — гижиниброқ деди Амир Темур. — Чиндан ҳам арқонни узун деб ўйлайдур шекилли, эркалик қиладур... Ахир аввалги сафар, одатимизга кўра, ҳиммат қилдук, иззатини ўрнига қўйдук, хуш сўз бирлан ҳузуримизга чорладук... Ўзинг шохилдурсен, Мамат. Келмади...

— Келмади ўшанда, Амир соҳибқирон, келмади... — тасдиқлади Муҳаммад Чуроға додхоҳ.

— Кўргинки, тагин юборгон одамимиз қуруқ қайтибдур... Ақлли одам йиргиқларини кенгаймасдан аввал ямаб оладур...

— Машҳури замон шайхни элчиликка юборибдир-ку? Ҳарисчук, ёмон қадам эрмас... — эътироз билдирди Муҳаммад Чуроға додхоҳ.

— Ёмон эрмас, ёмон эрмас... — рози бўлди Амир Темур. — Аммо, эгри кўнгилининг найранглари эмасми бу? Улар дилидаги сирини пинҳон тутмакдалар, ҳаракатлари эса сўзсиз ўзларини фонн этадур... Бамисли қочиб, эски маҳсининг ичига яшриниб олғон айёр мушукдек: думи чиқиб қолғони эсида йўқ, кўз олдингда: “Яшириниб олдим, қани топчи!” дея думини ўйнатадур...

Муҳаммад Чуроға додхоҳ сергакланди.

— Улар ҳайиқмайдилар... Такрор Бағдодга оёғига хат боғлаб кўкарчин йиборингиз!

— Йиборилди, Амир соҳибқирон! Ҳатто қаптар қайтиб ҳам келди...

— Мақбул...- Амир Темур оғир тин олди. Уни гоҳида Ироқ билан Турон салтанати ўртасидаги чигал муаммолар мапа шу муштдеккина оқ патли қаптарнинг сўнгги парвози билан ҳал бўлиши ҳам мумкинлиги ўйланганди. — Жалойир инсоф этагини тутар...

Шероздаги воқсалар Бағдод ҳокими Султон Аҳмад жалойирни жуда тапвишпа солиб қўйди. Амир Темур уни ҳузурига чорлаб киши юборди, лекин Шаҳризурга боришдан чўчиди. Унинг устига, Мосулдаги дўсти, қорақўюнлилар сардори Амир Қора Юсуфдан мактуб олди. У вазият позиклигидан зорланиб, Румга Боязил Йилдирим ҳузурига отланаётганини айтибди. Бироз ваҳимачи эканлигини билса ҳам, унинг хати Султон Аҳмад жалойирнинг ўзи титраб турган юрагини баттар кўрқув ҳисларига тўлдирди:

*“...Темурланг ўз ҳузурига чақирмоғи аниқдур... Шубҳасиз, бу унинг алдоқчи одати, ҳийласидур. Музаффарийлар қисматига боқингиз! Кўз олдимизда юз бериб турибди-ку! Сабоқ эрмасму? Эсингизда борму, музаффарийларнинг энг шавкатлиси Шоҳ Шужоъ Темурлангга нома юбориб, ўзича дўст-ёр тутуниб, ҳатто қуда-қариндош ҳам бўлгон эрди. Оқибатда-чи? Улуғидан ушоғигача тилдан ўтказдилар, қудачилик ҳам иш бермади... Агар дунёдан умидлари бор эса, музаффарийлар кунн бошга тушмасун десалар, жалойир жаноблари, қадам боса кўрмасунлар! Қарши қурол кўтармак ўзингизга қурол кўтармак ила баробардур. Кўриб-билиб, тўфонга ўзни урмоқ ақлсизликдур. Шоҳ Мансурни кўрдингиз-ку! Бас, чекиниш чорасини қилсунлар! Қочиш эрмас, чекиниш! Чекиниш!.. Ўзлари учун, фикримча, қулай йўл — Миср соридур...”*

Аммо фаросати ўткир Ироқ ҳокими қараб турмай, бир ой олдин тўққиз-тўққиз пешкашлар қилиб, Амир Темур ҳузурига элчи жўнатганди. Фурсатдан ютиш, чалғитиш маъносида қўйилган бу қадам соҳибқиронни алдай олмаслигини билса-да, ноумид — шайтон, деганларидай иш тутди. Шу палла иккинчи кўкарчин хат олиб келди. Дарғазаб Султон Аҳмад жалойир, гўё ҳаммасига худди мана шу беозор қуш айбдордай уни қанотларини юлиб тапшан учун, дарҳол тугинларини буюрди. Аммо жониворгина аллақачон учиб кетган экан...

— Келтирган жами ҳаля-ю тансуқот, тўққиз-тўққиз пешкашларнинг бирортасига ҳам қўл урмасунлар, аксинча, Султон Аҳмад жалойир элчисини сарполар билан сийлаб, ортига қайтариб юборсунлар, деб буюрдим, — деди Амир Темур.

— Амир соҳибқирон, энг тўғриси ҳам шу эли ўзи, — маъқуллади додхоҳ, — ахир табаррук номлари намози жумада хутбага қўшиб ўқилиши, танга зарб қилдирилиши шарт, тансуқот шунга қўшимча сифатида юборилиши лозим-да...

— Расму русумга риоя этилмағонига назар сол! Султон Аҳмаднинг калласида ўз фикри йўқ. Бундай ҳолда икки оёққа қийин, киши ўзгалар ноғорасига ўйнайдур... Аввалги сафаримизда уни хузуримизга чорлагон эрдик, у эса майнабозчиликка бир ашғор юборибдур... Илон чақмайман, деб тилини чиқармоқда, аммо унинг заҳари тилида эрмас, тишидадур, буни эсда тутайлик!.. — ғазабланган Амир Темур сўридан настга тушиб у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Осмоннинг фавқулудда тип-гиниқлиги ҳам унга татимади.

— Кимки, ниятимизни тўғри англаса, ўзига эрмас, юртига ҳам, элига ҳам, бизга ҳам нафи тегар эрди. Қайси юртга борсам, даставвал, қуданда, қариндош бўлайлик, деб тилак билдирамен, чопар йўллаймен, қайта-қайта элчилар юборамен! Бизга бировнинг юрти керак эрмас, ўзимизнинг дунёга бергисиз гўзал юртимиз бор! Менинг юртимга стадурғон юрт қайда?.. Халлюқи безаволга салламно! Бировнинг мулки зинҳор мулклик қилмайдур! Бизга, қудратимизни тан олиб, божини тўлаб қўйса кифоядур, ҳимоямизга киргайлар, эмин-эркин ҳаёт кечиргайлар. Менга обрў-эътибор керак, эҳтиром керак... Дунёда уруш отини ўчиришга бел боғлагонмен, Мамат! Ажабо, бел боғлагон сарим уруш чиқадур, бу қандай сир-синоат?.. Наҳотки, қилич араланмай қадам ташлаш мушкул бу оламда! Ҳа-а-а... Эсинида борму, Ҳирот малиги Гиёсиддин Курт, унга ялинғондек кўп элчи жўнатдик. Келди, гуноҳидан ўтилди. Кейин Самарқандда қатл этилди, бунга ўзи айбдор: шинҳона фитналарини тўхтатмади...

— Фсёли ўнгланишини сабр билан кутдингиз, Амир соҳибқирон. — Муҳаммад Чуроға додхоҳ бош тебратди. — Самарқандга келгандан кейин ҳам, Мубалшир баҳодир тингчилари уни кўп бор ёзуқ устида тутдилар.

— Мана, Гуржи султони Буқротни қара...

— Саховатингизни кўрди.. Сояи давлатингизда эмин-эркин юрибдур. Худо пошшо эгам, деганлар...

— Арзинжон амири Таҳуртан-чи? Ҳали биз бормай туриб, узрхоҳлик қилишга тиришадур... Чопарлар йўллайдур...

— Шубҳа йўқ, Амир соҳибқирон! — гап қўнди Муҳаммад Чуроға додхоҳ. — Садоқату ихлос этагидан маҳкам тутгон амирдур. Тангасида ҳам исмингизни ирод этибдур. “Банда ва хизматкор ва давлатхоҳи Ҳазрат Амир Темур Кўрагондурмен!” дея мактуб юборибдур...

— Ҳа-ҳа, ихлос қиладур, ихлос қиладур. — тасдиқлади мамнун соҳибқирон. — Ихлос — халос ахир...

— Таҳуртанга ҳимматлари бирлаш ҳукумат нишони буюртдилар, ол тамга бостирдилар, хусравона либослар лойиқ кўрдилар...

— Ёдимда, ёдимда... Ширвон султони Шайх Иброҳим-чи, Дарбандий?... — давом этди Амир Темур ўйланганча. — Ул ҳам биз чопар юбормай ўзи таширф буюрди. Кўп оқил йигит эркан. Турк ўғлони... иззату ҳурматладир... Ўғлим дедим... Таги тоза, насаби Нўширвони Одилга бориб уланадур...

Бундан етти йил аввал “тутинган ўғил” Тўхтаминхон Табризни босиб олганида, Қазвинда турган Амир Темур қўшини уни Дарбанд ортига

қувиб юборди. Қочиб кстаётган Олгин Ўрда ланкари Дарбандда Темир Қапуғ оғзида тикилиб қолди. Агар юқоридан қаралса, узунлиги беш чақирим атрофидаги энсиз дара худди ини бузилиб уймалашган минг-минг чумолиларни эслатарди — ҳаммаси уйига киришни истар, бири бирига халал берганидан бунинг иложи йўқ, бақириқ-чақириқ, биров бировга кулоқ солмас, ит эгасини танимас, нақ қиёмат қойимнинг ўзи эди. Дарвозага энг аввал Тўхтамишхон ўзини урди... Ширвон султони Шайх Иброҳим тоғ тепасидан бунинг барини кузатиб турарди. “Олгин Ўрда каби қудратли мамлакат хоқонини танг аҳволга солган кўпинга ким тенг кела олади?” — деган ўй хаёлидан кечди унинг.

Шайх Иброҳим йигирма саккиз-ўттизларга борган, забардаст йигит эди, катта-катта кўзлари, бир-бирига туташган қон-қора қонлари кўркига кўрк кўнар, калта қалин қора соқоли юзларига яна ҳам оқроқ тус берарди. Соҳибқирон яқинлашаётганидан қаттиқ ташвишга тушиб, яқин маслаҳатгўйи, қози юл-қуззот Абу Язидни хузурига чақиртирди.

— Турон салтанатини тан олайинму, ёки Дарбандни мустаҳкамлаб уруш санжоғини кўтарайинму? Ёки қочайинму?.. — дабдурустдан сўради султон қозидан.

— Тўхтамишхондай подшо қочиб қолди-ку!.. Қочмоқ керак, султоним! — деб юборди кутилмаган саволдан ҳанг-манг Абу Язид, гавдаси йирик, қўллари узун, юзининг ярмини қуюқ мош-гуруч соқол эгаллаган эллик ёшлардаги шижоатли киши. — Бизга худои таоло дунёнинг устунни бўлган тоғларни берган. Баланд тоққа чекиниб, кўрғон тикиб олғаймиз! Бандасини чиқишга қурби етмайду! Темир Қапуғни маҳкам тутсак кифоя! Бу ёғи — тоғ, у ёғи — денгиз...

Унинг сўзлари Шайх Иброҳимга ёқмади:

— Бу мақбул қадам эрмас! Ўзим жонимни сақлаб авомушнос элни, ёпу қари раийятни бало-офатлар домига ташласам, худога не деб жавоб қилғаймен? Ким ёнимни ола оладур? Фалакиқгидор ғанимга қарши муқотала<sup>1</sup> бошлаб ғолиб чиқмасмен, бу кундай равшандур...

Абу Язид индамали.

— Кўн ўйладим... ўйладим... Амир Темурга бориб амрига бўйсуниб, қуллуқ этамен... — деди кутилмаганда Шайх Иброҳим. — Аминменки, у мартабамни тортиб олмайду, улуг подшоҳда эзгулик фазилатлари, олийжаноблик хислатлари бисёр, деб эшитгөнмен. Тўхтамишхонни ҳам кўп сийлагонлар... Борди-ю, мени ўлдирса, унга ҳам розимен, ўлимим раийятни қатлу ордан, юртни талон-торождан сақлаб қоладур...

Қозиюл-қуззот шоша-пиша деди:

— Султоним!.. Султоним... Ҳали ёнсиз, салтанат қурғонингизга эндигина ўн йил бўлди... Бу қандоқ сўзки... Ўзингизни ўтга уриб...

Шайх Иброҳим қозини гапиришга қўймади ва муҳрдорни чақириб буюрди:

— Фармонимни еткурингиз: лашкарни тарқатсунлар, ҳар ким ўз вилоятига борсун, тоғлик — тоққа, кўллик — кўлга, шаҳарлик — шаҳарга... Ҳар ким шаҳрини зебу зийнат ила безасун, кўркам кийинсун, хотиржам ўзгалар билан ширин муомала қилсун... Минбарларда соҳибқирон исми билан хулба ўқитилсун, динору дирҳамлар зарб этилсун!..

<sup>1</sup> Муқотала (араб) — уруш, жанг, бир-бирини қатл этиш.

Орага жимлик чўкди. Қози юл-қуззот ҳайратда лол, султоннинг қатъий қарорига бирон эътироз билдиришга богинолмас, фақат ерга қараб пичирлаганча: “Мошолло... Мошолло...” дерди, холос. Унинг даҳшатли ёвга нисбатан қандай йўл тутиш ҳақида ўз фикри бор, ичида султонни катта хатога йўл кўяётир, деб ҳисобларди.

— ...Ноз-неъматлар йиғилсун, нодиру ноёб, қимматбаҳо ашёлардан, тансиқ ҳадя-ю тухфалардан, ҳурилиқо канизақлардан, учқур отлардан тўққиз-тўққиз тухфалар тайёрлансун! Фақат қуллардан саккизта олинсун! — янгради султоннинг хотиржам овози.

Абу Язид Шайх Иброҳим ҳаракатлари қаттиқ хавф олдида каловланиб ўзини йўқотиб қўйган одамнинг пала-партини қадами эмас, балки узоқни ўйлаб иш кўрган зукко инсоннинг қатъий азму қарори эканлигига ишона бошлади.

— Соҳибқирон Амир Темурга ҳадя-ю тухфаларни бирга инъом этмай-миз, қозикюл-қуззот жаноблари! Шайлансунлар!

— Фармонингизни қабул айлармен, султон ҳазрати олийлари! Айтгон сўзингиз биз учун отилгон ўқдур! Филҳақ биздан кўра ўзларига олислар тиникроқ кўринур... Каминада ҳам шундай таклиф бор эрди ўзи... Оллоҳга шукурки, муддаомиз бир чиқди! — деди Абу Язид сира иккиланганини билдирмай.

Амир Темур билан Шайх Иброҳим учрашуви Табризнинг Давлатхона-сида юз берди. Соҳибқирон кўнглига қандайдир илиқлик югурганини сезди, Шайх Иброҳимга қараб, ҳатто тахтдан тушиб пеннвоз юрди. Бу камдан-кам учрайдиган ҳодиса эди. Муҳаммад Чуроға долхоҳ Тўхтамиш ўғлон илк бор таприф буюрганда Кўксаройда шундай ҳол кечганини эслади.

— Соҳибқирон ҳазрати олийлари! — таъзим қиларкан, Шайх Иброҳим ёнидан тангалар олиб Амир Темурга туғди. — Муборак номлари ила Шамоҳада зарб қилдурдум. Кўн ўрнила кўрсунлар...

Кумуш тангалар тўққизта эди. Соҳибқирон шонилмай тангалардан бирини олиб томоша қила бошлади. Юзида: “Ло илаҳа илаллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ” калимаси ёзилган, тўрт бурчагида эса чорёрларнинг исмлари кўринарди. Орқа томонига қараганди, чиройли нақшланган: “Султон Маҳмудхон Амир Темур Кўрагон халдоллоҳ мулкуху” сўзларига кўзи туғди. Турон султонининг кўнгли ёришгандай бўлди, аммо индамади.

Аёнлар кўз ўнгиде қози юл-қуззот Абу Язид Ширвоп султонининг йиғирма ҳачирга ортилган тухфаларини тошширишга киришди. Одатда, армуғонларни соҳибқироннинг ўзи назардан ўтказиб оларди. Амир Темур шундай совғалар билан келганларида жуда мамнун бўларди. Совға эмас, у — катта ҳурматнинг белгиси, аломати. Ўша совғадан ҳам ҳурмату иззат даражаси, самимий ёки сохта эканлиги аён билинади. Тилла ва фил суяқлари ишлатилган нақшин-нигор сандиқлар, гуллари лов-лов ёнган эроний гиламлар, мамлакатнинг бир йиллик хирожига тенг тилла узуклар, кўзи Яман ақиқидан ишланган олтин балдоқлар бир томонда... Бу ёқда Сарандиб маржонлари, Московиядан олинган шоҳона пўстинлар, зардўзи тўнлар, кимхоб либослар, занданача матодан тикилган кийимлар, ҳачирлар, йўрға отлар, эгару узангилар... Ҳар бир совғадан, қадимий турк одати бўйича, тўққиз сидрадан тайёрланганди. Ора-орада: “Аҳсан! Аҳсан!”, “Бебаҳо!”, деган офарин сўзлари янгради.

Амир Темур тухфаларга бепарвороқ қаради, аммо саманларни олиб кирганларида, ўрнидан туриб отларга яқинланди, сағриларига уриб-уриб: "Ғўнонлар экан-да, ғўнонлар... яхши!", деб қўйди. Отлардан бири, доторбўйин араби саман соҳибқирон томонга қараб, худди эркалангандай гувраниб кишнаб юборди. Амир Темур хос сайиста букюрди:

– Тўдалан чиқар-чи, унда бир хосият бор!

– Бош устига, Амир соҳибқирон! – сайис дарҳол саман ёнига яқинланди.

– Отни зотдор эканлигини билиш учун айрим жиҳатларга боқмоқ жоиздир. – деди соҳибқирон аъёнларга қараб. Унинг от ҳақида сўз борса, кўнгли бўшлиги сезилиб қоларди. – Аввало, отнинг бўйни узун бўлади. Танасининг айрим жойлари гоҳ охуга, гоҳ тозига, гоҳ кийикка, туяқуш, товунқон, туя, бўри, тулкига ўхшайди. Охуга ўхшашлиги – болдир суякларининг узунлиги, найларининг чайир ва бақувватлиги, сағри-сининг бўлиқлиги, кўзларининг катта-катталиги ва қоралиги. Жағининг кенг, ўмганининг кучли, тилининг эса узунлиги – тозидан, туёқларининг нозиклиги – товунқондан, чоноғонлиги – бўридан, йўрғалиги – тулкидан...

Ҳамма саманга қарар, соҳибқирон айтган хислатларни топишга уринарди.

– Саманда бир хислат бор. Қани, сув олиб келингиз! – букюрди соҳибқирон ҳаммани қизиқтириб.

Дарҳол бир тоғорада лиммо-лим сув келтирдилар. Амир Темур давом этди:

– Боқингиз! Тиззасини букмай сув ичиши, насли тозалигига ишоралур.

От тоғорага яқинланди ва тиз букмай бемалол сув ича бошлади! Ҳамма соҳибқироннинг синчил эканлигига диққат қилди. Саманни алоҳида назоратда тутиб туриш учун дарҳол сайиста тошпирдилар.

Шайх Иброҳим қўл қовунтирганча, тухфаларни соҳибқирон қандай қабул этаётганини зимдан кузатар, совғалар ёқаётганидан қувонар, айниқса соҳибқирони муаззамга саман хуш келганидан мамнуш эканлигини яширишга юзида кучсиз уриниш сезиларди. Абу Язид ҳурилиқо канизакларни назардан ўтказдиргач, қулларни намойишга чорлади...

Қуллар саккизталигини кўрган Амир Темурнинг қуюқ қонлари чимирилди:

– Нега улум бузилди? Тўққизинчиси қани?..

Абу Язид: "Энди нима бўлади?" дегандай Шайх Иброҳимга қаради. У Дарбандда эканликларидаёқ, қулларнинг битта камлигини билганди-я, нечундир сабабини сўрамаганди. Лекин шу палла Дарбанд султонининг тошқирлигига тан берди! Шайх Иброҳим қўлини қовунтириб, тиз чўкди:

– Тўққизинчи қул қани, деб сўрадилар, Соҳибқирон ҳазратлари!

Тўққизинчиси... ўзим... Тўққизинчи қулингиз мендурмен... Қабул айласунлар...

– Мошоллю!

– Зукколикни кўрингиз! – Муҳаммад Чуроға долхоҳнинг ҳайрат сўзлари эшитилди.

Амир Темур бироз тикилди-да, кейин:

– Йўқ, асло! Сен қул эрмас, менинг ўғлимдурсен, ўғлим! Ўрнингдан тур! – деб юборди фавқулодда кўнгли жўшиб. – Ширвонда менинг



халифамсен, эътимодли фарзандимсен! Бугун Озарбайжон мулки сенинг тасарруфингга берилур! Сарпо келтирилсун!

Бу воқеа бугун салтанатга ёйилди...

— Шайх Иброҳим каби оқиллар кам, Амир соҳибқирон! Таги тоза, насаби улуғ... Султон Аҳмад жалойирнинг отаси Султон Увайсни ҳам золим ўтган дейдилар. Қазисен, қартасен, асли наслингга тортасен, деганлар-ку...

Соҳибқирон индамали.

— Элчиси қайгач, — давом этди Муҳаммад Чуроға додхоҳ соҳибқирон кўнглидаги гапликни юмшатиш ниятида, — ўйлаб қолади, албатта... Ўзи бош уриб келадур, келадур Султон Аҳмад... Салобатли тоққа қарши қум, қумнинг ҳам бир гардгинаси, ҳеч нарса қилолмаслиги аён-ку ахир... Жужуқнинг ҳам бунга ақли еталур.

— Қум, дейсанму?.. Қум эмиш... Йў-ў-қ, Султон Аҳмад қум эмас, юрғонда йўлни мушкуллаштирадурғон, тоғнинг бағрига сизмай ситилиб чиқиб кетгон чақир қиррали қоя тош... Қўл билан олиб ташлашнинг иложи йўқ, қўлингни тиладир, тепсанг оёғинг оғрийдир, фақат жойида эзиб мажақлаб ташлаш керак...

Султон Аҳмад жалойирдан хабар кутиб турганларида, Бағдоддан Мироншоҳ Мирзонинг чопари етди. Қаттиқ савашиндан кейин жалойир Мироншоҳ Мирзо кўшинига талофатлар етказиб, тунда кўч-кўронини йиғинтириб, Ҳилла томон чекинибди. Шу паллалар Фурот дарёси соҳилларида эмиш...

Амир Темурнинг қўли иягига чўзилди:

— Кўшинга талофат етказишлик, шунга йўл қўйишлик азбаройи нўноқлик аломатидур. Бу нарса Мироншоҳ Мирзода бор. Афсус... Султон Аҳмад жалойир тагин думини хода қилиб қочиблирму? Яхшилик қилмакчи эрсанг-у, қадрига етмасалар, гуноҳлари ўз бўйнидадур!.. Занжирини ечай, бўшатиб юборай, деб узатилган қўлни тишлайдурғон махлуқ, кўпшак-да! Худонинг ўзи шоҳид, яхшига яхшидурмен, ёмонга — ёмон... Фақат... яна қон тўкиладур, яна бузғунчига кўшилиб беғуноҳлар нобуд бўладур... Шундоқ экан-да... Бот-бот эсимга Ҳадид сураси тушадур...

— Китоб, тарозу ва темир, демакчисиз ... — эслатди додхоҳ.

— Ҳа, ҳа... Халлоқи безаволга салламно! Пири муршид ҳам кўп марта таърифлаб бергонлар. Парвардигорнинг юборгон пайғамбарлари даставвал кишиларни китобга суяниб, самовий оятлару руҳоний далолатлар билан Оллоҳнинг итоатига даъват айлайдурлар. Барча қилмингу кирдикорларни тарозига солиб, ҳисобини оладурлар. Наф келтирмаса, темирдан ёрдам сўраладур, қилич яланғочланадур... Раҳматли Амир Жоку барлос айтгон эрдикки, малҳам фойда бермаса, ярага тиг урилғай эрмиш...

— Урилғай, урилғай... Исфаҳондаги каби... Худо пошшо эгам, деганлар.

— Тагин Исфаҳон воқеасини айтасан-а... Менинг мақсудим недир ўзи? Агар тинчгина юргимда юрсам бир қорним тўймай қоладурму? Мақсудим — авомуннос эл тинч яшасун, ўзини бахтиёр сезсун, фақат юрт эрмас, дунё обод бўлсун, деймен... — Амир Темур, чалғиш учунми, майдоннинг четига бориб олдинда ястаниб ётган Шаҳризурга беихтиёр назар ташлади. Шаҳарнинг қоқ ўртасидан кесиб жанубдан шимолга қараб ўталитан, охири бориб ям-яшил адирлар она юқорилаб осмонга чиқиб кетаётгандай кўринган йўл ҳайратланарли даражала ади ва ўқдай тўғри эди.

“Салтанат йўли шундай тўғри бўлмоғи керак! Нечоғлик тўғри экан-а! — кутилмаганда хаёлидан кечди соҳибқироннинг. — Лекин тўғри йўлда юрганларнинг кўнгиллари ҳам тўғримикин?.. Бандаси бамисли саҳродаги якка дарахт эмиш, қалби ўша дарахтаги бир япроқ, бир лаҳзада чапга қайриладур, бир лаҳзада ўнга... Салтанат, миллат иши деб куйиб-ёнасен... Аммо ёнингга кириб ёнгувчилар кам... Сен ўйлағондек ўйламайдурлар. Салтанат мулкига кўз олайтурғувчилар бор... Ёлғиз ўзи учун дунёга келгон, нафсига қарши эрмас, нафсини ёқлаб қилич кўтарғонлар... Ришвахўрлар, талончилар, ўғрилар, хоинлар... Икки кўлини кессанг тили билан пора олғайлар...”

— Ҳа, Амир соҳибқирон, мақсудингиз улуғдир, биламен, барчасини биламен... — бош тебратди Муҳаммад Чуроға долхоҳ.

— Жангу муҳорабаларга қарши эканлигимни билармусен? Чорасизлигимдин қиличга суянурмен. Ҳа-ҳа, яширмаймен, суянурмен! Ўзга иложини тополмайдурмен! Уруш уруш экан, ўз оти билан... Кимсани тан олмайдурғон русумлари бор экан. Саркарладан майдонда энг биринчи сўраладиган нарса жасорат, ботирлик. Аммо саркардани саркарда деб ҳисоблаш учун биргина жасорат кифоя эрмас. Унинг қалбида қаҳру ғазабга ҳам жой топилмоғи шарт. Шарт булурки, қаҳру ғазабни вақтида жиловлай ололсун. На чораки, ҳамма нарса ҳам бандасининг измида эрмас. Шу ёшга кириб англаб етдимки, одамлар яхши гапни тушунишлари мушкул, уларни умид ва кўрқув орасида тутмак шарт... Кўрқитмасанг, кўрқитадилар... улардан кўрқулик...

Амир Темур бироз ўйланди-да, ксйин давом этди:

— Аммо мен саркарда эмас, Турон султонимен, султон! Майдон соҳибни эмас, мамлакат соҳибимен! Вайрон қилғувчи эмас, обод этғувчимен!

Муҳаммад Чуроға долхоҳ Амир Темурда фавқулодда сўзланг ҳавоси баланглигини кўрди. Бундай танҳо суҳбатларга жангу жадаллар, сафарлар, салтанат юмушлари-ю тапшишлар орасида жуда кам вақт топиладди.

— Исфаҳон воқеасидан дилинг кўп озурда юрдинг, Мамат... Сезамен... Ўзим-чи, ўзим? Ўзим ҳам шундоқ ҳолатдамен. Бандаси хатога йўл кўйдум, ўтди-кетди, деган хомхаёлга борадур. Йўқ, ҳеч қачон, ҳеч нарса унутилмайдур. Исфаҳон воқеаси эсимдан чиқғони йўқ... Хатога йўл кўйдим, тан оламен. Хатойим шулки, исфаҳонликлар лафзига ишондим, бандасига ишондим... Ҳа-а... ишондим. Ҳали келажакда Амир Темур қон тўкли, қалалардан минора кўтарди, шаҳарларни бузди деб маломат сангларини отғувчилар ҳам топилса керак. Сажия-ю табиати минг бир хил бандасидан биронтаси чиқали-да! Бунга ҳайрон қолмаймен. Тонгла қиёматда халлоқи безавол олдида не деб жавоб бергум, билмаймен... Фақат мени ҳам тушунишларини истардим, холос...— Амир Темур оҳиста чап томондаги заррин тўпақлар солинган нақшин-нигор сўрига бориб ўтирди.

— Тушунамен... яхши тушунамен, эй, Амир ал-Алам!.. Тушунамен... — ўз фикрини изҳор этди Муҳаммад Чуроға дохоҳ. — Сиз ҳаминша донғил йўлда адолат билан қадам ташламоқни истайсиз, аммо қадамингиз тушаётган бу ер — тошли, ўр-чақир, нотекис, одамнинг оёғини синдирадур... Сиз Туронгина эмас, балки бугун дунёда худонинг бандаси бахтли яшасун, дейсиз, бироқ бадбахт замон қонунлари бунга йўл бермайдур, сиз бунёд айлашни хоҳлайсиз, лекин зинҳор қўймаслар, аксинча вайрон қилмакка мажбур этғойлар...

Муҳаммад Чуроға долдохнинг кўнглида: “Э, бу дунё бедаво-ку, шуни ҳам билмайдиларму?..” деган маъно яшринган эди.

– Шундоқ, шундоқ... Мен ҳам ана шундан доғдамен... Лекин... лекин ёмон хулқ, иллату гуноҳлар бандасининг қисмати эмас, балки унинг учун юборилган бир синовдир, Мамат... Худойи таоло бандаларга икки йўлни кўрсаталур, бандаси ёки хайрлик, эгилик ишларга қўл уриб савобу ажрларга муяссар бўладур, ёки қабоҳатга юз тутиб гуноҳга ботиб худонинг қаҳрига учрайдир...

– Аммо парвардигор бандаларга фақат хайрли, эзгу ишларнигина буюргай, камолот даражасига чиқишга даъват этгай, гайри шаръий қаламлар қўйини эса банданинг ўзидан, Амир соҳибқирон, банданинг ўзидан!..

– Рост айтасен, агар мардум тўғри йўлдан юриб, шариятнинг амри-фармонларига риоя қилса, олам осойишталик либосига чулгангай, жумла жаҳон фароғат уйқусида ётгай... Борди-ю эл-улус йўлдан озса, шарият аҳкомларини инкор айласа, димоғини ноўрин ғурур, кибру ҳаво шиширса, ёмонлиқларга ўзини урса, ундайларни ўз ёмонлиқларига тобшурмак керакдур. Тангри таоло шундайларни жазоламакни, тўғри йўлга солмакни, бу беқарор дунёни идора этмакни подшоҳлар дилига жо айлагай. Дунё эса бир нозанин келинчак, карашмали ҳурилиқо, ишвакор, дилдор, маккор, ҳар оқшом янги хуштор оғушига ўзин отадур. Кучоғингда шакарғуфторлик айлаб туриб, ўзгага дил берадур... Оҳ, бу дунё!.. Дунё!.. Шундоқ... Беқарор дунёнинг ҳам ҳеч қарори бормикин?..

Соҳибқирон бир хўрсиниб қўйди-да, узоқларга тикилди. Жануб ёқда хушманзара тоғ ёнбағрида икки нарса унинг диққатини ўзига тортди. Бири - шамолда чайқалиб ястаниб ётган хурмозор боғлар... Уч йил аввал Самарқанддан чиқаверишда Тахти Қорача йўлидаги Боғи Давлатободда хурмо кўчатларидан экдирди, бу йил ҳосилга кириши керак... Ҳар ўтганда тоғ тепасида тўхтаб, томоша қилишни ёқтирарди. Яхши мева бердимикин? Боғбонга тайинлаган, агар кўнгилагилек чиқмаса, улар ўрнига бошқа мевали дарахтларни мўлжаллаб қўйишни уқтирган... Хурмозорлардан қуйида билганглаб оқётган Дажла дарёси бўйида қачондир қурилиши бошлангану битмай қолган каттагина қаср кўзга тапланди. Арkning пешгоғи тикланган, аммо усти ёпилмаган... Шу заҳотиёқ Кенда бунёд этилаётган Оқсарой эсига тушди. У ҳам бошланган, ҳали битгани йўқ. Қурилиш қандай аҳволда экан? Амир Сайфиддин некўз назарида эканлиги уни бироз хотиржам қилади. Жаҳоншоҳ ибн Жоку ҳам унинг ёнида. Ўн икки йилдирки, машҳури замон меъмор Уста Хоразмий Оқсаройни тиклаш ишлари билан банд... Муҳаммад Юсуф Табризий ҳам бирга. Ҳозир сарой атрофлари очилиб чиройли бўлиб кетгандир. Кошкийди, ҳозироқ Оқсарой қурилишини бориб кўрса!..

– Йўқ! – деб юборди Амир Темур. – Мамат! Билсунларким, мен қатлу ғорат учун дунёга келганим йўқ. Одамларнинг жонини худо беради, худонинг ўзи олади. Нега мен шундай нохуш қаламлар босинга мажбурмен? Эй, азиз авлиёлар, буни англатиб берингиз! Эй, пири муршид, буни тушунтириб берингиз!.. Ҳар сафар белимга садоқни боғлаб, қўлга ёй тутгандан бошлаб майдонга тушсам, ўзимдан кечамен, қонимни тўкилган, бошимни кесилган санаймен!..

– Оҳ, оҳ, оҳ!.. Ундоқ демасунлар! Демасунлар, Амир соҳибқирон!!.. – деб юборди Муҳаммад Чуроға додхоҳ, – Умрингиз узоқ бўлсун! Худо сақласун!

Унинг назарида, соҳибқирон фоний дунё жумбоқларига жавоблар излар, босиб ўтилган қадамларни ўзича сарҳисоб айлаб хайрлисига ҳам, ножўясига ҳам таскин берарли сабаблар топар, кўнглини хотиржам этишга тиришарди. Лекин бу уришишлар замирида, қанчалар шаън-шавкату шукуҳга, куч-қудратга эга бўлмасин, барибир бандасининг дасти қисқалигини, унинг ёлғиз банда эканлигини инкор қилиш қийин, деган ҳақиқат ётишини соҳибқирон ҳам, додхоҳ ҳам ўз-ўзича фаҳмлардилар.

– Буни фақат бирубор Тангри биладур, бандаси англашдан ожиз, Амир соҳибқирон! Худо пошшо эгам, деганлар... – Муҳаммад Чуроға додхоҳ энди дилидагини очиб юборди. – Иншолўюҳ, шундоқ.. Аммо бир нарса мени жуда ҳайратга соладур. Ҳазрат Оллоҳнинг жамоли-ю жалолани ўзида намоён айлагувчи, коинотнинг тожи деб ҳисоблангувчи инсон зоти шу қадар ожизмидурки, гуноҳқормидурки, худонинг қаҳру ғазабига қолғай?

Амир Темур ялт этиб додхоҳга қаради.

– Не тилайдурсен, Мамат? Авомуннос эл мендин не тилайдур? – ўнкалагандек оҳангда деди Амир Темур додхоҳнинг тапини ўзига олиб. – Биламен, бандаи ожиз бесабр хилқатдур, фақат оқибатга қараб хулоса чиқарадур, ҳечқачон сабабини қидириб ўлгирмайдур... Унга фурсати йўқ... Эсингдаму, пайғамбар эмасмен, деб сенга айтгон эрдим, шекилли! Мен ҳам бир бандадурмен, билдингму?.. Не-не мамлакатларни тасхир этгон эрсам ҳам, дасти узун, қудрати чексиз, аммо ўз фарзандини бахтли қила олишга қурби келмагон бир шўрликмен холос! Шўрликмен! Билдингму? Худонинг бир ногирону афтода бандаси...

– Амир соҳибқирон... Нечун шўрлик экансиз? Бундоқ дейишингиз Оллоҳни ранжитиш ила баробардур...

– Нималар деяпсен? Оллоҳни ранжитиндан ўзи асрасун! Шукур, минг бор шукур... Эй, Мамат! Менинг ожизу нотавонлигимга қара, умр бўйи жисму жоним озурда, азбоси ногиронмен. Жаҳоннинг илгидан тутай десам, қўл йўқ, дунёнинг тагига етай десам, чоппоққа оёқ қани? Агар ўзимни ёлғиз қолдирсалар, жоним азобларга гирифтор бўладур, дардманд, кимсанинг ёрдамига таянган эҳтиёжманд бир одаммен холос. Бир анғор ҳам битибдурлар-ку:

*Яримжон киши, ажаб, жаҳон мулкига соҳиб!  
Кўзинг оч! Худойимнинг қудратини кўр, боқиб:  
Оёғи йўқ ва лекин тахт оёғи остида,  
Қўли йўқ, аммо очун узугида, дастида...*

Қарагинки, яримжон эмишмен, жаҳон мулки меники эмиш. Оёғим ногирон эмиш, тахт эса ўша ногирон оёқ остида! Қўлим қуриган, аммо дунё узугимнинг кўзида жам эмиш! Бу ҳикматни кўргилки, парвардигор қандоқ қилиб жумла жаҳонни, ўз бандаларини қошимда ҳозир муҳайё этди? Турфа мамлакатларни фармоним қабзасига киритди, не-не гарданкаш паҳлавонларнинг, мана мен деган ҳукмдорларнинг бошларини ҳузуримда ҳам, қўлимни узун, ногирон оёғимни чоққир қилди, нотавон бандасини азизу муқаррам айлади?.. Халлоқи безаволга салламно! Мен шўрлик, нотавон бир банда шундоғ мартабага қандай

қилиб муносиб кўрилдим? Ушмундоқ сир-синоатга ақлим етмай қийналамен... қийналамен... оҳ, қийналамен!...

– Бари ҳеч кимга муҳтожлиги йўқ, азалий ва абадий, қаҳри қаттиғу кечиримли зот, оламларни яратгон эгамнинг ишидур, эгамнинг инояти, карамидур, Амир соҳибқирон... Бунга шак келтириб бўладирму?.. – юпатгандай деди мулозим.

Амир Темур шу топда Тангри улуғлигининг нақадар бесарҳаду теранлигини, ниҳояси йўқлигини, ўзининг эса унинг олдида зарранинг заррачасидан ҳам кичик эканлигини туйди-ю, тўлиққан дили ҳаприқди...

– Оллоҳим! Оллоҳим!.. Бандангни кечиргил! Кечиргил!... – илтижо айлади Амир Темур аллақандай таважжуҳда...

Муҳаммад Чуроға додхоҳ эслади: беш йил аввал Самарқандда Боғи Биҳинг меҳмонхонасида ҳам худди шундай воқеа юз берганди. Иккиси танҳо суҳбат қуришди, ўшанда ҳам, соҳибқирон ожизу нотавон ҳолатда дунёдан, одамлардан нолиб гапирдилар. Ўшанда ҳам, ҳозиргидек қаршисида қақшатғич зарбалар билан душманлар юрагини зириллатган саркарда эмас, худонинг ожиз бандаси турганди... Кейин Хоразмга юриш ҳақида фармон берди. Муҳаммад Чуроға додхоҳ ўша соҳибқирон билан ҳозирги соҳибқирон ўртасида фарқ борлигини сизди... Амир Темур ҳозир ўшандагилан кўра-да ожизроқ туюлди. Қандайдир сўзларида ҳам шиддат йўқ...

Бирдан додхоҳнинг вужуди титраб кетди! Наҳотки?.. Наҳотки, дунёни бир қайириб қўйган соҳибқирондай улуғ зот кексаликни бўйнига олмоқдалар?.. Салкам олгмиш.. Охират яқинлашган сари, кўнгиллар юмшаб, зукколик, донишмандлик фазилатлари безаб борар эмиш кишини...

Аввалги сафар Амир Темур дарҳол ўзини ўнглаганди. Ҳозир эса бошқача кечди. Ниятлари амалга ошавермаганиданми, афсус-надоматми ё кўнгил бўшлиғими – узоқ-узоқларга тикилганча хийла жим қолди. Султон Аҳмад жалойирдан яхши жавоб келса, салтанатимизни тан олса, Бағдодни ўзига топшириб тезроқ юрта қайтгаймиз, деб ўйлаганди. Самарқанд ва Кеш боғларини соғинганини айтганди. Муҳаммад Чуроға додхоҳ билади, ҳар боғда ўзининг бекаси интиқлик билан соҳибқиронини кутиб яшайди...

Ҳозирги фармон ҳам аввалгиларига ўхшамасди.

– Амирзода Мироншоҳ кўшини шитоблик ила Султон Аҳмад жалойир изидан борсун... Тириклай тутсунлар. Бир мўйига ҳам заҳмат етказилмасун... Ҳа-а... Сафар чўзиладурғонга ўхшайди, юмушларни икки йилда уҳдалаб қайтгоймиз, деган умидда эрдим. Турон ўрнига Бағдодга бормоққа мажбурмен... Ажабо, сени нимадир тутиб оладир-да, зинҳор қўйиб юбормайдур. Кўринмас занжирни пора-пора қилиб ташлай дерсен, қудратли эрсанг-да, чорасизсен, ожизсен... Сирли сандиқни топсам эрдим, топсам эрдим... Бу қандай замондурки, юртнинг султонидурсен, аммо эркинг ўз қўлингдамас, Мамаат...

Соҳибқироннинг сирдош мулозими ҳам бу нарсани тушунмайди, бирон сўз кўшинга ўзини ожиз фаҳмлайди. Назарида, ҳозир рўпарасида кенг дунё деб аталган, аслида тор қафасга қамаб қўйилган, ёриб чиқишни истаб, ўзини у ёқдан-бу ёққа ураётган ҳайбатли занжирбанд арслон турарди...

Амир Темур кўшини ўша куннинг эртасига чошгоҳга қолмай, Бағдод шаҳрига қараб йўналди.

*Давоми келгуси сонда.*



## Эзгуликка кўйгин ЭЪТИҚОД

Қамбар Ота

\* \* \*

Энг ширин сўзларим атаб тераман,  
Бир кун кўринмасанг, тушда кўраман,  
Юрагим дурларин сенга бераман,  
Бебаҳо гавҳарим тез-тез кўрингин,  
Тунларим ёритган юлдуз кўрингин.

Кунлар ўз майлича елаверади,  
Юрагим соғинчга тўлаверади,  
Сен билан гаплашгим келаверади,  
Сўзлари ёқимли гулюз кўрингин,  
Севимли дилкашим, тез-тез кўрингин.

Бир лаҳза кўрмасам, дунё кўринмас,  
Юрагинг куйисиз дарё кўринмас,  
Меҳрингинг нурисиз зиё кўринмас,  
Қалбим осмонида ойим кўрингин,  
Соғинганим билиб дойим кўрингин.

Суратинг кўзимдан кетмагай, асло,  
Сенсиз қалб муродга етмагай, асло,  
Васлингсиз кўчангдан ўтмагай, асло,  
Қамбаринг йўлида пешвоз кўрингин,  
Ҳаёлламай бир дам гулноз кўрингин.

\* \* \*

Тайёр бахтни ҳеч кимга ҳеч бир одам беролмас,  
Ўзгаларга суянган ўзи бўлиб юролмас.  
Ёр юракдан урмаса, севиб кўнгил қўёлмас,  
Диллар-дилга қонмаса, висолга ҳеч тўёлмас.

Ишқ гавҳарим сараси омад олиб келмадинг,  
Ёлиб севган юракнинг қадрин, асло, билмадинг.  
Тақдир бўлди бешафқат, кўнгил кетди бурилиб,  
Бахт адашиб йиқилди, қалб дарз кетди суриниб.

Севган юрак ҳеч қачон севмас дилга ишонмас,  
Қўшилмаган тақдирни ҳеч ким зўрлаб қўшолмас.  
Кетсанг, ширин дамлардан эзгу ният олиб кет,  
Севар бўлсанг, бир умр қучоғимда қолиб кет.

\* \* \*

Фариштам, о, фариштам,  
Ишқимга ишқ риштам,  
Юрагимга қатишган  
Умримга чирой каштам.

Асло, йўқдир қиёсинг,  
Ҳаётимнинг зиёси,  
Бахтимни ардоқлаган  
Қалбим меҳр гиёси.

Ёниб турар узоринг,  
Кўрмай, асло, озоринг,  
Мангу покиза қолсин  
Севгинг, номусинг-оринг.

Фариштали малагим,  
Гўзалим — камалагим.  
Ғуборлардан йироқ бўл,  
Сендан ёлғиз талабим.

\* \* \*

Қаримоқ хос фақат одам наслига,  
Дегувчи зотларнинг фикри ноўрин.  
Оламда ҳар мавжуд қарир, аслида,  
Ҳаёт ўтиб борар сирли, яширин.

Ёшсан, вужудингда умр гуллайди,  
Унутма, ёнингда қариганларни.  
Соғ, бардам бўлмоқни ҳар ким ўйлайди,  
Шод қутла дардлардан ариганларни.

Кўзимиз ўнгида, бахтимиз суйган  
Не улкан бинолар қариб боради.  
Бизни юксакларга кўтариб қўйган  
Беминнат зиналар ҳориб боради.

Ерга чўкиб ётган, ҳў, пойдеворлар,  
Кўҳнарған оғриқдан чекиб озорлар,  
Букчайиб, увалған пахса деворлар,  
Тўсиқ бўлиб ўтган умридан зорлар.

Текис темир йўлда поезд ҳам қарир,  
Ҳориб, издан чиқиб кетар гоҳида.  
Мадори етмасдан, қисмати оғир,  
Вагонларга жабр этар гоҳида.

Бир вақтлар фазога ўшқириб учган,  
Қариб толар экан тайёралар ҳам.  
Ўз оламин севиб бағрига кўчган —  
Эҳтимол, уф тортар сайёралар ҳам.

Океан қўйинини яратиб, сузиб,  
Баҳайбат кемалар қариб қоларкан.  
Парвариш топмаса, тенгираб кезиб,  
Жаҳаннам қаърига бориб қоларкан.

Қарийди осмонни тутган зўр устун,  
Тўсатдан суянчга ярамай қолар.  
Пайт етса, қарийди энг бағри бутун,  
Қўлидан иш келмай мудраниб толар.

Қарилик — беҳосдан келган ожизлик,  
Ҳайҳот, у йўқликка кетган қувватдир.  
Қарилик нозикдир, бола рамзлик,  
Қарилик тушларда қолган қудратдир.

Ҳаётнинг бордир ўз ҳисоб-китоби,  
Қарилик кечган умр силсиласидир.  
Чиқиб қолар бўлса бирон азоби —  
Ўтган хатоларнинг ҳосиласидир.

Бошларга солмасин қарилик ғурбат,  
Жуда эрта келди дея танг қолманг.  
Гўзал, файзли қаринш энг катга омад,  
Пири комилликнинг касрида толманг.



\* \* \*

Қалбдан эзгуликка қўйгин эътиқод,  
Садоқатдан ошир узлуксиз савод.  
Бир ҳарфдан ўзгариб сендаги хислат,  
Забт этади ўзинг билмаган қисмат.  
Эҳтимол, кучли деб менда диёнат,  
Қилиб юрган бўлма, зинҳор, хиёнат.

\* \* \*

Ой ҳам гувоҳ, кун ҳам гувоҳ,  
Бу севгимга тун ҳам гувоҳ.  
Мушк анбаринг бўйнимга сол,  
Боғлаб қўйсин бизни висол.  
Ишқ ўтида ёққин, э воҳ,  
Ёнай, севгим бўлсин гувоҳ.

— ФИКР ҲИМОНИДАН ДУРЛАР —

\* \* \*

Билим — қайтариш ва такрорлаш мевасидир.

*Беруний*

\* \* \*

Инсон ақлига чек йўқ. У бир ерда тўхташни ҳам,  
хотиржамликни ҳам билмайди, тобора олға ингилаверади.

*Бекон*

\* \* \*

Саховатнинг энг буюк жасурликлари Ватанга муҳаббат  
туфайли юзага келган.

*Руссо*



## ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ТАҚДИРЛАР

**Одил Ёқубов,**

Ўзбекистон халқ ёзувчиси

# ЙИЛЛАР ШУЪЛАСИ

Мен илк қиссам «Тенгдошлар»ни хитойларнинг Порт Артур деган миттигина, аммо жуда кўркам шаҳарчасида ёзганман. Китобхон бу одам ер куррасининг энг чеккасидаги бу шаҳарга қандай бориб қолган, деб ҳайрон бўлиши мумкин. Бунинг ўзига хос тарихи бор. Минг тўққиз юз қирк тўртинчи йил кузда қишлоғимиздан 25-30 йигитни армияга чақирдишди. Шунда раҳматлик волидамни йиғлатиб, ёшимга бир ёш қўшиб, армияга кетганман.

Ана шунда бир шаҳардан иккинчисига, иккинчисидан учинчи шаҳарга кўчиб юриб, охири Узок Шарққа, ундан Мўғулистонга бориб қолганман. У ерда қўл-оёғингизга кириб кетса, чаён чаққандай оғриладиган чақир тикан ўсадиган, мўғулларнинг Гоби чўлидан пиёда юриб, бир ўлиб, бир тирилиб, Хинган тоғига бориб қолдик. Тоғ деганлари осмони фалакни тираб турадиган қум тоғлари экан. Унинг азоби тиканзор чўлдан баттар бўлди. Чунки олиб кетаётган барча аслаҳа-анжомларимиз – қурооллардан тортиб оғир замбарак ва ҳатто танкларгача – ҳаммасини ўша қум тоғлардан олиб ўтиш яна шўрлик аскарлар зиммасига тушди.

Қуроолларга арқон боғлаб, «Олдик! Яна олдик!» – деб бақира-бақира қум тоғ тепасига чиқамиз. Бу тоғларда тортиган азобимиз олдида Гоби чўлида чеккан изтиробларимиз ҳолва экан. Чунки тоққа судраб чиққан оғир техникани тоғ чўққисидан ерга олиб тушишнинг фақат битта йўли бор экан. Уларга арқон боғлаб судраганимизда ва ҳар қаламла настидаги жарликка йиқилиб, йўқ бўлиб кетиш хавфи бошимиз узра гир айлашарди. Лекин чеккан бу азобларимиз беҳуда кетмади. Биз шундай кўркам боғлар туташган гўзал бир водийга тушдикки, чеккан азобларимиз бир-икки кундаёқ ёддан кўгарилди. У ерда қизил вагонларга чиқиб, йўлни давом эттирдик ва шундан кейингина Порт Артур деган шаҳарга кириб бордик.

Кунлардан бирида турган жойимизга бир гуруҳ зобитлар келди. Улар орасидан ўта фасон бир майор чиқиб:

– Русчани яхши билар экансан, қаерда ўргангансан? – деб гап бошлади. Мен тўртинчи синфгача рус мактабида ўқиганимни, ундан кейин руслар билан ишлаганимни айтиб бердим. Шунда майор ёрдамчисига қараб:

– Сен бу йигитдан диктант олиб кўр, яхши чиқса штабга оламыз, – деб қолди.

Ёрдамчи бир бет диктант олди. Хато чиқмади шекилли, камина дивизия штабида котиб бўлиб хизмат қила бошладим... Қолган гаплар «Излайман»ни ўқиган китобхонга маълум...

Бир-икки машқларимни Тошкентга жўнатган эдим, хат келди. Хатта Мирзакалон Исмоилий қўл қўйган эди. Хатда айгилинича, бир қиссам яхши баҳо олибди ва «Шарқ юлдузи» журналида босиладиган бўлибди. Бу орада менинг ёшимдаги аскарлар ҳам хизматдан бўшадилар.

Мен уйга қайтгач, онамдан ўқишга рухсат сўралдим. Ойимлар – ладамлар қамалгач, беш болани одам қилган аёл бир оғиз ҳам нола қилмай, оқ фотиҳа бердилар. Шу билан Тошкентга келиб қолдим.

Кушлардан бирида мени болалар шоири Пўлат Мўмин қидириб келди ва Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Қаҳҳор йўқлаётганини айтди.

Билмадим, бошқа бир алиб шундай вазиятда нима қиларди. Кечаси билан ухламай, эрталаб айтилган вақтда уюшмага етиб бордим.

Абдулла ака сочлари, хатто қоширигача ошпоқ, келишган одам эканлар. У киши ўқиётган газеталарини бир чеккага суриб, мен билан кўришдилар, сўнг:

– Мен сизни катта, барваста одам деб юрсам, ҳали ёш бола экансиз-ку! – деб кулдилар. – Мана, «Тенгдошлар» деган қисса ёздингиз – «еса» бўлади. Ундан кейин ҳам беш-олти ҳикоялар ёзиб ташладингиз. Уларни ҳам «еса» бўлади. Бу ёғи яна неча йил ўқийсиз?

– Бир йил қолди, – дедим.

– Жуда яхши. Биз сизни ишга олмоқчимиз. Университетга ҳафтасига бир марта кўриниб қўйсангиз етади, – дедилар. – Сиз Ҳаким Назирга учрашинг. У нима билан шуғуланишингизни тушунтириб беради.

Маълум бўлинича, уюшмага насер бўйича маслаҳатчи бўлиб тайинланган эканман. Мендан таниқари яна тўрт киши – Миртемир ака, Шухрат ака, Ваҳоб Рўзиматов, Пўлат Мўминлар ишлар экан. Мен бешинчи бўлдим. Иш кўп эмас. Асосан асар кўтариб келган ёш алибларнинг қўлёзмаларини ўқиб, маслаҳат берар эканмиз. Маош ойига бир минг саккиз юз сўм. Стипендия билан кўшиб ҳисоблаганда икки мингдан ошиб кетади. Ошиб-тошиб ётган иш ҳам йўқ. Камина асосан ҳикоянавис ёшлар билан ишлайман. Илк қадамларимни эслаб, уларга қаттиқ гапирмайман. Тўғри маслаҳат беришга ҳаракат қиламан, бўш вақтимни эса университет кутубхонасида ўтказаман...

Ўша маҳалда уюшмада кўзга кўринадиган ишлардан бири ёш ёзувчилар семинари эди.

Рост, дастлабки пайтларда семинарга бор-йўғи ўн беш-йигирма қиз-йигит қатнашар, улар маслаҳатчилардан бири раҳбарлигида ўз шеърларини муҳокама қилишарди. Мен ишга боргандан кейин Москвада аспирантурада ўқиётган Озод Шарафилдинов семинар ишларига бошқача руҳни олиб келди. Ёш адиблар асарларининг муҳокамалари жонли ва қизиқарли ўтадиган бўлди. Бунга яна бир сабаб – Озод семинар машғулотларига ўша маҳалдаёқ номлари чиқа бошлаган Матёқуб Қўшжонов, Умарали Норматов ва бошқа ёш танқидчиларни тортди. Оқибатда семинар фақат ёшлар асарлари эмас, «классик»ларга ҳам тегадиган, уларнинг асарларини ҳам ёшларга хос жўшқинлик билан муҳокама қиладиган бўлди. Ингирокчилар кўпчилигидан залда стул етмай дераза рашига ўтириб оладиган бўлишди.

\* \* \*

Айни баҳор эди. Худди ўша кунлари улуғ санъаткоримиз Ҳалима опа Носирова олтинга тўлган эканлар, улар билан бирга Наманганга бориб қолдим.

Эртаси кунни вилоят театрида Ҳалима опанинг катта концерти бўлди. Ўшанда мен Ҳалима опанинг фақат улуғ санъаткоригина эмас, буюк инсон ва истеълодли нотик эканига ҳам гувоҳ бўлдим.

Театрда одам тирбанд. Жой етмаганидан кўнлар тикка туришибди. Ҳалима опа машҳур операдаги Беатриче деган ўн олти яшар қиз ролида чиқдилар. Ролни ижро этишдан аввал, залга мурожаат қилиб:

Азиз опа-сингилларим, ака-укаларим! – деб хитоб қилдилар. – Мен Беатриче деган бу ёш хизматкор қиз ролини дастлаб ижро этганимда ўзим ҳам худди ўшандай ёшда эдим, Мана энди олтмишга кириб, камшир бўлиб қолдим. Шундай бўлса ҳам, Беатриче ролини ҳануз ўйнаяпман. Сизлар кўзларингизни чирт юмиб, илгариги Ҳалима опаларингни кўз олдиларингга келтириб эшитинглар ашулаамни...

Шу гапдан кейин Ҳалима опа, «хўжайинлари» ичирган шаробдан маст бўлиб қолган Беатриченинг кўшигини шундай бетакрор бир жозоба билан куйладиларки, залда кўнлар (улар орасида камина ҳам) кўзларига ёш олиб эшитди.

Кўшиқ тугагач, зал тўла томонабин, худди биров буйруқ бергандай, бир талпинишда ўринларидан туриб, узоқ қарсак чалди...

Эртасига вилоят маркази яқинидаги бир хўжаликда Ҳалима опа билан учрашув белгиланган экан. Мен газетага ахборот беришим керак бўлгани учун бу учрашувга ҳам бордим.

Учрашув кечаги концертдан ҳам баланд руҳда ўтди. Биттагина жамоада юзга Ҳалима бор экан. Улардан ярми саҳнага чиқиб, Ҳалима опани гулдастага кўмиб ташлашди. Шунда опамизнинг ўзлари ҳам кўз ёшларини яшира олмай, ҳар бир Ҳалиманинг пешонасидан ўшиб, шакар тилида айланиб-ўргилганларида кўнлар яна кечагидагидек кўз ёшларини тиёлмай қолди.

Кейинчалик мен ўша маҳалла ёзилган очеркларимни алоҳида тўплам қилдим ва унга «Бир жамоада юз Ҳалима» деб ном қўйгач, бир нусхасини опага тақдим қилдим.

Опа ҳаммани лол қолдирадиган ширин тилида ташаккур айтиб, пешонамдан ўпдилар. Мен ҳануз журналист дўстларимга бу улуг сиймоларни бот-бот эслаб, айтган қўшиқлари, яратган бетакрор образларидан ибрат олиш кераклигини суҳбатларда эслатиб тураман.

\* \* \*

Москвада ўзбек адабиёти анжумани ўтаётган кунлар эди...

«Литературная газета» мени ўша вақтдаёқ анча доврўғ қозонган машҳур танқидчи Лев Аннинскийга қўшиб қўйган. Мен ўзбек адабиёти амжуманидан, шафқатсиз танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтган мунозара ҳақида ҳисобот ёзишим даркор. Бу иш нақалар оғир ва ҳатто «хатарли» эканини ўшанда билганман. Ёлғон ва ноҳақ мақтасанг, муаллиф ва бошқалардан балога қоласан, ноҳақ танқид қилсанг, муштанлиб кетишинг ҳам ҳеч гап эмас.

Анжуманда энг катта мақтовни «Синчалак» олди. Уни Константин Симонов таржима қилган. Михаил Шолоховнинг шафқатсиз танқидидан кейин Симонов Тошкентга кўчиб келиб, сўнгги романини ёза бошлаган, Москвада обрўси баланд. Абдулла Қаҳҳордан кейин биринчилиқни Зулфия опа олдилар. Опалардан кейин Миртемир ака, Шукрулло (унинг достони «Огонёк»да чоп этилган), Пиримқул Қодиров («Уч илдиз» романи) ва ҳоказо. Ҳаммани санаб чиқаман десанг, на қоғоз етали, на сиёҳ!

Кечқурунлари асарлари мақталганлар театр ва концертларга тунишадди, танқидга гирифтор бўлганлар эса ресторанларга кириб, ҳасратланиб ўтиришадди. Не чора? Ҳаёт ҳам, адабиёт ҳам шундай шафқатсиз бўлса, нима қиласиз. Тинни тишга қўйиб бўлса ҳам чидайсиз, бошқа илож йўқ! ...Адабиёт

анжумани ниҳоялаб борарди. Газетада ўзбек ижодкорлари номидан ким раҳматнома ёзади? Валентина Панкина:

— Анжуманда ким кўп мақталган бўлса ўша ёзувчи ё санъаткор ёсин. Шунда адолатли бўлади, — деб туриб олди.

Бу одам эса Абдулла Қаҳҳор эди. Абдулла ака Кибриё она билан «Москва» меҳмонхонасининг шинам хонасида яшарди. Мен меҳмонхонага бориб, Панкинанинг тапини айтган эдим, Абдулла ака хурсанд бўлдилару, лекин «Мен мақтовлардан шишиб кетиб, гаранг бўлиб юрибман. Миямга яхши бир гап келмаяпти, — дедилар.

Абдулла ака иккимиз ўтириб бир нималарни қораладик. Абдулла ака ўқиб, у ёқ-бу ёғини тuzатдилар-да, қўл қўйиб бердилар.

\* \* \*

...Кунлардан бирида шоир Шукрулло телефон қилиб колди:

— Тошкентга Чингиз келибди. У «Тошкент» меҳмонхонасида экан. Мен меҳмонга чақирдим, у келадиган бўлди. Пиримқулни олиб кел, гаплашиб ўтирамин.

Мен у пайт Чингизни яхши танимас эдим. Пиримқул яхши биларди, улар Москвада тапинган эканлар. Мен унга телефон қилдим. Шукруллонинг илтимосини айтдим. У жон-жон деб рози бўлди. Уч киши бўлиб, шоирнинг уйига кириб бордик. Шунда Чингиз Шукрулло акадан нима ёзясиз, оксоқол? — деб сўради.

— Мен худди шу бугун янги дostonимни тугатиб, нуқта қўйдим, — деди шоир.

— Бўлмаса, бир бобини ўқиб беринг, палов олдилан шўрва бўлсин, — деди Чингиз.

Шукрулло ака ҳам худди шуни кутиб турган эканлар, дарҳол ўқишга киришиб кетди.

Эски шаҳарнинг эски ҳовлиси. Лекин бу эски ҳовлининг ўзига хос бетакрор бир гўзаллиги бор. Ҳовли ўртасида катта сува. Сува атрофида садарайҳон ва гулгожихўрозлар ўсади... Кечалари бу гул ва райҳонлар билан шамол ўйнашади. Шунда бутун ҳовли гул ва райҳон ҳидига тўлади.

Парча Чингизга маъқул бўлди. У шоирнинг янги асарига оқ йўл тилаб, қадаҳ кўтарди. Мен эсам, ўқилган парчани газетада эълон қилиш учун чўнтагимга солволдим.

Ўртасига Пиримқул иккимиз Чингизни кузатиб қўйдик. Орадан бир хафта ўтар-ўтмас Шукрулло дostonининг парчаси Чингиз ёзган сўзбоши билан бир бет бўлиб, газетада чоп этилди. Гарчи, Шукрулло дostonи тўлиқ босилмаган бўлса ҳам, газетхонлардан табриклар келди, хатлар ола бошладик.

\* \* \*

Кунлардан бир кун истеъдодли ёзувчимиз Шукур Холмирзаев:

— Юринг, Одил ака, Бойсун томонларга бориб келайлик. Сизни Бойсун тоғларига олиб чиқамиз, биз томонларнинг одамлари ҳам бошқача: тўғрисўз, мард ва чапани. Уларни кўрасиз, танишасиз, хуллас, ўйнаб келамиз, — деб қолди.

Таклиф менга ёқди, чунки ундан беш-олти ой аввал мен Қашқадарёга бориб, у ердаги газ кончилари ҳақида «Чори Умировга ёрдам берайлик» деган мақола ёзгандим. Мақола раҳбарларга ҳам, газетага ҳам ёққан эди.

Биз уч киши — камина, Шукур Холмирзаев ва ўша маҳалда яхши шеърлари билан тилга туша бошлаган Усмон Азим йўлга отландик.

Қаршигача поездда бордик. Қаршида ёш дўстларимнинг оға-инилари кутиб олишди, пачақроқ бир «Виллис» топиб келишди ва биз Бойсун томон йўлга тушдик. Ҳали асфальт қилинмаган нотекис йўлдан машинада

сакрай-сакрай Бойсунга қош қорайганда аранг етиб бордик. Борсак, валавант тўй. Ҳар жой-ҳар жойда гулхан ловуллайди, карнай-сурнай, чилдирма, лўмбира, ашула осмону фалакка етган.

Шукур негалир тўй ҳақида лом-лим демаган эди. Борганда, билсак, жиянларининг ўгил тўйи экан. Мен койиб, «айтсанг бўлмайдами, совғасалом олармидик» десам, Шукур:

— Кўявсеринг, бизнинг келишимиз ўзи улар учун катта совға, — деб мени тинчитди.

Ўзбекчилик. Бир зумда Шукурнинг тоға-жиянлари, амма-холалари ёпирилиб келишди, Шукур билан Усмонни қучоқлаб ўшишди, айланиб-ўргилишди. Бу ширин сўзлардан камина ҳам бебаҳра қолмадим. Уларла қучоқлашиб кўришиш одат экан.

Бир зумда ўтлоққа гилам ёзилиб, кўш-кўш патнисларда нимта-нимта гўшт, патир ва бўғирсоқлар келди. Кўк чой десангиз, кўк чой, «оқ чой» десангиз, оқ «чой»...

Усмон ўша маҳалла доврўғ қозонган «Бойччаг»ини ўқиб, олқин олди. Шукур эса, сўз берилганда ўзи ҳақида гапириш ўрнига мени осмон баробар мақтаб (унинг бундай мақташини биринчи бор кўришим, унга камдан-кам ижодкор ва камдан-кам асар ёқар эди), сўз навбатини каминага оширди. Мен бунақа тўйни биринчи кўришим, биз томонларда тўйлар бошқача ўтарди.

Мен, албатта, тўй эгасига ташаккур билдириб, икки ёш дўстларим ижодини кўкларга кўтардим.

Эртасида Шукурнинг волидаси, ўша маҳалда олғмишларга бориб қолган бўлса-да, ҳамон кўҳлигини йўқотмаган аёл дастурхонни сузма дейсизми, коса-коса қаймоғу ҳозиргина узилган патир нон дейсизми, тўлдириб қўйиб, Шукурнинг бош томонида ўғлига тикилиб ўтирган экан, қайта саломлашдик. Онаизор нимани истайди? Мендан ўғлининг ишлари, оиласи, фарзандлари ҳақида сўради.

Набираларини роса соғинган эканлар, уларни эслаб кўзларига ёш олдилар. Мен Шукурнинг келажаги порлоқ, истеъдоди ноёб эканини айтиб, онаизорнинг кўнглини кўтариб қўйдим. Онаизор, илойим, айтганингиз келсин, деб дуо қилдилар.

Барча оналарнинг тууроғи бир жойдан олинган экан-да, дедим ичимда, ўз волидамни эслаб. Йўлга чиқаётганимизда Шукур Бойсунда бир катта лейтенант дўсти борлигини, у ашаддий овчи эканини айтганди. Нонупта пайтида Шукур айтган катта лейтенант ҳам кириб келди. У жуда бақувват ва ҳунсурат йигит экан. Устига устак, ичи тўла латифа экан.

Шу кун учун режа туздик. Мен авваламбор шаҳарни, аввало баъзи корхоналар, мактабларни кўрсакмикан, деган эдим, катта лейтенант:

— Шаҳар ҳеч қаёққа қочмайди, уни эрта-индин ҳам кўраверасизлар. Бугун тоққа чиқайлик. Мен машинама битта серка ташлаб қўйганман. Уни Худо йўлига сўйиб, кабоб қиламиз, қуён овлаймиз, — деб туриб олди.

Бу таклиф ҳаммага ёқди. Шу билан машинага кигиз-шигиз, қозон-товоқ, болта-молта солиб тоққа йўл сурдик.

Шаҳардан чиққач, сал ўтмай эски тапландиқ уйга дуч келдик. Биз яқинланганимизда ундан бир гала қаптар учиб чиқиб, осмонга парвоз қилди.

Катта лейтенант дарҳол сакраб тушиб, бир-икки марта милтиқ отди. Ўқ теккан қаптарлар тап-тап этиб ерга тушди. Биз бу манзарага маҳлиё бўлиб анграйиб қолган эканмиз, тўсатдан машинада қолган шофёр:

— Э вой, кетди! Қочди!—деб бақириб колди. Бушдоқ қарасак, катта лейтенантнинг серкаси машинадан сакраб тушиб, ортда қолган ялангликда югургилаб кетяпти.

Серканинг орқасидан биринчи бўлиб, катта лейтенант югурди, унинг кегидан шофёр, Усмон ва Шукур чопди. Мен на чопишни, на қолишни билмай анграйиб туравердим.

Бир маҳал тўрт «овчи», оғизлари қулоқларида, шўрлик серкани судраб қайтишди. Йўлда давом этдик. Сал ўтмай йўл чапга бурилиб, пастлаб кетди ва шарқираб оқаётган бир ариқча луч келдик.

Тол ва тераклар билан қурналган каттагина сой ёқасида бир юк машинаси турар, дарахтлар соясида беш-олтита ҳарбийлар ичишиб, чақ-чақлашиб ўтиришарди. Бу манзарани кўриши билан катта лейтенант:

— Браконьерлар! Ҳужжатсиз ов қилиб юришибди! Ҳозир текшириб кўрамиз! — деб қолди. Биз бир фикрга келгунимизча у ерга сакраб тушди. Биз ҳам эргандик.

Машинат қилиб, ёнбошлаб ётганлардан бири — алпқомат, турқи совуқ ҳарбий (кейин билсак полк командири экан) биз томон юриб:

— Хўш? Нима гап ўзи? — деб ўдағайлади. Орқасидан етиб келган бошқа майор бизни юмшатмоқчи бўлиб:

— Хўш, нима гуноҳ қилдик? — деб сўради.

— Ҳеч гап йўқ! Ҳужжатларингизни кўрсатингизлар! — деди катта лейтенант. — Ҳозир ов вақти эмас! Қани овчилик ҳужжатларингиз? Қани ов қилишга рухсатнома?

— Қанақа ҳужжат? Қанақа рухсатнома? — деди подполковник газабдан хириллаб. — Автоматни бер, Алёна! — деб қичқирди у аскарларнинг бирита. — Мен ҳужжат қанақа бўлишини кўрсатиб қўяй буларга...

Бу орада машинага сакраб чиққан бизнинг шофёр юк машинасидаги куруқ пичанларни тешкилаб, ҳарбийлар отган қуёнларни ерга ташлай бошлади: бир, икки, уч... қуёнлар сони ўн битгами, ўн иккитагами етди. Буни кўрган подполковник:

— Биз четарани кўриқлаётган ҳарбийлармиз! — деб хириллади. — Бизни тергашга ҳақларинг йўқ! — У бақирганча автоматни қўлга олган эди, хайрият, етиб келган майор командирини маҳкам кучоқлаб олди.

Шунда каминга ҳам муҳбирлигим эсимга тушиб, чўнтагимдан гувоҳнома чикардим.

— Мен «Литературная газета»нинг махсус муҳбири бўламан, — дедим, ўзимни дадил тутишга ҳаракат қилиб. — Агар биз билан тўғри муомала қилмайдиган бўлсангиз, мен эртага ТуркВО раҳбарларига мурожаат қиламан. Ана ўшанда кўрасиз ким-кимга кўрсатиб қўяркан?

Шукур бўлса, ўзбекча-русча сўзларни аралаш-қуралаш қилиб, бўралаб сўкинарди.

Қисқаси, «Литературная газета»ни эшитгач, бошда ҳовлиқиб, автомат кўтарган подполковник бирдан паст тушди.

Уни кучоқлаб олган майор, — кейин билсак, у сиёсий ишлар буйича полк командирининг муовини экан, — бу қалтис машмашадан тезроқ қутулиш кераклигини тушунди шекилли, командирини зўрлаб ўз машиналарига ўтказди. Бизга отилган қуёнларни ҳадя қилмоқчи бўлди, лекин биз, гуруримиз устун келиб, унинг таклифини рад этдик.

Шундан кейин омадсиз овчилар шаҳар томонга, биз эса тоққа қараб кетдик.

Ўша кунни биз тоғ ён бағирлигидаги арчазорда серкани сўйиб, дам олдикда, хушнуд кайфиятда, Бойсунга қайтиб келдик. Бизнинг ишимиздан,

айниқса, Шукур хурсанд бўлиб, боши осмонга етди. Унинг қалами ўзига хос, асарлари на тенгдошлари ва на классикларимизникига ўхшайди.

У бир ёмон кўриб қолган одамани узоқ вақт ёнига йўлатмас, хуш кўрган адиб ва санъаткорларни умрининг охиригача яқин олиб юрарди. Ўша сафардан кейин биз жула қадрдон бўлиб колдик. Камина етмишга кирганимда, у мен ҳақимда «Ўзбекнинг Чингизи» деган мақола ёзди. Нега шундай ном кўйди — билмадим. Бир сафар сўрасам:

— Ҳа, биз ҳам ўзимизни камситавермайлик-да, — деди одатдагидай ўдағайлаб, — нима, мақолам сизга ёқмадимми?

— Йўқ, нега ёқмасин? Мақтов кимга ёқмайди? — деб кулдим.

— Ҳа, шундай денг! Мен бўлсам сизга ёқмабди-да, деб ўйлабман!..

Қабрингда тишч ёт, укажон!

\* \* \*

Бу орада камина ҳам элликка кириб қолибман.

Менинг элликка киришим ҳам галати ва ҳеч кугилмаган бир воқеадан бошланган.

Ноябрь байрами арафаси. «Литгазета»даги эски раҳбарим Валентина Панкина кетиб, ўрнига Ахиёр Ҳақимов деган бошқирд ёзувчиси келган. Ўша куни у менга кўнгироқ қилиб, газетанинг байрам соғи етиб бордим, ўқидингми, деб сўради.

Байрам соғи ҳали етиб келмаган эди.

— Бугун бўлмаса, эртага етиб боради, ўқи, бошинг осмонга етади, — деди Ахиёр.

Мен: — Нима гап ўзи? — деб сўрасам, Ахиёр:

— Йўқ, айтмайман, газетани ўзинг ўқиганинг яхши, — деб кулди-да, алоқани узиб кўйди.

Қани энди кеч бўлса-ю, тонг ота қолса!.. Бир бало қилиб тонг отгирдим-да, газетанинг уйга келишини ҳам кугмай, почтага югурдим. Газетани олиб очсам... ижодим ҳақида катта мақола! Гап мақолада ҳам эмас, энг муҳими — мақолани Чингиз Айтматов ёзган! У асосан «Улугбек хазинаси»ни таҳлил қилиб, асарга ижобий баҳо берган. Улугбекни эса Коперник, Галилейлар қаторига қўшган.

Умримда бунақа мақтов эшитмаган одам, тўсатдан елкамга кўнган «бахт кўпи»дан оламга сиғмай уйга чопдим. Эшикдан киришим билан телефон жириглади, гўшакни олсам... дўстим Озод!

Озод «Улугбек хазинаси»га юксак баҳо берганлардан бири эди. Фикрлари Чингизнинг фикрлари билан уйғун келганидан у ҳам хурсанд бўлди.

Ўтган асрнинг 60-йиллари. Эндиликда кўркам шаҳарча бўлган Чилонзор мисли кўрилмаган улкан қурилиш майдонига айланган. Кўп қаватли бинолар мисоли, кўзиқориндай говлаб, осмону фалакка бўй чўзган. Ундан ҳам муҳими — бу уйлардан ёзувчилар, олим ва санъаткорлар ҳам баҳраманд бўлган. Шундай кунларнинг бирида:

— Уйимизга Озод Шарафиддинов деган олим кўчиб келяпти. Буюмларидан китоблари кўп. Бир машинага сиғмайди! — деган гаплар қулоғимга чалинди.

Мен Озодни яхши билардим. У Москвада яқинда диссертация ёқлаб, диплом олиб келган ва Ёзувчилар уюнимасида тузилган ёш адиблар семинарида ишгирок эта бошлаган эди.

Шоша-пиша ҳовлига тушдим. Озод бўй-баста келишган, хушқад, хушсурат йигит эди. Фақат сочлари тўкилиб, боши ялтираб қолган. Озод бу ҳақда:



— Ақлли сочларим тентак бошимда ўсинни истамай, уни тарк этияпти. Не чора! — деб кулиб гапирарди. Кейин билсам Озод кулги деганда ўзини томдан ташлайдиган кувноқ инсонлар тоифасига кираркан.

У мени кўриб:

— Э, сиз ҳам кўчиб келганмисиз? Яхши бўпти. Кўшничилик қилар эканмиз, — деб кулди-да, шу заҳотиёқ уйга таклиф килди.

Ўшанда Озодга, кўп фарзандли оила бошлиғи эканини ҳисобга олиб, уч хонали уй берилган эди. Биз кирганда Озоднинг рафиқаси Шарофатхон билан қизи Муҳаббатхон, ўғиллари Фарҳод ва Алишер китобларни жавонларга тераётган экан, Озод рафиқаси Шарофатхонга:

— Мана, кўшнимиз Одил бизни табриклаб келибди. Бу йигит Ёзувчилар уюшмасида катта мансабда. Бизга асқотади ҳали! — деди-да, ўзи дарҳол дастурхон ёза бошлади.

Кейинчалик «Жаҳон адабиёти» журнали таъсис этилганда муҳтарам Президентимиз бош муҳаррир лавозимига Озодни таклиф этгани кўпчиликка маълум. Шунда Озод Ислом акага:

— Муҳаррирлик жуда қийин соҳа-ку, Ислом Абдуғаниевич, балки мендан бошқа одамни топарсизлар, — деганда Президентимиз:

— Мен биламан, сиз ишнинг кўнлигидан эмас, аксинча, иш озлигидан азият чекадиган инсонлар тоифасига кирасиз. Сиз ишни бошлайверинг, соғлигингиз ҳақида биз ўйлайлик, — деганини Озод кўп эслаб:

— Бундай юксак ишончдан сўнг мен бу таклифни қандай рад этардим, — дерди. Ҳақиқатан, Озод «Жаҳон адабиёти» журналига бутун ақлу заковатини бағишлаб ишлади. Ҳатто оғир касаллик гинпа бўға бошлаганда ҳам у таслим бўлавермади, аксинча, ишга қаттиқ шўнғиди, ишдан ҳаловат қилдирди. Ҳеч ёдимдан чиқмайди, бир куни у телефон қилиб:

— Одил, бугун кечқурун мен Россиянинг элчисини таклиф қилганман, яхши одамга ўхшайди, Марямхонни олиб кел, гаплашиб ўтираемиз, — деб қолди.

Элчи ҳақиқатан ҳам вазмин ва камтарин инсон экан. Озод мендан ташқари Матёкуб билан Пириркул ва Эркинжонни ҳам чақирган экан. Яхши давра бўлди. Яхши гаплардан гапириниб, кулишиб ўтирдик. Фақат меҳмондорчилик давомида Озод уч тўрт марта ташқарига чиқиб-кириб турди. Мен уни дастурхондан кўнгли тўлмамай Шарофатхонга кўрсатма бериб кириб-чиқиб тургандир-да, деб ўйладим. Эртасига телефон қилиб:

— Озод, кеча жуда безовта бўлдинг-ку? Ё дастурхондан кўнглинг тўлмалими? — деб сўраган эдим, Озод уф тортиб:

— Э, дўстим, нимасини сўрайсан? Мана бу ёмон касал кеча яна хуруж қилиб қолди. Ҳар сафар еган-ичганларимни қайт қилиман. Томоғимдан овқат ўтмаяпти, — деб қолди.

Шунда мен азиз дўстимнинг чилами ва иродасига яна бир бор қойил қолдим. На чора? Бу кўргулик ҳам бор экан-да, бошимизда. Бошга тушганини кўз кўрар, дейди-ку халқимиз.

Озод шеърятни яхши кўрар, яхши билар, хушлаган шеърларини ёдга олиб, давраларда ўқиб юрарди. Лйниқса, Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов шеърларини ёддан ўқирди. «Ура-ура»чилик руҳига тўлиб-тошган шеърларни эса энсаси қотиб эсларди...

Озод, умуман, дабдабазликни, бошқалардан ажралиб туришни, иззатталабликни жини суймас эди. Бир сафар касалхонага тушганида Шарофатхон иккисини обрўли шифохонанинг алоҳида хонасига ётқизишган экан, бу жойлар Озодга жуда зерикарли туюлибди.

– Кечаси билан ухлай олмадим, – дебди Озод полиб. – Тонг отсин, ҳамма ётадиган хоналарга ўтиб оламиз. Кўлчилик билан бирга бўлганга не етсин!..

Озод устоз Абдулла Қаҳҳорни ўз отасидай ҳурмат қилар, у кишининг ижодини юксак баҳолар эди. Лекин шундай бўлса ҳам, у кишининг энг сўнгги асари «Синчалак»ка берилган юксак баҳога қўшилавермас, асарнинг энг позик нуқтаси муштдеккина қиз қудратли раис билан бўлган курашда голиб чиқишини ҳаёт ҳақиқатига зид, сохта конфликт, деб ҳисоблар эди. У ўз фикрини ёзган мақолаларида айтмаса ҳам, классик ёзувчи билан бўлган суҳбатларида устознинг ўзига ҳам бемалол айтаверар, устоз эса унинг бу фикрига қўшиладилми-йўқми, буни тушуниб бўлмас:

– Ҳа, энди биз ёшлар ҳаёти ва ички дунёсини яхши билмаймиз. Сизлар ҳақ бўлишларингиз ҳам мумкин, – деб қўя қоларди. Ҳаёт кейинчалик бу баҳсда буюк классигимиз эмас, Озод ҳақ эканини кўрсатди. Озод дўстликни ниҳоят қадрлар, дўстлар бошига бирор мусибат тушса, дарҳол етиб бориб, кўнглини кўтаришга уринар эди.

Сира эсимдан чикмайди. Онаизорим оламдан ўтганларида Озод ёнига шогирдлари Умарали, Иброҳимжон ва яна бир-икки дўстлари билан Туркистоннинг узоқ қишлоғида ўтган дафн маросимига етиб борган ва маросим тугатунча ёнимда бўлганди.

Озод, умуман, ёш олим ва алибларни яхши кўрар, ёшлар ҳам уни жуда ардоқлар эди. У вафот қилганида мотам маросимига келган ёш кекса одамлар кўчаларга сиғмай кетди. Улар шунчаки келиб-кетишмай, Чигатой қабристонигача марҳумни кузатиб боришди...

Биз дўстлари, ҳар йили Озод вафот этган кўни унинг хонадонига йигиламиз, ёдини хотирлаймиз. Шунда яна бир марта унинг бир уйга сиғмайдиган қутубхонасига қараб, бу хонадонда ўтган маросимлар, бўлган самимий суҳбатларимизни, энг муҳими – Озоднинг ўз халқига қилган улкан хизматларини эслаб, ҳайратга тушамиз. Озод орамизда, у барҳаёт...



## ФИКР УММОНИДАН ДУРАЛАР

\* \* \*

Ҳар кимсаки айламас ошуқмоқни хаёл,  
Яфроғни инак қилур, чечак баргини бол.

*Алишер Навоий*

\* \* \*

Шундай одамлар борки, улар сувга тушган хасдек ҳеч бир  
мақсадсиз дунёдан ўтиб кетадилар: сузишмайди, оқим уларни  
олиб юради.

*Сенека*

\* \* \*

Одамларни ўз олдиларига қўйган мақсадларига қараб  
баҳолаш керак.

*Миклухо-Маклай*



# АБАДИЙ НИДО

*Драматик достон*



**Муҳаммад Раҳмон**

## Муқаддима

Савр бошланади, безавол савр,  
 То поясигача гуллар акаслар.  
 Қумрилар саҳарни кутар бесабр,  
 Боғларни тўлдиран дилкушо саслар.  
 Боқар эски томлар ичикиб кўкка,  
 Боқар дурбин қилиб мўриларини.  
 Учиб кетгуси бор уларнинг тикка,  
 Тарк этиб тор ҳовли, сўриларини.  
 Бўғотга суйкалиб гуллайди ўрик,  
 Тарновлар бўғзида баҳорий наво.  
 Варрақлар шох ташлаб бошлайди кўрик,  
 Настарин атрига қоришар ҳаво.  
 Қалдирғоч вижирлаб шўнғийди настга,  
 Ерга урилгудек оқ тўши билан.  
 Қоқиғул мушт туга бошлайди аста,  
 Бор маҳобатию жунбуши билан.  
 Булут босиб келар дафъатан шитоб,  
 Олов шамширини чиқарар қиндан.  
 Ажиб мўъжизалар рўй берар шу тоб  
 Осмону фалакда, кўҳна заминда...

Кўп қаватли уй қарнисида темир гаражлар қатори. Чор-атрофни бошга кўтариб автосигналлар чинқирамоқда. Автоулов эгалари саросимада ҳовлиқиб настга тушадилар. Гаражларни очиб хотиржам бўлишади.

Ҳаммаси жойида. Автосигналлар ўчирилади. Кимдир бош чайқаб, кимдир елка қисиб, ҳамма уй-уйига тарқалади.

Гараж ва кўп қаватли уй ўртасидаги майдончада фақат Детектив лақабли йигит, Физик (ўқитувчи), Тақводор (домла имом), Учар (аслида, Кўчар, тижоратчи) қолишади. Улар соябонли ўриндиққа ўтирадилар.

### Учар

Ҳа, домла, уйқунгиз қочдими дейман,  
Хуфтонни бўлгансиз, чамамда, ўқиб?

### Тақводор

Бир марта машина ўғирлатганман,  
Ўша-ўша, иним, қолганман қўрқиб.

### Учар

Шалоқ машинага қолдими куни  
Сиздек мўсафиднинг? Айтаман бетга,  
Жанозасин ўқиб, топширинг уни,  
Топшириб юборинг, “Вторчермет”га.  
Тойдек гижинглаган машина бисёр,  
Шаргта бигтасини олинг-да, мининг.

### Тақводор

Айбга буюрмайсан, омилигим бор,  
Устахонами у “Вторчермет”инг?

### Учар

Чиқит темир-терсак корхонаси у,  
Жамланар у ерда бор темир-терсак.

### Тақводор

Шундай де. Йўқ, бизга ярашмайди бу,  
Гуноҳ қариликда йўрғалик қилсак.  
Эскиликка эски аравам, бироқ,  
Бозор-ўчаримга турибди яраб.

### Учар

Қори Ишкамбага берасиз сабоқ,  
Хаёлга толаман гоҳ сизга қараб.  
Нима кўп, маърака, қўша-қўша тўй,  
Чоллар измингизда мўлтираб кўзи.  
Қўлма-қўл юрасиз ҳар кун, уйма-уй,  
Йўқ сизда, домлажон, қорин қайғуси.  
Бош лаган сизники — бу қонун, йўриқ,  
Қази-қарта бари, аввал, сиз учун.  
Борган жойингиздан қайтмайсиз қуруқ:  
Сарпо, назри-ниёз дегандай, тугун...

### Тақводор

Оллоҳ марҳамати агарчи, ҳадсиз,  
Лекин бандасини, яъни, бизларни  
Яратмаган фақат еб ётиш учун.  
Қимирлаб турмасак бўлмайди, иним,  
Бекордан Худо ҳам безор, инчинун.

### Учар

Домла, топинг дейман озгина тиним,  
Гайратингиз ичга сиғмаса, бирор  
Енгилроқ юмушнинг бошини тутинг,  
Камтарлик қилянсиз, сармоянгиз бор...

### Тақводор

Ҳадиси шарифда бор шундай оят,  
Ҳадиси шарифда бор қутлуғ калом:  
Ҳазар қиларканлар ҳаромдан ғоят,  
Довуд алайҳиссалом.  
Ёнма-ён юради миннати билан,  
Текиннинг терси бор — малол, деганлар.  
Ул зот ўз қўлларинг, меҳнатинг билан  
Топган луқманггина ҳалол, деганлар.  
Пайғамбар, авлиё, бор аҳли таъмиз,  
Меҳнатни билганлар кўнгилнинг мулки.  
Ихрож аламига Одам Атомиз,  
Ерда боғ қилдилар — жаннатдан улги.  
Қўй боққан эканлар Расули акрам,  
Ҳалолдир дўзахда Нақшбанд оши.  
Шойи тўқиганлар Имоми Аъзам,  
Қулф ясаб кун кўрган Қаффол аш-Шоший.  
Мунофиқ бўламан, иним, оқни-оқ,  
Қорани — қора, деб айтмасам агар.  
Йўқ, йўқ, ярашмайди менга бу мутлоқ,  
Олиб сотарликдан қиламан ҳазар.  
Харидор ҳаққига қилма хиёнат,  
Нафсул-аммора деб бўлмагин този.  
Савлонинг мезони — инсоф, диёнат,  
Сотган рози бўлсин, олган ҳам рози.  
Бева-бечорани, мискинни ўйланг,  
Закоғ бермоқлик ҳам фарз, амри холиқ.

### Учар

Қайси закоғдан кам, домлажон, сўйланг,  
Отнинг калласидай солиқ бор,  
Солиқ!

### Физик

Қаффол аш-Шошийнинг қулфсоз бўлгани  
Мен учун янгилик.

Дарвоқе, қулф... қулф...  
Куйдирганими бу ёки қулгани,  
Гаражга кирган ким?  
Бошим қотди, уф!

### Детектив

Бошинга ёмон кун тушмагунча то,  
Меҳр-оқибат ҳам қадрсиз тупроқ.  
Якдиллик бахтда, деб ўйлабман хато,  
Қулфатда экан, ҳа, якдиллик кўпроқ.  
Ортмайди, ортмаган ўзидан ҳеч ким,  
Кўниклик биз турмуш андозасига.  
Борганмиз, сир эмас, баъзан кечикиб,  
Ҳаттоки, қариндош жанозасига.  
Кимдир мулкимизга қилдию даҳл,  
Биз тарқоқ подалар уюшиб чопдик.  
Хавф-хатар қилгандек бизларни аҳил,  
Ҳамдардмиз, ниҳоят, топишдик-топдик.

### Учар

Аравани қуруқ олиб қочма кўп,  
Э, ука, сен бизга нақдидан гапир.  
Нега ишлаб кетди сигналлари, хўп,  
Автолар бекорга ўқирмагандир?!

### Детектив

Машина, аслида ўлик бир буюм,  
Изтироб, оғриқ ёт — йўқдир юраги.  
Ва, лекин, сарф бўлган унга — шу муҳим —  
Инсоннинг меҳнати, умр бўлаги.  
Одам топтамайди ўз меҳнатини,  
Йўқдир умридан ҳам бўлгиси жудо:  
Автога кўчирган инстинктини,  
Ахир, жон қайғуси атойи Худо!

### Физик

Ҳар бир ҳодисотни, яхшими, ёмон,  
Баҳонаи сабаб етаклар экан.  
Магарким автолар солибди сурон,  
Кимдир даҳл қилган,  
Нимадир теккан.  
Лекин қандоқ қилиб?  
Эшиклар ёпиқ!  
Қулфлар бузилмаган — ўзингиз гувоҳ.  
Ким у тинчимизни бузган бестофиқ,  
Ким у бемаҳалда изғиган гумроҳ?

### Детектив

Конан Дойлни мен ўқидим тун-кун,  
Шерлок Холмс таълими қатъийдир, аниқ:  
Ташқи аломатлар алдаши мумкин,  
Фош этиш қуроли мантиқдир,  
Мантиқ!

### Физик

Қўйсанг-чи, исковуч итларга ўхшаб,  
Не-не бурчакларни искаб чопмадик.  
Алдамчи бўлса ҳам сен айтган ўша  
Ташқи аломатдан асар топмадик.  
Пашша ҳам кирмаган ит-мушук тугул,  
Гаражлар қулф эди келганимизда.

### Учар

Бошида синарди, албатта, сўйил,  
Ўғрининг кимлигин билганимизда.

### Детектив

Автонгиз жойида, қизишманг, ака,  
Илло, жаҳл келса кетармиш ақл.  
Ўғри ҳақидамас, сигнал ҳақида  
Ўйлаш керак ҳозир,  
Таҳлил шарт.  
Таҳлил!  
Нечук?  
Қандай қилиб?  
Қайси тирқишдан,  
Нима, у инс-жинсми, шамол ёки нур?  
Чарчадим, рости гап, тахмин қилишдан,  
Бошим ҳам бош эмас, гўё компьютер.  
Мақсади бўлмаса бекордан-бекор,  
Кимса бир юмушга, асло, уринмас.  
Уэльсни ўқидим такрор ва такрор,  
Эҳтимол... одам у... кўзга кўринмас.

### Учар

Кўриниб турибди, ҳа, кўп ўқибсан,  
Ўта пеш ақл ҳам кишига офат.  
Бошни қотирмагин чўпчак тўқиб сан,  
Уэльс — фантастика,  
Инс-жинс — хурофот!

### Детектив

У-бу ҳодисотнинг изоҳин, шарҳин  
Топмагач, бошингдан учар экан ҳуш.  
Хаёл, ҳақиқатнинг қолмаскан фарқи,  
Яна бир тахмин бор.

### Физик

Эшитайлик, хўш?

### Детектив

Елкамдан босмоқда шубҳанинг тоғи,  
Сизга балки ёлғон, менга эса чин:  
Шаҳримизга ташриф буюрган чоғи,  
Олижаноб ўғри — жаноб Деточкин<sup>1</sup>.

### Учар

Ўғри... Олижаноб... Деточкин... Ҳа-ҳа,  
Кайфингнинг борлиги, эҳтимол, тўғри.  
Э бола, ёлғон ҳам эви билан-да,  
Қачон олижаноб бўлибди ўғри?

### Детектив

Масхара бўлгим йўқ, тушунинг, текин,  
Дилимда неки бор чиқди тилимга.  
Ҳаётда учрамас, кўрганман, лекин,  
Мен шундай одамни кинофильмда.  
Оппоқ қўлқопига тикиб қўлини,  
Ўлжасин у четдан кузатар эди.  
Машина ўмариб сотар,  
Пулини  
Етимхоналарга жўнатар эди.

### Учар

Ўзга ҳисобидан ҳотамтойлик, денг,  
Алининг қалпоғин Валига, демак.  
Кимсани қақшатмас, оқил, бағрикенг,  
Сен айтган Деточкин қаллоб ё тентак.

### Детектив

Йўқ-йўқ, ундай деманг.  
Кимки пок, ҳалол,  
Олмаган ҳаттоки бир нинасини.  
Ўғирлаб  
Қочарди у фақат дажжол,  
Юлғич, порохўрлар машинасини.

### Тақводор

Птичкин, дедингми, нимайди оти,  
Сустлашиб, бормоқда хотира ўлгур?

### Детектив

Птичкин демадим,  
Деточкин, ота!

<sup>1</sup> Машҳур “Автомабилдан сақланинг” фильми қаҳрамони назарда тутилмоқда.



### Тақводор

Ҳа, омон бўлгур-а, ҳа, омон бўлгур.  
Юлғич, порахўрнинг бериб долини,  
Етимлар бошини силабдими, бас,  
Қасоскор атамоқ керак отини,  
Деточкин қаллобмас,  
Тентак ҳам эмас.

### Учар

Инсоф, диёнатга бизларни чоғлаб,  
Боя илҳомингиз қайнади, жўшди,  
Энди ўтирибсиз ўғрини оқлаб,  
Домлажон, бу ёғи қанчадан тушди?

### Физик

Оқламоқчи эмас ўғрини ҳеч ким,  
Эсласам зирқирар юрагим ҳамон.  
Керак бўлган эди бизга Деточкин,  
Шундай одамларга зор эди замон.

(Детективга юзланиб)

Бу ўтган замоннинг ҳангома, гапи,  
Ёш эдинг, биламиз бизлар яхшироқ  
Мункиллаган, эсар “Бош”лари каби,  
Чириб бўлган эди ичдан Иттифоқ.

(Детектив ниқирлаб кулади.)

Маймун ўйнатмадим, ҳиринглама, йўқ,  
Латифа айтмадим ичакузди, зўр.

### Детектив

Ҳа, бола бўлганман ўша найтлар шўх,  
Қўп воқеа эса тушади...  
Узр!

### Физик

(Учарга қараб)

Яшалган кун ҳисоб, ўтган кун эмас,  
Қадр ҳам бўлсин то шунга яраша.  
Кимса бор иш учун жонни аямас,  
Кимса бор лоқайддир, тўнка — тараша.  
Маошга келганда иккиси ҳам тенг,  
Ажр, тақсимотда адолат қани?  
Зукко олим эди бигга домлам, денг,  
Кўрмадим дурустроқ кийинганини.  
Қўлтиғида доим уч-тўртта китоб,  
Фаромун юрарди, дарди ичида.  
Истаган каззоб  
Ё тўқимфёъл қассоб,  
Кўрсатарди уни оёқ учида.  
Шукур қилсин дейсиз,

Нимага шукур?!  
Бири икки бўлмай ўтганигами?!  
Қариганда кўрмай ҳаловат-ҳузур,  
Заҳар-заққум ютганигами?!  
Шукурми халқининг зиёлилари  
Қатагон йиллари отилганига?!  
Масжид, мадрасаси, хонақолари  
Ахлатхоналарга қотилганига.

### Учар

Ажаб, ёдингизда қолгани ажаб,  
Кинчимисиз дейман қон-қон, жон-жондан?  
Ташладингиз ўтмишга ҳам лой чаглаб,  
Гуёки ўзлари бошқа замондан.

### Физик

Замон танлаб туғилмайди-ку инсон,  
Ўша замонданман, нима бўпти, хўш?

### Учар

Ёмон яшамасдик. Арзон эди нон,  
Уч сўм эди ароқ.  
Беш сўм эди гўшт.  
Замонга тош отмоқ ношуднинг иши,  
Оқармаган бўлса косаси агар,  
Аввало, ўзидан кўрсин ҳар киши,  
Меҳнат қилиш керак,  
Меҳнат, биродар.  
Қорни ҳам ёқармиш қаловин тошган,  
Талбир излаганнинг жонига тўзим.  
Кам бўлмас ҳеч қачон югурган, чонган,  
Узоққа бормайлик, мана, мен ўзим...

### Тақводор

Ё тавба, ё тавба!  
Ишлаган эмиш!  
Ҳар гапга ўзини тиққани – тиққан.  
Пахта экибсанми, терибсанми фишт,  
Чайқовчи бўлгансан уччига чиққан.

### Учар

Чап ёнлаб тургансиз, шекилли, бугун,  
Ота, ҳалдингиздан онаверманг кўп.  
Ёшингиз ҳурмати тилимда тутун,  
Бўлмаса...

### Тақводор

Дўқми бу,  
Менга айт-чи, хўш,

Ёлгонми бир нархга ўн нархни қўшиб,  
Бозор изғиганинг, халқдан юлганинг?  
Ёлгонми қолганинг сўнг қўлга тушиб,  
Бир кунда қайгадир ғойиб бўлганинг?  
Сафарда дедилар,  
Сафаринг курсин,  
Уланиб кетди у ойдан-ойларга.  
Чиллак ўйнагани бормагандирсан,  
Ҳарқалай, Товоқсой деган жойларга.

### Учар

Шаъма қияпсизми қамалганимга,  
Гуноҳкор бандамиз, доғ бор ойда ҳам.  
Еганим олдимда, емаганим... Ҳа,  
Ёмон яшамадим ўша жойда ҳам.

### Тақводор

Ёмон яшамайсан. Қавминг шунақа,  
Сенлар ўтда куймас, сувда чўкмассиз.

### Детектив

Бир гап келиб қолди, айтийми, ота,  
Фақат қаҳрингизни сочиб тўкмайсиз.  
Репортаж беришди кема бортидан,  
Шов-шув бўладиган гапмас, машманша.  
“Восход”ми, “Шатл”га парвоз олдиан  
Кириб қолган экан бир хира панша.  
Фазога учибди ўша панша денг,  
Ҳамсафар бўлибди космонавтларга.  
Мослашиб олибди вазнсизликнинг,  
Ер тортиш кучининг заҳматларига.  
Чиққач орбитага бало ҳам урмай,  
Ўрганган кўнгил-да, ўртанса қўймас.  
Финғиллаб учибди бир жойда турмай,  
Кир излабди фазодан ҳам еб тўймас.  
Балки заминдошлик, замондошликдан  
Теранроқ туйғудир, серқамров, йирик.  
Хуллас, космонавтлар уни аяшган,  
Ҳатто ризқларига этганлар шерик.  
Дунёнинг бу жирканч махлуқи, кўрдим,  
Сиқма<sup>1</sup> таомлардан тикилар эди.  
Терлаган ойнага қорнини тираб,  
Заминга беписанд тикилар эди.

### Учар

Шоир экансан-ку, детектив десам,  
Оббо азамат-эй, қойилман, яша.

<sup>1</sup> Паста ҳолига келтирилган таом.

Зап иш бўлган экап, мен сенга айтсам,  
Хўш, иннайкейин-чи, хўш, иннайкейин,  
Ерга тушибдими космонавт пашша?

### Детектив

Тушган, қаёққа ҳам борарди тушмай.

### Учар

“Хира пашша” дейсан, “текинхўр”, “муртад”,  
Давомли саннашинг тегди жонимга.  
Сендан қарзим бўлса, айт қўй-да, шарт-шарт,  
Шаъма қилаяпсан нимага, кимга?

### Тақводор

Ақли ноқисига етди, ниҳоят,  
Тушунганнинг садағаси... Ҳа, балли!  
Бўтам, топиб айтдинг, хурсандман ғоят...

### Учар

Э-ҳа, пашша бўлиб қолдикми ҳали?

### Тақводор

Пашша-ку эмассан, пашшамижозсан,  
Ори, ҳамияти нафсига қурбон.  
Муҳит қандай бўлса ўшанга моссан,  
Иймон, эътиқод деб койитмайсан жон.  
Камтар муаллимни камситдинг ҳозир,  
Боқсанг бўлармиди ўзингга аввал.

### Учар

Юриш-туришимга сиз эмас қози,  
Одам борми ўзи бсайб, мукамал?  
Маондан-маонга етишар зўрға,  
Ҳавойи гаплардан вайсашар нуқул.  
Ҳаёлий қасрлар қургандан кўра,  
Кулбайи вайронанг бўлгани маъқул.  
Жаноб муаллимга айтганман: - Ака,  
Оғримаган бошни оғритманг зинҳор.  
Йўқдир касбингизда унум, барака,  
Ҳаводан пул қилиб юрганлар ҳам бор.  
Ўрганинг улардан.  
Одамдек яшанг.  
Беш кунлик умрни ўтказманг зое.

### Физик

Топга етмас эмиш ёмғирдан асар,  
Оҳ, эссиз тарбия.  
Йўқ бошқа сўзим.  
Шогирдларим сизга ўхшаса агар,  
Осиб ўлдираман ўзимни-ўзим!

## Учар

Совун суртаверинг сиртмоққа, илло...

### Физик

Нималар деяисиз,  
Астаффурулло!  
Йироқлар ҳаром нафс таъмаларидан,  
Бахт силар уларнинг пешонасини.  
Ҳозирдан ўй-фикр, амалларида  
Кўряпман етуклик нишонасини.  
Мана, бир ўқувчим...  
Мунтдек чоғидан,  
Алфа, бетгаларни сув қилиб ичган.  
Тунлик ҳам эсидан чиқиб гоҳида  
Тест жумбоқларини ечгани-ечган.  
Интернет орқали битта шогирдим,  
Имтиҳон топширди — қойилман унга —  
Уммон ортидаги етти олийгоҳ,  
Етти манман деган дорилфунунга.  
Кирса бўладими еттовига ҳам,  
Олда талабалик тантаналари?  
Шогирдим танлаган дорилфунуннинг  
Бор экан ажойиб анъаналари:  
Ғолибни шарафлаш қарзу фарздай гап  
Уларнинг амали-аъмолларида.  
Хуллас, ҳилнирабди ўзбек байроғи  
Сан-Францисконинг шамолларида.  
Қувонмайми, ахир, шундан кейин ҳам,  
Касбимга ҳурматим орта бошлайди.  
Шомда хафсалам пир, эрта тонг яна  
Мактабга оёғим торта бошлайди.  
Ватаннинг эртаси учун, эҳтимол,  
Бир кун шаҳиддурман, бир кун ғозиман,  
Чеккан азиятим, заҳматларимга  
Розиман,  
Розиман,  
Минг бор розиман!

### Учар

На бир иллат қолди, на бирор гуноҳ,  
Ёзғириб бўйнимга сизлар илмаган.  
Ҳатто терговчи ҳам, одамлар гувоҳ, —  
Шахсимни бунчалар тафтиш қилмаган.  
Гўёки, камина оғзи қон бўри,  
Сизлар фаршпасиз этгулик тавоф.  
Бошқа-бошқа бўлар ҳар кимнинг гўри,  
Ҳар ким ўзи учун беради жавоб.  
Хоҳлайсизми-йўқми, ҳақиқат шудир.  
Хўп, хайр!  
Уйқудан қолганман кеча...

### Тақводор

Қабрдан гап очдинг,  
Йўқ, шошма, ўтир,  
Энди сен ҳам эшит охиригача.  
Пулдадир туну кун фикру хаёлинг,  
Уйкунг йўқ бир куни бўлмаса тушум.  
Бозорни-ку тамом эгаллаб олдинг,  
Энди... мозорга ҳам бошлабсан ҳужум.

### Учар

Ҳужум? Мозорга-я? Домлажон, нима,  
Қароқчи бўлдимми сизга, мутгаҳам?

### Тақводор

Мияси айниган, билмайди дема,  
Баттарсан, баттарсан қароқчидан ҳам.

### Учар

Домла, ҳақорат бу, ҳақорат! Таҳқир!  
Ўла-я етмайин токи ниятга...

### Тақводор

Қасамхўр, мен эмас, борган сен, ахир,  
Ариза кўтариб ҳокимиятга!

### Учар

Э-ҳа, гап буёқда экан-да! Оббо,  
Юрибман денг сени кузатиб зимдан.  
Шинён эмасмисиз, домла, мабодо,  
Эшита қолдингиз қаердан, кимдан?

### Тақводор

Билишинг шарт эмас!

### Учар

Борганман! Бордим!  
Ва лекин кўнглингиз бўлаверсин тўқ:  
На сотдим бировни ва на ёлвордим,  
Шукур, устим бутун, оч қолганим йўқ.  
Ўтиб ётгани йўқ томимдан чакка,  
Нураб тушгани йўқ деворим бехос.  
Ҳоким ҳузурига яккаю якка  
Холис ният билан борганман, холос.  
Ётар дов-дарахти қовжираб, чатнаб,  
Йўлақлар тўлибди қамишга, дедим.  
Беринг фалон жойни номимга хатлаб,  
Қиламан саранжом-саришта, дедим.  
Ярашмас кузатсам четда ўлтириб,  
Бутун эл ҳиммати жўш урган пайтда.

### Тақводор

“Фалон жойни”, дединг оғиз тўлдириб,  
У нечук жой ўзи,  
Буни ҳам айт-да?!

### Учар

Домла-я, ўчмисиз, дейман кулгуга,  
Мижғов, хира панша десамми сизни?!

### Тақводор

(Физик билан Детективга)  
Айлантирмоқчи у шахсий мулкига,  
Сўнгги манзилимиз — мозоримизни.

### Детектив

Тупунмадим, нима дедингиз, нима?

### Физик

Эшитмаган эдим шу ёшга кириб.

### Тақводор

Олмоқчи бўлган у мазорни, ҳа, ҳа,  
Хусусийлаштириб.  
Ҳоким ёш бўлса ҳам бамаъни, эсли,  
Ўнгардим дуч келса нешонасидан.  
Жавобини бериб бу ғаламисни,  
Ҳайлаб чиқарибди ишхонасида.

### Учар

Шошманг, келиб қолар менинг ҳам ғалим,  
Ўша ҳокимчангиз қулаши аён.  
У нодон билмайди, билмайди ҳали,  
Ислоҳот муқаррар, ўжар жараён...

### Физик

Маош тўламаган ёлчителиб, ҳатто,  
Таътилга жўнатган жамоасини,  
Сувдан қарз, солиқдан, электрдан ё  
Ўзи ечолмаган муаммосини.  
Дов-даскаси эски, чақага қиммат,  
Маҳсулоти қуя, каламушга ем,  
Қасод корхонани сот, деган фақат,  
Йўқ, йўқ, сот демаган мазорни ҳеч ким.

### Тақводор

Ҳар гапдан тўн бичма ўзинга мослаб,  
Арвоҳлар чирқираб чекмасин озор.  
Тананга ўйлаб боқ, кўргин таққослаб:  
Ахир, бу бозормас, мазор-а, мазор.

Ўтдан-ўтга солар гоҳ кибр, гурур,  
Гоҳо ҳою-ҳавас, маслак, бурда нон.  
Тиниб-тинчимаиди инсон бир умр,  
Фақат тин олади қабрида инсон.  
Майллар, истаклар барбод, чилшарчин,  
Тақдирга тан берар бунда рақиблар.  
Бунда барҳам топар адовату кин,  
Бунда барҳам топар қувгин, таъқиблар.  
Шоҳу гадо бунда баробардир, тенг,  
Тенгдир ялангоёқ, сарватдор, ғаний.  
Бир пулдир бу ерда унвон, мансабинг,  
Барчанинг рутбаси марҳумдир, яъни.  
Ёқангни чок этиб тўкма қанча ёш,  
Кўкка ўрламасин нолайи зоринг,  
Садо йўқ,  
Қабрдан кўтаролмас бон,  
На отанг, на онанг, суюкли ёринг.  
Мозор индамаслар мамлақати, деб,  
Нола қилмайди-да бекорга ҳофиз.  
Бунда жимликкина шарпасиз дайдиб,  
Хотиралар кезар ўйчан ва ёлғиз.

#### Детектив

Тун кўрдим яқинда,  
Раҳматли бобом  
Мендан ранжигандек, кўзлари мунгли.  
Уйқум, ҳаловатим йўқолди тамом,  
Тонгда қабристонга йўл олдим.  
Кўнглим  
Ғанилик, хижилликдан фориг бўлди сал  
Руҳи покларига фотиҳа ўқиб,  
Илкис илғагандек бўлдим шу маҳал:  
Кимдир елкам она турар тикилиб.  
Ўғрилдим. Тахтадек қотдим ё фалак,  
Қора мрамар тошдан жавдираб кўзи,  
Тикилиб турарди менга бир малак,  
Нақ Ширин эли, нақ Лайлининг ўзи!  
Қазо санасини ўқидим-у, бир  
Ваҳима ўн бўлди, қалгираб тиззам,  
Бунчалар беомон бўлмаса тақдир,  
Тўлмаган экап у йигирмага ҳам?!  
Ўй босди дафъатан, оғир ўй босди,  
Мен ҳам бир кун... наҳот, бўлмаса чора?!  
Ўлим ҳақлигига ўша кун, рости,  
Иймон келтирганман, иймон, илк бора!  
Айрича назар-ла боққандек бўлдим,  
Илк бор одамларга, олам, ўзимга  
Ота-онам, маҳаллам, туғилган ўйим,  
Бир азиз кўриниб кетди кўзимга.



Бир азиз кўринди шарқираган сой,  
Тонги саболарнинг жим эсишлари.  
Булутлар оралаб сузган тўлин ой,  
Юлдузларнинг милг-милг кўз қисинлари.  
Барчаси-барчаси юракка яқин,  
Барчаси мен учун ғанимат экан.  
Умр — бир лов этиб сўнгувчи чақин,  
Тирикликнинг ўзи бир неъмат экан.  
Кетмас кўз ўнгимдан ёлга тунган пайт,  
Ёшларим келади селдек куюлиб.  
Қабр тошидаги изтиробли байт  
Гўё юрагимда қолган ўйилиб:  
*“Кўрар кўзим эдинг, биттаю битта,  
Ой, юлдузим эдинг, биттаю битта.  
Воҳ, сени сўлдирди золим саратон,  
Гулим, қизим эдинг, биттаю битта”.*

### Учар

Хомкалла Жўқининг ижодими бу:  
“Золим”, “сўлдирди”... хўш, нега, нимага?  
Саратон тўкинлик, пишиқчилик-ку,  
Бозор тўлиб кетар мева-чевага.

### Детектив

Уф, яна бозорми, уф, яна бозор,  
Айланиб бўлибди юрак ҳам тошга?  
Айтинг, каллангизда яна нима бор,  
Шу ўлгур савдою бозордан бошқа?  
Ҳар куни кўчама-кўча бўйлаб  
Машинада минг бор қатнайсиз физ-ғиз.  
Бирор марта бундоқ кўрмайсиз ўйлаб,  
Сўз ўйини нима, ака, билмайсиз?!  
Саратон дегани касалликдир — рак,  
Айни гул чоғида қовжираб сўлган.  
Ўша шўринг кўрғур рак бўлган, демак,  
Дарди бедавога йўлиқиб ўлган.

### Такводор

Салқайи суханинг, куйинма, жигар,  
Кўнгилдан йироқдир кимки нафса қул.  
Кўзлари кўр бунинг, қулоқлари кар,  
Суянгани пулдир,  
Таянгани пул!

### Учар

Отам-а, оч қорин тўйибди қачон,  
Қуруқ насиҳатдан, вайсаш, хитобдан?  
Бозорга юз тутган жумлаи жаҳон,  
Ҳаёт иборатдир ҳисоб-китобдан.  
Мени саводсизга чиқарди ҳозир

Мана бу тирранча,  
Кўзёш қиялпти.  
Бизда ҳам юрак бор,  
Биламан, оғир,  
Жувонмарг қизчага раҳмим келялпти.  
Ва лекин, начора,.. Бўлар иш бўлган,  
Тушмасин бундай кун ҳеч ким бошига.  
Тириклар ташвини — тирикларга тан.  
Айтинг, ўша қизнинг қабр тошига  
Нима бўлар кимдир кўз олайтирса?

#### Детектив

Нега кўз олайтиради? Қайси номард, ким?

#### Учар

Дейлик, девор ошиб мозорга тушса,  
Уйига кўтариб кетса ими-жим.

#### Физик

Ниятни қаранг-а! Ҳа, эгри туғун —  
Эгри мўрикондан, халқ билиб айтган.

#### Тақводор

Бу ишни қилса ҳам қилиши мумкин,  
Фақат инсофи йўқ, Худодан қайтган.

#### Учар

Мармар қурилишбон матоҳдир жуда,  
Хусусан, гуллатар остоналарни.

#### Тақводор

Нималар деяпсан ҳуда-беҳуда?

#### Учар

(Зарда қилиб)

Қабрдан олинган ўша мрамарни,  
Аррадан ўтказиб, тескари қилиб,  
Кимдир остонага босворди, дейлик.

#### Детектив

Масхара қилдингиз хаёлпараст деб,  
Хаёлпараст сизсиз.  
Йўқ, бу жоҳиллик!..

#### Тақводор

Фикри ожизимча, мискину ночор  
Тополмас бу жойдан бошпана, кўним.  
Майли, кўчаларда ўлайин, зинҳор  
Сенинг мозорингга қолмасин куним!

### Учар

Ҳой, ота, секинроқ, ношукур бўлманг,  
Оқилга ярашмас пешгирлик, қасам.  
Аввало, жонингиз соғ бўлсин, ўлманг,  
Ўлиш ҳам пул ҳозир, мен сизга айтсам.

### Тақводор

Ўйлаб гапирсанг-чи, эсини еган.

### Учар

Тўғри гап ёқмайди, ғофилмиз, гаранг.  
Оксан ортида Геворкян деган,  
Армани бир дўхтир, юракни қаранг —  
Автозанияни қилибди жорий.

### Детектив

Авто эмас, эвто,  
Эв-то-за-ния.

### Учар

Автоми, эвтоми, нима фарқи бор,  
Ўлимни ихтиёр этса, мабодо,  
Жон таслим қилолмай қийналган бемор,  
Хизмат ҳақи билан тилхат кифоя,  
Геворкян панд бермас, ишига пухта:  
Битга укол билан шўринг қурғурнинг  
Бор азобларига кўяркан нуқта.  
Эҳтимол, кимгадир туюлар эриш,  
Аслида, бу амал инсонпарварлик.

### Детектив

Инсонпарварликми одам ўлдириш  
Ғарбда дейишадди буни варварлик?!

### Учар

Ўша Ғарбинг бугун амалиётда  
Кўллаб келаётир бу тажрибани.

### Тақводор

Фарзанд ўстиради не-не ниятда,  
Қайда қолар ота-оналик шаъни?!  
Чалса оёғидан хасталик бир кун,  
Фарзанд ярамаса унинг корига.  
Волидаси, падарини қўшқўллаб  
Топширса, ажалнинг ихтиёрига.  
Яратган Эгамнинг омонати жон,  
Олгувчи Ўзидир, бандаси эмас.  
Номатқулни ебди ўша Геворкян,  
Шайтони лаинни эслатмагин, бас!

Чақмоқ чақиб, момақалди роқ гумбурлайди. Гаражлар қаторида яна шовқин. Бу гал фақат битга автосигнал овози эшитилмоқда.

### Учар

Биров ўчакишган гўё биз билан,  
Ниманинг алами бу аччиқ-тиззиқ?  
Куйиккан сугирдай ўкираётган  
Кимнинг машинаси.  
Ажабо, қизиқ?!.

### Детектив

Сизники.

### Учар

Тилингга бераверма эрк,  
Ғанимга тегинни бошладинг яна.  
Кулфу калитда-ку, гараж, ахир, берк,  
Пульг эса ёнимда.  
Ўчган у, мана.

### Физик

Машина сизники.  
Овози таниш.  
Балки пульгингизда ишқал бор бирор

### Тақводор

Яхшимас бировни безовга этиш,  
Карнай-сурнайингни ўчириб кел, бор.

### Учар

Ўлгудек қайсарсиз...  
Хўп дедик... Ҳозир...

Гаражлар томонга ўтиб кетади. Автосигнал овози ўчади. Учар ҳафсаласи пир бўлиб, қайтиб келади.

Яқин йўламаган ёнига кимса,  
Учиб тургани йўқ ўғрининг кўзи.  
Ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ ўкираверса,  
Қанақа машина бўлди бу ўзи?!  
Бенуқсон бўларди амали доим,  
Немисга ҳам ишонч қолмабди.

### Тақводор

Олмон  
Ғирром эмас, илму амалда қойим,  
Ишқални ўзингдан излагин, подон.

### Учар

Маъзур тутадилар билиб-билмай ман,  
Босган бўлсам агар ножўя қадам.  
Қани, эпитайлик, нима қилибман?

### Тақводор

Диндан чиқансан, диёнатдан ҳам.

### Учар

Диндан, диёнатдан?  
Алҳамдулиллоҳ...

### Тақводор

Юрибсан мусулмон санаб ўзингни!  
Ҳаттоки, ўликдан таъманг бор, суллоҳ,  
Мозорга тикмасдинг йўқса кўзингни.  
Саховат эмасми, меҳр-муҳаббат,  
Асл инсонликнинг зийнати, фаҳри?  
Сендайлар ўзини ўйласа фақат,  
Келмайди дейсанми Худонинг қаҳри?  
Машинанг икки бор бонг урди, ушбу  
Сигналнинг сабабли жойи бўлгандир.  
Исрофил чалган сур садосидир бу,  
Сен учун қиёмат қойим бўлгандир.

### Учар

Етар! Жонга тегди маломат, дашном,  
Қарзим йўқ, ҳеч кимга эмасман қарам,  
Мияси айнибди бу чолнинг тамом,  
Омин!  
Қани, турдик!

### Физик

... Вой каллаварам!

Физик пешонасига шанатилайди, кейин қорнини чангаллаб кула бошлайди. Туришга чоғланаётган ҳамсуҳбатлари ажабланиб жойларига қайта ўгиришади.

### Детектив

Жеркиб ташладингиз мен кулсам боя,  
Қиқирлаб турибсиз энди ўзингиз.  
Гўё фикрингизни антиқа гоё  
Банд этган, ғалати чақнар кўзингиз.  
Билсак бўладими? Нима гап? Нечук?

### Физик

Шубҳага борма сен шодонлигимдан.  
Садқайи физик кет, садқайи физик!  
Куляпман ўзимнинг шодонлигимдан.  
Таландик, тортишдик, асаблар таранг,  
Биров ундай деди, биров бу деса.  
Ахир, бу хаёлга келмабди қаранг,  
Оддий ҳодиса-ку,

Оддий ҳолиса,  
Таниш ҳол бизга бу болалик чоғдан,  
Гоҳ қувонч келгирган, гоҳида ҳадик.

### Детектив

Гоҳ тоғдан келасиз, гоҳ эса боғдан,  
Нималар деяпсиз, ҳеч тушунмадик?!

### Физик

Лолмиз табиатнинг оддий ишидан,  
Эсланглар, эсланглар яхшилаб бироқ:  
Сал олдин автолар чинқаришидан  
Гумбурлаганмиди момақалди роқ?

### Учар

Яна фантазия. Яна башорат.  
Биров устдан келса, бу киши остдан.

### Детектив

Гумбурлашга гумбурлаганди, фақат...

### Тақводор

Ойналар зириллаб кетганди ростдан.

### Физик

Ойналар зириллаб кетган? Ҳа, ана,  
Энди тояшмиз калава учин.  
Вибрация дейилади бу фанда,  
Товушнинг, ҳавонинг тебраниш кучи.  
Тебраниш қаердан бўлади найдо,  
Ёт таъсир, зарралар уйғонишидан.  
Пашшанинг рубобга қўнишидан то,  
Ернинг силкиниши — тўлғонишидан.  
Булуғлар чошганда кўкда беэга,  
Дўл, жала олдиан, ёмғирга қадар,  
Ҳаво таранглашиб кетади, нега,  
Безовта гўнғиллар асаларилар?  
Ақлу заковатдан қолмаган махфий,  
Изоҳи йўқ бунинг ҳеч қандай янги.  
Бошланган бўлади ўша пайт манфий,  
Мусбат қувватларнинг тўқнашув, жанги.  
Илмий ислоҳлардан энсангиз қотса,  
Келинг, тушунтирай, соддароқ ва жўн:  
Электр симлари қўшилиб қолса,  
Биласиз, чарсиллаб сачрайди учқун.  
Худди шу ҳолиса, худди шу ҳолат,  
Осмон-фалакда ҳам бўлади содир.  
Миқёси, кўлами улкандир фақат,  
Ер-кўкни ларзага солишга қодир.

Бўғиқ наъра тортар момақалди роқ,  
Чақмоқ булутларни ташлайди титиб.  
Қисқа туганув бу. Зарбаси бироқ  
Олис жойларгача боради етиб.  
Кўчкилар кўчади, тоғларнинг тоши  
Чоҳларга учеди футбол тўпидек.  
Сойлар ўзанидан чиқали тошиб,  
Чинорлар синади гугурт чўпидек.

### Детектив

Яъни, демоқчисиз, гаражлар...

### Физик

Укам,  
Бунинг нимасига бўласан ҳайрон.  
Бир ҳамла кифоя.  
Қасрларни ҳам,  
Истаса, лаҳзада қилади вайрон.

### Уچار

Яшанг!  
Бор экан-ку, ахир, ҳақиқат,  
Сал қолди пичоқсиз сўйишларига.  
Тафтишчи отамиз мени ҳамоқат,  
Шайтонга чиқариб қўйишларига.  
Ота, эшитдингиз, эшитдингиз-а,  
Ҳаммага ҳам илм ато қилмайди.  
Омилик буюрган сиз билан бизга,  
Бу одам ўқиган. Хато қилмайди.  
Худонинг номидан уравериб дўқ,  
Ўтакамни ёрай дедингиз, бироқ  
Кўрдингиз, ҳеч қандай сир-синоат йўқ,  
Бор-йўғи баҳор,  
Ҳа, момақалди роқ!

### Тақводор

Ҳаммаси аён дир сизларга кундай,  
Айтди-қўйди, дерсиз, лақма бир қари.  
Менинг билганим шу: Дунёи дунда  
Ҳеч нарса ҳукмидан эмас ташқари.  
Басир у — кўргувчи махфийми, ошкор,  
Хабир у — ҳар гапдан воқиф, хабардор.  
Кори аъмолимиз ислоҳчисидир,  
Яъни, ал-Жаббор у, ал-Қаҳҳор, Фаффор.  
Тийнатда ёмонлик яхшилик билан<sup>1</sup>,  
Қорилган омухта мажун, аслида.  
Улар бир-биридан ажралар фақат,

<sup>1</sup> Абу Ҳамид Ғаззолийнинг Тавба таълимотидан (муаллиф).

Надомат ё дўзах алангасида.  
Ихтиёр гилами пойингда ҳозир,  
То у йиғилмасдан дилни Каъба қил.  
Тавба ҳидоятнинг ибтидосидир,  
Тавба қил!  
Тавба қил!  
Яна тавба қил!

#### **Учар**

Тавба қиладими бегуноҳ киши?

#### **Тақводор**

Кўнгилдан кечса ҳам ҳатто огоҳдир.  
Шарт эмас бировни қон қақшатишинг,  
Ният бузуқлиги ўзи гуноҳдир.

#### **Учар**

(Физикка)

Тушуниб етмаган чамамда тўлиқ,  
Ҳалиги гапларни ёдига солинг.

#### **Детектив**

Оғирроқ бўлинг сиз, ёшингиз улуғ.

#### **Физик**

Ота, келинг энди бир гапдан қолинг.

#### **Тақводор**

Менинг оҳ-воҳимга ҳеч ким эмас зор,  
Майли, жим бўламан,  
Лекин у-чи, у?..

Яна автосигнал ишлаб кетади. Учар чаён чаққандай ўрнида сакраб тушади.

#### **Учар**

Яна бошландими? Ё парвардигор!  
Нима деган гап бу,  
Қизиқ бўлди-ку?!

#### **Физик**

Учинчи сигнал бу.  
Иккитасини  
Тушунтирган бўлдим ўзимча шарҳлаб.  
Инжиқ табиатнинг ҳунари, ледим,  
Учинчиси нима бўлдийкин, ажаб?  
Маҳлиё бўламиз ўзимизга хўб,  
Сир йўқдек дунёда бизлар билмаган,  
Ҳолбуки, воқеа-ҳодисалар кўп,  
Ақл-идрокимиз бовар қилмаган.



### Учар

Минг лаънат!

Бало бу, машина эмас!

Бозорга опчиқиб соғаман эрта!

### Тақводор

Сотиб қутулмайсан!

Садо у ёқдан! (*Кўкка ишора қилади*).

Сен билан бирга у ҳар кун, ҳар ерда!

Юрсанг ҳам, турсанг ҳам назардасан то,

Огоҳ этаверар кундузми, кеча.

Қулоғинг остида абадий садо,

Абадий нидо у қиёматгача!

### Физик

Абадий нидо у қиёматгача!

### Детектив

Абадий нидо у қиёматгача!

### Учар

(Бўшаниб)

Абадий... нидо... у... қиёматгача!!!

Учар титраб-қақшаб ўрнидан туради. Қулоқларини кафти билан ёпиб, гандираклаганча гараж томон одимлайди. Чироқ ёруғида унинг гараж эшигини очгани кўриниб туради. Эшик очилганда, автосигнал шовқини янада кучаяди.

Чақмоқ чақиб, момақалди роқ гумбурлайди. Ёмғир шариллаб қуя бошлайди. Уст-боши шалаббо Учар қўлини кўкка кўтариб хитоб қилмоқда. Лекин, нима дегани эпитилмайди. Ёмғир, изғирин шамол, момақалди роқ шовқини асносида узоқдан элас-элас шеър садоси қулоққа чалинади: “Ўзни эгил доимо...” , “инсон ўзинг...” , “инсон ўзинг...”





## ИЖОДИЙ ТАЖРИБА МАКТАБИ

Ҳақиқий ижодкор элининг орзу-истакларини, дарду изтиробларини, ўй-фикрларини дилдан ҳис қилиб ўз асарларида жозибали шаклда ифодалайди. Халқнинг аҳвол руҳияси ҳаққоний тасвирланган асарлар шу халқнинг мулкига айланади. Мен Тўлепберген Қайибергеновни мана шундай халқона асарлар муаллифи деб ҳисоблайман.

Кейинги йигирма тўрт йил мобайнида, адиб яратган тўртта йирик асар – “Қорақалпоқнома” роман – эссеси, “Сахро булбули” драмаси, “Бобомга хатлар” балиаси ва “Ойдўс бобо” тарихий фожиасини ўзбек тилига таржима қилиш асносида, бунга қайта-қайта амин бўлдим. Мен учун бу игна билан қулуқ қазилган ҳам машаққатлироқ иш катта ижодий тажриба мактабига айланиб қолди.

Гап бевосита Тўлепберген Қайибергенов ижоди ҳақида кетганда, аввало, шуни айта оламанки, бу ёзувчининг атоқли адабимиз Абдулла Қаҳҳор ўзбек тилига таржима қилган “Совуқ бир томчи” қиссаси, кейинчалик Лола Тожиева, Ҳайдарали Ниёзов, Фатҳиддин Насриддинов каби таржимонларимиз ўтирган “Қорақалпоқ қизи” дилогияси, “Қорақалпоқ достони” трилогияси, “Кўз қорачиги” романи ва бошқа асарларини ҳам ўзбек, ҳам рус, ҳам қорақалпоқ тилларида ўқидим. Мазкур асарлар муаллифи билан танишини орзуим эса, 1983 йилда Нукус шаҳрида, адибнинг қутлуғ хонадонига рўёбга чиқди. Ўшанда, эндигина, напир этилган биринчи китобчам – “Осмон тўла юлдузлар (Туйғулар ҳақида суҳбат)” фалсафий эссемни ўзим алоҳида ихлос қўйган адиблардан бирига ҳаяжонланиб тақдим этганимда, у киши яна-да кучлироқ ҳаяжонланиб дедилар: “Мен ҳам анчадан буён бир эссе ёзяман, иничак, роман-эссе!..”

Орадан икки йил ўтиб, 1985 йилда адибнинг ният қилган “Қорақалпоқнома” роман-эссесини бевосита қорақалпоқ тилида ўқини бахтига мушарраф бўлдим. Мазкур асар муголааси дунёқарашимда ўзига хос бурилиш нуқтаси бўлиб қолди.

Асарни таржима қилиш пияти туғилди. Журъат тошиб, уни ўзбек тилига ўтирдим.

Бадий таржима бобида “илк уринишим” – “Қорақалпоқнома” роман-эссесининг биз ўзбек ёзувчилари учун ибрат бўларли жиҳатлари нимада?

Чингиз Лйтматов, Одил Ёкубов, Абиш Кекилбоев сингари минтақамиз наsrининг пешқадам намояндалари яратган машхур асарлар шарқона афсона-ривоят асосига қурилгани барчага маълум. Айниқса, Чингиз Лйтматовнинг аксарият қиссалари ва романларини шарқона ривоят, яъни, русча айтганда, “притча” сиз тасаввур этиб бўлмайди. Тўленберген Қайибергеновнинг ўзи ҳам “Қорақалпоқ достони” трилогиясининг биринчи китоби – “Маманбий афсонаси” да биргина афсонани бутун бошли романга айлантирганини яхши биламиз. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов халққа мурожаат қилиб: “Ўзиндан олиб яна ўзинга беришдир ишим”, деб ёзган эли бир найтлар. Ҳа, чинакам ижодкор ўз халқидан олган зиғирча ҳикмат дурдонасига хиёнат қилмай улдасидан чиқса, унинг бирини икки қилиб яна халқига қайтаради. Шу жиҳатдан қараганда, Тўленберген Қайибергеновнинг “Қорақалпоқнома” роман-эссеси ўз халқи билан сидқидил ва астойдил “олди-бердига” йўғрилгандир. Бутун бошли бир халқнинг тарихи, миллий менталитети, кечмиш-кечирмишларини аён кўрсатувчи юзлаб афсона-ривоятлар, нақл-ҳикоятлар, мақол-маталлар, ҳикматли гапларни каловини тошиб бир асарга зичлаб сиғдириш... Очиги унча-мунча ижодкорга насиб қилмайдиган, чинакам халқ ёзувчисигагина муяссар бўладиган бахт бу.

Адибнинг “Қорақалпоқнома” роман-эссеси қайсидир маънода ибрат мактабига, ижодий тажриба мактабига менгзайди. Шарқона донишмандлик билан битилган мазкур асар ўзбек тилига таржима қилинганидан буён икки марта – 1990 йилда Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида, 1997 йилда “Шарқ” нашриётида чоң этилди. Тўғри, ўтган асрнинг саксонинчи йиллари ўрталарида яратилиб, ўзбек тилига пенма-пен таржима қилинган бу асарда ҳам мустабил давр тақозосига кўра битилган айрим жумлалар йўқ эмас эли, албатта. “Сув оқару тош қолар, ўсма кетар, қош қолар”, деганларидек, асар ҳажмининг жами ўттиздан бирини ташкил этувчи ўша ўткинчи гаплар мустақиллигимизнинг оби ҳаётида ювилди-кетди, лекин асарнинг ўзи, унинг рационал маъзи, айниқса, жами юзга яқин афсона-ривоятлар катта аҳамиятга эга.

Тўленберген Қайибергенов Ўзбекистон давлат мустақиллигининг дастлабки йилларида ёзиб, камина ўзбек тилига таржима қилган навбатдаги асар Орол фожиаси ҳақидаги “У дунёга, бобомга хатлар” бадияси бўлди.

Ҳа, аввало, шундаки, шахсан ўзим Орол фожиаси ҳақида ўзбек, рус, қозоқ ва қорақалпоқ тилларида ёзилган беҳисоб мақолалар, суҳбатлар, халқаро анжуманлар маърузалари ва ҳатто бутун бошли китобларни анчагина ўқиганман. Жумладан, атоқли қозоқ алиби Абдужамил Нурпеисовнинг қозоқ тилида “Сеп”, рус тилида “Долг” деб аталган романи, қорақалпоқ адиби Ўразбой Абдурахмонов ва бошқаларнинг китобларини мутоала қилганман. Нега бу асарларни эмас, айнан, Тўленберген Қайибергеновнинг “У дунёга, бобомга хатлар” бадиясини ўзбек тилига ўтириш керак ва, ҳатто, шарт деб ўйладим? Чунки, бу асар, мана, орадан ропна-роса ўн олти йил ўтганидан кейин ҳам Орол денгизи, Амударё ва Сирдарёдек она дарёларимиз, Қорақум ва Қизилқумдек бепоён қумликларимиз, уларнинг пайдо бўлиши, тарихий тақдири ва бугунги қиёфаси хусусида атрофлича маълумот бера оладиган асар бўлиб турибди. Айниқса, асарнинг ўзига хос синчини ташкил этувчи ўнлаб афсона-ривоятлар, нафақат қорақалпоқ халқи, балки бутун туркий халқлар ва ҳатто муаззам Шарқимизнинг донишмандлигини ўзларида мужассамлаштирган бу бадияят нуқталари ҳали кўп асқотади. Зеро, улар бизга Орол денгизимизни, Амударё билан

Сирдарёмизни, Устюртимизни, ҳатгоки, Қорақум билан Қизилқумлек сахроларимизни бир фидойи фарзанду дилбанд сифатида сидқидилдан севишни, худди ота-онамиздек эъозлаб-ардоқлашни ўратади. Бизнинг тарихий тақдиримизгина эмас, бутун ҳаёт-мамотимизу иқболимиз-истикболимиз айна шу баҳру наҳримизга узвий боғлиқ экани аён сезилади. Бобо билан набира ўртасидаги тахайюлий мулоқотлар эса, бизни ажлодлар руҳини ҳамиша улуғлаб, буюк ажлодларимизга муносиб ворис бўлишга астойдил даъват этади, Ҳикматли гаплар, тарихий далиллар, муайян рақамлар изҳори диллар билан ажиб бир тарзда уйғунлашиб, яхлит руҳий-шуурий оқимни ҳосил қилади. Айна шу фазилатларига кўра ҳам мазкур асар рус тилига таржима қилинганидан кейин, 2004 йилда Михаил Шолохов номидаги халқаро мукофот билан тақдирланди.

Кейинги ўн йил мобайнида Тўлепберген Қаипбергенов ёзган ва камини ўзбек тилига таржима қилган яна икки асар — “Сахро булбули” ва “Ойдўс бобо” драмалари бўлди.

“Сахро булбули” драмаси қорақалпоқ халқининг фахри-ифтихори. Бердимурод Қарғабой ўғли — Бердақ ҳақида адабиётимизда дунёга келган ягона йирик бадиий асардир. “Навоийдан савод очдим, Фузулийдан дурлар сочдим”, деб ёзган бу улуғ шоир, худди Алишер Навоий, Муҳаммад Фузулий, Махтумқули, Абай Қўнанбой ўғли ва Тўқтағул каби, фақат ўз халқининггина эмас, бутун туркий халқларнинг энг сеvimли ижодкорларидан бири ҳисобланади. Ойбек ва Мухтор Авезовдек улуғ алибларимиз қаламига мансуб Алишер Навоий ва Абай тўғрисида муносиб шоҳ асарлар мустабил тузум шароитидаёқ яратилганини барчамиз яхши биламиз. Муҳаммад Фузулий, Махтумқули ва Тўқтағулнинг улуғ номларига ярашиб тушадиган асарларни ўқингга муштоқмиз.

Бердақнинг бу шоирларга нисбатан омади чопгани — қорақалпоқ халқининг пешонасига Тўлепберген Қаипбергеновдек забардаст алибнинг битгани ва алибнинг эллик йиллик ижодий изланишлардан кейин бу улуғ шоирга муносиб асар ярата олганида бўлса, эҳтимол.

Бердақ ўз салафлари Навоий ва Фузулий, Махтумқули, Абай ва Тўқтағулдан, аввало, шуниси билан фарқ қилдики, бу шоир тарихий вақт нуқтаи назаридан яқинроқ. Яна бир томони, у “Тўрт улус тарихи”ни ёзган Мирзо Улуғбек ва “Шажараи турк” билан “Шажараи тарокима”ни ёзган Абулғози Баҳодирхондан кейин шажара ёзган, туркий халқларнинг шажарасини шеърый дoston сифатида бита олган шоирдир. Бутун туркий халқларнинг муштарак адабий сиймолари бўлмиш шу “олти ота-инилар” орасида мустақиллик шароитида мангу барҳаёт сиймоси тўлақонли ва атрофлича бадиий гавдалантирилган асар мисолида ҳам Тўлепберген Қаипбергеновнинг “Сахро булбули” драмаси муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, бу “Сахро булбули”нинг инсоний қисмати, дарду дунёси, руҳий олами, орзу-интилишлари нафақат қорақалпоқ, балки ўзбек, қозоқ, қирғиз ва бошқа жамики туркий халқлар қалбларига йўл тошиб, уларда муайян акс-садо уйғота олади, деб уйлайман.

Ва, ниҳоят, Тўлепберген Қаипбергеновнинг “Ойдўс бобо (Минг тиллога баҳоланган бон)” тарихий фожиаси хусусида икки оғиз гап. Асарнинг бош қаҳрамони Ойдўс бобонинг бутун ҳаётини турфа хил бахтсизликларнинг ўзига хос қурами, тизими, исканжаси дейиш мумкин. Унинг бир бахтсизлиги — беғараз ниятини тўғри тушуниб, елкадон бўлишнинг ўрнига ғаразгўй кимсаларнинг қўлидаги қўтирчоққа айланиб қолган Бетис ва Миржиқдек калтабин укаларга акалиги. Яна бир бахтсизлиги атрофида

Кўнғирот бегидек ҳокимият талашлари йўлида ҳар қандай ёвузликдан қайтмайдиган ва уруғчилик кайфиятлари гирдобида қолган худбин кимсаларнинг бисёрлиги. Яна бир бахтсизлиги — ўз отасини ҳам бир қоп кенакка сотиб юборишга тайёр «Номаълум қорақалпоқ»дек нокас кимсалар, ўзагингни ўйишдан қайтмайдиган ўзингдан чиққан балоларнинг борлиги... Бундай гумроҳлар қуршовида қолган донинманл-мутафаккирнинг ҳолига войлиги, унинг кўргани — фожиа, орзулари — сароб, оддийгина эмас, қонли сароб бўлиб чиқавериши муқаррар. Фожианинг энг оғири эса, шундаки, тўрт карра Устюртдек кенг жойда бутун бошли қорақалпоқ халқининг бутун бошли йўлбошчисига биргина отқўшчиси, яъни, жиловдори Дўспондан бошқа ишонини ва суянини мумкин бўлган биронта елкадош-маслакдон топишмайди. Минг тиллога баҳоланган чинакамита тилло бошнинг инсоний кадр-қиммати шу қадар бир пул. Асар бизни, аввало, халқни кировий халққа айлангиринга жон-жаҳди билан уринаётган донишманд-мутафаккир йўлбошчини муносиб қадрлаб, унинг қадрига етишга даъват этиши билан алоҳида қиммат касб этади, деб ўйлайман.

Бундан ўн йилча муқаддам Неймат Аминовнинг “Бир аср ҳикояти (Темирчидан қолган тиллолар)” китобчаси ҳақида Тўленберген Қаипбергеновнинг “Тиллога тенг сўз” деган кафтдеккина мақоласи эълон қилинган эди. Уша кунлардаги бир суҳбатимизда Тўленберген оға: “Шу кичкинагина бир сўзимни кўпчилик, ҳаттоки, Неймат Аминовнинг ўзи ҳам мақтаб гапирди”, деб қолдилар.

Чинакам сўз зарғари сифатида халқнинг дил тубида ва тил учида турган асл халқона, маъно қирралари кенг сўзни ҳаминша тошиб айтишдан ҳеч қачон чарчаманг, Тўленберген оға! Қутлуғ саксон ёшингиз муборак бўлсин, муҳтарам устоз!

## ФИКР ҶММОНИДАН ДУРЛАР

\* \* \*

Улуғ ақл эгалари ўз олдиларига мақсад кўядилар, қолган одамлар ўз истаклари орқасидан эргашадилар.

*Ирвинг*

\* \* \*

Тарбия — виждон иши, таълим эса фаннинг вазифаси. Кейинчалик, инсон вояга етгач, билимнинг бу икки тури бир-бирини тўлдирди.

*Гюго*

\* \* \*

Гўзаллик туйғусини сингдирмай туриб, тўлақонли баркамол инсонни вояга етказиш мумкин эмас.

*Тагор*



Шухрат Ризаев

## Озод Шарафиддиновнинг бадий-эстетик олами

Танқидчилик касби ҳақида кўп ёзилган – хорижда ҳам, ўзимизда ҳам. Ҳатто узоқ давом этган баҳслар бўлганди нуфузли адабий-танқидий нашрлардан бирида. Айримлар танқид бу илм, аниқ мантиқий далиллар ва хулосалар билан иш кўрадигани тадқиқот тури деса, бошқа бир гуруҳ танқидни санъат деб тушунтиришга ва асослашга уринади. Яна бирлари чиқиб, танқидни илму санъатнинг чоғишган кўриниши дея, келиштирувчи назар билан ёндошади масалага. Дарҳақиқат, танқид илмми ё санъат? Ёки масалани бундай қўйиш сунъий «масалабозлик»микан? Ҳарқалай танқид билан шугулланган одам билимли бўлиши, интихосиз билим ва маърифат дунёсидан нимани ўрганиш на ўзлаштиришга қодир аналитик фикр қила оладиган даражада мутафаккир бўлиши ва, айнаи чоғда, диду савияси, ўқиб уққанидан завқ ола билиши, ўзига юққанини ўзгага ҳам юқгира оладиган таъсир қувватига эҳтиросли лафзи, равон ва саводли хати, шунингдек, ҳар бир ҳолисига ўз нуқтаи назари, ҳам, энг муҳими, мустақил муносабати бўлиши шарт. Мустақил муносабат бўлмаса, мунаққиднинг “мен”и, қиёфиси бўлмайди. Шунга боғлиқ ҳолда эътибори, обрўи бўлмайди. Унинг сўзига ҳам, ўзига ҳам қизиқиш бўлмайди.

Мен узоқ Хоразмда яшаб, ўрта ёшларга етиб, умри давомида ўз вилоятдан деярли чиқмай, фақат ўқилани, кўятгани ва қаттиқ таъсирлангани боис, Озод Шарафиддиновни пир тутиб яшаган бир муаллимга ҳақида эшитган эдим. Қизиқ, шунча ёзувчи, шоир қолиб, мунаққидга ортиқ даражада меҳр қўйган китобхон ҳам бўлар экан. Шунда ўйлаб қолдим. “Менинг назаримда, адабий танқид лирика ва драма, қисса ва роман каби адабиётнинг, сўз санъатининг тенг ҳуқуқли жанрларидан биридир”, деб ёзганда домла ҳақ, шекилли. Танқид - бадий ижод тури, инсонларга руҳий ва интеллектуал таъсир кўрсатишнинг муҳим бир тармоғи дейиш ҳеч бир муболаға эмас. Бунинг исботи тарихдан аён. Аристотелдан Сент - Бёвгача, Белинскийдан Лев Анненскийгача ва ҳоказо. Узоққа боравермай қалбга, ўзимизга яқинроғидан айтсак, Иззат Султондан Озод Шарафиддиновгача худди шундай.

“Ёш куч” журналида 2000 йили эълон қилинган мухбир билан суҳбатида Озод Шарафиддинов “Санъат кўнглининг ифодасидир”, деб айтган эдилар ва шу ном сарлавҳага ҳам чиққан эди. Бу фикр янгилик эмас, албатта. Бироқ, эътиборли жиҳати шундаки, танқидни бадий ижод тури деб биладиган ижодкор мантиқан мунаққид меҳнати маҳсулини ҳам, аввало, ҳиссиётлар ҳосиласи, эҳтирослар натижаси эканини англаяпти. Чунки, кўнгли ҳиссиётлар маскани, бунёдкор ижодда, илҳомга сабабкор ҳис-туйғулар тўлиқини эса эҳтиросдир.

Эҳтирос Озод Шарафиддиновнинг мунаққиллик, олимлик қиёфасини белгилаган устун хусусиятлардандир. У ҳар бир ҳолисага, у адабий-эстетик бўладини ё ижтимоий-сиёсий ва ёки матрифий-маданий жараён билан боғлиқми, қатъи назар, муносабат билдирад экан, совуққон талқиқотчи нигоҳи билан ёндошмайди. Аксинча, энг улкан сиёсий воқеа ё халқаро майдонда кечаётган жараёнлардан тортиб, энг оддий кундалик ташвишлардан баҳс очаётган телекўрсатувдан то бирор китоб ё театр, киноасарига тақриз ёзганда ҳам ҳиссий-инсоний муносабатини яширмайди ва ҳатто ўзини сира чекламайди ҳам. Битпакс, фикрлаётган, ёзаётган ҳар бир ҳолиса — нарсани эҳтирослар пўртанасига кўмиб, ўқувчида лоқайдлик, шунчаки назар пайдо бўлишига қўймайди. Ўша пўртаналар забтига олиб кириб, китобхонни истаса-истамаса ёлқинлангириб, хоҳ фикрий, хоҳ ҳиссий, хоҳ амалий фаол муносабат кўрсатишга мажбур этади. Ижобий маънода юктирувчанлик, касаллангириш домланинг инсон ва ижодкор сифатидаги феноменини белгилаган табиий хусусияти эди. Балки, унинг танқилди «санъат», аниқроғи, «санъатнинг тенг ҳуқуқли жанрларидан бири» дегани шундандир. Бу фикрнинг беғумонлигига яна қуйидаги иқтибос ҳам шаҳодат бўлса, ажабмас: “Санъатдаги эстетик бойликни мукаммал ҳис қилганига санъат асарини тўғри баҳолай олиш мумкин». Эътибор беринг, санъатдаги эстетик бойликни мукаммал тасаввур қилганда, фикр этганда ёки ўрганганда ё талқиқ этганда эмас, айнан, “ҳис қилганда” тўғри баҳолаш мумкин, дейди муаллиф.

Дарҳақиқат, у ҳиссиётни ижодкор вужудининг етмиш икки томирида оқиб турадиган қон деб билди. Ва, буни сўзи билан ҳам, амалий ишлари билан ҳам ҳаминша тасдиқ этди. “Танқилчи эмоционал туйғулари бой одам бўлмаса, у санъатнинг тўзаллигини тушуна олмайдди. Ундай одам учун том маънодаги санъат асарининг оддий газета хабаридан фарқи қолмайдди. Бу эса, санъатни бир томонлама тушунишга, уни фақат гоълар йиғиндисидангина иборат нарса деб талқин қилишга, санъатни сиёсатга югурдак қилиб қўйишга, танқилчини эса асарда тасвирланган воқеалар ва характерларни “яхши ёхуд ёмон” баҳоловчи қозига айлантириб қўйишга сабаб бўлади”.

Айнан шу қарашларига Озод Шарафиддинов бир умр амал қилиб яшади. Албатта, дастлабки босқичлари, яъни, 50–70 йиллардаги адабий портрет ва тақризларида эмоционалликнинг анчайин босиқлик билан ёнма-ён келганини, бадиийликни гоъвийликка гоҳо муте даражада чамбарчас бирликда тушуниш ва тушунтириш хусусияти намоён бўлишини кўраимиз. Масалан драматурглар Комил Яшин, Александр Корнейчук ҳақидаги 60–70-йилларда ёзилган адабий портретларида турли даврларда турлича мавзуларда яратилган пьесалар борасида сўз юритиб, мунаққил шундай фикрларни айтади: “Яшиннинг уруш йилларида яратган «Офтобхон» драмаси ҳам даврнинг актуал масалаларига бағинланган бўлиб, гоъвий-бадиий жиҳатдан анча етук асардир. «Офтобхон» Яшиннинг сеvimли жанри - музикали драма жанрида ёзилган. Бу асарда драматург яна қишлоқ ҳаётига мурожаат қилади, яна қишлоқ одамларини, социалистик қишлоқдаги ўзбек аёлини қахрамон қилиб олади”. Ёки шу драматургнинг “Ўшим босқинчиларга” драмаси хусусида сўз юритар экан, унинг “ташвиқий асар” эканини таъкидлаб, “характерлар чуқур ва ҳар томонлама” очилмаганини нуқсон деб билмай, хасиўшланга, қахрамонлар тилидаги оташин чақириқларни, пиорбозликни уруш кунлари талаби билан долзарблик касб этганини оқлаганга мойиллик билдириб, бундай ҳолисага келади: “Лекин шундай бўлса-да, драматург асарда душманнинг ёвуз башарасини фойш қилишга, совет ватанпарварлиги ва интернационализм гоъларини очишга муваффақ бўлган”.

Албатта, бу фикрлар домланинг кейинчалик “Эътиқолимни нега ўзгартирдим?» мақоласида айтиб ўтилгандек” ... дунёда энг улуг, энг бахтиёр, энг адолатли жамият қуришдек катта иш йўлида ҳаммаслақ бўлган” “ёш коммунист Озод Шарафиддиновнинг “ақл ўғхоналарида тобланмаган садоқати” жўш урган кезларда ёзилган.

Бироқ, навқирон мунаққид Озод Шарафиддинов ўша ёлгон ақидаларга қанчалар чин дилдан ишонмасин, алвон шиорлар билан қалб кўзини, хушёр нигоҳини ҳам танғиб, ёниб тапсламаган эди. У айнан гоё кишини, унинг эътиқодли тарғиботчиси бўлгани учун ҳам кимнинг ижоди ҳақида ёзмасин у мавқедор шахс ё амалдор ёзувчи бўладими қатъий назар, худшараст мулоҳазаларга бормай, муросасиз муносабатда бўлади. Акс ҳолда, собиқ иттифоқ, ҳатто халқаро миқёсдаги баланд мартабаларга эришган, энг юксак ижтимоий-адабий курсиларни эгаллаб, “Социалистик меҳнат қаҳрамони” унвонига сазовор бўлиб турган украиналик драматург Александр Корнейчук ҳақидаги адабий-танқидий очеркида унинг уруш йиллари яратилган манхур пьесаларининг “тор мақсадларда ёзилгани учун чуқур бадиийликдан маҳрум» эканини, Сталин мукофотига сазовор бўлган учта драматининг “битта муштарак камчиликка эга”лигини, яъни, конфликтларни “енгил ҳал қилиш касали”га учраганини руйирост айтиб юрмай, гўёки қардош ўзбек адабларининг табригидек ёзилган чоғроқ тавсифий мақолада буюк арбобнинг асарларидаги камчилик ва нуқсонларидан шунчаки кўз юмиб қўя қолиши ҳам мумкин эди. Лекин, мунаққид ўша илк палласидаёқ қатъий эътиқодига айланган ҳалоллик тамойилига зид бормай, айни чоғда, муносабатининг беғараз эканини аниқлашчи бошқа бир йўл тутди. Драматургнинг пьесаларини қисқа таҳлилга торта бориб, драматургия назариясига оид баъзи кузатишларини, айрим эстетик проблемаларни таъкидлаб ўтади. Жумладан, пьесада юмор “драматизмни, ҳатто фожеани” кучайтирувчи воситалардан экани, психологик драмада психологик эволюциянинг, мураккаб коллизияларнинг ўрни, мақсад кенглиги, актив позиция ва, умуман, драмада энг асосийси кучли конфликт бўлиши, ҳаётий мураккаблик, “даврининг энг муҳим масалаларини эстетик идрок эта олиш” лозимлигини исботлашга ҳаракат қилади. Ва, бунда сира катта даъволарни қилмай, ўзининг «умумий мулоҳазалари» эканини қистириб ўтади.

Кўринадики, эҳтирос ва муросасизлик мунаққид фаолиятининг дастлабки кўринишлариданоқ унинг ҳар қандай асарга, жумладан, драматургия ва театр спектаклларига ҳам ёндошувида асосий мезонлардан бўлган. Бу ҳол Озод Шарафиддиновнинг Абдулла Каҳҳор ҳамда Иззат Султон пьесалари ва уларнинг айрим сахна талқинлари ҳақидаги тақриз-мақолаларида, Ўлмас Умарбеков, Абдуқаҳҳор Иброҳимовларнинг сахна асарлари яратиш борасидаги изланишларига оид махсус мақолаларида кўзга янада яққолроқ тапшланади. Мазкур мақолалар номланишининг ўзиёқ фикримизнинг тасдиғи: “Виждон кўшиғи” (Иззат Султоннинг “Имон” пьесаси ва шу номли спектакл ҳақида), “Имон ҳаётининг маъноси” (Ўлмас Умарбековнинг “Шошма, кўш!” драматик қиссаси ва шу номдаги спектакл ҳақида), “Иллатларга ўт очиб” (Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг “Тусмол” пьесалар тўплами ҳақида).

Мазкур мақолаларда мунаққид пьесалардаги муаллифлар белгиланган мавзу ва кўтаришган долзарб ижтимоий-маънавий муаммоларни қайд этиб, уларни илмий-танқидий нуқтаи назардан таҳлил этибгина қолмай ўз шахсий позициясини, юрг фуқароси, жамиятининг онгли аъзоси сифатидаги муносабатини эҳтирос билан, муросасиз бир саркашликда баён этади. “Имон»даги шифокор профессор Комилов ва унинг хонадонида юз берган ҳодиса мисолида ҳалолликдан чекинини, худбин манфаатлар илнжида илмни “воситаи жоҳ” этиш, нопок йўллар билан бойлик орттириш каби 60-йилларда зиёлилар ҳаётига ўрмалаб кириб келаётган жуда хавфли ижтимоий иллатдан огоҳлик гоъларини мунаққид янада бўрттириб, ривожлантиради ва бу билан жамоатчиликни хушёрликка чорлайди. Халқ артисти Олим Хўжаев яратган Комилов образи тимсолида ўз даврининг етуқ ижтимоий идеалини кўради. Виждон ва виждонсизлик, ҳалоллик ва нопоқлик тўқнашувларида зиёлиларимизни муросасиз курашга, имон бутунлигига, эътиқод мустаҳкамлигига даъват этади. Спектакл каби унга ёзилган тақриз ҳам сарлавҳасига мутаносиб виждон кўшиғи бўлиб жаранглайди.



Шундай ҳиссий муносабатни асар баҳона Абдулға Қаҳҳорнинг “Тобутдан товуш” пьесаси ва спектакли, Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг “Тусмол” пьесалар китоби ҳақидаги тақризларида ҳам кузатамиз. Порахўрлик, риёкорлик, хушомад, таъмагирлик, ахлоқий тубанлик ва ҳоказо иллатларга ўт очган асарлар дея баҳолар экан зикр этилган асарларни, мунаққил адабиётнинг ва санъатнинг зиммасида турган вазифаларни даврга ҳамқалам бўла билишда, жамиятни гуворлардан покловчи, инсонни маънан баркамолликка ундовчи қудратли кучга айлана билишда кўради. Бунинг учун эса ҳар қандай асарда ҳаётийлик уфуриб туришини, ҳар бир воқеа, ҳар бир образ, ҳар бир ҳолат ижодкорнинг қалби орқали ўзга қалбларга узатилишини, сийқаси чиққан тайёр андоза ва қолипларга берилмаслигини, тирикликнинг бутун рангу жозибаси, бадиий ифода топишини талаб қилади. Ҳа, айнан, талаб қилади. Бутун кимдир балки мунаққилнинг ёзувчида нимани ва қандай ёзишни талаб қилиши ўша найтдаги ғоявий йўриқбозликнинг оқаватари эмасмикан дея, истеҳзо қилиши мумкин. Бироқ, бадиий ижод яратилишига кўра, ҳар қанча субъектив ҳодиса бўлмасин, у одамлар учун, муайян тоифа, табақа ва жамият учун ва ундан ўтиб умумбашарият учун хизмат қилади. Унинг ана шу ижтимоий табиати демакки, ижтимоий талаб қўйиш учун тўла асос беради. Шундай экан, мунаққилнинг эҳтирос ва муросасизлик билан ижодкорга, унинг асарига муайян талаблар билан ёндашуви мулақо табиий ва тўғри. Шу маънода ёзувчи ва драматург Ўлмас Умарбеков ҳақидаги мақолалари эътиборни тортади.

Ўтган асрнинг 70-йиллари алоғида Ҳамза номидаги (ҳозирги Миллий) академик драма театрида Ўлмас Умарбековнинг «Шошма, куёш!» драматик қиссаси саҳналаштирилди. Асар кўпроқ киносанъатига хос ретро усулида, яъни, бутунги кунда туриб, ортга, тарихий ўтмишга мурожаат қилиш ва шу йўл билан воқелик ва қаҳрамонларнинг, конкрет ҳодисанинг ўзига хос эволюцияси, мавжуд ҳолатгача юз берган жараён ва кечинмалар талрижини кўрсатиб бериш шаклида ёзилган мураккаб композицион қурилмадаги асар эди. Шунга кўра, асосий қаҳрамон ва у билан муносабатга киришувчи бошқа персонажларнинг воқеа ва ўтмиш қиёфаларини жонлантириш, уларнинг характер хусусиятларини даврлар силсиласидаги ҳаёт мангикига мос тарзда кўрсатиб бериш талаб этилар эди. Драматург ва спектакл режиссёрининг ана шу ижодий ниятни амалга ошира олганлари, саҳнада бош қаҳрамон Санобар Камолова образининг 60 ёшлардан то 19-20 ёшгача бўлган жисмоний ва руҳий-маънавий қиёфасини кўрсатиб бера билганлари, ўша кезларда кўпчиликнинг диққатини жалб қилди ва бу асар муаллифининг ҳам, театр жамоасининг ҳам жиддий ютуғи сифатида эътироф этилди. Бу эътирофда мунаққил Озод Шарафилдиновнинг ҳиссаси катта бўлди. У спектакл ҳақида биринчилардан бўлиб “Инсон ҳаётининг маъноси» номи билан залворли бир мақола ёзиб эълон қилди, асарни кенг таҳлилга торган ҳолда режиссёрлик ва актёрлик талқинлари борасида ҳам эътиборли кузатини ва мулоҳазаларини баён этди. Хусусан, «Шошма, куёш!»да қаҳрамон биографияси бутун тафсилотлари билан эмас, энг муҳим дақиқалари, ички драматизмга тўла бурилиш нуқталари орқали кўрсатилган. Улар эса қаҳрамон характерини тугал ва яхлит тасаввур қилишимизга имкон беради» ёки «Санобар характеридаги халқчиллик, демократизмни Сорахоним (Сора Эпонтўраева – Ш.Р.) ҳассослик билан жуда чуқур ифодалайди”. Шу тариқа мунаққил пьеса, спектакл, актёрлик маҳорати ҳақида тасаввур уйғотадиган мулоҳазаларини баён эта бориб, драма назарияси, саҳна талқини, актёрлар ижро услублари каби соф эстетик масалаларга диққат қилади. Жумладан, Ўлмас Умарбековнинг драматургияда «анчадан бери қўлганиб келаётган ретроспектив тасвир усулига мурожаат қилгани», “кўпчилик манфаати учун яшаган” инсон ўша давр адабиёти, қаҳрамони даражасига кўтарилиши, “бош қаҳрамон характерини чуқурлатадиган, пьеса фалсафий-эстетик салмоғини отгиралдиган» жиҳатлардан бири ҳаётий мураккаблик ва унинг айнан ҳаётий мангикқа тўла амал қилган ҳолда акс этиши эканлиги, режиссёр ноанъанавий композицион қурилмадаги асарга қўл ураркан, турли даврлар талқинида тарихий

аниқлик ва турли ёшларда намоён бўладиган битта образни талқин этаётган актёрларнинг ижросида ҳар томонлама, яъни, ташқи ва ички портрет, юриштириш, ҳатти-ҳаракат, фикрланиш, сўзлаш ва ҳоказо хусусиятларда тўла уйғунликка эришиши талаб қилинишини айтиб ўтади. Актёрлик ижро маҳорати борасида эса конкрет артистлар талқини таҳлили орқали ижодий манера ва индивидуаллик (Р.Иброҳимова), психологик мураккаблик (Т.Юсупова), психологик реализм, тасвир бўёқлар бойлиги (О.Норбоева) каби қатор специфик масалаларни тилга олиб, фикр юритади, Айни чоғда, мунаққид пьеса ва спектаклдаги нуқсонлар, йўл қўйилган камчилик тўғрисида ҳам жиддий мулоҳазалар билдириб, яна бир бор соф назарий-эстетик ва ахлоқий-этик йўналишдаги муаммоларни кўғаради. Мунаққид фикрича, драматург “пьесанинг фалсафий-эстетик салмоғини орғириш” учун ҳамма имкониятлардан фойдалана билган эмас. Чунончи, бош қаҳрамон Санобар каби инсонлар “доно, тadbиркор, кўини кўрган аёл ўз ҳаёт йўлининг мазмуни ҳақида, умрининг хулосаси ҳақида, бахти тўғрисида ўйламаслиги ва ўйлаганда баъзан шубҳага бормаслиги мумкин эмас”. Пьеса якунининг аввалги қисмларидаги драматизмга, ички коллизияларга бой кўринишларга номувофиқ ҳолда баландпарвоз патетика билан ниҳояланиши, финалга қадар бош қаҳрамоннинг самимиятдан, мураккабликларга тўла инсоний тақдиридан мутаассир бўлиб, ҳамдардлик туғиб ўтирган томошабиннинг дабдурустдан кўтаринки ҳиссий мурожаатларга дуч келиши мақола муаллифининг ҳақиқий эътирозларига учрайди. Мунаққид бундай финал “услуб жиҳатдан пьесанинг умумий контекстидан чиқиб кетган”и, асосий образларнинг изчил психологик реализм асосидаги талқин якунига келиб “сохта кўтаринкилик” билан алмаштирилгани, қолаверса, пьесада ҳаёт мантиқига мувофиқ ҳолда, икки бир-бирига зид характерлар Санобар ва Фотима ўртасидаги мунозарани чуқурлаштириш, “кескинроқ фалсафий мазмун бериш» имконияти мавжуд бўлгани ҳолда, ундан ўринли фойдалана билганиманини таъкидлар экан, “бахт” тупшунчаси ҳақида ўйга бериллади. “Санобар бахтли аёлми, бахтсизми?” деган саволни кўяди. Ҳаёт мантиқига кўра тасаввур этилса, “бутун умрини ҳалол ва пок яшаб ўтган”, “эл-юрт манфаатини ўйлаган” қаҳрамон умрининг охирида энг яқин одамларидан ажралиб, “кексалик бўсағасида сўншайиб ёлғиз қолишти”. Буни бахт деб бўладими? Дарҳақиқат, мунаққид кўяётган саволлар ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқати. Инчунун, жонли, тирик одам бундай саволлар қаршисида чуқур ўйга, изтиробларга тушмаслиги мумкин эмас. Бинобарин, Санобарни кутаётган қисмат ҳақида драматург муноҳада этиб, унинг ҳаётини ишонарли фалсафий ечимини таклиф этиши мумкин эди. Афсуски, бунинг ўрнига «Шопма, кўёш! Нурингни ҳаммага ёғдир. Менинг бахтим атрофимдаги одамларда» тарзидаги носамимий даъват, сохта мурожаат билан масала ҳал этиб қўйиллади. Бундай ғоявий-баддий диссонанснинг сабабини мунаққиднинг мазкур тақриз —мақоласида пьесанинг спектакл вариантыдаги бошқа бир лавҳа-Санобарнинг ёшлик йиллари, эри ва босмачилар билан боғлиқ саҳналар мисолида «шаблон» ва «схематизмдан холи бўлмаган» «гилакатнамо таассурот» дея тилга олиб ўтилган тупшунчалар билан изоҳлаш, бизнингча, масала моҳиятига яқин бўлади. Ҳа, айнан, «схематизм» “Шопма, кўёш!” пьесасининг ҳам, спектаклнинг ҳам финалини бузган, мунаққид айтмоқчи, “умумий контекстдан чиқиб” кетишига сабаб бўлган асосий қусур эди. Буни мунаққид жуда яхши сезади. Бироқ, драматургни суйибми, аябми ёки шу даврлар саҳна адабиётига заиф асарлар урчиб кетаётган пайтда Ўлмас Умарбековнинг драматургиядаги бир қадар жиддийроқ изланишларини рағбатлантириш мақсадлари, бу масалага ортиқча урғу бермайди. Аммо, шу орада ёзувчи “Дамир Усмоновнинг икки баҳори” номли янги қиссасини эълон қилдию, пьесада бўй кўрсатган иллат тасодифий бўлмай, тенденция тусини олаётгани аёнлашади ва бу қусур нафақат Ўлмас Умарбековнинг бир асаридан кейингисига ўтиб бораётгани, айни чоғда, умумадлабимизга жиддий зиён этаётганини аниқлаб, Озод Шарафидинов зикр этилган қисса ва шу баҳона ўша салбий ҳодиса ҳақида “Ҳаётийлик жозибаси ва схематизм инерцияси» номли тақриз-мақола ёзади. “Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1979 йил 14 сентябр сонидан чоп этилган бу

мақолада қўйидаги фикр алоҳида эътиборни жалб қилади. «... Схематизм адабиётнинг тасвир воситалари, композицион приёмлари, сюжет яратилиш принциплари, характер ва тип барпо қилиш масалалари билангина эмас, биринчи навбатда, бадиий тафаккур билан, санъаткорнинг ҳаёт ҳодисаларига муносабати, уларни умумлаштира олиш иқтидори билан боғлиқ. Санъаткор ҳаётни кузатар экан, ҳаёт ҳодисалари ҳақида мулоҳаза юритар экан, уларнинг реаллиги ва таққосларидан келиб чиқмай, улар ҳақидаги тайёр тасаввурлардан, аввалдан мавжуд қолишлардан келиб чиқади. Бундай ҳолларда ҳаёт ҳақиқати ёзувчига керагидан ортиқ кескин, шиддатли, юмшатмас, силлиқлаб тарапнамаса бўлмайди. Санъаткор ичидаги алақандай муҳаррирнинг унинг елкаси оша ёзганига қараб, қаламини эркин ва бемалол югуришидан тийиб турлади, бундай ҳолларда асарда асли ҳақиқатнинг ўзи эмас, балки шаклан ҳақиқатга ўхшаган, лекин моҳиятига кўра, ундан жуда олис турадиган ясама нусаха пайдо бўлади. Схематизмнинг энг ашаддий зарари ҳам мана шунда». Қисса ва ўша давр ўзбек прозасидаги мавжуд аҳвол муносабати билан айтилган бу фикрлар «Шошма, кўш!» асарига ҳам тегишли бўлган умумий камчилик эди. Қолаверса, «Шошма, кўш!»ни ҳам муаллиф жанр хусусиятга кўра драматик қисса деб белгилаган эди. Хўш, бу асардаги схематизм нималарда кўринади? Бу, аввало, ва, асосан, бош қаҳрамон Санобар Камоловнинг социал тип, яна аниқроғи коммунистик идеал сифатида тақдим этиш истагида кўринади.

Орта ўтирилиб, Шўролар даври адабиёти ва санъатида теранроқ назар солсак, бир ҳақиқат кушдай ойдинлашади. Бир неча ақюд совет кишилари қарийб етмиш йил социалистик реализм адабиёти ва санъати тақриф этган, айғиш мумкин, ягона намуна ўлароқ синдириган «дунёдаги энг олижаноб инсон - коммунистлар» намунасида тарбия топди. Дунёда «коммунизм шарпаси пайдо бўлгани»ни аниқлашчи Павел Власов, Пелагия Нилюнова, граждонлар уруши йиллари бўлса Павел Корчагин, Чапаев..., коллективлаштириш даври Семён Давидов, Нагунов..., фашистларга қарши уруш йиллари Матросов, Мересьев ва «Ёш гвардия»чилар..., бу ёғи то 80-йилларга қадар С.Бабасковский, Г.Николаева, Ф.Гладков, Л.Леонов романилари, М.Шатров, А.Гельман пьесалари ва ҳоказолардаги совет кишилари кундалик ҳаётига кириб борган коммунист қаҳрамонлар тасвирлари билан нафас олиб, шулар ибратида ҳаёт кечирди. Машғум етмиш йил ичида даврлар, воқелик ўзгаргани сари коммунист типлари, қиёфалари ҳам шунга мутаносиб ўзгартириб турилди. Фақат онги, қалби, мафкураси, гоъллари, фидойилиги, эътиқоди ўзгармай, ўшандай қолаверди. Рус ва умумиттифоқ адабиёти-санъатида бўлгани каби қардон республикаларда ҳам ўша санокдаги қаҳрамонларнинг ноълош ўроқлари, ука ва сингиллари образлари пайдо бўлди. Мазмунан социалистик, шаклан эса миллий қаҳрамонлар галереяси вақти-вақти билан муқобил ҳолда тўлдириб борилаверди. Худди шу тушунчада камол топган Ўлмас Умарбеков ҳам Санобар мисолида коммунистларнинг классик намуналари қаторига яна битта чин коммунист образини қўшимқочи бўлади. Бунга қўп жиҳатдан эришади ҳам. Аммо ўша «тайёр тасаввур», «аввалдан мавжуд қолишлар» «ҳаёт ҳақиқати» қаршисида ҳаликсирашга, воқелик ва тириклик мантиқини бузиб, «керагидан ортиқ ҳақиқатни силлиқлаб тарапнамашга» мажбур этади. Шу тариқа бугун пьеса давомида руҳий зиддиятларда, кескин драматик конфликтлар марказида намоён бўлалган Санобар умр поёнида «сўнайиб ёлғиз қолиш»дек инсоний изтиробда эмас, баланшарвоз даъват ва ширлар рўёсида қолиб кетади.

Аслида, бу социалистик реализм методининг тайёр шаблони эди. Бу шаблон доирасида санъаткорлик истеълоди билан яратилган, бағоят ҳаётий жозобага эга асарлар ҳам бор эдики, уларнинг моҳият мазмунидан қатъий назар, Озод Шарафилдинов санъаткорона тасвир ва теран бадиий ҳамда мантиқти таҳлилу тақинларга ошуфалигича ҳеч бир шубҳа-гумонга бормасди. Социалистик реализмнинг санъаткорлик билан яратилган энг яхши намуналари таъсирида бошқа асарларга, жумладан, Ўлмас Умарбеков ижодига ҳам ўша талаб ва мезонларда ёндошар эди. Албатта, бу ўрнида, мунаққилда ҳам айб тақаш ёки ишончсизлик билан қараш мунаққо нотўғри бўлади. Мақолалар ёзилган 70-йиллар адоғида ҳали ҳеч ким

социалистик реализмни очикчасига инкор этиб, чиқитга чиқармаган эди. Аксинча, у совет адабиёти ва санъатининг яккаю ягона ижодий методи сифатида дадил яшашда давом этарди. Унга изчил амал қилганлар унвону мукофот, мартабаю имтиёзларга эга бўлар, амал қилмаганлар эса тургиниб-суртиниб яшар, гоҳо оддий инсоний ҳуқуқларидан ҳам маҳрумликка маҳкум эди. Ўлмас Умарбеков бу жабҳаларда биригчи йўлни танлади. Озод Шарафиддинов эса ҳеч бир жиддий гумонга бормаса-да, моҳиятпараст табиатига кўра, иккинчи йўлда эди.

Табиийки, ўша тузум, ўша шароитда уларнинг ижодий ва инсоний кечмишлари, тақдирлари ҳам турлича кечди.

Истиқлол Озод Шарафиддинов феноменининг юзага чиқишида мутлақо янги бир босқич бўлди. Домтанинг айрим шоғирдлари таъкидлаганидек, унинг илғим-танқидий, публицистик ва таржимонлик истеъодининг бор залвори шу йилларда яққол намён бўлди. Иштибоҳ... Устоз битикларини алгамонлардан бери ўқиб, ўзлангириб юрган одам даблурустдан бу хулосага балки қўшимас. Бироқ, ҳаққи рости наздимизда шуки, аввалги олғимш йиллик ҳаёт ва ижод йўлининг истиқлол давридаги қарийб ўн беш йиллик билан қиёсида тарози посонгисининг солиштирма оғирлиги бир миққол бўлса-да иккинчи томонга тош босини муқаррар. Зеро, шу даврда устознинг иссиқ боғланган тугунлари ечилди, кишансиз кишанлари парчаланди, гоҳо бўғзида қолиб кетадиган фарёдлари ҳаволарни тўндирди. Энди домла учун “ишлайиш замони» етишган эди.

Айни шу даврда домла нафақат адабиётда, бадиий ижоднинг барча соҳаларида, ижтимоий ҳаётда эътиборга молик неки ҳодиса бўлса назардан қочирмасликка, вақти-соатини, миқёси ва ўрнини билиб муносабат билдиришга, шу юрт, шу миллатга, ундан ўтиб башариятга дахлдор ўю ҳиссиётларини, олим, мунаққил, таржимон, ношир, муҳаррир, нотик, ота, ака, дўст, шоғирд, устоз, фуқаро ва, энг аввало, инсон бўлиб қалб ёлқинларини уланишга сўнмас ғайрат ва сўнгесиз имкон топа билдилар... Биз мавзумиз тақозоси билан Озод Шарафиддиновнинг энди мустақиллик йилларида ёзган турли санъат намуналари ҳақидаги мақолалари, эстетик қарашлари борасида тўхталмоқчимиз. Зеро, шу даврдаги умрларида, таъкидлаганимиздек, домла кўн ва хўб ёздилар. Тўлиб-тошиб, тўлқинланиб ижод этдилар. Дарҳақиқат, истиқлол Озод Шарафиддиновнинг тафаккур булоқлари кўзларини янғитдан очди. Янғитдан очилган тафаккур билан янги тафаккур, янги дунёқараш учун, янги ижтимоий муносабатлар ва ўз-ўзидан аёнки, янги адабиёт ва санъат, аниқроғи, уларга янғича ёндошув учун саъй-ҳаракат бошланди. Олим ва мунаққилнинг шу даврлардаги ижоди намуналаридан тўрттасини, тўрт санъат турита тааллуқли тўрт тақриз-мақолаларини имкон қадар ўрганиш билан чеклансак ҳам мазкур фикримизнинг исботини топшандек бўламиз. Бу мақолаларнинг бири телеспектакл, иккинчиси кинофильм, учинчиси театр спектакли ва тўртинчиси телевидение журналисти сабаб тележурналистика ҳақида.

2007 йили Озод Шарафиддинов вафотларидан икки йилча ўтиб чош этилган “Замондошлар хотирасида” таниқли киношунос ва телевидениешунос олим Ҳамидулла Акбаровнинг ҳам хотиралари бор. Ундаги бир эсдалик эътиборни торгади. “Кеча ва кундуз», “Мирзо Улугбек» деб аталган телевидение маҳсулотлари ҳақиқатан ҳам мақтовга лойиқми? Аслида, уларни видеофильм деб бўлмайдди, ТВ спектакли ҳам, — каби мулоҳазаларни эшитиб, Озод ака:

– Чўпшонинг асари билан бир йўла миллионлар танинса — бу катта воқеа. Ёзувчи бунга орзу қилган эди. Шайхзоданинг не қийинчилик билан ёзган асари тўлалигича саҳнада қўйилиш имкони бўлмади. Телевидение бу мураккаб вазифани баҳоли қудрат бажараётган экан, уни қўлаб-қувватлаш кераклир, — дегандилар”.

Дарҳақиқат, домла адабиёт ва санъатда, умуман, ижтимоий ҳаётимизда нимаики янгилик, тараққиётга, ўсиш-ўзгаришга хизмат қиладиган неки интилиш бўлса қўлаб-қувватлар, матбуотда, турли давраларда тилга олиб, оташин фикрлар айтиб ёқлар эдилар. Гоҳо фалсафий, психологик теранлик касб этмаган, санъаткор — адиб, режиссёр, актёр маҳорати анчайин маромига етавермаган, талқин ва

тақдимлари бир қадар бахтли бўлган санъат ҳодисалари ҳақида ҳам тасдиқловчи қизгин мулоҳазалар билдирардилар. Албатта, улар ўша ўз санъати доирасида бирор жиҳатдан янгилик бўлса, шундай нуфузли, эътиборли эътирофга сазовор бўларди. Очиги, охириги пайтларда домланинг обрўи, айтар сўзининг жамиятдаги кучли таъсиридан фойдаланиб, ўзи, бирон асари, китоби ё қилган ишлари ҳақида арзимаса-да, усталик қилиб айрим ижобий фикрлар ёздириб олишга муваффақ бўладиганлар ҳам йўқ эмас эди. Бироқ, домла ҳам анойилардан эмасди. Жилта курси, битта теша тегмаган ибораси, чайналмаган мавзуси, оҳори тўқилмаган шакли мавжуд бўлган ҳодисаки бор, шунисини топиб олеагина, бирор сўз айтар, тақриз, мақола ёзар эди. Киношунос - телевидениешунос олим тилга олган телеспектакллар ҳақидаку Озод Шарафилдиновнинг шунчаки эмас, қатъий, агрофлича муноҳада этилган, чуқур таҳлил қилинган оддий тақриз доирасидан чиқиб проблематик мақола даражасига ўсиб ўтган битиклари бор эди. 2001 йили «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида чоп этилган “Уч чўққининг бири” мақоласида бу фикр исботини топган.

Домланинг фикрича, “ўзбек адаблари учта чўққини эгалламоғи лозим бўлган... Бу вазифа адабиётда буюк Алишер Навоий образини, Мирзо Улуғбек образини ва улуг соҳибқирон бобокалонимиз Амир Темур образини яратиш билан боғлиқ эди». Мақсуд Шайхзаданинг «Мирзо Улуғбек» тарихий фожеаси бу чўққилардан бирини шараф билан эгаллашнинг намунаси эканлигини адиб ҳақидаги адабий портрет ва мақолалари мисолига Озод Шарафилдинов аввалроқ исбот қилиб берган эди. «Уч чўққининг бири» мақоласи эса “Мирзо Улуғбек” трагедиясининг кўп қисмли телеспектакл варианты ҳақида бўлиб, унда асар, аввало, тўлиқ экранлаштирилгани учун мақталган, режиссёри ва асосий ролларни ижро этган актёрлари бирма-бир тилга олиниб, спектакл таҳлил этилган. Албатта, бунда, аввало, пьеса матнига эътибор қаратиш ва унинг бутунги кунларимизга ҳамоҳанг томонлари тилга олиниб, режиссёр томонидан тўғри илгангани ва шунга кўра, «том маънодаги замонавий асар ярата олгани»ни асослашга ҳаракат қилинади, ... ёвуз кучлар Мирзо Улуғбекнинг «куфрона» хуружларидан исломни ҳимоя қилиш ниқоби остида бирлашадилар ва охир-пировардида, бу буюк инсонни жисмонан йўқ қилишга эришадилар. Менимча, худди шу нуқтада “Мирзо Улуғбек» телеспектаклининг замонавий аҳамияти ифодаланган. Биз бу ёвуз кучларнинг Улуғбекка қарши курашида диний фанатизмнинг хунук қиёфаси чуқур очиб беришанини кўрамиз”.

Муаллиф бу кузатишларини телеспектаклда алоҳида урғу берилган ва асосий рол ижроси томонидан муваффақиятли талқин этилган душманлик ва худбинлик ўртасидаги курашнинг, контрастнинг кучли ифодалангани ҳақидаги мулоҳазалари билан мустаҳкамлайди. Ва, шу аснода, “муросасизлик билан тўғрилиқ ва ҳалолликни талаб қиладиган одамлар ҳаётда камдан-кам ҳолларда замондошларининг олқишига сазовор бўлиши», «улар юксак фазилатлари учун мукофотлар олиш ўрнига таъна-дашномларга дучор» бўлиши хусусидаги “дардлари”ни, ижтимоий ҳаётимизда, одамлар ўртасида мудом яшаб келаётган чинал ахлоқий муаммоларни, адолатсизлик муаммоларини кўтаради. Шу билан бирга, Шайхзода асарини “том маънода шекспирона иқтидор билан яратилган”и, “бизда ўтган асрда балоғат юксакликларини забт этган адабиёт яратилган эди деб айтишга тўла асос бериши”ни, эндиликда, «ана шу тенгсиз бойтикни турпи-гуман чатамулгаларнинг хуружларидан ҳимоя қилиш» кераклиги каби масалаларни таъкидлайди. Бу билан мунаққид ўз ижодий манерасига хос бўлган хусусият — ўзгалар наздида шунчаки оддий ҳол бўлиб кўринадиган адабиёт — санъат ҳодисасини, таъбир жоиз бўлса, анчагина салмоқли ҳаёт ҳодисасига, ижтимоий ҳодиса даражасига кўтариш, долзарб муаммо даражасида кўрсата билиш салоҳиятини намоён этади ва китобхон ёки томонбинининг лоқайд нигоҳини ҳамдардлик, қизгин ишгирик хисси билан алманггиришга муваффақ бўлади. Устознинг бу хусусияти аслида улкан истеъдодининг яна бир кўринишидир.

Озод Шарафиддиновнинг кино, театр ва тележурналистика хусусидаги «Бойсунча уйланиш», «Гамлетнинг қайтиши», “Сермашаққат ижод йўлида» мақолаларини, бошқа яна ўнлаб мақолалари каби ҳеч иккиланмай бутун, илк бор эълон қилингандан бери орадан олти-етти йиллар ўтиб қайта чоп этилса, уларни аввал ўқимаган китобхон айнан ҳозирги кунларнинг энг долзарб гапи деб қабул қилади. Зеро, Юртбонимиз худди шу кунларда яна «Энг асосий мезон — ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш», деб турибди. Озод Шарафиддинов эса бу виждоний талабни бутун фаолиятининг асоси деб билган эди. Шунинг учун ҳам унинг кинорежиссёр Юсуф Розиковнинг алиб Эркин Аъзам сценарийси бўйича суратга олган «Дилхирож» фильми баҳонасида «Биз кейинги 15-20 йиллар ичида жула кўп хорижий фильмларни кўрдик... Жангари фильмлар, ковбой фильмлар, тарихий фильмлар. Ҳаммасида ҳам ур-сур, мушгиланиш, сўкиншиш, қувди-қувди, чучмал севи жоҳаролари, яланғоч бадаллар, давомли бўсалар... Бора-бора булар меъдамизга тега бошлади, бутун уларни, асосан, болалар кўради, катталарнинг эса алақачон ихлоси қайтган. Лекин ўшандай фильмлар айрим тоифалар ўртасида дидни бузиб кетди, муайян бир киномадаларни вужудга келтирди. ... қолип - қарашлар шаклланди», деб айтган фикри, киночилигимизда ҳақиқий санъат даражасидаги фильмлар ўрнига сунъийлик, ясамаликка қуришган, учирма ибора билан айтганда, «хонтахта» фильмлар кўнайгандан-кўнайиб ётган бир даврда ҳамон долзарб бўлиб турибди. Лекин, мунаққид айтганидек, диднинг бузилиши “айрим тоифалар” дагина эмас, навқиронлик палласига кираётган бутун бир авлодда тобора сезилиб бораётгани, мана бу ҳавф кишини қаттиқ ташвишлантиради. Домла ана шундай тенденция тусига кираётган ҳолатни қайд этаркан, унинг зидди ўлароқ пайдо бўлган «Дилхирож» фильмининг ғоявий ҳамда бадиий хусусиятларини таҳлилга тортади, актёрлар ва фильмнинг бошқа ижодкорлари маҳоратини қайд этади, ёрқин ифодаланган миллий чизгилар ҳақида кузатишларини, ўзбекона кураш тасвири орқали завқ ва жозоба касб этган «ўзбекнинг мардлиги ҳам танглиги» лавҳаларини эслатиб ўтади. Бу билан ўқувчига ҳақиқий санъатни қолишган сунъий фильмлардан фарқлаш лозимлигини, дид тарбиясини уқтирмоқчилик бўлади. Шу билан бирга, мазкур ихчам тақриздаги муҳим эстетик қарашлар, аввало, кинорежиссура, хусусан, фильм режиссёри Юсуф Розиков изланишлари билан боғланиди.

Сценариячи ва режиссёр Юсуф Розиковнинг кино ва телевиденида яратган фильмларидан яхшигина хабардор бўлган мунаққид унинг изланишларини баъзи италян кинорежиссёрларнинг иш услубига қиёслайди. “Италянча никоҳ», «Ушатилмаган орзулар» каби 60-йилларда машҳур бўлган фильмларни эслайди. «... табиийликка ингилиш, олдий одамлар ҳаётининг замиридаги чуқур маънони кашф этишга ингилиш, «кичкина» одамларга меҳр-шафқат ва муҳаббат уйотишга ингилиш бу санъаткорнинг асосий принципи бўлса керак», дея Юсуф Розиков фильмларига экскурс қиларкан, Озод Шарафиддинов бу билан кино соҳасидаги италян неореализми вакиллари илгари сурган қарашлар - олдий одамларнинг кундалик турмуш тарзини ўрганиш, ундан тегарак ҳаётнинг ва фалсафий хулосалар чиқариш, ҳаётни ўз табиий оқимида кўриш ва кўрсата билишнинг ҳақиқий санъат ва санъаткорлик эканини аниқлатади.

Бундай ғоявий-эстетик тамойилни нафақат кино, балки умумсанъатнинг, турли санъат соҳаларида изланаётган санъаткорларнинг бош мезони бўлмоғи кераклигини қатъий таъкитлайди. “... санъаткор - киночи бўладими, ёзувчи бўладими, инсоний фазилатларни самолардан изламасдан ёхуд ўзи тўқиб-бичмасдан, уларни бутун теварак-атрофимизда умргузаронлик қилаётган меҳнаткан, дилкан, заҳматкан одамлардан олмоғи керак. Одамларнинг турфа хиллиги битмас-туганмаслиқ. Бинобарин, ана шу мангу манбадан озиқланидиган санъат ҳам ҳамини барҳаёт бўлади».

Демак, мунаққид санъатнинг бош объекти инсон эканини эслатиб, реалистик тасвир усулининг ҳаётчилигини, шу методда суянган ижодкор умрибоқий асарлар яратиши мумкинлигини уқтиради. Аслида, неореализмнинг ҳам тамойилларидан

бўлган бундай қараш сўнги 60—70 йил мобайнида кинода бошланиб, адабиёт ва бошқа санъат турларида ўзининг бақувват намуналарини бера олдики, шулардан келиб чиқиб бўлса керак, Озод Шарафиддинов унинг ўзбек миллий санъати учун ҳам ўзига хос мезон бўлишини орзулайди. Ва, шу боис, Юсуф Розиковни ҳам, унинг фильмини ҳам ҳар томонлама қўлаб-қувватлайди.

Шу ўринда мазкур «Дилхирож» фильми билан боғлиқ айрим ножоиз фикрлар хотирга келади. Баъзи мутаассибона тушунчадаги кишилар фильмдаги севишпанлар фотиҳасидан сўнг тўйнинг ҳар хил сабаблар билан узоқ чўзилиши, шу ўртада фарзанд туғилиши каби тафсилютлардан ногўтри хулосаларга бориб, уни қоралаша ҳаракат қилдилар. Ваҳоланки, Сурхон воҳасининг расм-русум, анъана-удумларини яхши билган сценарий муаллифи ҳам, томошабин ҳам фотиҳа қилинган севишпанлар муносабатларида номарғуб бирон жиҳат кўрмайдилар. Аксинча, асрлар оша келаётган урф-одатларда ўзига хос ҳалқона ҳикмат борлигини, азал-азалдан муҳаббат, ҳижрон ва висол синовлари, сабр-бардош, ҳаё ва андиша тушунчалари мавжудлигини романтик-этнографик йўсинда кўрсатишга уринадилар. Балки, шунинг учун ҳам миллий қадриятларни гоёт нозик фаҳмлаб, авайлаб-асрайдиган Япония кинематография музейи юзлаб ўзбек фильмларидан, айнан, «Дилхирож»ни катта маблағ ҳисобига сотиб олиб, ўз кинохазинасига қўлди, Германия ва Франция киномуассасалари эса уни ўз томошабинга телевидение орқали қайта-қайта намойиш этиб турди. Демокчимизки, мунаққид Озод Шарафиддиновни санъат асарида санъатнинг қай даражада намойиш бўлгани, уни тирноқ остидан кир излаш даражасидаги нуқсонлари эмас, балки, аксинча, китобхона, томошабинга берадиган эстетик завқи, ҳайрат туйғуси қизиқтирар эди. Шу туйғу Ўзбекистон Миллий театри сахнасида 2003 йили қайта сахналаштирилган «Гамлет» трагедияси томошасидан кейин домланинг кўлига яна қалам тутқазди.

«Гамлетнинг қайтиши» деб номланган тақриз-мақола, одатдагидек, Миллий театрнинг навбатдаги премьерасини матбуотда қайд этиб қўйиш мақсадидагина ёзилган эмас. Театр Озод Шарафиддинов учун ўта ҳаяжонли, интиқ, интим ва бағоят тилсимли ҳаёт, ҳа..., ҳа..., ўз сўзлари билан айтганда, «чироқ ўчиб, парда кўтарилиши билан бошланадиган сирли ҳаёт» эди. Зеро, домла сирли дунёларни кезишни жуда севар, у хоҳ бадий асар, санъат асарлари туфайли бўлсин, хоҳ оёғинг билан бориб, вужудинг билан ичига шўнғиб, кўзинг билан кўрадиган ажабтовур манзил бўлсин, барибир, машғулот ҳавоси уни умри сўнгигига қадар тарк этмади. Шарқу Гарбнинг қадим маданият обидалар ва замонавий осмонўпар бинолар билан тўла муаззам шаҳарлари сайру саёҳати етмагандек, чакалакзор ўрмонлари билан минглаб қақиримларда ястанган Сибир тайгалари, катта-кичик чегара олди шаҳарчалари, Тоғли Бадахшоннинг Хороғ, Барганг, Мурғоб манзилларида ҳафтилаб кезиниб, Бойкўл ёки Панж дарёсида чўмишиб, чашмалардан қониб-қониб симирилган оби зилотларда ҳузур тошган одам, умр ноёнида оёқларидан ажраб, сафар машғулотларидан мажбур тийилгач, саёҳат сафосини энди фақат китобдан, турии томошалардан топиши мумкин эди. Томошалар ичида энг ҳаяжонлиси эса театр томошахонасида эди. Яна денг, бу шунчаки томоша эмас, пурвиқор сахна декорацияси тилсимот руҳини чандон ошириб, биздан ўта йироқ ўрта асрлар Оврупо дунёсига олиб кириб кетадигон спектакл, улуг Шекспир бадий даҳосининг гулгожи — «Гамлет» пьесаси асосидаги спектакл эди. Лекин шу кайфиятда спектаклни томоша қилган мунаққид, айнан шу руҳда тақриз ҳам ёзади. Қолаверса, устоз Шекспир билан ҳар қандай қайта учрашувни «руҳият байрами» деб билар эди. У мақолани спектаклга бағишламоқчи бўлади, шундай қилади ҳам. Аммо, уни томошадан кўра, Шекспирнинг ўзи, унинг даҳоси яратган асар матни кўпроқ тортиб кетаверади. «Шекспир даҳо санъаткор эди — у ўз асарларида инсониятнинг мангу муаммоларини, жамиятни жамият қилиб тутиб турадиган асосий устунларни яхши илғаб олган ва ҳар бир асарида уларни бетакрор самимият ва фавқуллода маҳорат билан ифодалаб бера олган». Мунаққид мақола давомида ана шу тезиснамо фикрларнинг исботини ёйиб кўрсатишга уринади.

Гамлетнинг ота ўлими учун қасос олиш мақсадида юрган пунчаки аламзада эмас ёки қонуний тахт вориси сифатида ўз ҳаққини талаб этаётган курашчи ҳам, эмас, балки катта мақсад ва ҳақиқатлар билан тарих майдонига чиққан мутафаккир инсон, «издан чиққан даврни изга солмоқ»қа аҳд қилган курашчи Шахс эканини эслатиб, пьесада маънавий-ахлоқий ақидалар «виждон, инсоф, диёнат, адолат ва ҳақиқат барқарорлиги» ҳар қандай жамиятнинг ҳам барқарорлигини таъминловчи омиг эканини уқтирмақчи бўлади. Асарнинг замонавий руҳ касб эгинини ана шу омигнинг пугурдан кетини, ахлоқсиз ва виждонсиз жамиятда жиноят, «бош-бошдоқтиқ ваҳший инстинктлар саптанати» ўрнатилишида деб биллади. Миллий театр спектаклини пьесадаги ана шу “замонавий руҳ”ни тола олган муваффақиятли таъкин сифатида баҳолайди. Уни саҳналаштирувчи режиссёр Турғун Азизовни «Гамлет»дай мураккаб асарни қўлга олиб», саҳнага олиб чиққани учун алқайди. Мазкур мақоладан кейин орадан бирор йил чамаси ўтиб, домла Турғун Азимовнинг 70 йиллик тавагъуд санаси муносабати билан топиб сарлавҳаланган «Саҳнамининг сор лочини» номли мақола ёзади. Ва унда ҳам «Гамлет»нинг саҳналаштирилиши ҳақида тўхталиб, саҳналаштирувчининг “инсон характерининг миллионлаб нозик, баъзан ўта зиддиятли ҳужайралардан танкиг топишини англаб еганини намойиш қилиди» дея лутф этади. Тақриздаги яна бир мулоҳаза диққатни жалб этади. Мунаққил Гамлет образини яратган ёш актёр Тоҳир Саидов ижросининг мусбат ва манфий жиҳатлари ҳақида тўхталаркан, уни яна пьесага оид муноҳадалар тортиб кетади. Гамлетни «геран бир файласуф, зўр ақл-заковат эгаси» дея таърифларкан, шундай кўламги бир фикрни илгари сурди: “Эҳгимолики, бутун жаҳон адабиётида кенг расм бўлган интеллектуал қаҳрамон образини илк бор Шекспир яратган бўлса, ажаб эмас”. Бу ростдан ҳам ўқувчини ўйлантириб қўялган фикр. Беихтиёр тафаккур жаҳон адабиётининг ўз камроваридаги турти пучмоқларини хаёлда жонлантиради... Шекспиргача дунё адабиёти миф ва афсоналарга, ривояту эртакларга бурканган асогирий тафаккур билан яшади. Олими худоларининг башоратлари, Скандинавия элларининг халқ романлари, Данте фалсафий ақидалари бадиий қомусидан чиқиб келадиган қаҳрамонлар том маънодаги ва турли даражадаги эҳгиролар пўрганалари ичида яшар, бири аламги қисмат ўйинларидан озурла эса, бири қаҳрамонона инсоний муҳаббат оғушида кезар, бошқаси эса илоҳий дунёлар хаёлидаги фалсафий эҳгиролар тошқинида сузар эди, Ана шу адабий-маънавий бисот билан мавжуд ер куррасининг бир қисмида Шекспир дунёси пайдо бўлиб, у инсониятнинг бу қисмига Гамлет мисолида янги инсонни - интеллектуал қаҳрамонни тақдим этди.

Яна ўша ҳушёр ожиз фикрат бир иштибоҳини айғиб қолмоқ илинжида ҳақиқиради – Навоийчи?! Навоий, ўзимизнинг ҳазрат! Ахир, унинг Фарҳоди ўша интеллектуал қаҳрамоннинг Шарқ мисолидаги намунаси, мезони эмасми? Агар Озод домла айтмоқчи Гамлетнинг интеллектуаллиги, «файласуфлиги бир-икки монологида, баъзи бир диалогларида ёрқин ифолаланган” бўлса, Фарҳоднинг ақлий салоҳияти, унинг ёрқин ҳаёти, фаолияти, кечмишлари мисолида яққол намоёнку?! Бунга қўшимча, Фарҳоднинг отаси билан тожу тахт, сапанат, унга ворислик ҳақидаги суҳбати, Хисрав билан ишқ, жунунтик ҳақидаги тўла магтикый мунозара асосига қуришган диалогининг том маънода Шекспир даҳосидан ропша-роса бир аср аввал яратилган интеллектуал қаҳрамон мисоли эканига шаҳодат эмасмикан?! Нафақат бу, бундан ўтиб ҳазрат Навоий ўз тасавуридаги Искандари тимсолида ақлий баюратнинг тажассумини бори тафсилотлари, монолог, диалоглари билан энг юксак шардаларда кўрсата билди-ку! Устоз Озод домлага сира шаккоклик қилмаган ҳолида, ўрни келганда, шу ҳақиқатни эслатиб қўймоқни ожиз андишамиз таъйиқ қилади. Зеро, ҳақ гапни айтмоққа бурчилиқ ҳисси ўша беназир устоздан мерос...

Жамиятдаги бирон жонли ҳодисага бефарқ бўлмаган Озод Шарафилдинов тележурналист санъати ҳақида ҳам ёзганлар. Жўшиб, берилиб, ёниб ёзганлар. Интервью бериб ёки кўрсатувларда воизлик қилиб, бошловчи, шарҳловчи ва ҳоказо бўлиб эмас, зеро, бу санъатда ҳам устоз беназир эдилар, балки, айни замонда, телевидение танқилчиси, журналистика жонкуяри бўлиб фикр айтганлар,



муносабат билдирганлар. Биргина “Довондаги ўйлар” номли ҳаётликларида ўзлари тартиб этган сўнги мақолалар тўпламларини варақласангиз ҳам ё бевосита, ёки бевосита журналистика ҳамда журналистлар билан боғлиқ кўплаб қимматли фикрларни учратасиз. У хоҳ бозор муносабатларига оид, хоҳ қишлоқ хўжалиги, хоҳ она тили ва маънавият масалалари бўлсин, хоҳ сиёсат, хоҳ саёҳат ва, табиийки, имон-эътиқод, ҳақиқату ҳаққоният муаммолари бўлсин, қай бир мавзудаги мақолалар қаторида, жилга курсга, бир-икки оғиз, журналистикага дахлдор фикр, муносабат бўлади. Шу ўринда, домланинг 2001 йили “Қишлоқ ҳаёти” газетасида эълон қилинган “Масъулият” номли мақоласи ёдга келади. “Журналист Муҳаммаджон Обидовга очиқ хат» тарзида ёзилган бу мақола ҳеч муболагасиз журналистик таълим хрестоматияларига киритишга арзигulik.

«Менинг назаримда, журналистикамининг ҳокимият бўлишини таъминлайдиган энг биринчи омил, у ҳаётда адолат барқарор бўлиши учун курашмоғи керак, одамлар тақдирида юз берадиган адолатсизликларнинг ҳар қандай кўринишига қарши мurosасиз курашмоғи лозим. Керак бўлганда, филокорлик билан иш юритиб, масаланинг туб моҳиятига етиб, ҳақнинг қарор толишига эришмоғи лозим. Табиийки, бунга тумтароқ ва хашаки гаплар билан эришиб бўлмайди. Бунга фақат аниқ таҳлил билан, ҳаётда ҳар қаламда кўндаланг бўлиб турган муаммолар тўғрисида тирап фикр юритиш орқали эришилади».

Журналист касбининг бош мезони ҳақида айтилган бу фикрлар, албатта, дастурий хусусиятга эга. Лекин, шу соҳа нонини еб юрган барча журналистлар тўғрисида бу фикрни айтиб бўлмайди. Озод Шарафилдиновнинг назарий йўсинда билдирган фикри эса, албатта, амалий мисоллар билан тасдиқланган бўлади. Агар қайд этилган мақолада журналист Муҳаммаджон Обидовнинг телевидение орқали иқтисодиётимиз ривожига тўсиқ бўлаётган нуқсонлар борасидаги куюнчак чиқиши кўлаб-қувватланса, “Серманашқат ижод йўлида» номли 2003 йил “Хуррият” газетасида чоп этилган бошқа бир мақолада эса, “Муаллиф кўрсатуви» жанри хусусиятларига тўхтаб, мунаққид одатлагилек, олдийдан мураккабга, кичик бир масаладан улкан муаммога кўчади ва мазкур жанрдаги кўрсатувларда ҳақиқатлар баралла айтилиши керак, деган талабни кўяди. Ва, ўша-ўша навқирон ҳам ўктам нафос билан ижтимоий мавзудан баҳс очади: «Бизда, умуман, ҳақиқат ҳеч қачон тўрдан жой олган эмас, ўзига муносиб иззат- икром кўрган эмас. Ҳақиқатга салоқатимиз тўғрисида ҳар қанча оғиз тўлдириб мақтанмайлик, барибир, у эшик қоқиб келса, тиланчига салақа бергандай, кўлига бир нарса тутқазиб, остонадан қайтариб юборар эдик». Бундай нишгарли мулоҳазалар шунчаки бўлишққа отишган ўқ эмас. Унинг конкрет манзили ҳам бор. У, аввало, эл-юрт учун, маланиятимиз ривож учун катта-кичик не бир даражада хизмат қилган шоиру санъаткорлар хотирасини вафотларидан беш-ўн йил ўтмай унугаётган мухлисларга, ҳатто айримларининг оила аъзоларига, яқинларига қаратилади. Сўнгра, бор заҳри-залвори билан ўша пайтлардаги телевидение мутасаллиларида манзилли йўналтирилади. «ТВ кўриш, ой, юлдуз деган нарсаларни билмайди, тан олмайди, уларнинг ўрнида ТВда катта-катта чироқар бор. ТВ мутасаллилари ҳушига келса, бу чироқларни ёқиб кўйишади, ҳулларига келмаса, “чарқ» этиб ўчириб кўя қолишади. ТВ шунақа муассасаки, у истейлодти ижолдорларсиз кун кўра олмайди, лекин, биронга истейлод эгасининг ўзлигини тўла, бемалол, эркин намоён қилишига йўл ҳам кўймайди. Бунда кўнчилиكنинг фикри, муносабати, баҳоси умуман инобатта олинмайди”. Мана шундай очиқ-ошкора мулоҳазалардан сўнг мунаққид бир қатор эътиборни тортган ва арзимас сабаблар билан тўхтатиб кўйилган кўрсатувлар ва уларнинг ижолдорларини мисол келтириб, бутун аламини истейло билан баён этади. «Буларнинг бари учун, биз — олдий томошабинлар ТВнинг катталаридан миннатдор бўлмоғимиз керак, негаки, уларнинг бизга кўрсатган ана шу ғамхўрликлари важида, ҳозирга қадар айнамай, солиқ фуқаролик сифатларимизни сақлаб келаяпмиз».

Мунаққид, баҳонаи сабаб, кўнглида йиғилиб қолган «лардлар»ини тўкиб солар экан, бу билан нафақат “бўйсунмас танқилчи» деган мurosасиз феълини намойиш

қилиш, билас, назарий томондан ўзи асослаб берган журналистлик касби аъмолининг амалий жиҳатдан намунасини кўрсатиб, исботлаб беришни назарда тутгандек туюлади. Бу ва шу каби домланинг қатор мақолалари, кўрсатувлар мисолида ўзлари ёзгандек, “жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга - улар ориқча дабдабасиз, панд-насихатларсиз, беҳуда даъват-чақириқларсиз бизни бир-биримизни қадрлаша, олимиздан оққан сувни эъозлаша, фақат олис ўтмишдаги қадриятларимизнигина эмас, кечаги ва бугунги қадриятларимизни ҳам авайлаб-асраша ўргатади».

Озод Шарафиддиновнинг санъат ҳодисалари ва масалалари борасидаги эстетик қарашларини, баҳоли қудрат, муайян бир махражга келтирсак, шундай умумлашма-хулосалар қилиш мумкин.

Драматургия ва драматурглар ҳақидаги махсус мақолалари, театр, кинофильм, телестановкаларга тақризларида ҳам Озод Шарафиддинов санъатшунос бўлиб эмас, соф адабиётшунос сифатида фикр юритади ва шу нуқтаи назардан адабий асос - матни, гоъвий хусусиятлари, образлар ифодаси, қахрамонлар характери масалаларига эътиборини қаратади. Уларнинг адабий матндаги ифодаси билан ўзга санъат тури, жумладан, театр ё кино, ё телевидениедаги қайта яратилган бадиий вариантти солиштиришмайди, муаллиф гоъси билан режиссёр талқини, актёр талқини борасидаги қиссий таҳлилар амалда оширишмайди. Тўғри, актёрлар ижроси борасида, режиссёрнинг меҳнати ё журъати ҳақида тавсифий фикрлар айтилади, бироқ булар ҳам асар матнидан келиб чиққан ҳолда, унинг адабий ҳодиса сифатидаги хусусиятларини таърифлаш ва таҳлил этиш асосида келтирилади. Шу маънода, адабиётшунос олим билан санъатшунос ўртасида принципиал фарқ мавжудлигини таъкидлаб, санъат асарлари ҳақида ёзган адабиётшуносни дарҳол фактнинг ўзидангина келиб чиқиб, санъатшуносна айлантириб қўймаслик керак. Айни мисолда ҳам шу қарашни эслатиш жоиз. Зеро, Озод Шарафиддинов театр, кино ва яна санъатнинг бошқа соҳалари ҳақида ҳар қанча сўз юритмасин, яна таъкидлаш ўринлики, бағоят нуқтадонлик билан, малакали, эҳтиросли мақолалар ёзмасин, у ҳеч қачон адабиётшунос олим ва мунаққилликдан бошқа таъриф сифатга даво қилган эмас ва буни ҳатто хаёлидан ҳам ўтказган эмас.

Озод Шарафиддиновнинг ёрқин истеъдодини намойиш этган илк китоби «Замон — қалб — поэзия» деб номланган эди. Яъни, замон қалбда, қалб эса шеъриятда аксланади, деган мазмун ўқиш мумкин бу номдан. Мен уни бироз ўзгартириб, замон қалбда, қалб эса санъатта ошuftа:тикла мужассам дегим келади. Зеро, замонасининг неки пасту баланд, катта-кичик кечмишлари бўлди, улар домла қалбидан ўтди, қалб эса безовталикдан тинмади. Уни фақат санъатта ошuftа:тик соатлари тинчлангирар, аниқроғи, муайян лаҳзалар вақт сокин тургандек кўринар, аслида эса, бу янги пўртаналар пайдо бўлиб, тўлқинланиб, авжланаётган палла бўлар эди. Ана шу ҳис-туйғу авжларида фикр ёлқинланар ва у шу таҳлит тўғри қоғозга кўчар ади. Мен Озод Шарафиддиновнинг барча битикларини беистисно ўша авжларда кўраман ва уқаман. Бетиним авжлардан толиқмаган қалбнинг қувватидан ҳайратта тушаман. Бирор лавҳа бўлмасинки, лаҳза чўғи бўлмасин. Қайдан бунча қалбдаги кўр? Наздимда, жавоби ўша дастлаб зикр этганимиз — болаликдан, устозлардан, китоблардан ва томошалардан... Унинг мурғак қалбини, фикрини, дидини тарбиялаган китоб ва томошалар уни «то ўлгунча шу ўлкада қол»дирди. Шулардан келиб чиқадиган уч жиҳат Озод Шарафиддинов феноменининг энг асосий хусусияти эди: юксак дид — мутафаккир нигоҳи — жўшқин эҳтирос.

У ҳаёт ва санъатни бир бугунликда, бири-бирини тақозо этувчи диалектик бирликда кўрар, ҳаёт санъатни пайдо қилгани каби санъат ҳам ҳаётни ўзгартира оладиган қудрат, мўъжиза деб билар эди. Шу боис, ҳар иккисидаги маруб-номаруб жиҳатларни жуда яхши билар, ўзгаришларни илк палладаёқ дарҳол илгар ва ижобийсини — мақбул, рангин, жозибадор, ёруғ, жонлисини кўлаб-қувватлар,

номаъқулини инкор этар, бошқаларни ҳам шундай иш тугишга, бепарво бўлмасликка ундар, даъват этарди.

Устоз мақолаларида талаффузи ғўзал, оҳангдор, мазмуни эса ундан-да чиройли бир сўз кўп учрайди. Бу сўз “мувофиқ, муносиб, лойиқ, мақбул, маъқул» маъноларини англатувчи «шойиста» сўзи. Бу сўз замонавий сўзланув тилида деярли учрамайди. Шунданми, «Ўзбек тили изоҳли луғати»да ҳам йўқ. У ҳеч шубҳасиз лирик-поэтик сўз, ғазал сўзи, ҳазрат Навоий сўзи:

*Ғам ёмон бузди эса кўнглим уйқим, қўймас,  
Махзани ишқини то бўлмаса шойиста кўнгли.*

Домла, айнан, мақбуллик маъносида бу сўзни кўп қўллаганлар. Шунинг учун шойиста ишларни ёқтаб, ношойиста ишларни танқид этардилар. Ва, ўзлари ҳам ҳамisha шойиста ҳаёт кечиришга, кўнглига мақбул ишлар билан шуғулланиб, солих фарзанд, солиқ дўст, оқибатли шоғирд, меҳрибон ва талабчан ота, бува, устоз бўлдилар. Мана шу ҳаёт тарзи барчамизни у инсонга яқин ва қалрдон қилган эди. Ёшлари нисбатан улуг, бошлари не синовларни кўрган эса-да, буюк ҳаётсвар эдилар. Битиклари бир ёну ҳаётга интилишлари бир ён бўлиб, устозни бизга тенг тўшги замондош қилган эди — замон оша замондош... Иншоллоҳ, устоз фаол ишгаётган илмий-ижодий мероси, умр ибрати билан ҳаракатдаги ўзбекнинг кейинги ва яна кейинги авлодларига ҳам замонлар оша замондош бўлиб қолаверсинлар.

## ФИКР ҲИМОНИДАН ДУРЛАР

\* \* \*

Ирода йўқ жойда йўл ҳам йўқ.

*Бернард Шоу*

\* \* \*

Дилинг куймасин ноумидлик билан,  
Ёруғ кун туғилгай қаро кечадан.

*Саъдий*

\* \* \*

Бахтли лақиқалда ҳаддан ташқари катта кетмаслик, фалокатда  
эса ишончни йўқотмаслик лозим.

*Клеовул*

\* \* \*

Ҳақиқий буюклик ўзни тута билишдан иборат.

*Лафонтен*

\* \* \*

Қандай сўз айтсанг, жавобига ҳам ўшани эшитасан.

*Ҳомер*



## БИР ДАРАХТ НОВДАЛАРИ



Александр Файнберг,  
Ўзбекистон халқ шоири

## ЮРАГИМДАН БИР НИДО УЧДИ

### НИГОҲ

Дарёга тўрини ёйди балиқчи,  
Кимга май, кимгадир амал, васиқа.  
Ғижжакнинг камони осмонга чиқди,  
Тувроққа ёғдирмоқ учун мусиқа.

### КЕЧА

Тўлин ой фалакда ёнаётган гўла,  
Масжидлар гумбази осмонга бўла.  
Асал ҳид таратган жўка шохиди  
Бедана сайроғи тинмас гўлгула.

Бақувват чинорнинг соясидаги  
Кимсасиз чойхона очиқ бемалол.  
Самовар ёнида даммини олиб  
Чалқанча ётибди чойхоначи чол.

Қулуқ тепасида кўланка ташлаб,  
Эгилиб турибди тол новдалари,  
Янроқлар остидан очиқ кўзига  
Оқиб тушаётир ой шуълалари.

Ҳув, олис дарича ортида эса,  
Мусиқа чалади ярим тун тори.  
Асал исларини таратар жўка,  
Тинмайди сайроқи бедана зори.

\* \* \*

Ўт ёқдим. Гулханим, ёнавер лов-лов,  
Олов, қалдроним, шамолда ўйнаш.  
Мен нима топдим-ов, не йўқотдим-ов,  
Жоним-ов, барини шарт эмас санаш.

Августнинг эгнида ям-яшил либос.  
Ёғоч, ермой ҳиди. Арчазор — сарвзор.  
Айни шу ёшимда на кас, на покас  
Ҳеч қачон дилимга беролмас озор.

Олмаҳон гулдани қоқар қаттиқроқ,  
Нигоҳимни сезди, аланглар зумда.  
Нинабарг тишладим. Бир оз аччиқроқ,  
Таъми, хушбўй ҳиди қолди оғзимда.

Кундуз. Тайга шодмон этди дилимни,  
Қарағайлар ёмғир ичра чўмилди.  
Мен оловга тутдим икки қўлимни,  
Буталар томчига дувва кўмилди.

Тортанак инини тебратади ел,  
Совуқ уфф тортали Тайга ўрмони.  
Бас қил, какку, бас қил! Яна неча йил  
Умр кўришимнинг керакмас сопи...

\* \* \*

Томларнинг устида кўринган замон  
Буюк «Сомон йўли» — зарафшон водий,  
Шу водийдан менга хатлаб бер макон,  
Ярагувчи, ҳукминг — мангу, абалий.

Юракда манманлик завқин ҳис этиб,  
Худоё, ожизлик қилиб қўймайин.  
Беҳуда бировнинг дилин оғритиб,  
Бировнинг хаёлин бўлиб қўймайин.

Ўзим билан ўзим қолайин тунда,  
Доғули лаҳзалар эсга тушмасин.  
Мен учун бегона, ўзга сандонда  
Менинг оташ болғам ишга тушмасин.

Мени ёт анғизга ҳукм этма Қаҳҳор,  
Биров ўрган бугдой самонин йиғмай.  
Ўзимни мажбурлаб кўрлим неча бор,  
Яшадим мен ўзга қисматга сиғмай.

\* \* \*

Пишиқ фишгдан уй солдим. — Кимга?  
Кимга солдинг? — дейсиз.  
— Ҳеч кимга.  
Тўрт тарафи дашт уй олдида  
Чашма сингиб кетади қумга.

Қор, ёмғир бузолмас устини,  
Мустаҳкамдир синчи, устунни.  
Бир бечора йўловчи унда  
Ётиб қолар балки қиш туни.

Юрак-бағри яралор олам,  
Балки топгай шу уйдан малҳам.  
Бир кун тонгда остона ҳатлаб,  
Катта йўлга ташлагай қадам.

Ўга туриб магар бахтиёр,  
Туйнук оша қичқирсанг: “Ким бор?”  
Майсаларда шитирлар шамол,  
Чағиллайди қушлар беғубор.

## ТОҒДА ТУН

Арчазорлар аро дайдийди шуъла,  
Қоялар дарёга ўзин ташлайди.  
Осмон — тикка боқар ёлғиз қорақўз,  
Қорачўғи ичра ҳилол яшнайти.

\* \* \*

Сен жимсанми?  
Жим тур.  
Замон айбдормас,  
Ҳеч нарса чиқара олмас овозанг.  
Кўкрагингда жомдек ичи бўш юрак  
Тиби йўқ қўнғироқ каби чалмас занг.

Ҳаёт ҳаёт эмас янги қўшиқсиз,  
Эски қўшигингни куйлама такрор.  
Жим тур. Боғлагунча янгидан Худо  
Ёруғ юлдузлардан майсаларга тор.

\* \* \*

Айт-чи, орзу ва ишонч боис,  
Энди ортга қайтмайсан, наҳот?  
Соҳилингни тарк этдинг, олис  
Мўъжизага интилингни фақат?

Қайга? Мисли қўл етмас ёлқин  
Орзуинг ушалмас ҳеч замон.  
Мўъжиза бу — доимо тўлқин,  
Соҳил эса, бу — ердир ҳамон.

## МУҲАББАТ

Муҳаббат, хайр энди, мен сузиб кетдим,  
Сув бўйида тутаб қолди гулҳаним.  
Лабингдан мен эмас, юлдузлар ўнди,  
Ёнингда қолмоққа йўқдир имконим.

Ҳижрон қайиғимнинг арқонин узар,  
Ишонч — иролани ажр этар дунё —

Оқимни енганлар тенага сузар,  
Оққанларни настга оқизар дарё.

Мен оқдим. Дарёнинг оқими бебок.  
Энди дудоғинга юлдузлар қўнмас.  
Айрилиқ тўфони — аччиқ, аламнок —  
Оламни бузади, газаби сўнмас.

Қайиқда сирпанчиқ тахталар йиғлар,  
Қирғоқда гулханнинг тутуни ўчди.  
Ойдаи жамолингни тўсди булуглар.  
— Кечир! — Юрагимдан бир нило учди.

Қоронғу тун аро дайдисанг гўмроқ,  
Нобон об-ҳаводан ранжима зинҳор.  
Фақат зулмат бўлмас бир умр ҳамроқ.  
Олиса милтиллаб ёнган олов бор.

Бу олов дарбадар юрган маҳалинг  
Меҳр ва ҳарорат бергай беминнат.  
Умид ва ишончинг қайтади ҳали,  
Ахир, бир умр юз ўгирмас омад.

Оловни ўчирса изғирин шамол,  
Яна қоронғуда қолсанг ногаҳон,  
Сўнги чора эрур оддий бир амал —  
Тўхта-да, гулханга унна шу замон.

Қафтингда авайлаб гугурт чўпин чак,  
Тамаки тортиб, ўт ёқишга шайлан.  
Йўлсиз биёбонда гулхан ёқ, ўт ёқ,  
Сен ҳам биров учун оловга айлан.

*Рус тилидан  
Рустам Мусурмон таржимаси*

---

*Ўзбекистон халқ шоири Александр Аркадьевич Файнберг ушбу шеърлари журналда чоп этишга мўлжалланган кезде, яъни, шу йилнинг 13 октябрь куни 70 ёшида вафот этди. Шоиримизнинг охирати обод бўлсин!*



## ЯХШИ ОДАМЛАР

*Ҳикоя*

**Улуғбек Ҳамдам**

Эрталабданоқ кўк юзида тўда-тўда қора булуғлар пайдо бўлди. Тушга яқин эса қор учкунлади. Аллабир вақтдан бери дераза қаршисида хомуш ўтирган Иброҳимнинг ичига совуқлик югурди, эти жунжикиб, чор-ночор кўзгалди...

– Секинроқ айт, улгурмаяшман, – деди у сал ўтиб хотини билан телефонда гаплашаркан. Кейин қитирлатиб узоқ-узоқ ёзди. Ниҳоят, иштини битириб, гўшакни қўйди-ю, рўйхатга қараганча ўйга толди... Шу ўйчанлик билан хона ичида анча муддат ивирсиб юрди-юрди-да, палтосини кийиб ташқари чиқди. Энди қор гупиллаб ёғарди. Моторни ўт олдириб, Кўкча томондаги дорихонага йўналди...

У ердан эса касалхонага ўтди.

– Қолгани йўқаканми? – сўради аёли хавотир тўла кўзларини эрига тикиб.

– Борликка борку-я, нархлари жуда қиммат экан, пул етмай қолди, – хўрсинганча қор қошлаган скамейкага чўкди Иброҳим.

– Вой, энди нима бўлади? – хитоб қилиб юборди Адолат.

– Шуларни бериб тур-чи, эртага бир иложини топарман...

Иброҳим уйга кайфиятсиз бир алфозда кириб келди.

Мактабдан ҳали қайтмаган ўғлига сули пишириб қўйди, ўзининг бўлса иштаҳаси йўқлигидан ошхона эшигини ёнди-ю залга ўтиб диванга узанди. Бир пас кўзларини юмиб ётди. Зум ўтмай уларни кескин бир тарзда очди – ўрнидан тура солиб чироқни ёқди. Келиб диванни кўздан



кечира бошлади, иккала қўлини мушт қилиб ўтирган ўрнини силкитиб, пружиналарини текширган бўлди: норози бир тарзда бурнини жийирди. Қалдини ростлаб ортига – курсиларга қаради: улар ўтирилавериб яғири чиқиб кетганди...

“Бу уриндиларни ким ҳам оларди?” – ўйлади.

Кейин яна юра бошлади: аввал бурчакда турган, илишлар учун мўлжалланган қаҳва рангли сервантнинг қаршисига борди. Обдон разм солди: бўёқлари учиб, қапқа бўлиб қолган икки-уч жойини силаб кўрди. Бирдан орта тисарилиб, узоқдан талабгор-олувчи сингари синчиклаб қаради. Қаралию ҳафсаласи пир бўлиб нари кетиб қолди... Кезиниб тўрдаги – уйга кўрк бағишлаб турган ягона буюм – телевизор қаршисига оёқ илди...

\* \* \*

Зорикқанда сотилган матоҳнинг пули от билан туя бўлмаскан-да: ҳашанинг дегунча дориларнинг хунук исмлари битилган рўйхат деган ўрага тушиб гулдургун бўлди-қўйди. Шундай рўйхатлардан таллагиси қўлига тутқазилганда Иброҳим кўчага чиқди-ю, нима қиларини, қай гўрдан ўша савилни тошинини билмай гарансиб қолди. Бирдан хаёлига дўсти тушиб, юзи ёришди. Ҳа-да, жўраси бор-ку! Шундай кунда қараб турармиди!..

Дарҳол машинасини гизиллатиб, Қорақаминга елди...

Афеус, дўстининг уйда эканлигидан қўнглига тушган напъа тунд булутлар орасидан бирров юз очиб, сўнг ғойиб бўлган қуёш севинчидек омонат бўлди...

\* \* \*

– Хўш, бу ёнига нима қилади энди, – умид қилган жойидан унмади-ку? Ишхона ҳам амаллаб кунини кўраётган бўлса, – шу тобда у ерга пул сўраб бормоқ гўрадан ҳолва битишга кўз тутмоқдир...

Иброҳим хушини тўшлаб қараса, маҳалласига элгувчи тўғри йўл қолиб, шаҳарнинг эски жинкўчаларида адашиб-улоқиб юрган экан. Тавба, унинг бу ерда янаётганига ҳам ўн беш йиллардан охириб қолган бўлсаю, қилиб юрган ишини-чи... Ишонмайсизми, ана қаранг, яқин агрофда Иброҳимнинг оқ “Nexia”си бош суқмаган торкўча қолмади, ҳисоб. Шоппманг-чи, нега у тўхтаётми?.. Афгидан, ҳув анув кишилардан йўл сўрайди...

Шундай бўлди ҳам. Биланиҳоя, кўп-да ҳаялланмади: машина манзилга элгувчи катта кўчага чиқиб олди – хайрият...

Кечқурун Иброҳим икки хонали, бир болахонаю яна шунча ошхонаси бор уйи бўйлаб такрорий “саёҳатга чиқди”. “Саёҳат” асносида негадир хаёлига куйиб кул бўлган ўрмондан егулик қилириб урён чопаётган йиртқич келди. “Йиртқичнинг бирон нима тополмаслигига ақли етмас, лекин мен одамман-ку! Биламан-ку уйимнинг шинийдам эканлигини!” деди оғришиб...

Бу орада у болахонадаги эски жавонларга терилган китоблар олдида турарди.

“Ким ҳам ҳозир буларни оларди?.. Аллазамонлар хазина бўлган китоблар энди ахлат-а?.. Йўқ, ҳатто ахлат уюмининг ҳам кунда – шунда

зиёратчилари бор. Китобларнинг-чи? Бугунги кутубхоналар гўё вабо тарқаган қадимги юртлардек кимсасиз, қаровсиз қолган... Эй худойим, бу юмалоқ дунёнг қаерга думалаб кетяпти?”

Бир умр емай-ичмай тўнлаган китобларига, энди кўрингки, ҳеч кимнинг кўзи учиб тургани йўқ экан. Э, воҳ!..

Иброҳим йиғламоқдан бери бўлиб у ердан чиқди.

— Машина... машинани сотаман!.. — деди у ниҳоят тўғонни уриб кетган бебош сувдек юлқиниб...

\* \* \*

Иброҳим тонг саҳардан автоювиш жойига етиб борди. Лекин жудаям ваҳдий келган шекилли, дарвоза берк эди. Панжарадан ичкари мўраллади — гира шираликда зоғ ҳам кўринмасди. “Ҳалироқ келарман” — ўйлади. Қолаверса, Адолатнинг ҳам розилигини олиши керак-да...

Қайтишда йўлакай нон сотиб олди. Уйга келиб чой қўйди, тухум чақиб товада қовурди. Шу чоғ телефон жиринглаб берди. Газни пасайтириб, етиб боргунча уйқисираган Одилжон гўшакни кўтариб чиқиб қолди.

— Ассалому алайкум, дада. Сизни сўрашяпти.

— Ваалайкум, болам. Бор, ювиниб чиқ, ҳозир нонунга қиламиз... — Кейин телефонга жавоб берди. — Лаббай...

— Салом, Ибо! Қалайсан? — Сотимнинг қувноқ овози янгради у тарафдан.

— Ваалайкум. Яхши... Ҳа, эрталабдан?

— Кеча ҳожатингни чиқаролмадим, хафа бўлмайсан...

— Кўявер. Бўлса бермасмининг, дўстим...

— Хушхабарим бор...

— Қани-чи...

— Сенда Навоий асарларининг тўрт томлик луғати бориди-а?

— Ҳа, нимаиди.

— Зўр харидор тондим...

— Харидор... — ажабланди Иброҳим.

— Ҳа-да, турклар. Ўзбек тили ва адабиётини ўрганиш учун келишибди. Мутахассис бўлишаркан.

— Ҳм... — кутилмаганда ўйланиб қолди Иброҳим.

— Нега бўшашасан? Пул керак девлинг, мана сенга тайёр пул — ўз оёғи билан келиб эпинингни тақиллатяпти, — гижлади Сотим.

— Навоий луғатлари дейсанми? — ҳалиям довдираб турарди Иброҳим, — ҳм...

— Нега толмовсирайсан? Ҳей, уйқудан энди турдингми, дейман? — қизинди Сотим.

— Йўғ-а. Фақат бошқа китоблардан сўрасин, Сотим, - ялинганнамо оҳангда деди Иброҳим.

— Бошига урадими бошқа китобингни?

— Қайдам... - чайналди Иброҳим. — Сен айтган китоблар бизнинг пону тузимиз бўлса, қандай қилиб... — гапи оғзида қолди унинг.

— Эй-й-й, қанақа одамсан ўзи, тайёр оларман қўлида пули билан донасига йигирма доллардан санаб турганда қайси одам бошқа нарсаларни ўйлаб ўтиради, каллаварам!..

- Тўғри, Сотим, кечир мени. Фақат Навоийни эмас-да, тушун, ахир...
- Майли, ўзинг биласан...
- Шошма...
- Нима яна?..
- Ўша чет элликларингга ҳар хил қомусларни таклиф қилсак-чи?

Пул жудаям зарур...

– Қизиксан-а, Ибо, сенга пул керак экан, деб айтган китобингни олишавермайди-ку! Кейин пинириб ейдими улар сенинг даври ўтган энциклопедияларингни? Мундоқ ўйлаб гапиргин...

- Ҳа, рост, – зўрға овози чиқди Иброҳимнинг.
- Майли, омон бўл...
- Майли...

– Дада, қозон тутаяпти!.. – қичқирди Одилжон.

– Ҳозир... – Иброҳим шошиб ўчоқ бошига борди. Ўғли у ерда эканига қарамай, тажрибасизлигиданми, буруқсиб ётган қозонни нима қиларини билмай оёғи куйган товукдек турган ўрнида типирчиларди. Иброҳим кела солиб газни ўчирдию йўталганча бориб деразаларни ланг очиб юборди.

- Вой, энди аямларга нима оборамиз?..
- Нега ундай дейсан? – дабдурустдан боласини тушунмади ота.
- Масаллиқнинг борини солган эдик...

Отанинг кўнгли алланечук бўлиб, ўғлини бағрига босиб олди.

– Хавотир олма, бир чорасини топармиз... – Иброҳим боласини сўз билан юпатар эдию ичини ит тирмаларди: “Чинданам касалхонага нима кўтариб боришади энди?!”

\* \* \*

Бўлиб ўтган воқеалардан дили хуфтон бўлиб ташқарига чиқиб кетган Иброҳимнинг вужуди ҳам шом қоронғисига кириб кўзлан йўқолди...

Тун зулматию қиш изғиринида алламаҳалгача тентирай-тентирай ахийри гўшасига музқотиб қайтиб келди.

– Ҳалиям ётмадингни?

– Уйқум келмади, – кўлида китоб билан эшик очган Одилжон кўзларини ишқали.

– Сизни кутдим, дегин, – Иброҳим кеч келиб ўғлига жабр қилганини тушунди. – Узр, болажоним...

– Чой дамлайми?

– Йўғ-а, яхниси, ёта қол... Эрталаб мактабга туролмай қийналасан.

– Хўп...

Иброҳимнинг кўзига уйқу қўнмади. Туриб залга ўтди. Чироқни ёқмаёқ ўриндиққа оғир чўқди. Шу кўйи ўйлашиб узоқ қолиб кетди. Кейин кўзғалиб розеткага суқилган телефонини олди.

– Аъло, Адолат... Ваалайкумассалом. Ухламаганмидини? Тинчмисизлар ишқилиб?.. Насима қандай?

– Ўшандай, дадаси... – сўлгин овоз келарди у тарафдан.

– Ҳм...

– Нима бўлди, операцияга пул топдингизми?

– Адолат... Адо...  
– Эшитиб турибман сизни, даласи...  
– Йўқ демасанг, машинани эртага бозорга олиб чиқсам?..  
– Йўқ!.. – кесиб деди аёл. – Шунча дўстларингиз бор, биронтасидан чиқмадимми ўша ордона?!

– Кўй энди уларни... Ҳозир ҳаммагаям осонмас.

– Сизга неча марта айтдим-а, шу фирма ўлгурдан чиқманг, деб. “Ёзувчиман, ижод қилишим керак”, деб-деб ахийри бинойидек жойни ташлаб, бир чимдим моянаси гоҳ бор, гоҳ йўқ институтингизга қайтиб олдингиз.

– Яна бошламагин, Адолат, – норози бўлди Иброҳим.

– Мана, натижа – фирмада ишлаб ортирган иккита матоҳингиздан бирини сотаманга тушиб қолдингиз. Ёзувчилик этагини қўймасангиз, эртага уйданам ажраламиз-да, а?

– Бас, Адолат!..

Аёл шўрликнинг ичи тўлиб кетган шекилли, эрининг танбеҳларини эшитмасди.

– Фирмадан чиққанингиздан бериям бирон нарса ёзганингиз йўқ-ку! Қачон қарама, қўлим ишга бормаянги, ёзолмаянман дейсиз. Ёзувчиам одам – уй-рўзғоридан кўнгли тинч бўлмагандан кейин қўли қандай ишга борсин!..

– Адолат!.. Бўнги, машинани сотмайман. Бўлдимми? Энди чакагингни ўчирасанми?

– Ўчирмайман...

– Уял, Адолат, уял!..

– Ким уялсин? Олдимда қизим ўлим билан олишиб ётибди, кимдан, нимадан уялай?..

– Адолат!..

– Нима Адолат? Сиз уялсангиз бўларди? Боқа олмасангиз, нимага уйландингиз, қарай олмасангиз, нега фарзанд қилдингиз?.. Жонажон дўстингиз Сотимбой нима ёлгон тўқиди? Нега унинг олдида қуруқ қайтингиз? Ахир ёшлиққина жойингизни унга бўшатиб бергандингиз-ку! Шуниям хотирини қилмадимми?..

– Яқинда уйини таъмир этибди. Ўзиниям уч-тўрт сўм қарзи бор экан, тушун...

– Иброҳим ака, Худо хайрингизни берсин, ахир бу чўпчак-ку. Ўша ерда ишлаган вақтингизда сиз ҳеч пулсиз қолганмисиз? Ўша Сотим аканинг ўзига қанча ёрдам қилгансиз, унутдингизми, лоақол ўша қарзларини узиб қўяй, демабди-да...

– Ҳа, энди бир пайтлар сенга ёрдам қилгандим, деб миннат қилайми? Ўйлаб гапир, Адолат!

– Нега энди фақат биз ўйлашимиз керак? Нега бошқалар бирон гап айтишдан олдин бизга ўхшаб етти ўлчанмайди, Иброҳим ака?!..

– Адолат, бас энди, илтимос. Ўзингни қўлга ол. Эртага ернинг тагидан бўлсаям пул топиб бораман, хавотир олма...

Иброҳим оғир қўзғалиб жавонга яқин келди. Аскарлардек чиройли тизилган китобларга узоқ тикилиб турди-да, қўл узатиб улар орасидан тўртта яшил муқовалисини ажратиб олди...

Эргалабдан ота-бола олдинма кетин бўлиб уйдан чиқишди. Боланинг қўлида мактаб панкаси, отанинг бўлса китоб тўла халта.

– Иброҳим!

Иброҳим ўтирилиб қўшни “кирин”да яшайдиган, бозорда майда-чуйдалар сотиб тирикчилигини ўтказадиган Толиб акасини кўрди.

– Ассалому алайкум, ака.

– Ассалому алайкум, Толиб амаки!

– Ваалайкум ассалом...

– Дада, ўзим боравераман, – хитобига жавоб ҳам кутмай жадаллаб юрди Одилжон, – кеч қолмай тагин...

– Майли, эҳтиёт бўлиб бор.

– Йўл бўлсин, ука? Жа, кетинлар бошқача...

– Сизни кўрганим яхши бўлди, ака.

– Тинчликми?.. – хавотирланиб сўради Толиб.

– Ҳозир бир жойдан пул тошдим, – Иброҳим қўлидаги китобларга ишора қилди, – лекин яна керак бўлқолса, машинани сотишга тўғри келади. Кун-кеча пул сўраганимда машинага жамғарганим бор, дегандингиз.

– Жуда соз, – деди Толиб мамнуният билан сийрак мургини силаб.

– Фақат аниқ эмас. Сотмай қолсам, гиналаб юрманг яна...

– Гапнинг эркақчасини айтгин, ука, – қоплари чимирилди Толиб акасининг. – сотасанми, йўқми?

– Ана, бошланди... Ака, ҳозирча йўқ. Мабода, зарур бўл қолса, илк сизга хабар бераман, – Иброҳим бурилиб йўлида давом этаркан, Толиб сасланди:

– Барибир сотасан, ука, ҳозирги замонда китоб билан иш битадими?.. – энди ака кўрсатгич бармоғи билан уканинг қўлидаги халтага имо қилди...

– Сотим, дўстим, тушун, пул ҳаводек зарур бўлмаганда бу китобларни бозорга солмас эдим. Сотиладиган китоблар эмас ахир булар!..

– Хўш, нима қил, дейсан? Ўзинг тунов кун дангал гап қилмадинг, мен ҳам уларга йўқ, деб қўйгандим.

– Бошқа чорасини қидириб кўрдим-да.

– Шунча кутдинг, бугунчаям сабр қил, ошна. Турклар Самарқанду Бухорони ётволлиб томонга қилишмас, ахир. Бугун-эрта қайтиб қолишадди.

– Бошқа йўли йўқми, Сотим? – дўстининг кўзларига жовдираб қаради Иброҳим. – Қизим операцияни кутиб ётибди...

– Тушунман, – кўзғалди Сотим – гап тамом, дегандек, – аҳволнингни жудаям яхши тушунман. Лекин мендаги вазиятним кўриб турибсан-ку... давом этди кўлларини икки томонга ёйиб. – Ўзимда бўлса, қўшқўллаб бермасмидим...

– Унда эртага хабар оламан, хўпми?..

– Ўзим сим қоқардим. Ҳай майли, келсанг, келавер...

“Ўтинаман, Художон, қизимни ташлаб қўйма!” дея тинмай пичирларди касалхонага равона бўлган Иброҳимнинг лаблари.

Ўзига умидвор тикилиб турган хотинининг дастига егулик солинган кичик тўрвани тутқазлиқ шониб “Пул эртага бўлади” деди. Адолат чўчиб эрига қаради, эътироз билдирмоқчи бўлибми, оғиз жуфтлади, лекин индамади. Шусиз ҳам дилтанг бўлиб турган йўлдошини аяди, чамаси. “Илойим, илойим” дея шивирлаганча ичкарига йўналди... Иброҳим бир муддат тек қотди, кейин аста изига қайтди. “Қиш қаттиқ келди-я?” – хаёлидан ўтди унинг.

\* \* \*

– Дада, нега ёзмай қўйдингиз? – сўради Одилжон ёзув столига тирсақ тираб хаёлга чўмган отасига яқин келиб.

– А?.. – ҳушига келди Иброҳим, – сенмисан, кел, ўтир болам.

– Авваллари туни билан ёзиб чиқардингиз?

– Қачон авваллари? – ўғлининг ўсиб кетган сочларини тўзғитди Иброҳим.

– Аввалларида – кичкиналимда.

– Вой, буни қаранглар, – кулди дада. – Ҳозир каттамисиз? Ҳали ўн иккига тўлганингиз йўқку?..

– Яқинда тўламан, – ғурур билан деди бола.

– Катта бўи қолган ўғлимдан ўргилай, – ота боласини кучиб қўйди. – Менинг ёзган пайтларим кўз ўнгингда қобди-да, а? Баракалла.

– Лекин ёзмай қўйдингиз-ку? Хонангизга кирволиб соатлаб ўтирасиз энди...

– Ёзиб қоларман, ўғлим. Вақти-соати кеп қолар...

– Нима, кутиб ўтирсангиз келадими? – Ҳайрон бўлиб бошини кўтарди болакай. – Илгариям шунақа кутганмисиз?

– Кутганман, фақат сен жудаям кичкина бўлганинг учун эслай олмайсан-да.

– Ўзи қандай қилиб ёзасиз, дада? Ўтириб олиб тўқийверасизми? – боланинг жиддий тортган қиёфаси бу ишнинг сирига росмана қизиқиб қолганидан далолат эди.

– Йўқ-да, болам. Тўқийвермайсан. Аввалига яхши-ёмон одамлар билан яшаб кўрасан. Улар сенга ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотдиради. Шунда дам қувониб, дам қайғурасан. Вақтлар ўтиб эса буларнинг барини унутасан. Лекин нималардир ёдингда қолади. Ана шу қолган нарса адабиёт бўлади.

Бола маҳлиё бўлган каби анграйиб эшитарди.

– Аслида, ўша қолганиям элақдан ўтказиш лозим.

– Элақдан? – ҳайрон бўлиб қаради Одилжон.

– Ҳа. Фақат бу элак аянгнинг ошхонасидаги элак эмас, – яна кулди Иброҳим. – У ёзувчининг ичида – юрагида, онгида бўлади. Саракни саракка, пучакни пучакка ажратиб олдингми, демак, ёзиш учун хамиртурушинг тайёр. Ана шуларнинг ҳаммасидан кейин ёзувчи сен айтгандек, тўқий бошлайди. Тушундинг?

– Ўҳ-ҳ ўў. Осон эмаскан-ку?

– Дунёда осон ишнинг ўзи борми, болам...

– Дада, Насимани қачон операция қилишади?

– Худо хоҳласа, эртага.

– Эртага? Ҳм... – болакай бир зум ўйланиб олди. – Дада, дўхтирларга пул бермасанг, касални тузатишмайдими?

– Қаердан топдинг бу гапни?

– Аям айтди.

– Ундай эмас. Аянг ҳозир синглингга куйиб ўтирибди, нима дегганини ўзиям билмайди.

– Унда нега синглимни операция қилинмайди?

– Дори-дармонга озроқ пул керак бўлади-да, серсавол болам.

– Дада, операцияга пулимиз борми?.. – Одилжоннинг овози пастлаб кетди.

– Энди бўлади, болам, эртага бўлади, – ота ўғлининг елкасига аста қўл тегизиб хонадан чиқди...

– Дада, – падарнинг пешидан етиб келди валад, – дада, зарур бўи қолганда дўхтирлар олдин операция қилиб, кейин пулини олишса бўлмайдими?..

Иброҳим синчков ўғлининг юзига бир қараб олди-ю, оёқ кийимини кийиш учун энгашди.

– Ундай қилсаям бўлади, аслида... – деди қалдини ростлаб. – Мен бир айланиб келай болам, қўрқмайсанми бир ўзинг уйда?

– Йўғ-е, ўрганиб қолганман-у...

\* \* \*

– Сотим, бугун юз фоиз бўлади, дегандинг-ку!?!.. – бўғилиб, қорайиб кетди Иброҳим.

– Ҳа, энди улар келишмаса, мен нима қилай? Ё Бухорога бориб қўлидан етаклаб келайми? Ўзи сенга ёрдам бўлсин деб балого қоладиганга ўхшайман-ку... Бировга яхшилик қилалиган замон эмас, ҳа!

– Китобни берганда омонат эди, дея пулини олиб қолмадингми? Билардинг-ку зурурлигини, Сотим!..

– Қайтганда ташлаб кетамиз, дейишди. Хўш, сенингча, нима қилишим керак эди? Арзимас пулни деб хорижликларнинг олдида изза бўлишим қолувди...

– Сотим! Менга қара, у ёқда қизимнинг жони қил устида турибди. Агар мени лақиллатаётган бўлсанг...

– Ҳе, уял-ей, Ибо!.. Гапирётган гапингни қара. Ўз оғзинг билан айтдинг, акамдан хемириям чиқмади деб. Туғишган жигаринг қилмаган яхшиликни қилай десаму эвазига нималар деб валдираясан?

– Неча кундан бери ҳали уни ҳали буни баҳона қиласан. Қизимга бир нима бўлса, акамниям, сениям соғ қўймайман!..

– Турқингдан туппа-тузук одамга ўхшаганинг билан қин-қизил ахмоқ экансан-у!..

– Сотим, китобнинг пулини кўятур, ҳеч бўлмаганда олган қарзларингдан бирини қайтар-да, номард!.. – хаёлидан ўтди Иброҳимнинг. Лекин юрак ютиб айтолмади... айтолмади... айтолмади...

– Тавба, тавба... Менга қара... – Сотимнинг гапи оғзида қолди, Иброҳим гўшакни тарақ этиб ташлади-қўйди.

– Кўрнамаклар!.. – сўкинди у телефонга тунугини сачратиб. – Ярамас-ҳезимкашлар! Ўзи ипсон зоти яшашга ҳақли эмас, ҳаммасини –

хаммамизни ер ютса яхши. Тезроқ қиёмат кўпишини истайман, Оллоҳим, қиёмат кўпишини!..

Иброҳим нима қилишини билмай денсиниб, у хонадан бунисига ўтди, бесамар кезиниб-суринди. Ниҳоят, болахона томонга бориб деразадан пастга боқди. У ерда кучукчаларини ўйнатиб юрган бола-бақралар, ўзаро суҳбатлашиб ўтирган тўртгами-бешга кампир, парироқда эса дарахтни бир қўли билан кучган кўйи ер билан битга бўлиб ҳушсиз ётган пиёниста чол кўзига ташланди. — Қара, - деди ўзига ўзи овоз чиқариб Иброҳим, - қизалоғимнинг дугоналари яшаяпти, ёшлари саксондан онган қариялар яшаяпти, айтишларича, йигирма-ўттиз йилдан бери тинимсиз ичадиган, ичиб кўчаларда “учиб” қоладиган мункиллаган чол яшаяпти, лекин нега келиб-келиб менинг Насимамнинг мурғак жонига ўлим хавф солади, нега, нима учун?!.. Қурт-қумурсқа, илон, чаён... улардан-да баттар Толиб акам ва дўст саналмиш Сотимлар ҳам яшаб юрган дунёда нега менинг маъсум гўдагим ўлиши керак?.. Эй қодир Эгам, додимни эшитаётган бўлсанг, жавоб бер!.. Нега, нима учун?!

Иброҳим ошиғич кўчага чиқдию акасининг уйига йўл солди. Эшик кўнғирогини устма-уст эздиямки, ичкаридан садо келмади...

— Бу вақтда бизни уйдан қидириб эсингни еганмисан? — деди акаси Иброҳимни бозорда қарши олиб. — Ҳа, нима гапинг борили?

— Ака... Ҳалиги...

— Қанча?.. — дабдурустдан сўради ака. Лекин зум ўтмай ўзи парх айтди. — Уч ярим!

— Нималар деярсиз, ака? Бозорда беш-олти мингга “миқ” этмай олиб кетишди-ку!..

— Унда бозорга элт. — Тўғрими, хотин? — Қутини очиб сигарет доналарини стол устига эринмай битга-битта тизаётган, хомиладор-лигидан ҳўшпа семирган аёл ака-укаларга бир қараб қўйдию қонларини керди: қон-қардон жигар бўлсаларинг, акаси учун укаси уч-тўрт сўм ўтиб берса, асакаси кетмасиди...

— Ака, қачон бозорга элтаману қачон пулини оламан, майли, сиз тўрт ярим беринг-у ола қолинг, розиман, — титраб-қақнаб деди Иброҳим.

— Вой-вой-вой! Пулни хазондек кўчадан супуриб тўшлаётганимиз йўқ, ука. Ўша айтганимга хоҳласам ҳам бир доллар қўшолмайман. Қўшадиган ҳолим йўқ...

— Бўлмаса, ўша пулингиздан тўрт-беш юзини қарз қиб туринг, ака! Тўй-тамошага сўрамаянман, ахир!..

— Яна ўша гап. Сенга печа марга айтиш керак ўзи, иним, — Толиб бўйнига солинган дурраси билан пешонасини артди, — қарз хайрли иш эмас.

— Бозор куни машинани сотаману пулингизни келтириб бераман, а? — Иброҳим умидланиб акасининг юзига термилди.

— Бўлмайди. Машина олмагунимча у пулларнинг тахи бузилмаслиги керак, — Толиб қиш бўлишига қарамай, торгина дўконнинг диққинафасида терлаб қизариб кетган бақбақаларини елпиди.



– Нега ака, нима учун?..

– Ирими шунақа, хафа бўлмайсан... Кеннойингни туғруқхонадан ўз машинада олиб чиқиним керак. Сўз берганман... Тирпоққа зор бўлган акангни тўғри тушун...

Иброҳим отасининг кўзларига узоқ қараб қолди, афтидан ундаги асл маънони ўқимоққа, тушунмоққа тиришди. Не ажабки, уққанлари ботинида кўтарилиб келаётган бўрон шидлатини босмас эди, йўқ! Акаси – бир вақтлар жону жигари бўлган отаси энди бегонага айланганди... Э воҳ!...

Нима қиларини билмай қолган ука ахийри, “Э-э, садқаи ака кетинг...” дегандек қўл силтаганча бурилиб ташқарига чиқди-кетди.

Машинасини учиртириб касалхонага бораркан, юраги зардобга тўлиб бораётганини ҳис қилди, ҳа деганда “култ-култ” ютинди, бўғриқди, оғриниб нафас олди: “Одамларга нима бўлган ўзи? Бири болаликдан қалрдон дўстим, бошқаси туғинган акам бўлса!.. Бунчалар ўзгариб кетмаса булар?.. Ёки мен уларга бирон ёмонлик қилганмидим? Бэ-э-э, қандай ёмонлик? Яхшилиқнинг номи ёмонлик бўлган бўлса, балки... Бирининг қора кунларида дастак бўлдим: қарз бердим, ўзимнинг ўрнимга қўшимча ишга қўйдим, бошқасига бозордан жой гашланиб бердим, эру хотинни уйимга рўйхатдан ўтказдим... Шуми қайтган оқибат?.. “Нима эксанг, шуни ўрасан” деган мақол қайта кетди? Наҳотки, бутун бошли халқ ҳам адашса?.. Ёхуд мақоллар ўзгарадиган замонми бу?..”

Туриб-туриб Иброҳим ўзидан ҳам гашланиб кетди: “Ишим юришмаган сари миннатим ортиб бораяптими? - деди ўзига ўзи пичирлаб, - Бу тўғри эмас. Қилган яхшилигини унутмаган одам яхши одам бўлмайди. Эҳ, бормикин ўзи бу дунёда ўшалар – яхши одамлар?..”

Кейин “лон” этиб Иброҳимнинг хаёлига аёлининг ўзига бот-бот айтгучи гапи тушди: “Даласи, сиз ёмон одам эмассиз”.

– Ҳа-ҳа-ҳа, - кулиб юборди Иброҳим рулни касалхона дарвозаси томон буриб. – Мен ёмон одам эмасман. Лекин шу ёмон бўлмаган нусха билан яхши одам ўртасида еру осмонча фарқ борлигини билмайманми?.. Қайда яшар экан ўзи ўша... яхши одамлар, қизиқ...

\* \* \*

– Қанақа отасиз ўзи? – тутақиб кетди Адолат. – Қайси юз билан бу ерга пулсиз келдингиз? Тополмагандан кейин сотасиз-да машинани? Сўраб ўтирасизми?.. Болангизнинг жони ўша савил операцияга боғлиқ бўл турганда одам ҳам бир темирни сотайми-йўқми, деб, хотинида руҳсат олгани келадими? Эркакмисиз ўзи?..

Қани энди керак бўлганда ер ёрила қолса. Кўкдан чақмоқ тушсаю Иброҳимни куйдириб кул қилса... Йўқ-да. Ер – қаттиқ, ёриладиган “кайфият”да эмас. Чақмоқ... Эҳ, қишнинг кунда чақмоқ нима қилсин?..

Иброҳимнинг бўлари бўлди: бошидан бир челақ муздек сув куйиб юборишгандек сезди ўзини. Қийналди. Хотини – ҳақ. Қизалоғининг – кўзининг оқу қорасининг ширин жони килкиллаб турганда машинани дард қилиб кўтариш мумкинми?..

\* \* \*

– Аю, ассалому алайкум! Дада, қаердасиз?

– Ваалайкум ассалом, ўғлим. Йўлдаман. Нимайди?

– Дада, ҳозир вақтингиз борми, ота-оналар мажлиси бор эди. Синф раҳбари қатнашини шарт, деяпти, – айбдорона овозда сўзлади бола.

– Ўзинг қаердасан?

– Кўшимча дарсим борида. Мактабдан энди чиқдим, дада.

– Ўша ерда тур, ҳозир етиб бораман, – Иброҳим машинани мактабга элтувчи йўлга бурди...

– Бопқа фанлардан ўқишинг чакки эмас экан-у, адабиётдан чатоқ дейишди, тўғрими шу? – сўради ота ўғлидан мажлисдан чиқиб машинада уйга кетишаркан.

– Ким айтди, – сўради кулиб Одилжон.

– Нега куласан? Ота касбига муносабат шуми? – норози оҳангда гапирди Иброҳим.

– Битта фандан холос-ку, дада! – жиддий тортди Одилжон.

– Нега энди келиб-келиб адабиётдан ёмон ўқиясан, болам? – кутилмаган янгиликдан отанинг бир энсаси қотса, бир жаҳди чиқа бошлади. – Нимаси қийин?

– Билмасам... – очиқ гапиргиси келмагандек деди ўғил. – Кўлимдан келганча ўқияпман.

– Математика, физика, чет тили... ҳаммаси аъло, – тобора ҳидлатланиб борарди Иброҳим, – нега энди биргина адабиётдан расво? А, нега?..

– Дада, кўнглингизга олмасангиз айтаман, – деди овози титраб Одилжон.

– Айт!..

– Хафа бўлмангу... адабиётни ёмон кўраман... – ўғил отага бир қарадию кўзларини таниқарига олди.

Иброҳим “Ҳап, сеними...” деб “шўртумшук”нинг жағига яхшилаб туширгиси келдию, эндигина ўзига боққанда кўзларида йилтиллаган ёш уни тўхтатиб қолди.

Улар анча муддат мум тишлаб боришди. Ниҳоят, ўзини қўлга олволган ота босиқ оҳангда гап қотди:

– Бунинг сабаби бордир, ахир, Одилжон?..

Талай вақт мобайнида ўғилнинг оғзидаги талқон эримайди. Бовужуд бирдан ёрилди:

– Оиламиздаги ҳамма балога адабиёт сабабчи... Агар сиз ёзувчи бўлмаганингизда синглим ҳам аляқачон тузалиб кетарди... – Одилжон бир пас жим турди-да, секингина қўниб қўйди – ичимдагини айтдим...

– Аянг ўргатдимиз? – бақирди ота жигибийрони чиқиб.

– Йўқ... ўзим биламан...

– Бировни сотмаганинг яхшию, лекин адабиёт ҳақидаги фикринг нотўғри. Ўзингники бўлсаям... – Туйқус ҳовуридан тушди Иброҳим. – Чунки бошимизга тушган кўргиликларда адабиётнинг гуноҳи йўқ...

– Дада, аям билан Насимани соғиндим. Эртага мениям олиб боринг, – деди Одилжон мавзуни буриб.

– Албатта обораман-да, шунқорим, – кўнгли ийиб, ўғлининг сочларини силади ота. – Дарсдан неччида чиқасан?

– Тўртларда.

– Унда сени кечқурунги боришимда олиб кетаман, Келиндикми?

– Келиндик...

Ота-бола машинани гаражга қўйиб, тўғри аканикига ўтишди.

– Ҳа, тагин нима гап? Шаптинлар бошқача... – салом-аликдан сўнг пинғиллади Толиб.

– Пулингиз тайёрми?

– А?.. Ҳм... Ахийри кўнибсан-да?..

– Ҳа, – кесиб дели Иброҳим гапни чувагиси келмай.

– Қачон расмийлаштирамиз?

– Менга қаранг, ака!..

– Ҳа...

– Биз ахир бир қориндан таланиб тушган ака-укалармиз, сиздан пул олиб қочиб кетадиган ниятим йўқ. Пул менга эрталабга керак. Манавиндай зарур!.. – Иброҳим бош бармоғи билан бўғзини “чизди”. – Шундоғам операция чўзилиб кетди. Боринг ана, беш юзини бера қолинг. Қолганини нотариусдан кейин десангиз ҳам розиман...

Толиб яна нимадир демоққа оғиз жуфтладию фикридан қайтди. Қараса, укасининг авзойи бузилиб боряпти. Битиб қолган иш чипакка чиқиб ўтирмасин, тагин.

– Майли, ака-укачилигимиз ҳурмати, сенга ёрдам қила қолай, – Толиб ичкарига кириб кетди. Кейин ошхонада куймаланаётган хотинини ёнига чақириб олди-да, изидан эшикни ёпишди. Хилватда маслаҳатга маҳси кийгизишди, шекилли, ярим соатдан мўлроқ вақт мобайнида қораларини кўрсатишмади. Ниҳоят, эшик очилиб, аввал қорни қашпайган кеннойиси, кейин акаси чиқиб келишди.

– Манавинга тилхат ёз, – укасининг қарнисига бир нарча қоғоз қўйди ака.

– Ака?.. – жаҳли кўзиди Иброҳимнинг, – ишопмайсизми, ўз укангизга-я?..

– Русуми шунақа-да. Нима, мен ўйлаб тошибманми? Бор-йўғи икки энлик хат – фалончидан беш юз олдим, деган. Шунга отагўри қозихонами?.. – чийиллади Толиб гунгурдай гавдасига ярашмаган овозда.

Иброҳим юрагининг тез-тез ура бошлаганини – ўзини қўлга олмаса, нимадир содир этиши мумкинлигини сезиб кўрқиб кетди. Дарҳол, ҳушини тўпламоққа уринди: “Иброҳим, ўзингни бос. Пул ҳою ҳаваста эмас, операцияга зарур, эшитясанми? Эсингни йиғ-да, пулни ол...”

Акаси хоҳлаган тилхатни ёзиб бериб ташқарига чиқиб олган Иброҳим тоза ва салқин ҳаводан чуқур-чуқур симирди: “Ё қодир Эгам, Ўзинг ёрдам қилу қизалоғимнинг азиз жонини сақлаб қол!..”

Тонг сахардан юрагини ҳовучига олиб борган эрни хотин касалхона эшиги олдидаёқ қарши олди. Бояқиннинг рангида ранг қолмаганди, нажот илинжида чор томонга жавдираб боқарди.

– Чет элдан катта-катта дўхтирлар келди. Кўрғазмали операция қилармишлар. Қизимиз ҳам ана ўшаларнинг орасида. Дадаси, нима бўларкин энди?..

– Яхши ният қилиб, Худога ёлворамиз, бошқа нимаям қўлимиздан келарди, Адо, – Иброҳим завжасини елкасидан қучиб ичкарига бошлади. – Қаерда?

– Учинчи қаватда. Жарроҳлик бўлимида.

– Қани, юр.

– Фойдаси йўқ. У ерга ҳозир қўйишмаяпти. Ҳовлида кутганимиз маъкул.

– Пулни олиб келгандим, - чўптагига қўл солди Иброҳим.

– Шонманг. Ҳозирча тура турсин. Хорижликлар келганига тепадан текшириш ҳам борга ўхшайди. Сўраган анави врач бор-ку, сахармардонда мени чақириб олиб, “ҳозирча пул-мул деб оғиз очиб юрманг, ҳаммаси яхши бўлгандан кейин хабарлашамиз” деди. Тупунмайроқ турибман. Пул-пул, деб ҳоли-жонимизга қўймай турган одам бир зумда ўзгарди-қолди. Ичимга кўрқув ҳам тушди, қизимизнинг аҳволи оғирмикан, деб.

– Нафасни иссиқ қил, Адолат, - аёлининг титраб турган қўлини тутди Иброҳим...

Улар бир-бирларининг дам умидвор, дам эса умидсиз киртайган кўзларига боқа-боқа кунни яримлатишди. Ниҳоят, тоқатлари тоқ бўлган эру хотин чор-ночор ичкарига юришди. Қаршисида ўн-ўн бешта тапвипли одам тўпланган жарроҳлик бўлимининг “бегоналар” учун тақа-тақ ёпиқ эшигига нигорон нигоҳларини тикишганча тик оёқда қолишди. Вақт тошбақанинг косасини кийиб олганга ўхшарди – кўринмасди, сезилмасди... Ниҳоят, бир маҳал эшик очилиб, ундан қандайдир муҳим тошшириқ билан жанг майдонига опикаётган аскардек важоҳати бор ҳамшира чиқди-ю шаҳдам қадамлар билан йўлакнинг нариги томонига йўрғалади. Танин ҳамширага кўзи тушиши ҳамона Адолатнинг юраги ҳапқириб кетди. “Вой!” деди эрига маҳкамроқ ёпишиб.

– Ўзингни қўлга ол, ҳаммаси яхши бўлади, – Иброҳим далда берди.

– Сўранг, ўзингиз сўранг... Мен кўрқяпман... – деди титраб Адолат.

– Сабр... Сабр... Сабр... – пичирлади Иброҳимнинг лаблари. Лекин унинг муржаатини фақат Адолатга қаратилган эди, деб бўлмасди.

Бу орада тошшириқни бажариб қайтаётган ҳамшира йўлакда шумтираб турган эру хотинга кўзи тушиб жилмая қолди. Кутилмаганда шу ёққа бостириб келиб Адолатнинг қўлини тутганча “Суюнчини катгароқ тайёрлайверинг. Қизингизда ҳеч қанақа “порок сердца” йўқ экан...” делию яна ичкарига шошиб кириб кетди.

Завжу завжа ўз қулоқларига ишонмай ҳаяжон билан боқипар, айтилган гапнинг - эндигина ҳавода янраган жонбахш мужданин тасдиғини бир-бирларининг қалрдон чеҳраларидан қилиришарди..

– Чинми, даласи!.. Шу гап ростми? Нуридийдамнинг юракчаси соншасоғ эканми?.. – она шўрликнинг севинчига чек-чегара йўқ эди, ипчунун, саволларининг ҳам адоғи кўринмасди, – энди менинг болам ҳам биз билан уйга қайтадими? Бошқа болалардек эмин-эркин ўйнайди, мактабга борадими?..

– Ҳа, Адолат, ҳа!.. – Иброҳимнинг ҳоли аёлиникидан беҳроқ деб бўлмасди, унинг ҳам кўзларидан дув-дув қувонч ёшлари тўкилар, сўнг савол бериб жавобини кутмаётган, хушxabардан ақлу хушини йўқотарчасига довдираб қолган шўрлик рафиқасини дам-бадам қучгани-қучган эди...

\* \* \*

Иброҳим оқшом чўкиш асносида онасию синглисини соғиниб ичиккан ўғлини машинасига солганча яна касалхонага жўнади. Кундузги нехxabар нашидасига анча кўникиб, ҳис-туйғуларини жиловлаб олган ота энди

бошқа парса ҳақида оғриқ ва алам билан ўйлар, ўйлагани сайин изтиробни бадтар ортар эди. Бошига тапшиш тушмагунча билмаган экан, тушдию атрофидаги одамларнинг кимлигини англади, ҳис қилди. Англаганлари, ҳис қилганларининг таъми шунчалар аччиқ эдики... “Наҳотки, менинг ҳаёт йўлимда суянса бўладиган ҳеч ким бўлмаса?” деб қолди.

Озурла назарида дунё дўсти сотимларга, акаси толибу, анави бош врачга ўхшаган худбину покасларга тўлиб кетган эди.

— Илгари ундай эмасди-ёв, — ўйлай бошлади Иброҳим машинасини оҳиста ҳайдаб бораркан. — Нега одамлар бунчалик ўзгариб-турланиб кетди? Ўзи нега инсон ўзгаради? Нима, у шароитнинг қулими? Соғлом муҳитни пайдо қиладиган одамлар ҳам борми бу чархишалакда?..

Ўн-ўн беш йил бурунги Сотимни эслади: Бировнинг ҳаққини етанмасди. Қайтага, қасрда тиланчи кўрса, қувиб юриб садақа улангани уланган, ҳожатманд қаршисида ҳожатбарорга айланмагунча тиширчилагани тиширчилаган эди. Иброҳим шунча йил жўрачилик қилиб бирон марта унинг қинғир ишени кўрмаганди...

Акаси-чи? Укаларига қандай ғамхўр эди... Қасрга кетди энди ўша оғалик ҳис-туйғулари?..

Нега улар ўзгарди? Нима учун Иброҳим ўз яқинларини бутун таний олмай қолди?..

Иброҳимнинг ўйи бош врачнинг найрангларига етганда, қаҳри келиб, тишлари гириҳ-гириҳ бўлди. “Аблаҳ! — деди сўнг, — мол-дунё илинжида сошпа-соғ боланинг кўксини ёрмоқчи бўлдинг-а? Ит эмган палид, буни шундай қолдирмайман!..”

...Касалхонадан қайтишда уларнинг машинаси йўл ёқасидаги гавжум бозор олдида тўхтади.

— Юр, Одиложон, рўзғорга ул-бул олволайлик.

Шом пайти тумонат одам денг. Дарвозадан туртилиб-суртилиб ичкариланди. Иброҳим уларга қарар экан, нафрати кўзиди. Назарида аридек тўзиб юрганларнинг орасида “Мана бу - одам!” деса бўладиган биронга ҳам хос зот йўқ эди — ҳаммаси бир гўр буларнинг!.. Ташқаридан қараганда қўй оғзидан чўп олмайдигандек кўринадиган мўмин қобилиям энг камида акаси Толибдек юлғич, бош врачдек қаллоб ва Сотимдек мунофиқ чиқади. Ҳа-ҳа, инсон деган иблисга яқинлашиб бўлмайди... “Маҳпар — Сарҳисоб кўни бўлиши керак, бўлгандаям тезроқ юз бериши шарт!” хитоб қилди Иброҳим.

Улар раста айланиб ўтиришмади. Дуч келган илк сотувчиданоқ харидларини қилиб, изига қайтишди: Иброҳимнинг ичи бояги ўйларга тўлиб кетганди. Атрофга ёвқаран билан боқар, фикру хаёли уясига чўп тиқилган бесаранжом арилардек тўзғиб учарди. Шунданми, машина юкхонасига халгаларни жойлангирди-ю калитни ўша ерда унутганча калитни “тақ” этиб ёнди-қўйди. Сўнг “Аҳ!” деб юборди.

— Ҳа, дада? — шопиб сўради ўғил.

— Лаънати, калит қонкетди-ю...

— Вой!..

Ота-бола ўзларича машинанинг тўртала эшигини кўздан кечириб чиқишди — бирон тирқини қолгандир, ахир!..

— Ҳўв анув кабобчини кўрянсанми, бор ўшандан сих сотиб ол, — бесамак кетган уринишлардан кейин Иброҳим Одиљжоннинг қўлига пул тутқазди...

У бўлди, бу бўлди, хуллас, бир неча марта сотиб олинган сихлар ҳам кор қилмади. Бари эгилиб, юмшаб, ишга яроқсиз ҳолатга келди.

— Қулфланиб қолдимми? — шу яқин атрофда тўда-тўда юрган одамлардан икки-уч йигит ажралиб чиқиб, ёрдам беришга уннашди. Лекин бироз вақт ўтиб уларнинг ҳам хафсаласи пир бўлдию жуфтакни ростлашди.

— Дада, совқотдим, — Нимжонгина Одиљжон қишнинг изғиришли оқшомида кўйлак устидан кийилган нимдош нимчада дийдираб - куннишиб турарди.

— Сен ҳам курткангни ечиб қўювдингми? — машина саломида қолдирилган кийимларга қараб қўйди ота. — Ҳозир... ҳозир болам... — Иброҳим йўл четига қаранди. Дарахт гирдига безак учун айлана шаклида терилган бир хил ўлчамдаги тошлардан бирини қўлига олди.

— Нима қиласиз, дада? — Одиљжон ҳалик олди.

— Ойнасини синдириб, эшикни очаман, болам, - Иброҳим айлапиб ўтганча орқа эшикнинг кичик ойнага қаршисига борди.

— Қўйинг, дада, янгигина машина бўлса, — чоғиб отасининг ёнига борди бола.

— Сениям касал қиш қўймай, болам, — Иброҳим эми бир қарич келар-келмас ойнакка тош билан урди. Аммо унинг ҳажми кичик бўлганиданми ёхуд ўзи шунақа мустаҳкам ишланганми, ҳар ҳолда кейинги уринишларда ҳам синиб кетмади. Ким билади, балки Иброҳим ич-ичида унинг нарчаланишини хоҳламагандир...

— Дада, Тоғиб амаким нима дейди энди? — Одиљжон отасининг енгидан тугди.

— Тоғиб амакинг?... — уришдан тўхтаб ўғлига юзланди хиёл қизишган Иброҳим. — Тоғиб амакинг балони олсин!..

Бола ҳайрон бўлиб отасининг кўзларига тикилди:

— Нега? Машинани амакинга сотдим, делингиз-ку!..

— Ҳа, шундай дедим. Сотмоқчийдимам. Лекин фикримдан қайтдим. Энди бизга кўп пул керак эмас... — Шундай дейишга деми-ю ғалати бир туйғуни ҳис қилиб қолди Иброҳим. Ҳис қилгани ҳамон аччиқ устида ойнакни яна “дўншолай” кетди.

— Ҳой-ҳой, нима қилиясиз, ҳўв ака? — йўловчилардан бири чоғиб келиб Иброҳимнинг қўлидан тугди. — Тинчликми?..

— Машинамизнинг калити юкхонада қоғи кетди, — ота ўрнига шоғиб жавоб берди бола.

— Ия, қулфланиб қолган машинани шунақа қиш очадими? — йўловчи тоғини бояғи дарахт тағига улоқтирди. — Ока, пулингиз оғиб-тоғиб ётган бўлса, стим-есирга беринг, тайёр неъматни оёқ ости қилманг-да...

— Э-э, сизга нима? Машина меникимми ё сизники? — хезланди Иброҳим.

— Сизники, ока, сизники, — бамайлихотир жавоб берди йўловчи.

— Бир соатдан бери очолмаяпмиз. Бу ёқда болам совқотиб кетди. Нима қил, дейсиз? — давом этди ўша оҳангда Иброҳим.

– Ўзингизни босинг, ока. Ҳаммаси яхши бўлади, – йўловчи янада мулойим гапирди. Гапираркан, кўзлари билан йўл четига, бетон ариқ қийисига, дарахтларнинг олдига “бориб келди”. Кейин узоқлаб, улкан бир дарахт шохига ўралган симни еча бошлади.

Иброҳим кафтларини бир-бирига ишқаб, қон юргизмоқчи бўларкан, ўйлади: “Ҳойнаҳой, сен ҳам анувларнинг бири бўлсанг керак. Бир дардинг бордир-да. Фейл-атворинг юмшоқ гапириб, ҳам молимизга, ҳам жопимизга тажовуз қилмоқчи бўлган анави доғули врачни ёдга соляпти. Эшикни очипга очиб берарсан-у, эвазига отнинг калласидек ҳақ сўрасанг, сира ажабланмасдим...”

Йўловчи топиб келтирган сими билан эшикни очипга уннар экан, Иброҳим совуқ еб, бурнию қулоғигача қизариб кетган ўғлини беп-ўн қалам наридаги буфетга етаклади. Икки финжондан иссиқ-иссиқ лимон чой ичиндиямки, Одилжон “миқ” этмади.

– Ҳа, намунча қовоғингдан қор ёғмаса?..

– Ҳеч, ўзим...

– Кўкдан тушаётган қор бизга етади, жон болам...

Ота ўғлининг хафа бўлганини сизди. Бу сезги уни яна ўша зиддиятли ўйлар жангоҳига итқитиб юборди. Энди Иброҳим ўзини Сотим билан бир сафда деб ҳис қила бошлади. Шунда Толиб акасинию бош врачни тупунгандек бўлди. Неча кундан бери “Нега одамлар бунчалар турланиб кетди? Нима учун улар Яратганнинг эмас, шароитнинг бандасига айланишди, нега инсоний фазилатларни бир четга йиғингириб қўйиб, фақат ва фақат ҳайвоний фитрат билан яшай бошлашди?” деб ўйлагувчи эди. Тақдир унинг бошидан ҳам тегирмон тошини бир юргизиб ўтгандан сўнг эса бугундай ўзга кишига айланди-қолди. Ҳаммасини ўз тапасида ҳис қилгач, акасиниям, дўстиниям, етти ёт бегона — бош врачниям айбланга тили бормай қолди, ажаб...

Қайноқ чой ичиб, ичларига иссиқ югурган ота-бола машина ёнига қайтиб келишди. Йўловчи ҳалиям ҳафсала билан эшикни очипга уринарди. Дам қўлидаги сим совуқдан музлаблар кетган бармоқларидан сирғалиб ерга тушар-да иш тўхтар, дам эса унинг ўзи ҳаракатларини бир зумга бас қилиб, қўлини оғзига олиб борарди-да, “кўҳ-кўҳ”лаб иситмоққа тугинарди. Иброҳим потанин одамнинг хатти-ҳаракатларини диққат билан кузатиб тураркан, ғоят ажабланди. “Ким бу ўзи? Қанақа одам? Нега жонини жабборга бериб ёрдам қиламан, дейди? Ҳаракатлари беғаразми ё ҳотамтой қиёфасидаги шайтонми?..”

Анча-мунча тер тўкканига қарамай, ниятига столмай куймаланаётган йўловчи бирдан уринишларига ора берди-да, сим қоқди.

– Ассалому алайкум! Ока, ёрламингиз керак бўп қолди. Бир биродаримизнинг машинасини очип керак, калит ичида қолиб кетган... Ҳа... шундай қилдим, бўлмади. Хўн.. кутаман...

– Йўловчи тагин қўлидаги симни ойнак ва темир орасига тикиб, ботиндаги қулфнинг халқасига тушмоққа унпай кетди.

– Ҳаҳ муғомбир, ўзи етмагандек ҳамтовоғини чақирдимми? — ўйлади Иброҳим “меҳрибон” йўловчининг увало ҳаракатидан шубҳаланиб. — Бир ўзи бебилиска пул топаман, дедию чиқмади. Энди эшикни амаллаб

очарлару бугун бош врач ололмай доғда қолган пулнинг яримини талаб қилиб куйдиришади-ёв булар?..

Орадан ярим соатча вақт ўтиб Иброҳимнинг “Nexia” си ёнига такси келиб тўхтади. Ундан хушсурат, бўйдор йигит тушиб шу ёққа юрди.

– Ассалому алайкум!

– Ия, келдингизми, ока? — йўловчи ёшиям, сумбатиям ўзидан улугроқ бўлган иккинчи йўловчи билан қўл бериб сўранди. — Сиз айтгандек қилиб ҳам энглай олмадим. Мана, ўзингиз кўринг, — йўловчи четлашиб, жойни катта йўловчига бўшатди.

– Бу ёғи қанчадан тушди энди?.. — ўйланди Иброҳим томонанинг давомига кўз тикиб.

Лекин катта йўловчи кўн уринмади, кичкинадан олган симни керакли жойга суқиб бир–икки айлантирган эди — эшик «шиқ» этиб очилди — кетди.

– Воҳ! — деб юборишди текин томошага ўч беш-олгита тўпланганлар. Қойил!..

Иброҳим шоша-пиша юкхонани очиб, халталарнинг ёнида унутган калитни қўлига олди. Алҳол, тунд чехраси ёришди, лунжини ёйиб, катта йўловчига мулозамат кўрсатди.

– Раҳмат! Кам бўлманг, — Иброҳим киссасига қўл уриб, элдан бурун санаб– тайёрлаб қўйган пулини чиқарди. Сўнг устига таксининг келиш-кетиш пулини чамалаб кўнди-да, катта йўловчининг қарнисига борди. — Мушкулимни осон қилдингиз, барака топинг!.. — катта йўловчининг очилган кафтига Иброҳим ҳалигини «тап» этиб қўйди.

– Ия, ия, бу тағин нима иш? — катта йўловчи кафтидаги пулга қаради. Қарадию зудлик билан Иброҳимга қайтиб бермоққа тушди.

– Қизиқмисиз? — ажабланди Иброҳим, — қишнинг қаҳратонида иссиқ уйингиздан машина ушлаб бу ерга келдингиз, мингдан минг розиман, олаверинг, — Иброҳим катта йўловчи шунчаки ясама истиғно кўрсатяпти, деб ўйлади.

– Об кўйинг, ока. Буни пул учун қилмадим, ишонинг, — қўлларини кўксига қўйди катта йўловчи, — Одам отанинг болаларимиз, биродармиз, ахир!.. — деди такмин билан. Йўловчининг гап оҳанги шундай эдики, эътироз билдириш мутлақо мумкин эмасди.

Иброҳим бирдан нима қиларини билмай шалвиради-қолди. Ҳозиргина ҳаммаси беш қўлдек аён эди: бегона киши хизмат қилди, энди бу ҳақини тўлаши керак. Йўқ-да!.. Энди Иброҳим бир лаҳзанинг ўзида фикрини ўзгартириши керак бўл турибди. Ҳай, аттанг, дунё ва одамлар тўғрисида бир тўхтама келиб улгурганли, энди бўлса... Ўша тўхтама чилпарчин бўлиб оёқлари остига синиб тушди. Бир лаҳза... атиги шу бир лаҳзада Иброҳим ҳамма нарсага кўра муносабатини қайта кўриб чиқиши шарт энди! Эҳ, буларнинг залворини кўтарувчи наҳлавон борми оламда?..

– Майли ока, эшигингиз бошқа кулфланиб қолмасин, — катта йўловчи қўлини кўтарган эди яна бир такси «ғийқ» этиб тўхтади. Кичик ва катта йўловчи унга ўтиришди-да, бир зумда кўздан ғойиб бўлишди. Иброҳим... Иброҳим бўлса серрайганча тура қолди... «Оҳ» деди ниҳоят хушини тўшлаб ва тиззасига шанатилади, «Нима қилиб кўйдим? Ҳеч курса, манзилларига элтиб қўйиш хаёлимга келмади-я!..»



— Дада, кетамизми? — гуноҳқорона тарзда сўради Одилжон ўиланиб туриб қолган отасига яқин келиб.

— А? Ҳа... Ҳа, ўғлим, кетамиз, — Иброҳим машинага ўтираркан, ўғли яна гап қотди:

— Яхши одамлар, деган ҳикоя ёзсангиз бўларкан...

Иброҳим эшикдан суқиб улгурган оёғини тортиб олди-да, машинани аста айланиб ўтди. «Кел бу ёққа, ўғлим» деди олд ўриндиққа ўрнашиб олган Одилжонга. Кейин қад ростлаган ўғлини маҳкам қучиб олди. Шу кўйи ич-ичидан бир титроқ келди-ю, аччиқ-аччиқ йиглаб юборди... «Ҳа, ўғлим, ёзаман... Сен айтгандек «Яхши одамлар» деган ҳикоя ёзаман, албатта ёзаман!.. Фақат сен уни ўқийсанми? А, ўқийсанми, ўғлим?!»

— Ҳм... — деди ҳижолатланиб ўғил.


— Энди кетдик... кетдик энди болам, машинани эгасига топширишимиз керак... хитоб қилди ота.

— Толиб амакимгами? Ура-аа! — шодон қичқириб юборди бола.

— Ҳа—да, кимга бўлмаса?... Агар яна бир кун ҳаялласак, кеннойинг қолиб, амакингниг ўзи жижилаворали, — ота-бола бараварига қаҳ-қаҳа отиб кулиб юборинди...

Хиёл ўтмай улар машинага ўтириб шаҳарнинг кунчиқишига қараб йўлга тушишаркан, қарши томонда — узоқ-узоқларда уфқдаги гуж булутларнинг кўкси ёрилдию, бир дона юлдуз порлаб кўзга ташланди. Худо хоҳласа, эртага қуёш чиқади...





**Наримон Ҳотамов,**  
филология фанлари номзоди



# ХАЙРИХОҲЛИК ЭДИ БОРЛИФИ

Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев кексаю ёшга бирдай муомила ва муносабатда бўлган ижодкор эди. У ўзининг ҳаётий фаолиятида «Халқим, сен билан қалбим», дея юрагидаги туйғуларини, орзу-армонларини куйлаб ўтди. Мен Нормурод билан Самарқанд Давлат университетидаги таҳсил асносида танишганман.

Нормурод талабалик йилларидаёқ ўзининг хушмуомалалиги, мулоҳазакорлиги, одоблилиги билан тенгқурларидан ажралиб турарди. Ўзи келинган, чиройли, хушбичим йигит эди, кўнғироқ сочлари ҳам ўзига жуда ярашарди. Кўзлари доим кулиб турар, юзидан гўё нур ёғиларди. Хунчақчақ феъл-атвори, ёқимли суҳандонлиги сабаб ҳар қандай киши билан тил топишарди.

Биз иккаламиз ҳам факультет ёнлари сардори бўлганимиз учун турли маданий-маънавий тadbирларни аксарият ҳолларда бирга ташкил этардик.

Бунда, айниқса, Нормуроднинг фаоллиги, тонқирлиги, ташаббускорлиги жуда кўл келарди. Югурик йиллар ўтиб, тақдир тақозосига кўра, иккаламиз ҳам марказга — Тошкентга келдик. Талабалик йилларида бизни боғлаган қадрдонлик ва иноқлик ришталари кейинчалик катта дўстликка, оилавий, самимий яқинликка, ўртамиздаги эътиқодга, дил ва фикрларимиз бирлигига айланди. Ҳар қандай шароитда ҳам бир-биримиздан хабардор бўлдик, шодликларимизга шерик, ғам-андуҳларимизга ҳамлард бўлдик, ҳеч қачон бир-биримиздан меҳру мурувватимизни дариғ тутмадик. Шу сабабдан, кўпчилик бизни эгизаклар, ака-укалар дейишарди. Бирор тўй ёки учрашувга ёлғиз кириб борсак, мендан: «Қани уканг?» ундан: «Қани аканг?» деб сўрашарди.

Дунё сафоси билан, дўст вафоси билан гўзал, дейди халқимиз. Ахир, у фақат мен билан эмас, ўзгалар билан ҳам худди шундай иноқ бўлишга интиларди. У табиатан ҳаммага бирдай ширин муомалала бўлар, хайрихоҳлик билан қарар, меҳр-мурувват кўрсатар эди. Шоирнинг бундай инсоний хислатлари, уни бутун умри давомида одамларга, қариндошларга, дўстларга яқинлаштирди, ўртадаги муносабатларни

самимийлангирди, ўзаро ҳалоллик ва тенгликка замин ҳозирлади. У ўзига раво кўрмаган ва ёқтирмаган нарсаларни яқинларига, дўстларига ҳам раво кўрмасди. Дўстлар бирор нолайиқ ишга қўл урсалар, эҳтиётлик билан уларни бу йўлдан қайтаришга уринарди. Меҳр, иймон, лиёнат, садоқат ва виждон уйғунлигини у дўстликнинг узилмас рингалари деб биларди.

Шоир ўз шеърларида ҳам дўстликка, одабийликка бўлган эътиқодини астойдил тараннум этган, инсон ҳаётида туганмас хазина эканлигини мисралари замирига сингдирган:

*Кимки кутса дўстин яхши онини,  
Ёмон кунда ҳам бўлса ҳамнафас,  
Дўсти ҳам бағишлар унга жонини,  
Яхшилар дўстларга қилишар ҳавас.*

Мен Нормуроднинг ҳаётда қанча-қанча дўст-биродарларига, шогирдларига, юртдошларига амалда кўмак берганини, ҳолидан хабар олганини, далда берганини кўп кўрганман.

Бир воқеа ёдимда қолган. Журналларнинг бирида ишлаётган бир ёш шоир касалликка чалиниб, ҳаво алмангирини мақсадида ўз юртига - Қашқадарёга кетмоқчи бўлади. Лекин, журнал бош муҳаррири унга жавоб бермайди. Ёш шоир ўша даврда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг муовини бўлган Нормурод Нарзуллаев ҳузурига ёрдам сўраб боради. Нормурод ҳам аввалига уни бу фикридан қайтаришга урилиб кўради:

— Ҳаммамизнинг ҳам ўз элимизга кетгимиз келадди, укажон! Лекин бу ернинг об-ҳавоси, шароити, ижодий имкониятлари у ерда йўқ. Ўсиб, камол тонинг ва элга танилиш йўли марказда мўлроқ, — дейди.

Бироқ, ёш шоир фикрида қатъий эканини билгач, журнал муҳаррири билан келишиб уни олги-етти ойдан кейин яна чақириб олиш шarti билан рухсат беришади. Ва, яна, туман раҳбари билан телефонда боғланиб, уни эътиборсиз қолдирмасликни тайинлайди.

Бу — Нормурод Нарзуллаевнинг қадрдонларига ғамхўрлиги, самимийлиги, филойилиги, меҳри ва садоқатини кўрсатадиган битта мисол, холос. Одатда, инсоннинг тили ҳам, кўнгли ҳам, нияти ҳам пок, фаолияти — иши, хатти-ҳаракати ҳам унга мос бўлмоғи керак. Нормурод худди шундай ибрат намунаси эди. Ҳақиқатан ҳам айтилган муҳлат ўтгач, соғлиғи анча яхшиланган, ўша ёш шоир Тошкентга чақириб олинади ва журналдаги ишини давом эттиради.

Ахир, Нормуроднинг ўзи ҳам журналист бўлиб шаклланишида қанчадан-қанча устозларининг меҳру муруватидан баҳра олганки, шунинг учун ҳам ёш истеъодларга хайрихоҳ, ғамхўр, кўмакдон бўлиш унинг қон-қонига сингиб кетганди. Масалан, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор ярқ этган истеъодлини кўрганда, қанчалик севинганларини шундай изоҳлаганлар: «Мен адабиёт муҳибиман, шунинг учун адабиётга яннаб кирган ёшларни кўриб, қувониб кетаман, қувончимни ўша ёшнинг ўзига миннатдорлик қилиб айтаман. Бу яннаган чўғни елпини демакдир».

(Сайди Умиров. «Дорулфунунлар тақдиримда» китобидан).

Нормурод Нарзуллаев ижодиётида она Ватан ва халқ, ҳаёт ва инсон, меҳнат ва бурч, тинчлик ва дўстлик, инсонийлик ва ахлоқийлик

фазилатлари, сермазмун ва покиза муҳаббат, эркинлик ва истиқбол каби мавзулар гурур ҳамда ифтихор билан акс эттирилган.

Шоир шеърляги ҳаёт инъикосига йўғрилганлиги билан, ўзгаринларга ҳозиржавоблиги билан аҳамиятлидир. Айниқса, мустақиллигимизни зўр қувонч ва ифтихор билан қуйлайди. Юртимиз мустақиллигини кўз қорачиғидай авайлаб-асрашга чақиради:

*Ватан муҳаббати қалбларда машғал,  
Йўлимиз ёритгай ишқ бўлиб ёғду.  
Жоним Ўзбекистон, камол топ, юксал,  
Истиқлол қуёши порласин мангу!*

Нормурод Нарзуллаев қўшиқ учун ёзган шеърларига Нарзий таҳаллусини қўяр ва қўшиқ жанри унинг ижодида салмоқли ўринни эгаллаган эди. Шоир қўшиқ яратишга, қўшиқчиликка катта масъулият билан қараб, уларга куй басталанида бастакорлар билан яқиндан ҳамкорлик қиларди. Шоир Нарзий шеърлари асосида яратилган қўшлаб қўшиқлар Республика ва ундан ташқаридаги конкурсларда махсус совринлар ва дипломлар билан тақдирланган. Масалан, шоирнинг «Муҳаббат» қўшиғи Республикалараро замонавий қўшиқлар танловида иккинчи ўринни олган булса, «Наврўз муборак» қўшиғи жумҳурият кўриғида учинчи ўринни эгаллади.

Нормурод Нарзуллаевнинг ҳаётини фаолиятида ҳам, ижодиётида ҳам инсоний фазилатлар — очиқ юзлилик, оқибатлилик, шафқатлилик, ҳаммага хайрихоҳ бўлиш, эҳтиром билан иш тутиш асосий маънавий бурч ҳисобланган. Унинг фозиллиги ҳам, пурҳикматлилиги ҳам шундан. Панд бергувчилари борлигини билса ҳам уларга ёмонликни раво кўрмас, яхши сўз айтишдан чарчамасди. Хушчақчақ табиатига кўра, бундай ҳолларда: «Қайси танинғиз иккита бўлган?» «Жонингизга теккан эканмиз-да?» «Соғинаман ҳар кунини... кўрсам ҳам, кўрмасам ҳам», «Битга бошга бир ўлим, кўксимда икки кўлим», «Ганни белидан солманг», «Элчи билан совчиға ўлим йўқ», «Гуноҳқормиз», «Гуноҳи не эди бу тилло бошнинг?» каби одатий лутфларини айтиб, таскин бергандай, вазиятни юмшатгандай, ҳазил аралаш кечирим сўрагандай бўларди. Шу билан ички маданияти, маънавий қиёфаси ва ахлоқи юксак эканини намойиш этарди.

Шоирнинг олгини йиллиги муносабати билан Қашқадарёга сафаримиз мароқли бўлганини яхши эслайман. 1995 йилнинг май ойлари. Гуруҳимиз таркибида Ҳожиакбар Шайхов, (Олюҳ раҳматига олган бўлсин!) Маҳмуд Сатторов, Ҳаким Сатторий, Нормурод Нарзуллаев ва хотини, камина... Бизга белгиланган автобусни Кўкдалада вилоят ва Чироқчи тумани раҳбарияти кутиб олди. Учрашув, табриклар, шеърхонликлар авж олди. Қарини шаҳрида вилоят театри бипосида уюштирилган тадбир кўтаринки кайфиятда, шеър ва наво базмида ўтди. Эртаси кунини шоир билан учрашув тантаналари Касби туманидаги Хўжахайрон қишлоғида лавом этди. Ўша оқшом биз меҳмонлар Хўжахайрон қишлоғидаги хўжалик боғида суҳбатни то тонггача уладик. Таниқли ёзувчи Ҳожиакбар Шайховнинг эргалаб ҳикоя қилинича, тонг олдида номаълум учувчилар ўзга коинотдан ўз учар кемаларида тушиб, Нормуродни табриклашибди ва уни

ўзлари билан олиб кетишга даъват этишибди. Ўзга коинотда ҳаёт бутунлай бошқача, деб мақтанишибди. Шоир уларга қатъий рад жавобини бериб: «Мен ўз юртимнинг фарзандиман, ҳатто мана шу ўзим туғилган қишлоғимнинг бир парча ерини ҳам ўзга коинотдан устун биламан», дебди. Боринги, шу куни Касби тумани марказида уюштирилган учрашувда бу ҳикоя оғиздан-оғизга ўтиб юрди. Шоир таваллуди муносабати билан Қашқаларё сафари ана шундай таассуротлар ва бой хотиралар билан эсимизда сақланиб қолди.

Нормурод билан боғлиқ хотиралар кўпинча унинг табиати, феъл-атвори билан муштарак. Масалан, у жуда содда феъл, камтар одам бўлган, ёлғончи ҳам эшлаб гапиролмаган. Шу боис, бевосита оилавий самимиятимиз, иноқлигимизни кўрсатувчи бир воқеани ёдга олмоқчиман. Бир куни иш вақтида шоир билан бир жойда уқфатчилик қилишга ваъдаланганмиз. Дастурхон ёзилган, ош дамланган, соат 12 бўлди, лекин шоирдан дарак йўқ Инхонасида ҳам йўқ. Мабодо, эсидан чиқиб, уйига келмадимикан, деб, телефон қилсам, гўшакни турмуш ўртоғи — Санобархон олди.

— Укам келмадими? Келса менинг телефонимни кутиб ўтирсин, — дедим.

— Қаердасиз? Келиши билан телефон қилар, — деди. Мен ҳам шошилиб қолиб:

— Мен метродан телефон қилаянман. Ўзим хабарлашман, — дедим. Орадан ўн дақиқа ҳам ўтмай, шоир уйига кириб келган ва шошилинч папкаларини қўйиб, чиқиб кетишга ҳозирланган.

— Ҳеч қаяққа жилманг, ҳозир акам телефон қиладилар метродан, — деб Санобар менинг сўраганимни айтган.

Шунда, шоир соддалик қилиб, гўшакни кўтариб, маълум телефон рақамини тера бошлаган. Санобар ҳайрон.

— Акажон, узр, сал ушланиб қолдим. Ҳозир стиб бораман, — деб менга телефон орқали хабар бераяпти. Шунда, Санобар гўшакни шоирнинг қўлидан олиб:

— Ака қойил-э, ака-ука бир бўлиб, битта ёлғончи ҳам эшюлмаб-сизлар-да, — деб бизларнинг устимиздан роса кулди. Шундан сўнг, шоирнинг дарвешлиги туфайли, «Метродаги сир» оилавий давраларимизда беғубор ҳангомага айланиб қолганди...

Нормурод Нарзуллаевнинг етмиш ёшга тўлиши муносабати билан «Янги аср авлуди» нашриёти унинг «Алёр» номли «Сайланма» асарлари тўпламини нашр этишни ният қилди. Шоир мазкур китоб унинг охириги китоби, ҳаёти ва ижодий фаолиятининг якуни бўлажagini гўё олдиндан сезгандай, китобни етти бобдан иборат қилиб тартиб берди. «Сайланма»га кирган асарларда шоирнинг умр ва эл тақдиридан шукроналиги, эрк ва истиқюлдан, ҳаётдаги янгиликлардан олган завқу шавқи, она юртга, ҳамнафас, ҳамқалам замондошларига меҳру муҳаббати, ўзининг ёрқин ифодасини топган. Бироқ, узрли-узрсиз сабаблар боис, шоир юбилейи кечиктирилгани туфайли, бу китоб унинг вафотидан кейин дунё юзини кўрди. Шоир 2006 йил 27 мартда ишдан келиб, оёқда юриб туриб, тўсатдан вафот этди. Охириги китобини кўриш ҳам насиб этмади. Яқинлари, дўстлари, сафдошларини доғда қолдириб кетди.

Мен шоир бўлмасам-да, ёшликдан бирга ўсган дўстим, университет-доним, юртдоним, сирдоним, маслакдоним Нормурод Нарзуллаев хотирасига бағишлаб бир шеър ёзган эдим.

*Қадрдон дўст эдик, мутлоқ ажралмас,  
Эгизаклар деб аташарди бизни.  
«Дарду андуҳлардан дил озод эди»<sup>1</sup>,  
Давра булбули деб севардик сизни.*

*Сиз бор жойда қувонч, кулги ҳукмрон,  
«Соз ва сўз сеҳридан умр сарфароз».  
Ғийбат йўқ, ҳасад йўқ, олқиш баралла,  
Суҳбатлари гулдек, ҳикматингиз соз.*


*«Яхшига ярашмас надомат, афсус»,  
Покиза, вафоли бўлсин деб юрак.  
Эзгулик йўлида доим эгиб бош,  
Дўстни асрамоқни қилдингиз тилак.*

*Аmmo, сиз қалбларда доим барҳаёт,  
Меҳр муҳри бўлиб қолди сўзингиз.  
«Инсон хотираси муқаддас, азиз»,  
Учмайди ҳаётда қолган изингиз.*

*Халқ деган, халқ севган шоир эдингиз,  
Ихлос, садоқат-ла, этгумиздир ёд.  
Фарзанду шогирдлар, дўстлар доимо  
Рухи покингизни қилгумиздир шод.*

---

<sup>1</sup> Қўширноқ ичида берилган сатрлар Нормурод Нарзуллаев қаламига мансуб.



## Мен кутган орзулар



Маърифат Темирова

Юрагимга муҳр босади  
Садолари бугунги куннинг.  
Кўкин туман чўккан заҳоти,  
Қонаб кетар дардлари тушинг.

Умри қисқа бўлса ҳам, гарчи,  
Менга фидо этади ўзин.  
Соябондан йиқилар томчи  
Киригимда яшамоқ учун.

Ҳаёлимла ўйлар чамбарчас,  
Ҳаётимдан пандлар англайман.  
Гулни фақат ҳиди учунмас,  
Кўларимга дея асрайман.

Яшайман соатлар сарфлаб,  
Бўяб куннинг қораламасин.  
Тўлдираянман ҳар лаҳза ҳарфлаб,  
Ҳаётнинг шоҳ умрномасин.

---

*Ёш шоира Маърифат Темирова Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманида таваллуд топган. Ҳозирда Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг тўртинчи босқич талабаси. «Айбдор соғинчи» номи илк китоби нашр этилган.*

\* \* \*

Осилиб қолмоқда қоғогим,  
Уйкуга талабгор кинриклар,  
Қулфлари бузилган сирларим,  
Қолару туйнукни беркитар.

Кимгадир ўхшагим келади,  
Само-ла рўшара тураман.  
Беҳосил шафтоли шохлари  
Суратга тушади мен билан.

Эрганиб хаёллар ортидан  
Кетаман кундузнинг шомила.  
Ўзимни учратиб қоламан  
Айвонда, онамнинг ёнида.

Ўкинар ва насиб этади  
У билан суҳбатда бўлмоқлик.  
Кўзларим қаърига кетади  
Кўзёшлар, қолмоқда саноқлик.

Рандалай бошлайди ақлимни  
Бедилнинг пандлари, даволар.  
Тирнайди, қонатар қалбимни  
Дунёга келмаган наволар.

Нимадир битаман қоғозга,  
Сўзларни тераман бирма-бир.  
Ўқийман пичирлаб секин, бу —  
Қалб сеҳрига ўхшаш нимадир?!

\* \* \*

Сен... Ҳамон жимсан...  
Ва, мен ҳамон ўйчан.  
Олис манзиллардан кутарман қадам.  
Йўқ-йўқ, ишонаман, келарсан, албат,  
Хаёлга айланган менинг шаҳзодам.

Бағрига босганда барглари ёмғир,  
Ойнага қўнган мен — ўша томчи.  
Келарсан...  
Биз расм чизамиз нодир,  
Мен тонгни оқ ранга бўяйман.  
Сен-чи?..

Мен сенга суҳбатлар совға қиламан,  
Сен эса зар қоғоз, рангин суратлар.  
Мен шунда илк бора севиб қоларман,  
Сен эса асрайсан мангулик қалар.  
Самога элтаман севгини сен-ла,  
Мен кутган орзулар қилади сафар.  
Ишонгин, дўстларга бахт санамизда  
Тарқатамиз мовий таклифномалар.





Охунжон Сафаров,  
филология фанлани доктори  
профессор

## “ТО ТОНГГАЧА СЎЙЛАСАМ ЭРТАК...”

Атоқли ўзбек шоири Хамид Олимжон “болалик кунлари” даноқ халқ ижодига меҳр қўйганлигини фахрланиб куйлайди.

Ижодкорнинг халқ шоирлари: Фозил Йўлдош ўғли, Абдулла шоир, Ислом шоир Назар ўғли билан доимий ижодий мулоқотлари, қатор халқ дostonлари, айниқса, қаҳрамонлик эпоси “Алшомин”ни нашрга тайёрлаши ва улар борасидаги кузатишлари фольклорга ижодий муносабатини янада чуқурлашгирган илҳом манбаи вазифасини ўтади. У «Алшомин» эпоси таҳлилига бағишланган «Мардлик, муҳаббат ва дўстлик дostonи» мақоласида фольклордан ўрганишнинг аҳамиятига тўхталиб, бу соҳада улуғ рус шоири Пушкин ижодий тажрибаларига шундай баҳо беради: «Пушкин ижодининг сўнгги даврини фольклор даври деб аташ мумкин. Бу даврда Пушкиннинг бутун асарлари фольклор материаллари асосида ёзилган эди. Фольклор Пушкин ижодида айрим бир тасодифий ҳодиса эмас, балки бир муайян йўл, устанoвка ҳолида эди. Пушкин фақат рус фольклорига эмас, балки айни замoнда, Фарбий Европа фольклори берган материалларга ҳам мурожаат қиларди. Бу тасодифий эмас, иш принципи эди”.

Бу мулоҳазани Хамид Олимжоннинг фольклорга муносабатига ҳам тadbиқ этиш мумкин. Зотан, унинг ўтган асрнинг ўттизинчи йилларидаги ижодиётида фольклорга ижодий муносабат алоҳида босқични ташкил этади. Шоир ижодининг кўпчилик тadbқиқотчилари буни эътироф қилинган.

Шоир болаларга мўлжаллаб ёзган «Лола», «Ватан», «Она ва ўғил», «Хулкарнинг шеъри» ва «Самалёт» сингари қатор шеърларида халқ ижодига хоc унсурлардан маҳорат билан фойдаланди.

«Хулкарнинг шеъри» эркалама оҳангида битилган жажжигина балиҳа. Унда самимият руҳига йўғрилган ота муҳаббати балқиб туради:

*Тўшаб алвон-алвон гиламлар,  
Сенинг билан яшнасин баҳор.  
Сенинг билан хуш бўлсин дамлар,  
Сенга доим шодлик бўлсин ёр.*

*Сени кўрса очилсин гуллар,  
Сени кўрса ёнсин булбуллар.  
Сени кўрган бари топсин жон,  
Сен юрган ер топмасин хазон.*

Алангали қалбдан отилиб чиққан бу эзгу тилаклар ўз фарзандини сидқидилдан севган отанинг юракдаги шаффоф туйғуси эди. Шоирнинг бу туйғуси Ватаннинг, халқнинг ўз фарзандига муҳаббатининг ифодаси эди. Ижодкор ана шу туйғуни халқона эҳтирос билан анафора воситасида гоят жозибали ифодаланга эришган.

Шоир бола ва табиатни айри тасаввур қилолмайди, юқорида кўрганзимиздек, у болани табиат оғушида, унда уйғунланган тимсолда кўради, натижада, ўзбек болалар шеърлятида табиат лирикасининг гўзал намуналарини яратади. «Лола» табиат лирикаси мавзуидаги шундай шеърлардан. Унда инсон гўзаллиги табиатнинг тароватига уйғун инораларда тараннум этилган:

*Лола боғчага чиқиб  
Кечга қадар гул терди.  
Этак-этак тўплади,  
Ҳар кунгидан мўл терди.  
Сочига гул боғлади,  
Чаккасига тақди гул.  
Елкаларидан ташлаб,  
Гулга кўмилди буткул.  
Сўнгра, уйга келди-ю,  
Бирпас ётиб дам олди.  
Киприги юмилди-да,  
Гул каби ухлаб қолди.*

Гулнинг назокати, таровати кўзга яққол чалинини, ушбу поэтик образда бола-фарзанд сиймосини эъзозлашда янги бадий восита бўлиб, шоир талқинида бу образли ўхшатиш такрорланаётган эса-да, ҳар гал янги ранг ва янги маъно касб этади. Қолаверса, Лола шунчаки лирик қаҳрамон номигина эмас, балки у «этак-этак гул териб» «чаккасига таққан», «елкаларидан ташлаган» ва, ниҳоят, бағрига «буткул кўмилган» гулни ҳам ифода этади, шу зайилда бола ва табиат ўзаро сингишиб намоён бўлади. Шу фазилати туфайли бу шеър ўтгизинчи йилларда мактабгача ёшдаги кичкинтойлар лирикасида айрича аҳамият касб этган.

Шоирнинг «Ватан» ва «Самалёт» шеърлари кичкинтойлар алыт овози диапазонига мўлжалланган декламацион шеърлар.

Айтиш мумкинки, Ҳамид Олимжон ушбу шеърлари билан ўзбек болалар шеърлятига ҳарбий ватанпарварлик мавзуини олиб кирди ва чинакам фуқаролик мотивларининг қарор топишига улуш қўшди. Иккала шеърда ҳам манзара кўримли. Манзара фониди кичкинтой лирик қаҳрамон туйғулари жунбушга келган, бироқ, бу шунчаки туйғулар ҳаракати эмас, балки мурғаккина қалбларнинг адоқсиз ифтихорига йўғрилганлигидан ўзгача шаффоф нўртанани эслатади.

Ҳамид Олимжон болалар оғзаки қўшиқчилигида кенг тарқалган хукмлагичларга хос қушлар, ҳайвонлар ва ҳашаротларга мурожаат этиш анъанасидан ижодий фойдаланган ҳолда, «Самалёт» шеърини яратди. Бунда у хукмлагичларда мавжуд қалдирғоч, лайлак, турна, қарға, калхат ва бошқа шундай қушлар образларига мурожаат шаклидан фойдаланиб, улар ўрнида давр руҳини ифода этувчи, давр кудратининг тимсолига айланган самалёт поэтлик образини қўллади. Хукмлагичларда болалар қушларга тўппадан-тўғри мурожаат қилинса, Ҳамид Олимжон талқинида дастлаб боланинг самалётга мурожаат қилини учун табиий фон ярашади:

*Осмонларни тўлдириб  
Самалёт учиб кетди.  
Унинг кучли овози  
Оламни тутиб кетди.*

Айнан шу мисралар шеър якунида яна такрорланади.

Бинобарин, бу мисралар учун ҳам ибтидо, ҳам интиҳо вазифасини бажаради, шу хусусиятига кўра шеър композицион қурилишида қолишланини юза келтиради. Бундай қолишлани замирида эса, катта поэтлик ният ётади: бошқа бола диққатини ўзига жалб этадиган манзара ҳосил қилинади, яъни, кенг осмонда учаётган самолётнинг «кучли овози» бола нигоҳини ўзига тортач, у лочин акасини эслаб кетади ва самалётга мурожаат этиб, юрагида унга айтмоқчи бўлган ниятларини шундан изҳор қилади:

*Эй Ватаним қурган қуш,  
Тўхта, мени олиб кет.  
Тўхта, бир хат берайин,  
Қанотингга солиб кет.  
Осмонларда менинг ҳам  
Битта лочин акам бор.  
Хатимни бер, ўқисин,  
Ўқисин такрор-такрор.*

Хат мазмуни эса халқ дostonларида билдириладиган ёвни енгиб қайтиш истагидан иборат анъанавий мотивга ҳамоҳанг.

Ҳамид Олимжон умр бўйи халқ эртақларини тинглашдан толмади.

Бу ҳақдаги иқрорларини «Она» шеърда «Фақат севади-ю эртақ айтади», дея ифодаласа, «Ўзбекистон» шеърда «Эртақларга қулоқ тутардим», тарзида эътироф этган, ниҳоят, «Ойгул билан Бахтиёр» эртақ-достони деб очасида тинглаган эртақлари ва улардан олган таассуротларини яхлитроқ умумлаштиради: «Уйқусиз тунлари»да «Кўп эртақ эшитгандим», дея «ўша дамлар»нинг сурурини қайта туяди. Эшитганлари эса: «Ўзи учар гиламлар, Тоҳир-Зухра, Ёрилтош, ойни уялтирган қош, ўт боғлаган қанотлар, беқанот учган отлар, Бахтиёр билан Ойгул, сўйлагувчи деворлар, бола бўп қолган чоллар...» Ана шу эртақлар унинг «фикрини тортган», «ҳавасини орттирган», шировард-оқибатда, унинг санъаткор бўлиб шаклланишига таъсир кўрсатган ва ниҳоят унинг ўзида ҳам «То тонггача сўйласам эртақ», деган ижодий ниятни уйғотган эди.

Шоир болалигида тинглаган эртақлар силсиласида «Ойгул билан Бахтиёр»нинг бўлганлигини ўзи бирда, «Бахтиёр билан Ойгул, қиз бўлиб очилган гул» тарзида, иккинчи бор эса, «Аммо Ойгул-Бахтиёр эртагини у такрор қилар эди ҳар кечин», дея қайта-қайта таъкидлайди. Аммо, у фақат шу биргина эртақ сюжети доирасида қолиб кетмади. Кўпгина талқиқотчилар тўғри ва асосли таъкидлаганларидек, ўз асари сюжети устида ишланган «Маликаи Ҳуснобод», «Сусамбил» эртақлари сюжетлари, шунингдек, «Эрни эр қилалиган хотин», «Қаҳрамон», «Ялтилама сопол товоқ» эртақлари мотивлари, ҳатто, «Чамбил қамали» ва «Жиззах кўзғолони» (Фозил Йўлдош ўғли асари) каби халқ дostonларидан ҳам ижодий таъсирланди.

Шу сабабдан ҳам “Ойгул билан Бахтиёр” эртақ-дostonда муҳаббат ва бахт тарихи эмас, балки унга эришиш учун кураш тарихи эртақнамо йўсинда ифодаланган. Бу курашга жамиятда хотин-қизлар мавқеини тиклаш мотиви ҳам ҳамоҳанг. Шу сабабли асар воқеалари марказида Ойгул образи туради, у воқеаларни ҳаракатлантирувчи кучни бошқаради. Бу гоյа -эртақ-дoston асоси бўлган «Маликаи Ҳуснобод» эртагининг бош гоյаси. Кўринадики, халқнинг ўзида бу гоյа феодал муносабатлар жараёнида қадимда юзага келган. Ижтимоий тенгсизлик ҳамма замонларда аёлларни ўз ҳуқуқларини танишга ундаган ва бу халқ ижодида хилма-хил жанрлардаги асарларда, жумладан, «Маликаи Ҳуснобод» эртагида ҳам аксини топган.

Ойгул халқ эртақларида ҳамма замонларда ўз эрки, ўз ҳуқуқи, ўз муҳаббати учун курашиб келган аёлларнинг умумлашма мужассами даражасига кўтарилган. У подшолар таклифини рад этар экан, шунчаки ўз ижтимоий мавқеидангина келиб чиқмайди, балки подшоларнинг золимлиги, халқни истибдодга гирифторм этганлиги, маънавий субутсизлигини кўзда тутади. Худди шу хусусиятига кўра, у асардаги талқинда ҳатто Бахтиёрдан ҳам фаолроқдир. Рост, у подачи Бахтиёрни ижтимоий келиб чиқиши жиҳатидан ўзига тенглиги учунгина эмас, балки ҳам жисмоний, ҳам маънавий баркамоллиги учун ихтиёр этади. Чунки у:

*Гўзал эди ва чинор  
Қоматиға эди зор.  
Кўкраклари бутун бир  
Офтобни яширарди,  
Танларида бир умр  
Ўт ловиллаб турарди,  
Қиличдай ўткир эди,  
Рустам каби зўр эди.*

Бахтиёр худди шу фазилатлари билан Ойгул қалбини забт этганли ва шу фазилатлари туфайли унинг дилидаги орзуларни рўёбга чиқаришга кўмакдон бўла оларди. Чиндан ҳам асарда шу нуқтадан эътиборан, Бахтиёр Ойгул истакларининг ижрочисидай ҳаракат қиларди. Улар ҳамкорликда Сусамбилда «Янги бир дунё кура» бошладилар. Ниҳоят:

*Ойгул ҳимоясида,  
Бахтиёр соясида,  
Сусамбилда эркин, шод*

*Яшар эди халойиқ.  
Уни бутун одамзод  
Хаёл қилишга лойиқ.*

Аксар талқинотчилар ана шу талқинларда шоир шўро замонини алқаган деган қарашларни илгари сурганлар. Истиқлол йилларига келиб эса, бу талқинларга шоир замонасозлиги нишонаси сифатида қаровчилар ҳам тошилди. Аслида-чи? На уписи, на буниси. Чунки инсоният тарихи ҳаминча эрк ва адолат учун курашдан иборат бўлиб келган, халқ ижодиётида ҳам, мумтоз адабиётда ҳам бу кураш турли шаклларда, жумладан, озод ва фаровон юрт шаклида, Фаробийда эса «идеал шаҳар» тарзида ифодаланиб келингани назарда тутилса, Ҳамид Олимжон кишилигининг шу асрий ғоясини ўша анъанавий манتيқ доирасида талқин қилганлиги равшанланади.

«Ойгул билан Бахтиёр» жабрдийда халқнинг ўз ҳақ-ҳуқуқини, эрк йўлидаги курашини ифодаласа, «Симурғ ёки Паризод ва Бунёд» меҳнат аҳлининг ҳалоллигини, сўзи ва ишида собитлигини, мардлигини, ўз инсоний туйғуларининг чинакам эъзозкори эканлигини тараннум этади, сирасини айтганда, бу эртақ-достон учун манба вазифасини ўтаган «Симурғ афсонаси» Марказий Осиё халқлари, айниқса, ўзбек ва тожик фольклорида қадим замонлардан бери машҳурдир. У «Маҳистон афсонаси» номи билан ҳам юритилган. Оғиздан-оғизга кўчиб юрган бу афсонани улуғ Фирдавсий биринчилардан бўлиб ёзма адабиёт маҳсулига айлантирган. Симурғ билан боғлиқ эпизод «Шоҳнома» туфайли халқ ижодиётига кенг тарқалган «Рустам» эртагида қайта ишланиб, жозибаси янада ошгандир. Симурғ бу дунёда бўладиган воқеаларни ўз вақтида билиб туради. Золнинг туғилиш муддати, унинг оламдаги воқеаларни ўн йил илгари билладиган ҳукамо бўлиши ва минг йил яшашини шу Симурғ баёнот қилади. Халқнинг табиат стихиялари сирларини олдиндан билиш истаги Симурғ образида ана шундай ифодаланган эди.

Симурғ-афсонавий баҳайбат қуш. Унинг ёрдамида эртақ қаҳрамони энг мушкул, ҳатто уддалан амримаҳол бўлган ишларни бажаради, олис масофаларни кўз очиб-юмгунча босиб ўтади. Лекин унутмаслик лозимки, Симурғ ҳар қандай қаҳрамонга дарров кўмаклашавермайди. У яхшилиқ кўргач, муносиб жавоб қайтаради. Бунда анъанавий мотив-унинг болаларига тажовуз қилмоқчи бўлган ажлар ёки илонни ўлдириш шарт. Шу яхшилиги эвазига Симурғ қаҳрамоннинг фидойисига айланади.

Симурғ- антропоморфизм ҳолисаси маҳсули. Олам қиёфасига кира оладиган, оламдай ҳаракат қила ва сўзлана оладиган хусусиятлари қаҳрамонларга ғоят қўл келади. У истаса-кесакка айлана олади, истаса-қаноти ўткир қиличга айланиб, тоғни кесади. Халқ орзуларининг рамзи бўлган бу қуш Мурғуфармон, Кўктубулғон номлари билан ҳам юритилади. Маҳмуд Қошғарий ўзининг “Девони луғатит турк” асарида туркий халқлар ёзма адабиётини бу хусусда илк маълумот берганлардан бўлса керак: «Кўктубулғон-бир қушнинг номи. Айтишларича, бу қушнинг икки қанотида пўлат бўлади ва у қаноти билан тоққа уриб, бир томондан бошқа томонга ўтади. Бу сўзни менга ўзим фойдаланиб

юрган бир киши айтди» Шундан бошлаб, бу афсонавий қуш турк ва форс алфозларида турлича ғояларни талқин этишга воситачилик қилди. Буни Ибн Синонинг «Тайр рисоласи», Фаридиддин Атторнинг «Мангитқут-тайр», Алишер Навоийнинг «Лисонут-тайр», Муҳаммаднийез Нишотийнинг «Қушлар мунозараси»сингари асарларидаги талқинлар далиллайди. Халқ орзуларининг оташин куйчиси Ҳамид Олимжонни ҳам бу сеҳргар қуш мафтун этди. Нагжада, у 1939 йилда эртақ-достон устидаги ижодий иштини якунлади, дастлаб уни Республика радиосидан ўқиб эшиттирди. Дарвоқе, худди шу йилларда тожик шоири Муҳаммадҷон Раҳимий ҳам «Афсонаи Симури» достони устида ишлаётган эди. У бу достонни 1937 йилда бошлаган бўлса-да, келиб-келиб 1964 йилда тугата олди. Муҳаммадҷон Раҳимий ўз достонида халқ сюжетини айнан сақлаган. Достон марказида беш ғайни ботирларнинг Тағоб қалъаси маликаси Маҳистоннинг «учар от», «енгилмас қилич», «жаҳон кўзгуси», «ҳаёт олмаси» ва «ишқ шароби» топишдан иборат беш шартини бажаришларига оид эпизодлар ётади.

Ҳамид Олимжон эса, фақатгина ушбу манба билан чекланиб қолмади, унинг қаторида «Ойнаи жаҳоннамо», «Ботир ошиқ» сингари эртақлар сюжетларидан ҳам ижодий фойдаланиб, тамоман янги мазмундаги эртақ-достон яратди. Бунда унга Пушкиннинг халқ эртақларидаги ижтимоий мотивни кучайтириш анъанаси яна асқотди. Пушкин «Олтин хўроз»да шохнинг ғофиллигидан, «Шоҳ Салтан»да эса, унинг маънавий бузуқлигидан кулиб, эртақларидаги ижтимоий мотивнинг ўткирлигига эришган ва шу усулда зулмкорлар қиёфасини фожия этган эди. Ҳамид Олимжон ҳам «Ойгул билан Бахтиёр»да шохни зулм салтанати тиргаги сифатида кўрсатса, «Симури ёки Паризод ва Бунёд»да унинг субутсизлигини фожия этади. Шоир бу эртақ-достонида ёвузлик ва субутсизлик ҳукмронлигидаги муҳитда вояга етган Паризодни асарнинг марказий образларидан бири сифатида бўрттиради. Шу зайилда афсонада гўзаллик ва севги тимсоли бўлган Маҳистон ўрнида Ҳамид Олимжон ғоявий ниятига мос топбағир Паризод образи майдонга келган.

Паризод — худбин ва димоғдор хон қизи. Хон саройида барча пастканликлар муҳитида шаклланган. Шу сабабли, «қалби мрамардай совуқ» бу қиз «тишидан заҳар томган, ишидан ўлим ёққан, шохи осмонда, тирноғи қонда» бўлган дев билан хуфия ошно эди. Шу пастканлиги, бойликка ўчлиги ва камбағални назарига илмаганлиги туфайли Бунёдни ҳам сева олмасди. У — ваъдасига турмайдиган ношуд. У шу қалар юзсизки, девни енгиб келган ғолиб Бунёдга шу ниятдагина ваъда берганлигини тап олади:

*Чўлпонни севолмадим,  
 Ҳеч кўнги қўёлмадим.  
 Гурбатга қорғанимнинг,  
 Девга юборганимнинг  
 Сабаби шунда эди,  
 Кўнги тугунда эди,  
 Ўлиб кетар деб эдим,*

*Чириб кетар деб эдим,  
Қанча ботир бўлсанг ҳам,  
Зўр баҳодир бўлсанг ҳам,  
Тушагинг хас деб билдим,  
Аслингни наст деб билдим.  
Севолмадим сени мен,  
Чунки, мен — хон қизимен...*

Паризод - сурбстлик билан хоннинг қизи эканлигидан кериларкан, ўзини аслзода ҳисоблаб, оддий меҳнатканиларнинг «аслини наст» деб қарарди. Ҳамид Олимжон Паризод тимсолида феодал иерархияси ҳукмрон доираларидаги димоғдор ва субутсиз хотин-қизларнинг салбий умумлашма намунасини яратди.

Бунёд — Паризоднинг антиподи, аслзода эмас, оддий чўпон. Ишла ҳам, сўзда ҳам субути бутун. Шартнинг оғир-енгилини билмайди, эзгулик йўлида ўлимдан қайтмайдиган баҳодир. У — халқ паҳлавони. Номининг «гаширувчилиги» ҳам шу ниятнинг ифодаси. Ғоят камтар ва камсуқум инсон. Орият ва номусни баланд тутади. Ҳатто сўзида тутуриқсиз Паризод ҳаёсизларча уни таҳқирлаб, отасининг вазирига тегиб олганини айтганида, Бунёд «ўтда тутақиб»

*Не айтарин билмасдан,  
Тили сўзга келмасдан,  
Паризодни, хонни ҳам,  
Икки номард жонни ҳам  
Қиличдан ўтказмоққа,  
Ўлимга ютқизмоққа, —*

шайланганида ҳам қасос ўтида ёниб саройдан мардона чиқиб кетади. Паризод шарт қўйгани учун ёвуз девни ўлдирганлигини таъна қилмайди, аксинча, бу, гарчи, шоир бирор ишорада акс эттирмаса-да, элдошларини ёвузликдан қутқазгани учун шундай йўл тутгани ва газабланса-да, ҳеч нарса демай чиқиб кетиши, одамгарчилигининг нақадар юксаклигини кўрсатади.

Бу ўринда шуни таъкидлаш зарурки, бутун эртақ-достон давомида Симурғ Бунёдга биргина эпизодда — девни енгишни таъминлашидагина кўмаклашса-да, аслида, бу воқеалар драматизмни авж нуқтага чиқариб, тугунни ечишга очқич вазифасини бажарган ҳал қилувчи эпизоддир. Афтидан, Ҳамид Олимжон шунга урғу бериб, асарига «Симурғ ёки Паризод ва Бунёд» дея ном қўйганга ўхшайди. Бинобарин, асар номини қисқартириб ёки шоирнинг айрим мажмуаларида бўлганидек, «Семурғ» тарзида чалқанчириб ёзини нотўғрийдир. Негаки, афсонавий қуш номи - Симурғ бўлиб, унинг маъноси ўтгиз қушни англатади, форсча Семурғ эса уч қуш маъносидадир. Бунда микдордаги фарқ Симурғнинг бўрттирма тимсоллигини далиллашини унутмаслик лозим.

Хуллас, Ҳамид Олимжоннинг «Ойгул билан Бахтиёр», «Симурғ ёхуд Паризод ва Бунёд» эртақ-достонларида, академик Салоҳиддин Мамажонав тўғри таъкидлаганидек: «Озоллик, адолат ва бахтиёр ҳаёт учун кураш ғояси ётади. Буларда темани ҳам, мотивни ҳам, сюжетни

ҳам, қаҳрамонларни ҳам, образларни ҳам, баён қилиш ва тасвирлаш йўлларини ҳам халқ ижодидан олади. Халқнинг материали ва инаги билан шоир гўё янги бир сўзана тикди. Ўз қалбини, замондошларининг қалбини, ҳозирги давр руҳини халқ ижоди тори орқали ифодалади». Ҳамид Олимжон халқ эртақларининг вориси сифатида инн кўрди, халқ эртақларининг ижтимоий-ахлоқий мундарижасини халқона оҳанг ва поэтик вазнда реалистик ифода этди.

Шу боисдан ҳам шоирнинг халқ ижоди сирасида яратилган турли жанрдаги мазкур асарлари китобхонлар томонидан севиб ўқилмоқда.





# ОЛОВ БИЛАН ОЛОВ ҚЎШИЛСА...

Ҳар бир инсоннинг кўнглини англаш, дарди-дунёсини тушуниш учун унинг униб-ўсган ерини, камол тонган тупроғини билиш керак, деган ровийларнинг ибратли гапи бор.

Дарҳақиқат, сув қаёққа оқса, тош ҳам шу томонга юмалар экан. Ўтган йили “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти томонидан нашр этилган «Ёшлар китоби. 2008» мажмуаси ўзининг қамров қўлами, мазмун-мундарижаси, янги навқирон авлод ижодий изланишларининг, тафаккур тарзининг етакчи йўналишларини белгилашга кўра, эмин-эркин мулоҳаза юритишга асос беради. Энг муҳими, XX асрда шаклланган юксак бадиий-эстетик, тафаккур маданиятининг муносиб ворислари етишиб келаётганидан қалбга равшанлик югуради.

Эътиборлиси шундаки, навқирон авлоднинг наср, назм, бадиий таржима ҳамда адабий талқиқотчиликдаги изланишларида инсон шахсига, жамиятга, ижтимоий воқеликка, маънавий-интеллектуал, ахлоқий қадриятларга нисбатан янгича қарашларни кўрамыз. Ана шу янгича қарашлар дунёни янгича кўришга ҳамда тушунтиришга қаратилган моҳияти билан яхлитлик касб этган.

Табиийки, мажмуадаги барча ижод намуналарига бирма-бир тўхталиш, уларнинг ҳар биридаги фазилатлару кемтиклар хусусида батафсил фикр юритиш қийин. Шу боис, ҳар қайси фаслдаги ижодий изланишлар табиатини умумлаштирган ҳолда, асосий бадиий йўналишларни белгилашга ҳаракат қиламиз.

Аввало, шеърят хусусида. Ушбу фаслда, асосан, модерн йўналишига мансуб изланишлар етакчи.

Бу борада, Гўзал Бегим, Икром Искандар, Бектемир Пирнафас, Ҳусан Карвонли шеърларини алоҳида таъкидлагим келади. Ҳусусан, Гўзал Бегим шеърлари ингичка дили истеъдоднинг нафосатли шоира сифатида шаклланишидан далолат беради. Поэтик образлари тиниқ, қабарик, ёрқин. Улар, аввало, ҳиссий салоҳияти билан диққатингизни тортади. Кейин, ўта самимий ва табиий. Субҳи сабо янглиғ жозибали, ёқимли, юракларга титроқ солади. Шоира поэтик образларининг оригинал, оҳорли бўлиши учун муттасил изланади. Айниқса, туйғулар рангини чизинишга майли кучли. Табассум шивиридан унган сўзларни юрак қирраларини кўрсатишга сафарбар этади. Шу маънода, шоира кечинмаларини ишакка айлантираётгандек, туйғулар манзарасидан палак тўқиётгандек бўлади. Ёруғликни алқаётган соғинччи эслатади.

*Гул баргини юрагимдан олиб ўтган,  
Туйғуларимнинг биллур шаклини.  
Овоз хиёбонида эркалагувчи,  
Саксовул ифорида рақсга тушган.*

*Сабо сандиғидан озод бўлганча,  
Қушлар қироатин кўкка йўлаган.  
Пигоҳ кенглигига йўл олган эй сўз,  
Тиз чўккан товушлар сенинг қаршингда.*

Бу сатрлар «Эй суйдурғувчи» шеърининг ибтидоси. Назаримда, у инсон деб аталган энг мубҳам хилқатнинг ботини ила зоҳирини англашга қаратилган билгичнинг ройиши. Шоира туйғулар маъносини ранглар воситасида ифодалаш асносида, фикрга толдиради.

Навқирон авлод шеърлари мисолида айтадиган бўлсак, бадийи шартлиликка, рамзларга асосланган поэтик идрок ва ифода майли табора чуқурлашиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Кўнгил кўзи орқали ҳаётни кўриш, кўрсатиш, руҳоний дунё иқлимларини тушуниш, қабариқ образлар воситасида англашиш янгича бир тус олди. Бу нарса, шеърятимизнинг тимсолли идрокка таянган реалистик асослари кенгайиб бораётганидан далолат беради:

*Қари итлар ҳуради,  
Улар қари сукунат.  
Қари тоғлар тагида,  
Миниб сойнинг ёлини  
Қиқирлайди оймомо.  
Атиргулни ҳидлайди  
Сув сепилган кўчалар.*

Бектемир Пирнафаснинг «Қишлоқ кечаси» шеърдан келтирилган мазкур сатрларда лирик қаҳрамоннинг маҳзун, дилгир кайфияти туйғуларга, кечинма эса, ўз навбатида, фикрга, ўйчан мушоҳадалар ҳолатга айланаётир. Қари ит, қари ўлик сукунат, қиқирлаган ой, шамолнинг нафаси кўз ўнгимизда ҳис-туйғулар манзарасини ҳосил қилаётир. Ҳар бир образ зиммасига юкланган маънолари билан онг-шуурларда суратланади. Хаёлга толган, ҳиссиётга чўмган дилгир ҳолатлар ранги тиниқлиги билан ҳайратлантиради. Бу — тирикликнинг анланган ва кўрилган аснолари; тушунтириладиган туйғуларнинг бўёқлари, фикрладиган ҳолатларнинг маъноларидир (“Шамолнинг нафасини қитқилайди майсалар, келиннинг шарпасидан тун унутар ўзини” ёки “кўзларимга олиб чиқаман ҳеч қачон ҳеч кимга айтмаган хаёлларимни” сингари суратлантирилган кечинмалар). Улар бус-бугун ҳолда кўнгилнинг туб-тубига чўккан, хаёлга толган, фикрчан сукунатнинг ғалаёни сифатида анлашилади. Шоир айтмоқчи, ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал, умрнинг ҳар дами ғанимат, дея сукунат ҳайқираётгандек бўлади. Тирикликни қалрлашга, ўзликни билиш баробарида эъзозлашга, ёруғликнинг ғаниматлигини унутмасликка ундаётгандек туюлади.

Умр-тириклик оний, ҳусн-малоҳат киприк қоқгунчалик ўткинчи. Фақат, уларнинг фикрга айланган маънолари гўзалликнинг боқий лаҳзалари бўлиб хотираларда яшаб қолади.

Ёш шоирлар изланишларида туйғуларнинг кенг тасвирини чизиш, кечинмалар уйғотган фикр-ўйлар суратини чизиш ва ушбу жараёнда мушоҳада юритиш учун ўқувчига кенг имкониятлар бериш этакчи

хусусиятлар сирасидандир. Бундай дилгир ҳолатлар лирик қаҳрамонларнинг ўйга толган ғамгин аснолари суратлантирилган кўнгил парчаларидир. Булар ёшлар шеърининг ботиний-ички табиати. Ана шу маҳзун кайфиятлар, ўйга чўмган туйғулар, суратланган фикрлар бетакрор образлар орқали ёритилгани боисидан таъсири ҳам кучли. Негаки, бундай фикрчан туйғулар манзараси хотираларимизга кўчиб ўтади, узоқ яшаб қолади. Мазкур хусусиятлар навқирон авлод шеърлягининг эстетик таъсир салоҳиятини, бадииятини ҳам белгилаб бераётир.

XX аср бадиий-эстетик тафаккур маданиятида Чўлпон, Ойбек, Миртемир, Шайхзода, Асқад Мухтор, Рауф Парфи ижодий тажрибалари асосида алоҳида йўналиш сифатида шаклланган, юксак гўзаллик ҳолисасига айланган модерн шеърляти ишончли ворислар қўлида эканлигидан кўнглинг тоғдек кўтарилади. Ва ҳар бир миллатнинг ўз модерн (янги) шеърляти борлигини яна бир қарра тасдиқлайди. Хусусан, эркин шеър, сочмалар, модерн деб номланган алоҳида йўналиш Европа ёки Лотин Америка шеърлятидан ўрганилган, ўзлаштирилган эмас, аксинча, унинг илдиэлари қадимги туркий шеърлятнинг илк мумтоэ намуналари бўлмиш топ битикларга бориб боғланади. Топ битикларнинг ритм тузилиши, қофияга, маълум ўлчовларга бўйсунмагандек кўринган шаклий-зоҳирий белгилари, туйғу-кечинмалар ҳаётини объектив воқелик билан омухталиқда акс эттириш мазмуни, моҳияти бугунги эркин шеърдаги изланишларга далда-қувват бераётганлигидан мамнуният туямиз.

Сўздаги мусиқийликдан туғилган оҳанг туйғуларимизни тарбиялайди, бадиий умумлашмалардаги фикрлар ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий маънолари билан тафаккуримизга қувват бағишлайди. Ана шу эстетик таъсир, юксак бадиият- гўзаллик туйғулари инсон деб аталган бебаҳо хилқатни ҳимоя қилишга, умр -тириклик деб номланган беназир қадриятни, ҳаётни эъозланга, улуғланга ундайди. Бу -гўзалликнинг ҳаёт ҳақиқатларига, адолатга, эзуликка йўғрилган умумбашарий мазмун касб этганлиги далолатидир; поэтик сўз маданиятининг умуминсоний қадриятлар мақомига кўтарилган мазмун-миқёслари намунасилик.

Ўзлигини таниш, билиш соғинчи ва ўзлигини англаш, таниш иштиёқи, умиди лирик қаҳрамонлар маънавиятини белгиловчи етакчи омиллардан бири сифатида бўй кўрсатади. Ва, улар яхлит, мужассамлашган ҳолда, навқирон авлод изланишларининг яна бир муҳим хусусиятини намоён этади.

Навқирон авлоднинг поэтик образлар зиммасига юклаётган бадиий умумлашмалари янги, оригинал ва мазмундор. («Туннинг кипригида ўлгирибман жим», «Бопда рўмолимга жо бўлди дунё», «Юлдузлардан сизга тўн тикиб қўйдим», – Дилафрўз Чориева; «Ой, юлдуз гўёки кўзинга экилган», – Ойдиннисо; «Ошпоқ ҳовур пуркаб келди бир тулпор, келди-ю, депсиниб ерни уйғотди», «Минг йилдирки, ҳаёт кетмас бузилиб, Дуч келган бурчакка чўзилар шарша, Парда – деразага осар ўзини», – Носир; «Аё, тупроқ изим оҳлар этлими», «Кўзларимга йўллар тўналди. Кетиб бораёшти бир сўз ана орқалаб мени», – Дилрабо Мингбоева; «Сени юқоридан бир бор кўргали бўй чўзиб қарайди тераклар», «Шунда шодлигидан шаънинга қарсақлар чалади дарахтлар», «Тангрим, бахтга фарқ бўлган тонглар юбор. Шомлар бор соғинчимнинг ортида», – Озода Бекмуродова; «Чироқлар – зулматга санчилган камон»,

«Чинор япроғида куз титрар ҳамон» — Воҳид Лукмон; «Дарахтзордан чиқиб келди ой», «Дил титроқларим Сув юзида қалқиган япроқ», «Ой нурида туман яширин», «Тупроқсан деб камситма мени, Ҳар заррада осмон яширин», - Фароғат Худойқулова; «Мана, яна гуллади осмон», «Дунё кичирайди, юрак катгарди», «Соат санайверар соғинчларимни», — Ҳасан Карвонли).

Назарий адабиётлардан маълумки, сўз санъатининг эстетик таъсир кучини катарсис - покланин, деб изоҳланади. Бу нарса фақат фожеа жанрига мансуб асарлар учунгина хос эмас. Поэтик образлар замиридан сизиб чиққан туйғулар ҳақиқатида, фикр-тафаккур гўзаллигида ҳам ана шундай сеҳрли салоҳият мужассамлашган. Умидларда улғайин, ишончларда алданиш, ёлғонларда булғаниш ва ҳоказолар ҳис-туйғулар камалатини ташкил этади. Улар кўнгил ҳақиқатларини акс эттиришига, маънавий-ахлоқий ҳаётнинг кечинмалар шаклига кирган гўзаллигини ёритишига кўра қалбларни поклайди.

Мазкур ҳис-туйғулар эврилини ўзлигимизни топишга, билишга, ўзимизни танишга ҳамда танитишга йўналтирилган моҳияти билан нажиб. Ушбу жараёнда шеърхонни ҳам фикрланга жалб қилини, муайян хулосалар чиқариш учун кенг имконият яратилини покланишнинг бир кўриниши. Хусусан, қалбларни гўзаллик ҳис-туйғулари билан йўзиришнинг янгича ҳолатларидан биридир. Бу нарса, навқирон авлод поэтик тафаккур тарзининг янгича йўлларини қидираётганлиги, оҳорли бадиий образлар яратиш борасида муттасил изланаётганлиги далолатидир.

Бир неча авлод ижодкорларининг бешигини тебратган, пешонасида ўпиб, ардоқлаган, вояга етказган бош омил, бу — Ўзбекистоннинг тупроғи, суви, олови ва ҳавосидир. Шу заминнинг дарди-дунёси, шу юрт одамларининг севинчларию ғамлари уларнинг буткул борлигини белгилайди. Асарлари маъзани ташкил этган кўнгил асморлари навқирон авлоднинг нуқтаи назарларини, ҳаёт-жамият-одамни қанчалик тушунишини, ижтимоий-ахлоқий қарашларини, ижоланин бадиий-эстетик аҳамиятини намоён этади.

Иллю, ҳар бир авлод ҳаёт ва воқеликка ёндопишдаги, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий масалаларни бадиий талқиқ этишдаги ғоявий-эстетик принциплари билан ўзига хосликка интилади.

Хусусан, XX аср охири XXI аср бошларида илк китобларини (Ҳосият Рустамова), илк қиссаси (Ғафур Шермуҳаммад), вақли матбуотда илк ҳикоялари билан (Жаҳонгир Холмирзаев, Даврон Ражаб, Нодира Иброҳим, Иномжон Абдиев) ўз авлодининг маънавий-ахлоқий дунёсини, тафаккур маданиятини, психологиясини акс эттиришга интилаётганлиги кўзга ташланади. Кенжа авлод насрида мушоҳадакор, атроф-теварагида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга сезирлик билан жавоб қидирувчи, эзу қалбиятлар нуқтаи назаридан баҳоланга интилувчи, ўйчан-изланувчан қаҳрамонлар характерини яратиш етакчилиқ қилаётгир.

Айтиш мумкинки, бугунги навқирон авлод насри интеллектуал, мушоҳадакор қаҳрамонларнинг тўкислиги билан ажралиб туради. Шахснинг маънавий-ахлоқий ҳаётини ижтимоий воқелик психологияси билан вобаста ўрганиш, замондонларимиз феъл-атворидаги, табиатидаги одамийлик хислатлари билан баробар ғайриинсонийлик қусурларини ҳам тасвирлаш, кўрсатиш тамойили асосий йўналишлардан биридир.

Фикрчан мушоҳадакорлик асосида ўзини таниган ва билган, ўзлигини қадрлаган, ҳаётда ўз ўрнини белгилашга интилган курашчан, фаол қаҳрамонларнинг маънавий дунёсини, ахлоқий маданиятини таҳлил қилиш, уларнинг қувончлари, изтироблари, изланишларини ёритиш характерлидир. Бу сирада Фахриддин Солиқнинг «Йўл», «Тонг», «Яшил олам», Нодира Иброҳимнинг “Фумбаклар”, Даврон Ражабнинг “Уйкудаги туш”, Иномжон Абдиевнинг «Оққуш», «Тақдири азал» асарларини таъкидлагим келади. Кўнгил деб аталган бепоеён олам кўчаларини, турфа характерлару турли тақдирларни, одамнинг буюклигию тубанлиги орасидаги фарқ бир қарич эканлигини бадиий калф этишга, тасдиқлашга сафарбар қўлуғ изланишлар.

Хосият Рустамованинг «Сурат», «Қарз», «Ёзасан, деб айт», «Бу менинг ҳаётим», «Мен қасрга жойланганман?» номли миниатюралари, кундалик қайдлари ҳаётий кузатишлар, турмуш реалликлари асосига қурилган. Одамнинг маънавий-ахлоқий тўқислиги, интеллектуал комиллик хусусиятлари тирикликни гулга ўрайди, ҳаётни янада гўзаллаштиради, деган покдомон идеали билан кўнгилларга сингишади. Умуман, ёш адиблар асарларида ёзувчилик иқтидорлари шахсий ҳаётий кузатишлари, тажрибалари билан тасдиқланади. Шуниям айтиш керакки, навқирон авлод асарларининг қаҳрамонлари ҳаёт, тириклик деб аталган беназир ёруғлик қопида ўзларининг масъулиятини чуқур ҳис этадилар, инсон шаъни ва қадрини, одамийлик маснадини юксак туғиб янаш учун курашадилар. Ва, ўз маънавий-ахлоқий маданиятларини ошкор этишларига кўра, жамиятнинг соғлом ақл-идрокини кўз-кўз этаётгандек бўладилар. Мазкур қаҳрамонларнинг кийинини, сўзлашини, қўлгисию хагги-ҳаракатлари вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин, бахт, севги, яхшилик ва ёмонлик, хиёнат ва вафо, гўзаллик ва хунуқлик, тақдири азал ва пешонадаги ёзуқлар ҳақидаги тушунчалари, қарашлари, фикрлашлари янада жиддийлик, теранлик касб этиши муқаррар. Энг муҳими, ёш адибларимиз қаҳрамонлари психологиясида, тафаккурида шахсият эгалари бўлиш учун етакчи белгилари намоеён бўлиб бормоқда. Бу нарсаларни бадиий асарларга, адабиётга олиб кириш учун уларнинг иқтидорларига ишонган ҳолда, машаққатли изланишларида собит тоқат ва катта иштиёқ тилагим келади.

Яқин-яқингача жаҳон адабиётининг бадиий баркамол мумтоз намуналари фақат рус тили орқалигина ўзбек тилига ўтириб келинар эди. Қисман, араб, ҳинд, урду тилларидан қилинган бадиий таржималар мисолида дунё бадииятини ўқини, ўрганиш, тушунишга бўлган ташналикни қондиришга ҳаракат қилинарди. Европа ва Лотин Америкаси адабиётларини бевосита ўз тилларидан таржима қилишдек мулоқот маданияти оқсаб келаётган эди. Япон, инглиз, турк, француз тилларидан қилинган ўғирмалар ўзбек таржимонлари зумрасининг янги авлоди этишиб чиққанлигини кўрсатади. Абдувоҳид Умировнинг Ясунари Кавабата қаламига мансуб «Анор», «Бахт» ҳикояларини япон тилидан, Бегойим Холбекованинг Роберт Бернс шеърлари ва балладаларини инглиз тилидан, Алишер Отабоевнинг Сомерсет Моэмнинг «Тиланчи», «Хонадон» ҳикояларини инглиз тилидан, Индира Сайфиеванинг Жорж Семеновнинг «Метре ва кекса хоним» детектив асарини француз тилидан, Абдулатиф Абдуллаевнинг Сезан Каркач асарларини турк

тилидан ўғирмалари ўзбек таржимачилик мактаби янги босқичга кўтарилаётганининг кўринишидир.

«Адабий талқинотлар» фаслидаги Фарҳод Ҳамроевнинг «Ҳаёт фалсафаси ва шоир муҳаббати» мақоласи Абдулла Орипов билан Николай Рубцов ижодининг муштарак ва ўзига хос хусусиятларига бағишланган. Истеъдодли адабиётшунос Умида Тўлаганова «Тоғай Мурод насрида ритм» мавзуидаги талқиноти билан илмий-адабий жамоатчилик назарига тушган, оригинал мустақил таҳлил объекти ва ўз йўналишига эга бўлган олима сифатида ҳурмат-эътибор тошган эди. Маълумки, ритм бадиий асарнинг барча ички компонентлари билан уйғунликда зоҳир бўлади. Ушбу жараён адибнинг бадиий тафаккур тарзини, фикрлаш маданиятини, ижодий индивидуаллигини ҳам намоён этади. Хусусан, Тоғай Мурод асарларидаги миллийлик, бадиий яхлитлик, муסיқийлик, тасвирийлик каби жиҳатларга асосий диққат-эътиборини қаратади. “Насрий шеър” талқинотида эса шеърый санъатлар асосида ёзувчининг қаҳрамонлар психологик портретини яратишдаги тасвир тилиқлиги, ифода аниқлиги ва лўндаллиги, фикрлар теранлиги масаласига диққатни тортади. Сўз ва оҳанг уйғунлигини юзага келтириш ҳолатлари билан бирликда кузатади. Шу тариқа, бугунги ўзбек насри поэтикасини бойитишда Тоғай Мурод асарларининг тутган ўрни ва аҳамиятини ёритишга эришган.

Шунингдек, Муҳайё Исмоилованинг “Кўзларимга тошиб келди ҳайқириқ”, Иқбол Қўшшаеванинг “Заковат шуъласи”, Масрур Раҳимжоновнинг “Ғазал-марсия”, “Алишер Навоийнинг таркиббанд марсиялари”, “Тошбитикларнинг жанрий хусусияти ва йиғи-йўқловларга алоқадорлиги масаласи” номли мақолалари ҳам кўнгил кўри, фикр нури ила йўғрилган.

Бир сўз билан айтганда, “Ёшлар китоби. 2008” мажмуасига жамланган асарлар навқирон авлоднинг ижодий салоҳиятини, маънавий-интеллектуал ҳамда ахлоқий маданиятини кўрсатувчи мўъжаз кўзгучалар эканлиги билан ҳам эътиборлидир. Шу маънода, адабий-маданий ҳаётимизда чипакам ўз сўзини излаётган навқирон авлод зумраси майдонга келаётганлиги билан қадрлидир.



# ДОСТОНЧИЛИКДАГИ УСЛУБИЙ ИЗЛАНИШЛАР

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари адабиётида турли жанрларда, хусусан, тарихий, тасаввуфий, фалсафий, ижтимоий-ахлоқий йўсинда асарлар ёзини ўзига хос анъана бўлди.

Адабиётшунос олим Шавкат Ҳасанов тўқсонинчи йилларда яратилган достонларни таҳлил этиш асносида шундай фикрни айтади: “Бугунги достон комиллик масаласини фалсафий талқин этаётган экан, Имом ал Бухорий, Аҳмад Яссавий, Баҳовалдин Нақшбанд, Жалолиддин Румий, Боязид Бистомий, Нажмиддин Кубро, Алишер Навоий сингари комиллик мартабасидаги шахслар унинг сюжетида қонуний жой олмақда. Ижодкор эса ўзининг ахлоқий, маърифий қарашларини шу образларнинг шахсий сифат ва фазилатларига таяниб рўёбга чиқармоқда”. Эпқобил Шукурнинг Баҳовалдин Нақшбандга бағишланган тарихий-тасаввуфий мавзудаги “Нақшбанд” достони мана шу йўлдаги изланишлардан бири сифатида аҳамиятлидир.

Асарда эпиклик чуқур лиризм билан уйғунланиб кетган. Баҳовалдин Нақшбанднинг туғилиши, камолга етиши жараёнлари лирик ифода уйғунлигидаги сюжетда инкишоф тона борган. Эпқобил Шукур Баҳовалдин ҳаётидаги энг характерли даврларни қамалга олади. Шулардан бири Баҳовалдиннинг таваллули билан боғлиқ. Ҳиндувон бўйлаб ўтаётган қарвонда кетаётган улуғ мутасаввуф Бобойи Самосий шу юртда бир ўғлон туғилишини баёнорат қилдилар. Буни бирламчи манба Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асаридаги қуйидаги мулоҳазалар тасдиқлайди. Хожа Али Ромстанийнинг ногирли Бобойи Самосий “Қасри Ҳиндувондан ўтарда дер эмишларки, бу туфроғдан бир эр (ўғил бола) иси келадур. Қасри Ҳиндувон Қасри Орифон бўлгай”. Эпқобил Шукур достонда ана шу маълумотни бадиий қайта ишлаган:

*Бобойи Самосий отдан тушдилар,  
Бир чайқалиб кетди Қасри Ҳиндувон.  
Бир булоқ кўз очди босган изидан,  
Хизр ҳассасидан ёққандай имон.*

*Ҳиндувон тупроғин ҳидладилар сўнг,  
Абад шамолларин бўйлар эдилар.  
Илҳом товуш берди пирнинг тилида,  
Тупроқ ҳикматидан ўқиб дедилар:  
“Бу тупроқдан бир эр иси келадир,  
Ул эр файзи билан Қасри Ҳиндувон  
Кун етиб Қасри Орифон бўладир”.*

Бобойи Самосий тупроқни ҳидлаб кўриб, Ҳиндувонда бир авлиё туғилишини олдиндан айтадилар. Мазкур лавҳаларда дostonнинг эпиклик жиҳатлари бўртиб кўринади.

Эшқобил Шукур бу эпик воқеликни тасаввуфий мазмун орқали янада жонли ва табиий ифодаланга ҳаракат қилган.

Алишер Навоий юқорида эслатилган “Насойим ул-муҳаббат” асарида ўз фикрини давом эттириб, ёзади: “Ул эр исики, бизнинг димоғимизга етар эрди, ортуқроқ бўлубтур, ҳамонки ул эр мутаваллид бўлубтур. Аларнинг жалди бармуомала аларни кўксига қўйуб, ихлос ва ниёз била Хожа Муҳаммад Бобо дептурларки, “Ул бизнинг фарзандларимиздур ва биз ани қабул қилдуқ”. Дostonда ҳам ана шу воқелик Баҳоваддиннинг таваллуди бадиий тўқима билан уйғунлашган ҳолда ифодаланган. Мазкур жараён шоир Бобойи Самосий сафардан қайтаётгандаги ҳолати орқали рсаланптирилади:

*Бобойи Самосий, авлиё Бобо,  
Қасри Ҳиндувондан қайта ўтар чоқ,  
Оқ чанлар тўзгиган сомон йўлида  
Қадим ҳаёт билан сирлашди узоқ.  
Бир зум тин олди-да, сўнгра дедилар:  
“Димоғимиз сезган ўшал эр ҳиди бу гал  
Бу тупроқдан келди ортуқроқ”.*

Эшқобил Шукур қаҳрамонлари — Бобойи Самосий, Баҳоваддин дунёқарашларидан келиб чиқиб, ҳаётий хулосалар чиқаради. Бу, дostonнинг лирик чекинишлар қилинган ўринларида кузатилади. Бинобарин, асарнинг олтинчи қисмини шоирнинг дунё ҳақидаги фалсафий қарашлари жами дейиш мумкин:

*Одамлар қарийди, кулар қаримас,  
Авлодларни қаритиб, йиллар қаримас.  
Вақтнинг шамолида дунё устунлари  
Аччиқ куюндилар учар сарбасар.*

Ёхуд дostonнинг ўн иккинчи қисмида худди шундай ҳикматга ийғрилган лирик чекиниш мавжуд:

*Хорлик тупроғида ободлик бордир,  
Хоксорлик оёғида азизлик бордир.*

Шоирнинг бундай фикрга келиши бежиз эмас. Чунки хоксорлик — тупроққа тенг бўлиш тасаввуф фалсафасининг асосини ташкил этади. Шоир улуғ авлиёларнинг бадиий сиймоларини яратар экан, уларнинг хорлик тупроғида ободликка эринганликларини, хоксорликлари туфайли азизу мукаррам бўлганликларини алоҳида таъкидламоқчи бўлади.

Бонқа бир ўринда шоир ёзади: “Уйқу — тариқатдан енгилган ўлим”. Бинобарин, тасаввуф аҳли уйқуга ярим ўлим сифатида қарайди. Чунки, кўп ухлаш инсонга берилган қисқа умрни безамайди. Шунинг учун мазкур мисралар қатида шоирнинг ҳаёт ва ўлим ҳақидаги қарашлари яширинган. Демак, шоир ўрни-ўрни билан ўзининг ҳис-кечинмаларини,



воқеликка муносабатини лирик чекинишлар орқали баён қилиб борган. Бу эса, кейинги йиллар дostonчилигига хос муҳим хусусиятлардан бири сифатида намoён бўлади.

Умуман, тарихий-тасаввуфий мавзудаги “Нақшбанд” дostonи Эшқобил Шукурнинг бу сирага чуқурроқ кириб бoраётганлигидан дарак бeради.

Икром Отамуроднинг тўқсонинчи йилларда ёзилган “Узоқлашаётган оғриқ” дostonи назм ва наср уйғунлигида яратилган. Бу хусусият эса, уни халқ дostonларига яқинлаштиради. Дoston лирик характерга эга. Асар ўзликни англаш йўлидаги ҳаракатлар, энг муҳим ахлоқий тушунчалар: ҳақиқат, гурур, қалр, оқибат, меҳр, ишонч сингариларнинг фалсафий моҳиятини очишга қаратилган.

Асар «Узоқлашаётган оғриқ» мавзусида иншо ёзиш кераклиги ҳақидаги фикр билан бошланади. Шоир иншо ёзишга киришиб, дастлаб ён-атрофга, ўзи билган одамлар ҳаётига назар ташлайди: «Эсон бодхўрни тапирмидинг? Шўрариқ тўпарилан. Кўрмаган бўлсанг, эпиттан чиқарсан. У тўғрисида кўн тапириб юринди. Сўкиб юринди. Уччига чиққан мақтанчоқ, маҳмадона, такаббур эди-да, ўзиям. Кўрганам-кўрмаганам потмачумчуққа ўхшатарди, Бунақаларни ўз номи билан тушши дейишди. Икки гапининг бирида ман дерди. Кўкрагига урарди». Шоир бунда «ман» сўзига алоҳида эътиборни қаратади. Бу сўз салбий маънода гердайиш тушунчасини ифода этади. Шоир бу ўринда, Юсуф Хос Ҳожибнинг шу сўзга муносабатини келтириб «ман» дейиш фақат Оллоҳга ярашишини эслатади. Чунки, инсон Оллоҳнинг ожиз бандасидир. Унинг «ман» дейиши, феълида такаббурлик илдиэ отганини билдиради.

Шоир Эсон бодхўрга контраст ҳолда иккинчи бир инсонга юзланади. У Эшонқул исмли дарвештабиат бир киши: “...Кўтарма тузарида феъли, орқали бир киши бўлгучи эди:

*Тонгда ўлтирарди қиблага қараб,  
Кун чиқарга боқиб турарди шомда.*

Отини Эшонқул дейишарди. Яқинда оламдан ўтди бечора? Имони билан кетди. Кўпам қарри эмасди, Борган бўлса, қирқларда эди-да ёши... Эшонқул чархнинг нотанглигидан, ёлфончилигидан, масхарабозлигидан зардобга тўлиб кетган кўнглини бўшатиб юргувчи эди”.

Эшонқул «тонгда қиблага қараб» ўлтиради, шомда «кун чиқарга боқиб турарди», дея тасвирлайди. Бу билан шоир унинг намоз ўқишига, дин-диёнатли инсон эканлигига ишора қилади. Унинг янаш тарзи дарвешларникига ўхшаш.

Эътибор қилинса, Эшонқул монологи орқали тириклик маъноси, инсонийлик мазмуни очиб берилган. Субутга содиқлик энг муҳим ахлоқий жиҳат эканлиги эслатилган.

*Манфаат йўлида эркини тобут  
Айлаган қаллобнинг каъбаси — сурлик:  
Унинг юрагида инграйди субут,  
Унинг юрагида шердир бeбурдлик!*

Бугуннинг фожиаси шоир қаҳрамонини руҳий қийноққа солади. Ижодкор қаллоб қиёфасига ҳам чизгилар бeрар экан, манфаатпарастлик

алал-оқибат шу ҳолатга олиб келишидан афеус чекади. Субут – ўз сўзида туришдир. Қаллоблар юрагида бу туйғунинг аҳволи ночорланади. Шоир ана шу ҳолатни ташхис санъати орқали ифодалаб, “субут инграйли”, дейди. Демак, манфаатпарастлик инсонда яна бошқа иллатлар: субутсизлик ва бибурдликнинг пайдо бўлишига олиб келади.

*Ки ниҳол ўтқазмай боққа ҳам нуқул  
кўз тиксанг, нечоғли бўлмасин кўркам,  
кундан-кун тўкилиб тортади сийрак  
дарахтлар –хотирга суянган ўтмиш.*

Шоир ҳаётни боққа қиёс этади. Боққа ниҳол ўтқазиб турилмаса, вақт ўтиб, ундаги дарахтлар сийраклашини табиий. Ҳаёт ҳам худди шундай: у ҳаминча янгилашиб, яшариб туради. Бусиз у ўз мазмунини йўқотади. Инсон умр деб аталмиш боғда камолга етади. Шу боис, унинг ҳар кун турли рангларда акс этиши керак. Зеро, Икром Отамурод сатрлари бағридан фалсафий мазмунни истаганча топиш мумкин.

Алабиётшунос Нўъмон Раҳимжонов лирик дostonларни иккига бўлади:

1. Монолог типидagi соф лирик дostonлар.
2. Эпик элементли лирик дostonлар.

“Узоқлашаётган оғриқ”ни бу жиҳатдан соф лирик поэма сирасига киритиш мумкин. Чунки, унда “лирик қаҳрамон қалби ҳамда ундаги тугёнли ҳиссиётлар, кечинмалар ўйлар орқали объектни, воқелик манзараларини кўрамиз ва ҳис қиламиз”. Икром Отамуроднинг лирик қаҳрамони қалбидagi тугёнли кечинмалар миллат эрки, ўзлиги билан боғлиқ. Бу эса фалсафий мушоҳалакорлик, ўз навбатида, тимсолли ва рамзли фикрлашни тақозо этади. Шу боис, “Узоқлашаётган оғриқ”ни лириканинг фалсафий дoston турига киритиш мумкин.

Қўглибека Раҳимбоеванинг “Тавба” дostonи ижтимоий мазмунга эга. Мазкур драматик дostonда “озодликка ёв бўлган Сталин тузumi”-нинг аянчли манзаралари тасвирланади. Моҳиятан Саида Зуннунованинг “Руҳ билан суҳбат” дostonини эса солувчи бу асарда Арбоб, Шоир руҳи, Она образлари муҳим ўрин тутди. Сабаби, асарнинг бош қаҳрамони Шоир руҳи билан хаёлан суҳбат қурди. Руҳий мулоқот воситасида жамиятимизда юз берган фожиаларнинг илдишлари, хусусан, қатағоннинг миллатимиз бошига солган чексиз азоб-уқубатлари қаламга олинади. Арбоб босиб ўтган ҳаёт йўлини сарҳисоб қилар экан, унда савобли ишлар билан бирга, қанча хатоларни кўради. Кўн йиллар раҳбар бўлиб ишлаган бу Аёл – Арбобга ҳаминча бир нарса – “дўст кўмак тилаган” пайтда, қайтармаганлиги таскин беради.


Арбоб қалбини кемираётган ички изтироб, кечинмалар, асосан, монологлар воситасида юзага чиқади.

Дostonдagi яна бир лавҳа эътиборли. Шоир руҳи Арбобни безовта қилар экан, у ўтмиш кунларига қайтади. Бунда хотира усули етакчилик қилади.

Асарнинг бош қаҳрамони ўз хатоларини Шоир руҳи билан бўлган руҳий мулоқотда англайди. Бу жиҳати билан асар тўқсонинчи йилларда яратилган дostonларнинг бир кўринишини вужудга келтирди.

Демак, юқорида таҳлилга олганимиз “Нақшбанд”, “Узоқлашаётган оғриқ”, “Тавба” дostonлари тўқсонинчи йиллар дostonчилигидаги ижодий-услубий изланишлар меваси сифатида ўзига хос аҳамият касб этади. Уларда комиллик сари бўй чўзаётган инсон, кўнгил нидоларига қулоқ тугувчи шахс, ижтимоий ҳаётда содир этган хатоларидан озурда бўлган қалб тимсоллари ярақлаб туради. Бу эса, шоирларимизнинг дунёга, ижтимоий воқеликка теран нигоҳ ташлаётганларидан, кўнгил деб аталмиш маҳзаннинг қат-қатларига тобора чуқурроқ кириб бораётганларидан далолатдир.





Назиржон Назаров

## “МУРОДИМ ШУЛ ЭДИ...”

Чархий домла бир суҳбатимизда тошкентлик шоир Мискин Кўқон адабий муҳтида тарбияланиб вояга етган қатор ижодкорларга ғазал битганлиги ҳақида айтгандилар. Лекин, қанча қидиришмасин бу ғазал унинг бисотидан топилмади.

Халқимиз орасида: “Бордан йўқ бўлмайди”, деган пухта гап бор. 1995 йили Кўқон шаҳар ҳокимлиги манхур ҳофиз Эрка қори Каримовнинг 115 йиллигини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Мен шу пайтда “Санъат кенгаши”нинг раиси эдим. Санъатга яқин бўлганим учун асосан масъулият менинг зиммамга тушди. Ҳофизнинг ҳаёти ва ижодини кенг кўламда ўрганиш лозим эди. Чоп этилган китоблардаги маълумотлар у кишининг тўлақонли қиёфасини очиб беришда камлик қиларди. Гоҳ машинада, гоҳ пиёда юриб, кирмаган кўчаму бормаган қишлоғим қолмади. Энг қимматли фикрларни санъаткор отани кўрган, унинг ҳайратомуз кўшиқларини эшитиб, ҳатто, бирга куйлашган шогирдлари — Турдали ака, Кенжабой ота ва яқин қариндош-уруғлари баён этдилар.

Гапнинг индалтосини айтганда, ҳонанда ҳақида бир оғиз айтмоқчи бўлган одам ҳам бу ҳайрли ишдан четда қолмади. Энди, бас, деганимизда, Учкўприк туманига қарашли Маппат қишлоғида яшовчи Назирхўжа ҳофиз ҳақида ҳабар бердилар.

Назирхўжа ҳофиз саксон беш ёшда қаршилаган бўлсалар-да, хотиралари жулатиниқ, беғубор экан. Эрка қорини “Ёлланг” талбирини ўтказмоқчи эканлигимизни эшитиб, боши осмонга етган титидан ўзларини йўқотиб қўйди. Шошилгандан бизни ўтказишга жой тополмай қолди.

— Арзийди. Бу улғу инсон ҳақида қанча гапирсак камлик қилади. Ахир, у ўзбек санъатининг ёрқин вакилларидан эди-да. Мана, эшитинглар устоз Мискин домла Кўқон шоирларию Эрка қори шайнига қандай гўзал мисралар битган, — деб қўлига тарелкани олди-да, ёниб куйлай бошлади.

Кўшиқнинг мағни биз бир неча йиллар қидириб юрган ғазал эди.

— Бу қандай қилиб сизнинг қўлингизга келиб қолган, — деб савол берди ҳамроҳим шоир Фабибулло Саидгани. (Оллоҳ уни раҳматига олган бўлсин.)

— Э, ўғлим бунинг тарихи узоқ, — деб бўлган воқеани олимона фикрлар билан бирма-бир ҳикоя қилиб берди. — 1930 йилларнинг бошлари эди. Кўқонда кўптаб талантили шоир ва санъаткорлар етишиб чиқди. Уларнинг истеъдодидан нафақат Кўқон ва унинг атрофидаги туманлар, батки, Андижон, Намангон, Марғилон, Тошкент, Хўжанд, Чуст аҳли ҳам баҳраманд бўлишди.

Айниқса, шу даврда Чархий, Чустийнинг ғазаллари Эрка қори, Оббос қори, Мелиқўзи ота ва Кенжабой оталарнинг гўзал ҳонинглари орқали юксак-юксакларга, узоқ-узоқларга, парвоз қилди.

Кушларнинг бирида устоз Мискин Жангобдаги чойхонага келади. Кўқонлик кўшиқчиларга ўзининг самимий ҳурматини ифода этиб, Чархий домланинг яшаётган манзилини сўрайди. Сўнгра “Гул даста-даста”, “Баён дерман” каби кўшиқларни маза қилиб тинглаб, хонандалар билан хайрлашади.

Устоз Мискин Чархий ва Чустий ғазалларидаги ўйноқилик, ширинлик, мусиқийликнинг етуклиги, лиризмнинг кучлилиги, фалсафанинг чуқурлигига

мафтун эди. Камтар шеърятда нафаси баланд ижодкорнинг қалбида шундай ғазалнавис шоирлар билан кўриниш илгирчи туғилади. “Келдим” радифли бир ғазал битиб Кўқон томонга йўл олади.

Чархий хонадонлигилар домлани Фурқат боғидаги Каримжон аканинг пинам чойхонасида эканлигини айтадилар. Каримжон ака яхши кўлиқларнинг шайбоси.

Қаердан янги овоз чиқиб қолганлигини билиб қолса, тезда олиб келиб, бир сайратмагунча кўнгли жойига тушмасди. Шунинг учун унинг чойхонасига узоқ-яқиндан одамлар оқиб келишарди.

Мискин домланинг келиши ана шундай файзли кунга тўғри келади. Шоир Чархий, Ғарибий, Фироқий, Чустий, Жавдат, Абдулгалларнинг ўрни ҳар галгидай давранинг тўрисида. Халқ интизорлик билан Холқора ҳофизни кутишмоқда.

Мискин истироҳат боғига яқинлашганда, “Тошкент ироғи”нинг авжи фалакка етди. Хурсанд бўлганлигидан шоирнинг юраги дарёдай жўшиб кетди. Қаламлари юришдан тўхтаб, кўлиқни охиригача мириқиб эшитди. Ўзининг асарини гўзал, сержило, роҳатигон оҳангда эшитиши...

Кутилмаган меҳмон. Мискинни барча катта-ю кичик мухлислар катта қувонч билан кутиб олишди. Қизиқ, пинавандалар юрагини забт этиш учун минг-миглаб ғазаллар ёзиш шарт эмас экан. Агар битта кўлиқнинг элга манзур бўлиб, ўз ўрнини топса, бу шоир сўзининг тирикчилиги.

Чархий бошлиқ ижодкорлар устознинг йўлига пеннелар чиқиниб кучоқларини борича кенг очдилар. Давра яна гуруллаб, навбат Мискин домлага етди. Мискин домла Кўқон адабий муҳитига эътиқолу хурматини изҳор этиб, дил сўзларини завқ-шавқ билан жаранглор овозда ўқий бошлади:

*Адам саҳросини Мажнуниман дўстлар, қаён келдим,  
Хаёлим Лайли бирлан беҳуда, билмам, қачон келдим?  
Муяссар бўлса Чархий васли деб мен неча ахтардим,  
Билҳамдиллаҳ, нишон топдим, агарчи бенишон келдим.  
Ажаб, мухтожман ё раб, дуоини бир Ғарибийга,  
Қабул эт бу дуони хожати кўп норавон келдим.  
Писор айлаб бу жонни, Чустий чобук суҳбатин топдим,  
Муродим шул эди эй дил, ғалат ушбу жаҳон келдим.  
Бу бўстон булбули эрди фиғон бирла наво айлаб,  
Эшитгач носасин чашмида ҳам бағримда қон келдим.  
Чунон ҳақ Эрка қилмиш халқ ани савтини шайбоси,  
На дебман васлингга, эй тил ожизу безабон келдим.  
Ажаб, Фарғонада олмиш кўрдим номи ҳақ Олим,  
Сўзи ширинлигидан излаб-излаб меҳрибон келдим.  
Ниқоб андишаман Мискинлигимга доимо эй дил,  
Хижолатман бўлиб фарз аҳлига беармуғон келдим.*

Ғазал ниҳоясига етгач, унда номлари қайл этилганлар кўлиқларини кўксиларига қўйдилар. Ғарибий дуога қафгини очди.

Ўртага Эрка қори таклиф этилди. Унинг майин, пирали, булоқ сувилек шаффоф овозининг жозибали сеҳридан бутун борлиқ сархуш бўлиб қолди.

Мискин домла Кўқон аҳлининг шеър ва кўлиққа бўлган тапналигини кўриб, бу маъвода санъат ва адабиёт бежиз ривож топмаганлигига имон келтирди.

Ўша кунги тароватли дамларнинг ўхшашли йўқ лаззати ҳамманинг тилида, дилида қолди.

Мавлоно Мискин домланинг орзуси ушалди. “Келдим” радифли ғазали водий ҳофизларининг катта ашула йўлидаги дилбар, баркамол кўлиқига айланиб кетди. Биз Назирхўжа ҳофизга кўп раҳматлар айтдик.

Тарих заррача ҳам хира тортмабди. Чунки, у қоғозга эмас, катта санъаткорнинг юрагига ёзилган эди.

*Кўқон*



Муҳаммад Ҳаким

## ҲАЖВИЯЛАР

### ЖИН ЧАЛГАН ҚОРОВУЛ

— Масто-он! Во-о-ей, Мас-то-он!..

Гувиллаб эсаётган шамолда товуқхона эшигига тамба қўйиб қайтаётган Масто ая шундай ёнгинасидаги кўча эшикдан кимнингдир минғирлашини найқаб, қулоқ солди. Эшик қимирлаганини сезиб:

— Ким у? — деб сўради.

— Оч эшикни, — эшитилди таниш овоз. Масто ая эшик занжирини очди-ю, ерга бақадек чўзилган чолини кўрди, капалаги учиб, қўл-оёқларидан мадор кетиб:

— Вой, шў-ри-и-м! — деб бақириб юборди. — Нима бўлди сизга? Камроқ ичсангиз бўлмасмиди? — дея кўз ёш қилди ва энгашиб қўлтигидан олди. Лекин гумбаздек катта, тегирмон топидай оғир Надиқул акани кўтаришга йўл бўлсин.

— Ичмаганман, жин урди мени! — аста гўлдиради Надиқул ака.

Ўғил-қизлари чолни даҳлизга кўтариб киришди. Бирови кўрпани уч буклаб жой солди, пар ёстиқ қўйди. Чўзилгириб ётқизишди. Кўрққан бўлса керак деб, шиёладан қизиган тандирга сепгандай сув ҳам сепишди. Тезда бирин-кетин куёвлар йиғилишди.

— Дўхтир қақирайликми? — маслаҳат солди бир куёви.

— Йўқ, болам, мани дардим бошқа. Жин урганни дўхтир эшюлмайдди, — мишғирлади Надиқул ака кўзи юмуқ ҳолда.

Барчанинг кўнгли хуфтон, хотини, қизлари кўзларида ёш. Кенжа ўғли Вафоқул қўл-оёқларини босиб-босиб силайдди. Бир оз сукутдан сўнг ўзига келди шекилли, носқовоғини истаётган носкашдай атрофига аланглаётганида, кенжатоийи сўради:

— Дадажон сизга нима бўлди?

— Барига катталар айбдор, болам, катталар, — тилга кирди сал ҳушёр тортиб. — Уларнинг нафси наҳанг. Қуритилган буғдойдан керагича давлатга тошпирдик, унча-мунчасини омборда ғамладик. Муқдир Самат сатанг худди каламуш. Йўқ деганда бир қоп буғдой ёки маккажўхори ўмармаса хотини талоқ бўлади. Бонн ҳосилот Тўлан чўтирининг УАЗи тўрт қонни бугуноқ шамоллатди. Мен қоровулман шу даргоҳда, бир қоп ошпан-ошпан-да, дебману, палакат босиб жинкўчадан юрибман, панароқ деб. Анави Қоровой карнайнинг эшигидан ўтишимни биламан,

ё тавба қилдим, осмони фалакдан учиб келган қанотли махлуқ тиканли темирдай қаттиқ бармоқлари билан бўйнимга чунонам чанг солдики, елкамдаги қош билан ағдарилиб тушдим. Бай-бай, ўйласам вужудим титрайди. Сув бергин, томоғим тақиллаб кетди, вой-восей, ух!..

Надиқул ака ингради. Сўнг аранг ёстикдан бош кўтарди.

Қизи оғзига тутган пиёладаги совибгина қолган чойдан бир-икки ҳўшлам ютиб ганида давом этди:

— Дод солдим, қўйвормади. Ердаям роса типирчиладим, қутулиб кетинга интилдим. Панжалари тиканли десам, вужуди кўзтикан экан, бадбахтнинг. Зуваладай айлангириб мижиқлади. Қанча олишганимни билмайман, ҳушга келиб қарасам, уям чарчабди некилли, кўли бўйнимдаю, бўш қўйворган. Бир амаллаб орқага эмгаклаб чангалидан чиқдим, ўзимни четга олиб, беш-олти олим судралиб ўтирилсам, қоннинг устига ўтириб, деворга суяниб пинакка кетганга ўхшайди. Тилимга келган калимани ўқидим. Тагин чангалига тушиб қолишдан қўрқиб, бор кучимни тўшлаб орқамга қарамай югурдим. Тонн-шағалга қоқилиб, бир-икки муккам билан тушдим. Э Худо, бандам дегин, шарманда қилмагин!

Надиқул аканинг атрофида ўтирганлар вужуди қулоққа айланган эди. Кўзлар ваҳимали боқали.

— Жин урган мани, ўлиб кетаман. Анавилар орқамдан сўкиб юришмасин. Омборхонага ҳозироқ ўтинлар. Тўғридаги бостирма тагида уч қош буғолтирнинг омонати, икки қош мехайник улуши — эски гилдираксиз пирсепнинг устида, похол тагида, келса берворинлар. Каравот тагидаги бир қош буғдой Салой ўғриники.

— Ўғрига бало борми? — гап қистирди кенжа ўғли.

— Қинғирликни кўриб, зақунлашган, улар билан ундоқ қивораман, бундоқ қивораман деб. Ўшандан бери у хонасалот ҳам насибали...

Фонар ёқиб бораётган икки ўғил ва куёв Қоровой карнайнинг эшиги олдида бир қора кўриб ҳайрон бўлишди.

— Қаранг-а, — деб бўғилди кенжа ўғил, — дадамизнинг жонига қасд қилган махлуқ Қоровой аканинг деволдан шамолда учиб ўтган ошқовоқпалак экан...

## ТУҲМАТ ВА ШАРОБ

— Бахтим чошмагани шу: мана шу чорраҳага келсам, қизил чироқ кўзини лўқ этиб йўлимни тўсгани тўсган, — гудурлади Миртой тормозни босаркан. Мана бунисининг қилиғи ортиқча, нима демоқчийкин?

Олатаёқ кўтарган гўладай семиз, пакана, устига қора кўн бушлат кийган милиционер таёғи билан “манжинани четга олиб ишорасини қилди.

— ДАН ходими сенжарт Милтиқов бўламан, ҳужжатларни бир кўриб қўяйлик, — деди расмиятчилик билан хотиржам, шамдай қотган панжаларини қулогининг яқинига олинг ишорасини қилди.

— Битта кичкинагина акт ёзиб қўямиз-да, ўртоқ ҳайдовчи, — пинагини бузмай кўнимча қилди сержант ҳужжатларга кўз югуртириб бўлгач, оқ қоғоз устига қалам тиркаб.

— Нима гуноҳ қилдим, мулла ака? — ҳайратдан ёқа ушлаб сўради Миртой.

— Мулла акангиз уйингизда ўртоқ ҳайдовчи. Менга “ўртоқ сержант” деб мурожаат қилинг, — расмиятчилик отидан тушмади Милтиқов. — Ичволиб рул бошқариндан уялмайсизми, ўртоқ ҳайдовчи?

- Ёшпирай, куруқ тўхматингдан асра. Ким айтди мени ичган деб? – ҳаяжонланиб сўради ҳайдовчи.
- Ана, бурнингиз носқовоқдай қизариб турибди, – бармоғини бигиз қилиб кўрсатди сержант.
- Оғзимга спиртли ичимлик олмайман асло, ишонинг.
- Эртагингизни болаларингизга айтинг, ўртоқ ҳайдовчи, мени алдайман деб урина кўрманг.
- Ишонмайсизми? Мана ҳужжат сизга, – костюм-шим чўнтақларини пайпаслаб, тўрт букланган эскигина қоғозни олиб узатди ҳайдовчи.
- "... Миртой Қоратоев касалланиб, бурни қизариб қолган...", – аста кўз югуртириб пичирлаб ўқиди Милтиқов.
- Биладан, буни олиш учун ҳақимларга гапиргансиз, – кўз қири билан Миртойга қараб илжайди сержант.
- Тушунмадим, қандай гапираман?
- Гапиргансиз, ўзингизни гўлликка солманг, куруққа мушук офтобга чиқмайди.
- Қизиқсиз-а, одам ганирмаса, ҳақим дардини қаердан билсин.
- Ҳа, ана, тилингиздан илиндингиз, барига иқрорсиз. Бизгаям гапирасиз, – ручкани қоғоз устига ўйнатди Милтиқов.
- Йўқ, ўртоқ сержант. Сиз мени танимайроқ турибсиз.
- Бир кунда сизга ўхшаган юзлаб ҳайдовчи билан гаплашаман. Қайси бирини эслаб бўлади, бошим компютермас-ку.
- Мени-ку танимадингиз, ақалли машинага бир қаранг, танимадингизми?
- Нима қилти машинангизга, эски тўрт юз саккиз-да, шиналари ейилган, тугуниям қуюқ чиқса керак.
- Танимадингиз, ўртоқ Милтиқов, танимадингиз! Эшитинг, танитиб қўяй бу мошинани сизга: бир ҳафта бурун якшанба кuni намози аср маҳалда Ботирқишлоқдаги "Қайнарбулоқ" чойхонасида ўзингизга ўхшаган ликопчадай "ДАН" ёзилган тунукани қалаб олганлар билан улфати чор бўлиб, паловхўрлик қилиб чиқдингиз. Қарасам, бурнингиз меникиданам қизарган. "Мотор стук берди, сал нарироққача сулраб борайлик, илтимос" дедингиз мени йўлдан тўхтатиб. Чойхона атрофида мошиналар турнақатор эди. Биронтаси кўнмовди. Одамгарчилик деб йўқ демадим. Бир умрлик қадрдоним, биродарим бўлдингиз, деб хайрлашдингиз...
- Э, бўлди-бўлди, эсладим, – дулуқланиб қолди Милтиқов. – Индалюсини айтсам, биродар, – атрофга аланглаб қараб олди у, – сизам эркак, бизам эркак. Ароқни эркак киши ичади. Ичгандан кейин нима ишлар бўлмайди дейсиз? Кўча тўла машина, дарёдай оққани-оққан, қайси бирини эслайсан киши. Мана, яхшиям эслатдингиз, яхшигина танишиб олдик. Етти ухлаб тушимга кирмаган воқеа бўлганига иқрорман. Энди, биродари азиз, шунақанги ҳолатларда учрасак, ўзингизни танитинг, буксир десангиз бас – яхши парол, тўғрими?

*Наманган*